Ўзбекистон Республикасининг

Қизил Китоби I

КРАСНАЯ КНИГА Республики Узбекистан

The Red Data Book of the Republic of Uzbekistan

ЎСИМЛИКЛАР

Растения

Plants

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚИЗИЛ КИТОБИ

2 жилдли

I ЖИЛД

КРАСНАЯ КНИГА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В 2-х томах

ТОМ I

THE RED DATA BOOK
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

In 2 volumes

VOLUME I

ТОШКЕНТ – 2019

ББК 42(5Ў) Ў 32
УДК 502.172:582(575.1) Ў 32

Биология фанлари доктори, профессор Фурқат Ҳасановнинг умумий таҳрири остида

Ў 32
Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, I жилд: Ўсимликлар; Ф.Ў. Ҳасановнинг умумий таҳрири остида. Т.: "Chinor ENK" экологик-ноширлик компанияси. - 356 б. - Тит. в. ўзбек, рус ва инглиз тилларида.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби I жилдида ўсимликлар оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари тўғрисидаги маълумотлар жамланган бўлиб, унда ҳар бир турнинг қисқача тавсифи, тарқалиши, ўсиш шароити, сони, кўпайиши, ареалининг ўзгариш сабаблари, маданийлаштирилиши ва муҳофаза чоралари кўрсатилган.

Китоб экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ботаниклар, ўсимлик дунёси билан қизиқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 42(5Ў) Ў 32
УДК 502.172:582(575.1) Ў 32

Тақризчилар:
Т.А. Мадумаров,
биология фанлари доктори, профессор
Л.Х. Ёзиев,
биология фанлари доктори, профессор

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Б.Т. Қўчқоров,
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Ф.Ў. Ҳасанов,
биология фанлари доктори, профессор

К.Ш. Тожибаев,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор

Ў.П. Пратов,
биология фанлари доктори, профессор

И.В. Белолипов,
биология фанлари доктори, профессор

Ҳ.Ф. Шомуродов,
биология фанлари доктори

Н.Ю. Бешко,
биология фанлари номзоди

С.Ғ. Мухторалиев,
"Chinor ENK" экологик-ноширлик компанияси раҳбари

Под общей редакцией доктора биологических наук, профессора Фурката Хасанова

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Б.Т. Кучкаров,
председатель Государственного комитета Республики Узбекистан по Экологии и охране окружающей среды

Ф.О. Хасанов,
доктор биологических наук, профессор

К.Ш. Тожибаев,
академик АН РУз, доктор биологических наук, профессор

У.П. Пратов,
доктор биологических наук, профессор

И.В. Белолипов,
доктор биологических наук, профессор

Х.Ф. Шомуродов,
доктор биологических наук

Н.Ю. Бешко,
кандидат биологических наук

С.Г. Мухторалиев,
руководитель экологической издательской компании "Chinor ENK"

ISBN 978-9943-313-86-6
© "Chinor ENK" экологик-ноширлик компанияси, 2019.

КИРИШ

Атроф-муҳитни, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш инсоният учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга. Инсоният табиатдан фойдаланар экан, унинг асрлар давомида шаклланган табиий манзарасини ўзгартирмоқда, унга салбий таъсир кўрсатмоқда. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши, табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда. Натижада ўсимликларнинг камайиб кетиш хавфи туғилмоқда. Бу эса ўсимликлар дунёси генофондининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Ҳар қандай турнинг йўқолиши бошқа нохуш оқибатларга олиб келиши аниқ. Таъкидлаш жоизки, ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигида экиладиган маданий навларни яратишда бирламчи асос сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирда 4 400 га яқин олий ёввойи ўсимлик ва 2 000 дан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўплаб камёб эндемик ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 300 дан ортиқ бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10–12 фоизини ташкил этади.

Республика қўриқхоналарида муҳофаза қилинаётган ўсимликларнинг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлишига қарамай, кўплаб ёввойи турларнинг табиий захиралари кескин камайиб кетмоқда. Дунёга донғи кетган лола ва саллагуллар, қимматбаҳо ўсимлик – етмак, доривор ўсимлик – бозулбанг кабилар кейинги йилларда кескин камайиб кетди. Бир қанча турлар йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди.

Аҳолининг табиатга нотўғри муносабати ҳам ўсимликларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, шаҳар ва қишлоқлар атрофида қизил лола, саллагул, ширач ва шунга ўхшаш нафис гулли ўсимликлар жуда камайиб кетган.

Табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан беписанд муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, атроф муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

1992 йил 9 декабрда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, 2004 йил 3 декабрда "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунлар, 2016 йил 21 сентябрда "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", 2018 йил 16 апрелда эса "Ўрмон ҳақида"ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Бу қонунлар барча ўсимлик турларини сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистонда Қизил китоб илк бор 1979 йилда таъсис этилган. Мазкур Қизил китобга наботот оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари ҳақида маълумотлар киритилган. Бундан кўзланган мақсад, жамоатчилик ва давлат идоралари эътиборини табиат муҳофазаси масалаларига жалб этишдан ва турлар генофондини сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборат эди.

Қизил китобнинг 1984 йилги нашрига Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида қолган 163 та тури киритилган. Бу турларнинг тақдири билан республика мутахассислари, олимлари муттасил шуғулланиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони анча кенгайганлигини кўрсатмоқда. Масалан, анзур ва Суворов пиёзлари олдинги ҳолатига келмаган бўлса-да, маълум даражада кўпайди. Энг камёб ўсимликлардан саналган Минквиц тезиуми турларининг сони 7 тадан 17 тагача ортди. Қурама тизмасида камёб ўсимликлардан ҳисобланган Коро-

вин ширачи ўсимлигининг мавжудлиги аниқланди. Айни вақтда айрим ўсимлик турларининг сони кескин қисқариб кетган. Омонқора ўсимлиги, Писком пиёзи, Маргарита мармараги кабилар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасига мансуб яна 138 турдаги ўсимликни Қизил китобга киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. 1998 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимлик турларининг сони 301 тани ташкил этган бўлса, янги нашрдан 49 оилага мансуб 314 турдаги ўсимлик ўрин олди.

Қизил китобга киритилган ўсимлик турларига Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг томонидан ишлаб чиқилган таснифга биноан камёблик даражасига кўра 4 та мақом (статус) берилди.

0. Йўқолган ёки йўқолиб кетганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Бир неча йиллар давомида табиатда учратилмаган, лекин йиғиб олиш қийин бўлган айрим жойлардагина ёки маданий шароитда сақлаб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлган турлар. IUCN Red List нинг тахминан EX (Extinct – Йўқолган) ва EW (Extinct in the wild – Ёввойи табиатда йўқолган) тоифаларига мувофиқ келади.

1. Йўқолиб кетиш арафасида турган. Йўқолиб кетиш хавфи остида қолган, сақлаб қолиниши учун махсус муҳофазани талаб этадиган турлар. IUCN Red List нинг тахминан CR (Critically Endangered – Бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган) и EN (Endangered – йўқолиб бораётган) тоифаларига тўғри келади.

2. Камёб. Маълум кичик майдонлардагина ўзига хос шароитларда сақлаб қолинган, аммо тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар. IUCN Red List нинг тахминан EN и VU (Vulnerable – Заиф) тоифаларига мувофиқ келади.

3. Сон жиҳатдан камайиб бораётган. Сони ва тарқалган майдонлари маълум вақт ичида табиий сабабларга кўра ёки инсон омили таъсири остида камайиб кетаётган турлар. IUCN Red List нинг тахминан VU и NT (Near Threatened, Йўқолиб кетиш хавфи яқин) тоифаларига тўғри келади. Айни вақтда, бундай ўсимликларни ҳар томонлама назоратга олиш талаб этилади.

Ўсимликларнинг мақоми турғун эмас, балки ўзгарувчандир, яъни, вақт ўтиши билан муайян ўсимлик бутунлай йўқолиши ёки кўпайиб, муҳофаза қилиш даражасидан чиқиб кетиши мумкин.

Қизил китобда ҳар бир турнинг ўзбекча, русча, лотинча номлари ва уларнинг қайси оила ҳамда туркумга мансублиги кўрсатилган. Шунингдек, турларнинг қисқача тавсифи (ҳаётий шакли, бўйи, шох-шаббаси, барги, гули, меваси ва фенологияси), тарқалиши ва чизма харитада учрайдиган жойлари келтирилган. Табиий шароитда ўстириш усулларига ҳам тўхталиб ўтилган. Баъзи ўринларда муайян турни тажриба майдонларида ёки саноат асосида етиштириш имкониятлари баён этилган. Муҳофаза чоралари масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Турларга тавсиф берилар экан, соҳага доир адабиётлар ва гербарий маълумотларидан, шунингдек, кўп йиллик кузатишлар натижаларидан ҳам фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси Ботаника институти (аввалги Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти) илмий ходимларининг кейинги йиллар ичида вилоятлар бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишларининг самараси ўлароқ, Қизил китобнинг аввалги (2009) нашридаги маълумотлар янгиланди, яъни, Қизил китобнинг янги нашрига айрим ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистонда кам учраши, тарқалиш ҳудудлари, яъни ареаллари, асосан бошқа мамлакатлар (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқалар)га тўғри келганлиги сабабли, ботқоқ тошёрари, кечки ллойдия, Мартиус қиличўти, Олтой троллиуси,

юмалоқбаргли парпи, Тожикистон етмаги ва бошқа бир қанча турлар Қизил китобдан чиқариб ташланди. Улуғбек скабиозаси, Ольга сорбарияси, Олой наталиелласи ҳам қизил китобдаги турлар рўйхатидан чиқарилди, сабаби, ҳозирги кундаги маълумотларга кўра, уларнинг ареаллари Ўзбекистон ҳудудига тегишли эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар Келлер астрагали, Олатоғ заъфарони, Ольга сохта клаусияси, Северцов муғултови, Липская чандири сингари турларнинг кенг тарқалганини, ортиқ уларнинг йўқолиб кетиш хавфи йўқлигини кўрсатди. Шунга асосланган ҳолда, мазкур турлар Қизил китобдан чиқарилди. Мақоми 0 га тенглаштирилган, яъни йўқолиб кетган деб ҳисобланувчи турлар сони 19 тадан 15 тага қисқарди. Шунингдек, 12 та ноёб ва эндемик тур ҳам Қизил китобга киритилди, улар орасида сўнгги бир неча йилда аниқланган ва ҳали фанга номаълум бўлганлари ҳам бор. Қизил китобнинг аввалги нашри билан янги нашрини таққослайдиган бўлсак, эндиликда 157 та турнинг мақоми ўзгарди. Шунингдек, аввалги нашр чоп этилганидан бери номенклатурага киритилган кўп сонли ўзгаришлар туфайли, шу жумладан, ДНК-таҳлиллаш усулидан кенг фойдаланилиши муносабати билан узоқ вақт давомида махсус адабиётларда қўлланилиб келинган кўплаб таксонлар (турлар, туркумлар, оилалар)нинг илмий номлари ҳам ўзгарди.

Қизил китобнинг мазкур янги нашри мутахассислар, давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига қўриқхоналар ва буюртмахоналарни кенгайтириш, ёввойи ўсимликлар сотишни тақиқлаш, хомашё учун йиғиладиган ўсимликларни териш учун лицензиялар жорий этиш каби бир қанча долзарб масалаларни қўяди.

Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирок этган тақдирдагина ижобий самара беради. Барча якдиллик билан ҳаракат қилсагина, наботот оламининг бебаҳо бойликларини сақлаб қолишга, уларни асраб-авайлаб, муносиб равишда келгуси авлодларга қолдиришга эриша оламиз.

ВВЕДЕНИЕ

Проблема охраны окружающей среды, растительного мира имеет огромное, жизненно важное значение для всего человечества. Пользуясь природными ресурсами, человек отрицательно влияет на формирующиеся веками природные ландшафты. Развитие промышленности и сельского хозяйства, широкое освоение природных территорий приводит к нарушениям экологического равновесия, в результате которых постепенно возрастает опасность оскудения видового состава флоры и утраты генофонда растений.

Исчезновение любого вида влечет за собой необратимые последствия, так как дикорастущие растения являются исходным материалом для создания ценных сортов многих сельскохозяйственных культур.

На территории Узбекистана насчитывается около 4 400 видов дикорастущих высших растений и более 2 000 видов грибов. Среди них более 300 редких, эндемичных и реликтовых видов (10–12 % флоры), для охраны которых необходимы эффективные меры. И хотя состояние флоры, охраняемой в заповедниках, относительно благополучно, природные запасы многих дикорастущих видов резко сократились. Так, вследствие усиленной промышленной заготовки уменьшились ареалы тюльпанов и пионов, мыльного корня, зайцегуба опьяняющего. Значительное число видов находится на грани исчезновения.

Большой ущерб дикорастущей флоре наносит бесконтрольный сбор редких лекарственных и пищевых растений (особенно луковичных, клубнелуковичных и корневищных, выкапываемых вместе с подземными органами), принимающий все более угрожающие масштабы.

Потребительское отношение к живой природе, в том числе к растительному миру – недопустимо. Сохранять и приумножать природные богатства страны – обязанность всех граждан.

Обретение Республикой Узбекистан политической и экономической независимости дало принципиально новый импульс в деле охраны окружающей среды, растительного и животного мира. 9 декабря 1992 года был принят Закон "Об охране природы", 3 декабря 2004 года – Закон "Об охраняемых природных территориях", 21 сентября 2016 года – новая редакция Закона "Об охране и использовании растительного мира", 16 апреля 2018 года – новая редакция Закона "О лесе", которые являются документами государственной важности, способствующими сохранению растительного мира страны во всём его многообразии.

В 1979 году была учреждена Красная книга Узбекистана, где собраны основные сведения о редких и находящихся под угрозой исчезновения видах флоры. Задача Красной книги – привлечь внимание общественности и государственных органов к проблемам охраны живой природы, помочь сохранить генофонд.

В издание Красной книги 1984 года были включены 163 находящихся под угрозой исчезновения вида растений, судьба которых находилась и находится в центре внимания учёных и специалистов республики. В последние годы многое изменилось. Установлено, например, что площадь и численность некоторых видов растений увеличилась (лук стебельчатый, лук Суворова и др.). А количество ов очень редкого вида тезиума Минквица возросло с 7 до 17. Впервые на Кураминском хребте обнаружена популяция редчайшего вида – ширача Коровина. В то же время численность ungернии Виктора, лука пскемского, шалфея Маргариты и др. резко сократилась.

На основании исследований последних лет сделан вывод о необходимости дополнения списка "краснокнижников" ещё 138 редкими таксонами. Таким образом, в изданную в 1998 году Красную книгу независимого Узбекистана был включен 301 вид растений. А в новое издание занесены 314 видов растений, относящиеся к 49 семействам.

В соответствии с рекомендациями Международного союза охраны природы (МСОП), виды растений, включенных в Красную книгу Узбекистана, распределены по 4-м категориям (статусам):

0. Исчезнувшие или вероятно исчезнувшие. Виды, не встреченные на протяжении нескольких лет, но, возможно, уцелевшие в некоторых труднодоступных местах или в культуре. Примерно соответствует категориям EX (Extinct, Исчезнувшие) и EW (Extinct in the wild, Исчезнувшие в дикой природе) Красного списка МСОП (IUCN Red List).

1. Находящиеся под угрозой исчезновения. Виды с количеством, близким к критическому уровню, и близкие к исчезновению. Примерно соответствует категории CR (Critically Endangered, Находящиеся на грани полного исчезновения) IUCN Red List.

2. Редкие. Виды, не находящиеся под непосредственной угрозой исчезновения, но встречающиеся в таком небольшом количестве или в таких ограниченных по площади и специфических местах обитания, что могут быстро исчезнуть. Примерно соответствует категории EN (Endangered) IUCN Red List. Требуется тщательное наблюдение.

3. Сокращающиеся в численности. Виды, численность и ареал которых уменьшается в течение определенного времени по естественным причинам, из-за вмешательства человека

или в результате того и другого. Примерно соответствует категориям VU (Vulnerable, Уязвимые) и NT (Near Threatened, Находящиеся в состоянии, близком к угрожаемому) IUCN Red List. Необходима регулярная оценка их состояния.

По многим причинам статус вида может измениться как в одну, так и в другую сторону: растение может исчезнуть или, напротив, может быть исключено из категории охраняемых в связи с увеличением численности.

В настоящем издании принят алфавитный порядок расположения семейств, а также родов и видов внутри них. Названия многих таксонов (видов, родов, семейств), длительное время употреблявшиеся в специальной литературе, согласно последним исследованиям, заменены на новые. Каждый вид снабжен узбекским, русским и латинским названиями с указанием семейства. Даётся краткое описание вида (жизненная форма, высота, габитус, листья, цветок, плод, фенология), распространение. Перечисляются места обитания, на схематической карте точками нанесены их местонахождения. Отмечаются способы размножения в естественных условиях. В некоторых случаях говорится о возможности культивирования вида на опытных участках или в промышленном масштабе. Описываются принятые и необходимые меры охраны. В видовых очерках использованы гербарные и литературные материалы, опросные данные и результаты многолетних полевых исследований отдельных авторов.

В результате научно-исследовательских работ по областям республики, проведённых учёными Института ботаники (бывший ИГРЖМ) АН РУз, из Красной книги были исключены камнеломка болотная, ллойдия поздняя, меч-трава Мартиуса, купальница алтайская, аконит круглолистный и аллохруза таджикистанская. Эти виды редко встречаются в Узбекистане, так как их ареалы в основном расположены в других странах (Россия, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан и др.). Были исключены из Красной книги скабиоза Улугбека, рябинник Ольги и наталиелла алайская, так как по современным данным, ареал этих видов не заходит на территорию Узбекистана. Кроме того, исследования последних лет показали, что такие виды, как астрагал Келлера, шафран алатавский, ложноклаусия Ольги, моголтавия Северцова, липския замечательная, распространены достаточно широко и не находятся под угрозой исчезновения. На этом основании данные растения были исключены из Красной книги. Число считающихся исчезнувшими видов со статусом 0 уменьшилось с 19 до 15. Еще 12 редких и эндемичных видов были включены в Красную книгу, в том числе несколько новых для науки видов, которые были обнаружены в последние несколько лет. По сравнению с предыдущим изданием, у 157 видов изменился статус. Также были изменены научные названия многих таксонов (видов, родов, семейств), длительное время употреблявшиеся в специальной литературе, в связи с большим количеством номенклатурных изменений, произошедших с момента выхода предыдущего издания и связанных, в том числе, с широким использованием методов ДНК-анализа.

Новое издание Красной книги поднимает перед специалистами-ботаниками, представителями административных органов, а также общественными организациями вопросы охраны редких видов, создания заповедников и заказников, усиления контроля за заготовкой дикорастущих декоративных и сырьевых растений.

Только при участии всех граждан республики можно достичь желаемых результатов в деле охраны природы, её растительного мира. Только таким образом можно сохранить живую природу для грядущих поколений.

АЙИҚТОВОНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ЛЮТИКОВЫЕ – RANUNCULACEAE

1. КНОРРИНГ ИСФАРАГИ

Живокость Кнорринга / Delphinium knorringianum B. Fedtsch.

Мақоми 2. Олой тизмасидаги кичик майдонда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 35–45 см га етадиган ўқ илдизли, кўп йиллик ўт. Барглари, асосан, поясининг пастки қисмида жойлашган. Баргбанди узун, пастки қисми бироз кенгайган, япроғи юмалоқ-буйраксимон, 5 та панжасимон бўлакка ажралган, бўлаклари тескари тухумсимон, улар ҳам, ўз навбатида, бироз қирқилган. Пояси камшох, 5–7 гулли. Гулкосаси оч бинафша рангли, кенг эллипс-тухумсимон, пихлари ингичка, узунлиги 2,5 см, учи иккига ажралган. Июнь ойида гуллаб, июль ойида мева тугади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Шоҳимардон дарёси ҳавзаси, шунингдек, Қирғизистонда ҳам учрайди (Ўш вилояти).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги ёнбағирларда ва қояларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ёки тўп-тўп бўлиб ўсади. Умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ўсимликнинг умумий сонини аниқлаш, табиатда ва ботаника боғларида биоэкологик хусусиятларини ўрганиш тавсия этилади.

Манбалар. [281, 389, 453, 461].

К.Т. Тойжанов

Статус 2. Редкий узкий эндемик Алайского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 35–45 см, со стержневым корнем. Листья на длинных, при основании расширенных черешках, сосредоточены в нижней части стебля, с округло-почковидной пластинкой, пальчато-рассечённой на 5 обратно-яйцевидных долей, которые, в свою очередь, неглубоко надрезаны. Стебель маловетвистый, с 5–7 цветками. Листочки околоцветника светло-фиолетовые, широко-эллиптически-яйцевидные, с тонким шпорцем длиной до 2,5 см, на конце обычно раздвоенные. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Ферганская область: бассейн реки Шахимардан, а также за пределами Узбекистана: Кыргызстан (Ошская область).

Места обитания. Склоны и скалы в нижнем и среднем поясах гор.

Численность. Общая численность не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сведений нет.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Рекомендуется уточнить общую численность растений, изучать в природе и в ботанических садах его биоэкологические свойства.

Источники. [281, 389, 453, 461].

К.Т. Тойжанов

Rare endemic species of the Alay mountain range. It is spread at the Shakhimardan valley (Ferghana region). Inhabits slopes or rocks in the lower and middle belts of mountains. Solitary specimens or small groups can be found. Total number is unknown. Measures of protection: not protected.

2. ОҚ ПАРПИ

Аконит талласский / Aconitum talassicum Popov

Мақоми 3. Тянь-Шань ва Помир-Олой тизмасидаги сон жиҳатдан қисқариб бораётган, ареали бўлинган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1,5 м га етадиган, кўп йиллик, тугунак илдизпояли ўт. Илдизпояси тугунакларнинг ёнма-ён қўшилишидан ҳосил бўлган. Поялари оддий, тик ўсувчи. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, қолганлари бандли, япроғи асосигача йирик тишли бўлакларга ажралган. Ёрқин кўк рангли гуллари поянинг юқори қисмида йирик шокила ҳосил қилади. Июнь–июлда гуллаб, меваси июль–август ойларида етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари: Писком, Чотқол, Қурама, Фарғона, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмаларида тарқалган. Тожикистонда, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларидаги нам ерларда ва ёнбағирлардаги булоқларнинг атрофларида ўсади. Баъзан булоқ бўйларида кичик бутазорлар ҳосил қилади.

Сони. Бутун ареали бўйлаб бир-биридан анча узоқ жойлашган унча катта бўлмаган тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Халқ табобатида доривор ўсимлик сифатида ишлатилади.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол, Зомин ва Ҳисор қўриқхоналарида, Угом-Чотқол ва Зомин миллий табиат боғларида ўстирилади.

Манбалар. [214, 215].

К.Т. Тойжанов

Статус 3. Эндемик Западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая с сокращающейся численностью и разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее клубнекорневищное травянистое растение высотой до 1,5 м. Корневище представлено цепочкой сросшихся клубней. Стебель прямой, простой. Листья черешковые (кроме самых верхних), почти до основания рассечённые на крупнозубчатые доли. Цветки – в верхушечной кисти, крупные, светло-синие. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Ташкентской, Ферганской, Джизакской, Кашкадарьинской областях: Пскемский, Чаткальский, Кураминский, Ферганский, Туркестанский, Зеравшанский, Гиссарский хребты. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Казахстан, Кыргызстан.

Места обитания. Влажные места у родников, на склонах и в долинах среднего и верхнего поясов гор. Иногда у родников образует небольшие заросли.

Численность. По всему ареалу встречается в виде отдельных, иногда значительно удалённых друг от друга небольших популяций.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. В народной медицине употребляется как лекарственное средство.

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского, Зааминского и Гиссарского заповедников, Угам-Чаткальского и Зааминского национальных парков.

Источники. [214, 215].

К.Т. Тойжанов

Endemic species with reducing area at the western Tien-Shan and Pamir-Alay. It is spread at the Pskem, Chatkal, Ferghana, Turkestan, Zeravshan, Hissar Ranges (Tashkent, Ferghana, Jizzakh, Kashkadarya regions). Inhabits wet places near springs, on the slopes and in valleys of the middle and upper belts of mountains. Sometimes, forms brushwoods near springs. Sometimes, separate small populations are met all over the area. Limiting factors: used in national medicine. Measures of protection: protected in the Chatkal, Zaamin and Hissar state nature reserves, the Ugam-Chatkal and Zaamin National Parks.

3. БОЙСУН ПЎФАНАГИ

Ветреница байсунская / Anemone baissunensis Juz.

Мақоми 3. Кўҳитанг ва Ҳисор тизмаларида ўсувчи камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Чўзиқ тугунакли кўп йиллик ўт. Илдизолди барглари бандли, уч карра бўлинган, бўлаклари юмалоқ ёки ўткир тишли. Ён бўлаклари бандсиз ёки қисқа бандли, ўрта қисмидаги банди 1,5 см узунликка эга. Ўрама барглари 2–3 тани ташкил этади, юқори қисми уч карра бўлинган. Гулбанди 1–4 тагача туклар билан қопланган. Гулларининг диаметри 1–2, 3–4 см, сариқ рангли. Чангдони ва чангчи иплари сариқ, уруғчиси эса қора. Уруғи 0,3–0,35 см узунликда. Тумшуқчасининг узунлиги 0,2 см, сертук. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмасида – Шалқонсой атрофида; Ҳисор тизмасида – Бойсун, Шўрчи, Денов атрофларида ўсади. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғ ёнбағирларидаги сариқ ва майда тупроқларда ҳамда тоғ этакларидаги ола тупроқларда ўсади.

Сони. Табиатда кам учрайди. Одатда, кичик-кичик тўпчалар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан, айрим ҳолларда вегетатив йўл билан ҳам кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари йиғиб, тугунаклари қазиб олинади. Чорва моллари томонидан пайҳон қилинади.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1965 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Табиатда сақланиб қолган тупларини назорат остига олиш лозим. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [98, 99, 129, 354].

К.Т. Тойжанов

Статус 3. Редкий эндемик Гиссарского хребта и Кугитанга.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с продолговатыми клубнями. Прикорневые листья на черешках, трижды рассечённые на сегменты с закруглёнными или заострёнными зубцами. Боковые сегменты сидячие или на коротких черешках, средний на черешке длиной до 1,5 см. Листочки обёртки (2–3) в верхней части трижды рассечённые. Цветоносы (1–4) покрыты волосками. Цветки диаметром 1–2, 3–4 см, жёлтые. Пыльники и тычиночные нити жёлтые, пестики чёрные. Семянки до 0,3–0,35 см, с загнутым носиком, длиной до 0,2 см, шерстисто-волосистые. Цветёт в марте-апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Сурхандарьинская область: Кугитангский хребет – окрестности Шалкансая; Гиссарский хребет – окрестности Байсуна, Шурчи, Денау. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Лёссовидные и мелкоземистые склоны, выходы пестроцветных пород в предгорьях.

Численность. Встречается редко, небольшими группами.

Размножение. Семенное, редко – вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов и клубней, вытаптывание скотом.

Культивирование. С 1965 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходим контроль за популяциями. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [98, 99, 129, 354].

К.Т. Тойжанов

Rare endemic species of the Hissar and Kughitang mountain ranges. It is spread at the Kughitang ridge: the Shalkansay, the Hissar range: nearby Baysun, Shurchi, Denau (Surkhandarya region). Inhabits loess-like and gypseous slopes of the foothills and lower mountain belt. The quantity is unknown. Limiting factors: flowers and tubers collection, trampling down by cattle. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve.

4. БУХОРО ПЎФАНАГИ

Ветреница бухарская / Anemone bucharica Regel

Мақоми 3. Ўзбекистонда кам учрайдиган, Жанубий Помир-Олойда ўсадиган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Тугунаги юмалоқ ёки узунчоқ кўринишдаги кўп йиллик ўт. Илдизолди барглари бандли, оч яшил, юмалоқ-юраксимон, уч карра бўлинган, сийрак тукли. Япроғининг ён бўлаклари бандсиз, ўрта қисмидагилари эса қисқа бандли. Ўрама барглари 3 та, уч карра бўлинган. Гулпоялар 1–3 та. Гуллари йирик, диаметри 3–4 см, тик турувчи, очиқ, ликопчасимон. Гулкосаси қизил, ички томони ялтироқ, ташқи томони ётиқ тукли. Уруғи қалин тукли. Апрель–июнь ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмасида – Шалқонсой атрофи, Бойсунтоғ ва Боботоғ тизмаларида тарқалган (Тожикистонда ҳам учрайди).

Ўсиш шароити. Тоғ ёнбағирларидаги сарғиш тусли ва майда заррали тупроқларда ҳамда тоғ этакларидаги ола тупроқларда ўсади.

Сони. Табиатда кам тарқалган, тўп-тўп ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гул ва тугунакларининг маҳаллий аҳоли томонидан йиғиб олиниши ва чорва моллари боқилиши натижасида камайиб бормокда.

Маданийлаштирилиши. 1962 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Табиатда мавжуд популяциялари қатъий назорат остига олиниши лозим. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [98, 99, 129, 354].

К.Т. Тойжанов

Статус 3. Эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с клубнями от округлой до продолговатой формы. Прикорневые листья на черешках ярко-зелёные, округло-сердцевидные, трижды рассечённые, рассеянноволосистые. Боковые сегменты почти сидячие, средний – на коротком черешке. Листочки обёртки (3) трижды рассечённые. Цветоносы в количестве 1–3. Тычинки и пестики многочисленные. Цветки крупные, до 3–4 см в диаметре, прямостоячие, открытые, блюдцевидные. Листочки около цветника красные, внутри блестящие, снаружи прижато-волосистые. Семена густоволосистые. Цветёт и плодоносит в апреле–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Кугитанг – окрестности Шалкансая, хребты Байсунтау и Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Лёссовидные и мелкоземистые склоны, выходы пестроцветных пород в предгорьях.

Численность. Встречается редко, небольшими группами.

Размножение. Семенное, редко – вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов и клубней местным населением, выпас скота.

Культивирование. С 1962 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [98, 99, 129, 354].

К.Т. Тойжанов

Endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Kughitang, Baysuntau and Babatag ranges (Surkhandarya region). Inhabits loess-like and fine earth slopes, on gypseous rocks. Rarely, small groups can be found. Limiting factors: collection of flowers and tubers by population, cattle overpasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve.



5. ТУКСИЗ СУҒУРЎТ

Горицвет голочашечный / Adonanthe leiosepala (Butkov) Chrtek et Slaviková

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Тянь-Шанда тарқалган ареали бўлинган, камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–20 см, попуксимон илдизли, кўп йиллик ўт. Илдизпоя бўғзидан чиққан қўнғир барглари қисқа, бир нечта поялар ўсиб чиқади. Новдалари сершох, сербарг. Барглари патсимон бўлинган, юпқа, майда. Гуллари йирик, якка-якка, тўқ сариқ рангли. Меваси юпқа илмоқсимон учли, хиёл қайрилган. Май ойида гуллаб, меваси июль–август ойларида етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмасида – Паркент, Заркент қишлоқлари атрофларида, Сўқоқсой, Бошқизилсой ва Келинчаксойда; Қурама тизмасида – Қамчиқ довонида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги тошли, шағалли, майда жинс тупроқларда ва қояларда ўсади.

Сони. Бу тур тарқалган ерлар 3,5–4 минг гектарни ташкил қилади. Умумий сони 30–40 минг туп атрофида.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Униб чиқиш қобилияти 1–2 фоизни ташкил этади. Етилган уруғлари 2–3 йилдан сўнг униб чиқади. Рақобатга чидамсиз. Қўриқхона шароитида якка ҳолда ўсган катта ёшдаги туплари аниқланган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ҳамда и Угом-Чотқол биосфера резерватида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [84–87, 130, 247].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик юго-западного Тянь-Шаня с разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее кистекорневое травянистое растение высотой 15–20 см. От шейки корневища отходит несколько стеблей, покрытых бурыми, редуцированными листьями. Стебли ветвящиеся, густооблиственные. Листья перисто-рассечённые, тонкие. Цветки крупные, одиночные, ярко-жёлтые. Плоды с тонким крючковато-изогнутым носиком. Цветёт в мае, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет: в окрестностях посёлков Паркент, Заркент, Сукок, а также в Башкызылсае, Келинчексае; Кураминский хребет: перевал Камчик.

Места обитания. Щебнистые, каменистые и мелкоземистые склоны, выходы скал субальпийского пояса.

Численность. Известные участки ареала охватывают 3,5–4 тыс. га. Общая численность: 30–40 тыс. экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Очень низкая всхожесть (1–2 %). Семена всходят после 2–3-летнего периода покоя. Низкая конкурентоспособность. На заповедной территории вид представлен одиночными, старовозрастными экземплярами.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском государственном биосферном заповеднике и Угам-Чаткальском биосферном резервате.

Источники. [84–87, 130, 247].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the south-western Tien-Shan with reducing area. It is spread at the Chatkal range: the surroundings of Parkent, Zarkent, Sukok and also in Bashkyzylsay, Kelincheksay; the Kurama range: the Kamchik pass (Tashkent region). Inhabits stony and fine earth slopes, rocks of the alpine belt. Known area plots occupy 3.5–4 thousand ha. Total number: 30–40 thousand specimens. Limiting factors: very low germination (1–2%). Seeds spring up after 2–3 years of dormancy. Low competition capacity. In the territory of state reserve the species are represented by single, old specimens. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere state reserve and the Ugam-Chatkal biosphere reserve.

АНОРДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ГРАНАТОВЫЕ – PUNICACEAE

6. ЁВВОЙИ АНОР

Гранат обыкновенный / Punica granatum L.

Мақоми 3. Ўзбекистонда табиий ҳолда жуда кам сақланиб қолган, ареали бўлинган реликт тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 2 м га етадиган бута. Барги чўзиқ, тескари тухумсимон, узунлиги 6–8 см, эни 7–15 мм, чармсимон, қисқа шохларда тўп-тўп, узун шохларда эса қарама-қарши ўрнашган. Гули калта новдаларда жойлашган. Косачаси қайишсимон мустаҳкам, тожбарги оч қизил рангда. Меваси юмалоқ, йирик. Май–августда гуллаб, сентябрь–октябрь ойларида мева беради.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий қисмида Тўпаланг, Сангардак дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Тожикистон, Туркманистон, Кавказорти, Туркия, Шимолий Эрон, Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмида– денгиз сатҳидан 1 000–1 600 м баландликдаги салқин ва нам дараларда ўсади.

Сони. Кўпинча якка ҳолда, баъзан бошқа дарахт ва буталар билан биргаликда ўсади. Айрим жойларда соф анорзорларни ташкил этади. Тупларининг умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан ва илдиз бачкисидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Анорзорларнинг бузиб юборилиши ва мевалари пала-партиш йиғиб олиниши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Анор одамлар томонидан 4 000 йилдан буён етиштириб келинади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [156–159, 274].

И.В. Белолипов

Статус 3. Очень редкий, исчезающий в Узбекистане реликтовый вид с разорванным ареалом.

Краткое описание. Кустарник высотой до 2 м. Листья продолговато-обратнояйцевидные, кожистые, длиной 6–8 см, шириной 7–15 мм, на укороченных побегах сидят пучками, на удлинённых – супротивно. Цветки на укороченных побегах. Чашечка кожистая. Лепестки ярко-красные. Плод шаровидный, крупный. Цветёт в мае–августе, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: юго-западные отроги Гиссарского хребта – бассейны рек Тупаланг, Сангардак. За пределами Узбекистана – Таджикистан, Туркменистан, Закавказье, Турция, Северный Иран, Афганистан.

Места обитания. Увлажнённые и защищённые места в небольших ущельях и расщелинах гор на высоте 1 000–1 600 м.

Численность. Встречается редко, одиночными кустами или небольшими зарослями вместе с другими древесными и кустарниковыми породами, очень редко – небольшими чистыми зарослями. Точные учёты не проводились.

Размножение. Вегетативное (отпрысками) и семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение территории и нерегулируемый сбор плодов местным населением.

Культивирование. Культура граната обыкновенного известна более 4 000 лет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [156–159, 274].

И.В. Белолипов

Very rare endangered in Uzbekistan relict species with reducing area. It is spread at the south-western outskirts of the Hissar range: the Tupalang and Sangardak valleys (Surkhandarya region). Inhabits wet and protected places in small gorges and clefts of mountains at the altitude of 1 000–1 600 m. Rarely, solitary specimens or small groups with other trees and shrubs, very seldom, small pure brushwoods. Total number was not calculated. Limiting factors: the economic development of the territory and irregulated harvest by local population. Measures of protection: not protected. Some populations are protected in forestries.

БИГНОНИЯДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО БИГНОНИЕВЫЕ – BIGNONIACEAE

7. ОЛЬГА ИНКАРВИЛЛЕЯСИ

Инкарвиллея Ольги / Incarvillea olgae Regel

Мақоми 3. Помир-Олойдаги жуда камёб, йўқолиб кетиш арафасидаги реликт тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, бўйи 1,5 м га етади. Пояси унча кўп эмас, тик ўсади. Барглари оддий, узунлиги 6–10 см, патсимон қирқилган. Гуллари ўсимликнинг учидаги рўваксимон тўпгулларда ўрнашган. Косачаси туксиз, узунлиги 3–4 см, кенг учбурчак тишчали. Гултожи воронкасимон, йирик, беш бўлмали, пушти-тўқ қизил рангли, баъзан оқ, узунлиги 4 см, ташқи томони туксиз, ички томони сийрак тукли. Чангчиларининг иплари туксиз, чангдони икки қанотчали, сийрак тукли. Уруғдони узун, туксиз устунчали. Меваси кўп уруғли, чўзиқроқ, пўсти қалин, узунлиги 5–10 см, эни 1 см келадиган сал қайрилган ёйсимон кўсакча. Уруғи 1 см гача узунликда, ярим пардасимон, оқ қанотчали. Июнь–август ойларида гуллаб, август–сентябрда мева тугади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Помир-Олой (Олой тизмаси)нинг Сўх ва Шоҳимардон дарёлари ҳавзасида тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам тарқалган.

Ўсиш шароити. Адир ва тоғларда 1 500–2 500 м баландликдаги майда чағир тошли, тошли ёнбағирларда шағалли дарё ўзанларида ўсади.

Сони. Кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади. Популяцияларининг умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Антропоген омиллар таъсирида ва чорва моллари боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1961 йилдан буён муваффақиятли ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [25, 156–159, 210].

И.В. Белолипов

Статус 3. Очень редкий, находящийся под угрозой исчезновения реликтовый вид Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 1,5 м. Стебли немногочисленные, прямостоячие. Листья простые, длиной 6–10 см, перисто рассеченные. Цветы в верхушечном, метельчатом соцветии. Чашечка голая, длиной 3–4 мм, с широко треугольными зубцами. Венчик воронковидный, крупный, пятилопастной, розово-пурпуровый, редко белый, до 4 см длины. Тычинки с голыми нитями и рассеянно опушенными двукрылыми пыльниками. Завязь с длинным голым столбиком. Плод – многосемянная удлиненная кожистая, слегка согнутая коробочка, длиной 5–10 см и шириной 1 см. Семена длиной до 1 см, с полупрозрачными белыми крыльями. Цветет в июне–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Ферганская область: Памиро-Алай (хребет Алайский – бассейны рек Сох и Шахимардан). За пределами Узбекистана: Кыргызстан, Таджикистан.

Места обитания. На галечниках и конусах выноса, щебнистых мелкоземистых, каменистых склонах предгорий и гор, на высоте 1 500–2 500 м.

Численность. Встречается небольшими группами. Общая численность популяций не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Антропогенное воздействие и выпас скота.

Культивирование. Успешно выращивается с 1961 г. в Ботаническом саду АН РУз. В культуре устойчив.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [25, 156–159, 210].

И.В. Белолипов

Very rare endangered relict endemic species of the Pamir-Alay. It is spread at the Pamir-Alay (the Alay range: the Sokh and Shakhimardan valleys). Inhabits pebbles, gravelly and stony slopes in foothills and middle mountain zone (1 500–2 500 m.s.l.) Growing in micro-populations. Total number is unknown. Limiting factors: antropogenic factors and overgrazing. Measures of protection: not protected.

БУРЧОҚДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО МОТЫЛЬКОВЫЕ (БОБОВЫЕ) – FABACEAE (LEGUMINOSAE)

8. БИНАФША ГУЛЛИ АРҒУВОН

Багрянник Гриффита / Cercis griffithii Boiss.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олой тизмаларида ўсадиган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 3–4 м келадиган, кенг шох-шаббали дарахт. Бир йиллик новдаларининг пўстлоғи қўнғир-қизил рангли. Барглари юмалоқ, буйраксимон, туб қисми кенг ўйилган, устки томони яшил, пастки томони кўкимтир рангда. Гуллари калта-калта шокилаларга тўпланган. Тожбарги қирмизи-бинафша рангли. Дуккагининг узунлиги 6–8 см, эни 1 см. Май ойида гуллаб, июнда мева беради. Манзарали дарахт.

Тарқалиши. Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань – Угом, Қурама тизмалари; Помир-Олой – Ҳисор тизмасида ва Боботоғда ўсади. Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмларидаги тошли, тошли-шағалли ва майда заррали тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда учрайди. Баъзан кичик арғувонзорлар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қурилиш материаллари ва ўтин учун кесиб олиниши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [89, 156–159, 297].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 2. Редкий вид в западном Тянь-Шане и Памиро-Алае.

Краткое описание. Дерево высотой 3–4 м, сильно ветвистое, образует широкую крону. Годичные побеги с красно-бурой корой. Листья округлые, почковидные, при основании широковыемчатые, верхняя поверхность листа зелёная, нижняя – синевато-сизая. Цветки собраны в укороченные кисти. Венчик пурпурно-фиолетовый. Бобы длиной 6–8 см, шириной до 1 см. Цветёт в мае, плодоносит в июне. Декоративен.

Распространение. В Ташкентской и Сурхандарьинской областях: Западный Тянь-Шань – Угамский, Кураминский хребты; Памиро-Алай – Гиссарский хребет, Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Афганистан.

Места обитания. Мелкоземистые, каменисто-щебнистые южные склоны в нижнем поясе гор.

Численность. Встречается одиночными деревьями, реже образует небольшие рощицы.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Заготавливается населением на топливо и древесину.

Культивирование. Культивируется.

Меры охраны. Не разработаны.

Источники. [89, 156–159, 297].

Р.И. Казакбаев

Rare endemic of the western Tien-Shan and southern Pamir-Alay. It is spread at the western Tien-Shan: the Ugam, the Kurama ranges; the Pamir-Alay: the Hissar range, the Babatag (Tashkent and Surkhandarya regions). Inhabits fine earth, stony-southern slopes in the lower belt of mountains. Single specimens, rarely forms small groves. Limiting factors: using as firing and wood. Measures of protection: not protected.

9. АБОЛИН АСТРАГАЛИ

Астрагал Аболина / Astragalus abolinii Popov

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанда кичик майдонда тарқалган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт. Қисқа танасидан осилиб турувчи ингичка, кўплаб бурама поялар ўсиб чиққан. Барги мураккаб, 5–6 см узунликда, барг-чалари 4–6 жуфт, чўзиқроқ юмалоқ шаклда, узунлиги 7–14 мм, эни 5–8 мм. Гуллари ёйиқ, момиқ гулпопугида 3–9 тадан жойлашган. Косачаси (гуллаган даврда) бироз каттаяди, кейинчалик тухумсимон-қабариқ шаклга киради. Дуккаги 8–12 мм узунликда, оқиш, ҳурпайган, қалин тукли. Июнда гуллаб, июлда мева беради.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол, Угом, Писком ҳамда Қоржонтов тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 000–1 200 м баландликдаги қуёш нури тик тушмайдиган қоятошларнинг ёриқларида ва дараларнинг салқин ёнбағирларида ўсади.

Сони. Чотқол тизмасида бир-биридан ажралган ҳолда кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади. Оқбулоқ атрофларида 10 та жойда борлиги аниқланган. Писком дарёси ҳавзасида 150–250 атрофидаги туплардан иборат 20 дан ортиқ популяциялари мавжуд.

Кўпайиши. Фақат уруғидан кўпаяди. Оқбулоқ атрофларида панароқ ёнбағирларда ёш ниҳоллари учрайди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Янги униб чиққан майсалари ва ёш ниҳолларининг камлиги ўсимликнинг секинлик билан кўпайишидан далолат беради. У ўзига хос шароитда ўсишни талаб қилади ва турлараро рақобатга дош бера олмайди.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [343, 345].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Редкий узкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с укороченным стволиком, от которого ответвляются многочисленные извилистые свисающие тонкие стебли. Листья длиной 5–6 см, листочки 4–6-парные, округло-овальные, закруглённые, длиной 7–14 мм, шириной 5–8 мм. Цветки собраны в 3–9-цветковые рыхлые кисти. Чашечка при цветках слегка вздутая, позже яйцевидно-вздувающаяся. Бобы длиной 8–12 мм, оттопыренно-бело шерстисто-мохнатые. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский, Угамский, Пскемский хребты и Каржантау.

Места обитания. Трещины отвесных скал на высоте 1 000–1 200 м, преимущественно северные, тенистые склоны ущелий.

Численность. Встречается разрозненно, образует небольшие популяции на Чаткальском хребте. В районе Акбулака отмечен в 10 пунктах. В бассейне реки Пскем имеется более 20 популяций, численностью по 150–250 растений.

Размножение. Только семенное. В районе Акбулака на защищённых склонах встречаются молодые всходы.

Причины изменения численности и ареала. Малочисленность ювенильных растений и всходов, свидетельствующая о слабой воспроизводительности; приуроченность к характерным местообитаниям и низкая конкурентоспособность.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном государственном заповеднике и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [343, 345].

Г.М. Шерматов

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal, the Ugam, the Pskem, the Karzhantau ranges (Tashkent region). Inhabits cracks of sheer rocks at the altitude of 1 000–1 200 m above sea level, mainly, the northern shady slopes of gorges. Can be met separately. Forms small populations at the Chatkal Range. In Akbulak, is observed in 10 points. At the Ugham, in the basin of river Pskem, the Karzhantau, 150–250 plants can be observed. Limiting factors: scarcity of juvenile plants and seedlings, i. e., weak ability for reproduction; specialized habitat requirements and low competition capacity. Measures ofprection: protected in the Chatkal biosphere state reserve and the Ugam-Chatkal national park.

10. БАРАНОВ АСТРАГАЛИ

Астрагал Баранова / Astragalus baranovii Popov

Мақоми 1. Чотқол тизмасидаги эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 4–10 см келадиган деярли поясиз, ер бағирлаб ўсадиган кўп йиллик ўт. Асосий поясининг ер остида жойлашган ёғоч қисмидан бир йиллик, ингичка, 2 см узунликдаги ётиқ оқ туклар билан қопланган поялар ўсиб чиқади. Барги 2,5–6 см узунликда, баргчалари 4–6 жуфт, тухумсимон ёки юмалоқ-тухумсимон 4–6 мм узунликда, тўмтоқроқ, ҳар икки томони ётиқ оқ туклар билан қопланган. Гулпопуги қисқа, соябонсимон, ғовак ва момиқ, 1,5–2 см узунликдаги 4–5 та гули бор. Тожбарги оч пушти рангли. Дуккаги чўзиқ-наштарсимон, узунлиги 10–11 мм, эни 3 мм, бироз ҳурпайган оқ тукли, икки уяли. Июлда гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмасида: Катта Чимён тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ минтақасининг юқори қисмида, оҳактошли қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Фақат икки жойда ўсиши аниқланган.

Кўпайиши. Одатда, уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Дам олиш масканларининг қурилиши ва чанғи учиш учун трассалар барпо этилиши ўсимлик сонига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [156–159, 343].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Эндемик Чаткальского хребта.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к специфическим местообитаниям.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 170].

И.Г. Левичев

Very rare species of the western Tien-Shan with the reducing area. It is spread at the Chatkal and Kurama ranges: the upper part of the Akhangaran river basin (Tashkent and Namangan regions). Inhabits alpine slopes. Known from 15 locations. Total number is unknown. Limiting factors: stenobiont ecology. Measures of protection: not protected.

68. АНТИҚА ГУЛСАФСАР

Ирис великолепный / Iris magnifica (Vved.) Vved.

Мақоми 2. Зарафшон тизмасида ўсувчи жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–40 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Илдизи йўғон, урчуқсимон, пиёзи яхши ривожланган. Пояси йўғон, барглари бир-биридан муайян оралиқда жойлашган, ўроқсимон, оч яшил рангли, ялтироқ, пастки қисмидаги баргларининг эни 3,5–5 см. Гуллари 3–7 та. Гулқўрғон найининг узунлиги 4,5–5 см, яшил-бинафша рангли, ички гулқўрғони баргчалари оч бинафша рангли, узунлиги 22–27 мм. Чангдонлари оқиш. Уруғи йирик, ғадир-будур, ялтироқ. Апрель–май ойлари гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмасининг ғарбий қисми ва Омонқўтон довонида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмидаги майда тупроқли ерларда ва қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Кичик-кичик туплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари ва пиёзларининг йиғиб олиниши сабабли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилмоқда. Маданий шароитда гуллаб, уруғ бермоқда.

Муҳофаза чоралари. Ўсимлик ўсадиган айрим ҳудудлар Китоб давлат қўриқхонаси томонидан муҳофазага олинган. Омонқўтон довони ҳудудида ўсимлик муҳофазасини ташкил қилиш ва популяция мониторингини юритиш лозим.

Манбалар. [53, 59, 283, 366].

Н.К. Раҳимова

Статус 2. Редкий эндемик Зеравшанского хребта.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 25–40 см. Корни сильно утолщённые, веретеновидные, луковица хорошо развита. Стебель мощный с расставленными листьями и хорошо заметными междоузлиями. Листья светло-зелёные, блестящие, серповидные, нижние шириной 3,5–5 см. Цветки в количестве 3–7. Трубка околоцветника длиной 4,5–5 см, светло-сиреневая; внутренние листочки околоцветника бледно-сиреневые, длиной 22–27 мм, пыльники беловатые. Семена крупные, морщинистые, блестящие. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: западная часть Зеравшанского хребта, перевал Аманкутан.

Места обитания. Мелкоземистые площадки и трещины скал в нижнем поясе гор.

Численность. Встречается небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов на букеты и выкапывание луковиц.

Культивирование. Успешно интродуцируется. В Ботаническом саду АН РУз цветёт и плодоносит.

Меры охраны. Часть популяций охраняется в Китабском государственном заповеднике. Необходима организация охраны растений и мониторинг популяций в районе перевала Аманкутан.

Источники. [53, 59, 283, 366].

Н.К. Рахимова

Rare endemic species of the Zeravshan range. It is spread at the western part of the Zeravshan ridge, Amankutan pass (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits clefts of rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: picking of flowers an digging out of bulbs. Measures of protection: some populations protected in the Kitab state nature reserve. The preservation and monitoring of populations at the Amankutan pass is required.

69. ОРХИДЕЯНАМО ГУЛСАФСАР
Ирис орхидный / Iris orchioides Carrière

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шаннинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Илдизи урчуқсимон шаклда бироз йўғонлашиб кетган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи 1,5–2,5 см қалинликда. Пояси 15–25 см узунликда, бир-биридан муайян оралиқда жойлашган барглари оч яшил тусда, ўроқсимон, чети оқ ҳошияли, бироз дағалроқ. Гуллари 3–5 та, оч сариқ тусда, гуллаш даври ниҳоясида бинафшаранг тус олади. Ташқи гулбаргчалари 3,5–4,5 см, оч-сариқ. Ички гулбаргчалари 1–1,5 см, япроқлари учли. Апрель ойида гуллаб мева беради.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Қурама (Оҳангарон дарёси ҳавзаси), Чотқол (Одамтош, Сўқоқ, Чотқол биосфера қўриқхонаси, Чимён), Қоржонтов (Оқтош), Писком (Ойгайинг, Майдонтол ҳавзасида учрайди) тизмаларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон (Сариоғоч, Жилға, Дарбоза, Сирдарё Қоратоғи) ва Тожикистонда (Мўғултоғ) тарқалган.

Ўсиш шароити. Адир ва тоғ минтақаларининг тошли-шағалли ёнбағирликларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғи ва бошқа мамлакатларнинг ботаника боғларида ўстириб келинмоқда.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [53, 59, 283, 366]

Н.К. Раҳимова

Статус 3. Редкое, эндемичное растение Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Клубнелуковица толщиной 1,5–2,5 см. Стебель высотой 15–25 см. Листья светло-зеленые, серповидные, по краю окаймленные, более-менее шероховатые. Цветки в количестве (1) 3–5, бледно-желтые, по отцветании приобретают фиолетовый оттенок. Наружные листочки околоцветника длиной 3,5–4,5 см. Внутренние листочки околоцветника длиной 1–1,5 см, с острой пластинкой. Цветет и плодоносит в апреле.

Распространение. Ташкентская область: Кураминский (бассейн реки Ахангаран), Чаткальский (Адамташ, Сукок, Чаткальский биосферный заповедник, Чимган), Каржантау (Акташ), Пскемский (Ойгаинг, Майдантал) хребты. За пределами Узбекистана: Таджикистан (Моголтау), Казахстан (Сары-Агач, Джилга, Дарбаза, Сырдаринский Каратау).

Места обитания. Мелкоземные и каменистые склоны в предгорьях, нижнем и среднем поясах гор.

Численность. Не установлена

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Успешно выращивается в Ботаническом саду АН РУз, а также в ботанических садах других стран.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского биосферного заповедника и Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [53, 59, 283, 366]

Н.К. Рахимова

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Kurama (the Akhangaran valley), the Chatkal (the Adamtash, the Sukok, the Chimgan, the Chatkal reserve), the Karzhantau (Aktash), the Pskem (Oygaing, Maydantal) ranges. Inhabits stony and fine slopes in the low and middle mountainous zone. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.

70. ИППОЛИТ ГУЛСАФСАРИ

Ирис Ипполита / Iris hippolyti (Vved.) Kamelin

Мақоми 1. Қизилқум қолдиқ тоғларининг жуда камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Тугунак пиёзи 1,5 см йўғонликда. Поясининг баландлиги 10 см. Барглари ўроқсимон, эни 1–1,5 см, силлиқ, четлари оқ ҳошияли, ўткир учли. Гуллари биттадан, оч бинафшаранг тусда. Ташқи гулбарглари 2 см узунликда, ички лари 15 мм узунликда, ромб шаклида, учи қиррали. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси апрель–майда пишади.

Тарқалиши. Навоий вилояти: Кўкчатоғ.

Ўсиш шароити. Сув ҳавзаларини иккига ажратувчи қоятошли жойларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан ва тугунак пиёзларидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиатдан камёб, эндемик тур. Ўсиш жойларида чорва моллари жуда кўп боқилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза этилмайди.

Манбалар. [53, 59, 283, 366].

Ҳ.Ф. Шомуродов

Статус 1. Редчайший узколокальный эндемик низкогорий Кызылкума.

Краткое описание. Клубнелуковица шириной 1,5 см. Стебель высотой 10 см. Листья серповидные, шириной 1–1,5 см, гладкие, по краю белоокаймленные, острые. Цветки бледно-фиолетовые, по одному. Внешние листочки околоцветника длиной около 2 см, внутренние длиной 15 мм, ромбовидные, островатые. Цветет в марте–апреле, плодоносит в апреле–мае.

Распространение. Навоийская область: Кокчатау.

Места обитания. Скалы в приводораздельной части.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Естественно редкий эндемичный вид. Угрозу представляет чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [53, 59, 283, 366]

Х.Ф. Шомуродов

Extremely rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Navoi region: the Kokchatau relic mountain. Inhabits clefts of rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: Rare endemic species. The habitat is used for pastures. Measures of protection: not protected.

71. СВЕТЛАНА ГУЛСАФСАРИ

Ирис Светланы / Iris svetlanae (Vved.) T.Hall et Seisums

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кулранг қопламали тугунак пиёзининг эни 2–2,5 см. Поясининг баландлиги 10–15 см. Барглари ўроқсимон, эни 3–4 см, силлиқ, четлари (атрофи) оқ ҳошияли, учи ўткир. Гуллари 1–2 та, сариқ тусли. Ташқи гулқўрғон бўлаклари 12–16 см узунликда, ромб шаклида, учи ўткирроқ. Апрель ойида гуллаб, май ойида мева тугади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Зарафшон ва Ҳисор тизмасининг ғарбий қисми – Қашқадарё ҳавзаси (Қизилча, Қўрғонтош, Торқопчиғай ва Ишкент қишлоқлари, Тахтақорача довони атрофи)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Қизил қумтошли тупроқларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий ўсиб турган жойларининг қисқариши ва чорва боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФАнинг Тошкентдаги ботаника боғида ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [53, 59, 159, 283, 366].

Н.К. Раҳимова

Статус 2. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Клубнелуковица шириной 2–2,5 см, с серыми чешуями. Стебель высотой 10–15 см. Листья серповидные, шириной 3–4 см, гладкие, по краю белоокаймленные, острые. Цветки желтые, в числе 1–2. Внешние листочки околоцветника длиной 4–5 см, внутренние 12–16 мм, ромбовидные, островатые. Цветет в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Кашкадарьинская область: западные отроги Зеравшанского и Гиссарского хребтов – бассейн реки Кашкадарья (окрестности кишлаков Тойча, Кызылча, Курганташ, Таркапчигай и Ишкент, перевал Тахтакарача).

Места обитания. Краснопесчаники.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Успешно культивируется в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [53, 59, 159, 283, 366].

Н.К. Рахимова

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Kashkadarya region: the western branches of the Zeravshan and Hissar ranges, nearby the pass Takhta-Karacha, the villages Ishkent, Tarkapchigay, Kurgantash, Toycha and Kyzylcha. Inhabits red red sandstones. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.

72. ВИКТОР ГУЛСАФСАРИ

Ирис Виктора / Iris victoris F.O.Khass., Khuzhan. et Rakhimova

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойга хос камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Дағал ва кулранг пўстлоқли тугунак пиёзининг эни 2–2,5 см. Поясининг баландлиги 10–15 см. Барглари ўроқсимон, эни 3–4 см, силлиқ, гирди (атрофи) оқ ҳошияли, учи ўткир. Гуллари 1–2 та, сариқ тусли. Ташқи гулқўрғон япроқлари 4–5 см, ички гулқўрғон япроқлари эса 12–16 мм узунликда, илгаксимон. Февраль–март ойларида гуллаб, меваси апрелда пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитангда (Келиф-Шеробод тизмаси, Оқтош қишлоғи) тарқалган.

Ўсиш шароити. Бўз тупроқларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий ўсиб турган жойларининг қисқариши ва чорва боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [366].

Н.К. Раҳимова

Статус 1. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Клубнелуковица шириной 2–2,5 см, с серыми чешуями. Стебель высотой 10–15 см. Листья серповидные, шириной 3–4 см, гладкие, по краю белоокаймленные, острые. Цветки желтые, в числе 1–2. Внешние листочки околоцветника длиной 4–5 см, внутренние 12–16 мм, булавовидные. Цветет в феврале–марте, плодоносит в апреле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Келиф-Шерабадская гряда (пос. Акташ).

Места обитания. Серые глины.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [3, 366].

Н.К. Рахимова

Extremely rare endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Surkhandarya region: the Kelif-Sherabad range (near Aktash). Inhabits grey clays. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.



ЗИРАДОШЛАР (СОЯБОНГУЛДОШЛАР) ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО СЕЛЬДЕРЕЙНЫЕ (ЗОНТИЧНЫЕ) – APIACEAE (UMBELLIFERAE)

73. МАЙДА МЕВАЛИ ДОРЕМА

Дорема мелкоплодная / Dorema microcarpum Korovin

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шань ва Шимолий Помир-Олойда ўсувчи ўта камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1-2 м гача етадиган кўп йиллик ўт. Барглари кулранг тусда бўлиб, қиррали бутун ҳамда ярмигача кесилган кичик бўлакчаларга тўрт карра патсимон шаклда бўлинган. Баргининг ҳар икки томони калта-калта тукчалар билан қопланган. Соябончалари қисқа шохчаларда биттадан ёки иккитадан бўлиб, кетмакет ўрнашган. Соябончаларидаги гуллари 10 тадан. Меваси майда-майда, узунлиги 6–7 мм. Май ойида гуллаб, июнда мева беради.

Тарқалиши. Наманган ва Фарғона вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шанда – Чотқол тизмасида (Қўқонбий ва Тергачи қишлоқлари оралиғи); Олой тизмаси (Шоҳимардон)да тарқалган. Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидаги соз тупроқли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик-кичик майдонларда якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликнинг камайишига ерларнинг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ўзлаштирилиши ва чорва молларининг боқилиши сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1961 йилдан бошлаб муваффақиятли равишда ўстириб келинмоқда.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [140, 159].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Тянь-Шаня и Северного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 1–2 м. Листья сероватые, четырежды перисто-рассечённые на ланцетовидные цельные и до половины надрезанные дольки, с обеих сторон с коротким опушением. Зонтички расположены на коротких веточках по 1 или по 2 друг над другом. Цветков в зонтичках по 10. Плоды мелкие, длиной 6–7 мм. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Наманганской и Ферганской областях: Западный Тянь-Шань – Чаткальский хребет – по дороге от селений Куканбия и Тергачи (Наманганская область) и Алайский хребет (Шахимардан). За пределами Узбекистана: Кыргызстан.

Места обитания. Глинисто-щебнистые склоны в предгорьях.

Численность. Встречается единичными экземплярами на небольших площадях.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение мест естественного произрастания под сельхозугодья, выпас скота.

Культивирование. С 1961 года успешно выращивался в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [140, 159].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare endemic species of the Naryn river basin in the western Tien-Shan and northern Pamir-Alay. It is spread at the western Tien-Shan: the Chatkal ridge – along the road from the villages of Kukanbiya and Tergachi (Namangan region) and the Alay ridge (Shakhimardan). Inhabits clay and gravelly slopes in foothills. Single specimens in small areas can be observed. Limiting factors: Destruction of habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.

74. ДЕНОВ ЖУФТУРУҒИ

Шарозонтичник денауский / Sphaerosciadium denaënse (Schischk.) Pimenov et Kljuykov

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги йўқолиш арафасида турган камёб эндемик реликт ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м га етадиган поликарп ўсимлик. Пояси тўғри, туксиз, юмалоқ, тўлиқ. Илдизбўғзи ҳамда поя барглари узун ва йўғон бандли, узунлиги 20–30 см, эни 10–20 см, асосида пояни ўраб турувчи 3 см гача кенгайган қулоқсимон қинга эга. Барглар уч марта патсимон қирқилган, туксиз, уларнинг 1-сегментлари узун, 2-си қисқа бандчали, охиргиси ўтроқ. Барг сегментларининг узунлиги 3–7 см, эни 2–4 см, тенгсиз, четлари юмалоқ тишчали, илдизбўғзи ва поянинг қуйи қисмида уларнинг шакли кенг тухумсимон, поянинг ўрта қисмида ланцетсимон. Юқориги барглар ингичка ланцетсимон қингача редукциялашган: марказий соябон остида 2 та йирик, узунлиги 7–9 см, эни 0,6–1 см ва 1 та майда, узунлиги 2–3 см, эни 0,4–0,6 см; ён соябонлар остида 2 та қин бўлиб, узунлиги 4–6 см, эни 0,3–0,4 см. Ўсимликнинг марказий соябончаси каттароқ, 10–15 та худди шундай кичик соябончаларни жамлаган, ён тарафдаги соябонлар 3–11 та. Уруғлаган вақтида нурларининг узунлиги 9–15 см га етади, деярли туксиз. Ўрама барги ва ўрама баргчалари йўқ. Меваси икки бўлакли, юмалоқ. Апрель–майда гуллаб, меваси май–июнь ойида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасидаги Сангардак дарёси водийси (Нилу қишлоғидан Хондиза дарёсининг қуйи оқимигача) ва Тўпаланг дарёсининг ўрта оқимида тарқалган .

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қояларда ўсади.

Сони. 2014 йилда Сангардакда 180 тупи топилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу тур ўсадиган ерларда кўплаб чорва моллари боқилади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Бу турнинг биологик хусусиятларини ўрганиб чиқиш лозим.

Манбалар. [142, 159].

Д.Т. Хамраева

Статус 1. Редчайший реликтовый эндемичный вид и род Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Поликарпик высотой около 1 м. Стебель прямой, голый, округлый, полный. Прикорневые и стеблевые листья на длинных и толстых черешках, длиной 20–30 см и шириной 10–20 см, при основании расширенных в стеблеобъемлющие мясистые, кожистые влагалища ушковидной формы до 3 см ширины. Листья трижды перисто-рассеченные, голые, их первичные сегменты на длинных, вторичные – на коротких ножках, а конечные сидячие. Сегменты листа длиной 3–7 см и шириной 2–4 см, неравные, с округлыми зубцами, форма сегментов прикорневых и нижних стеблевых широкояйцевидная, в средней части ланцетовидная. Верхние листья редуцированы до влагалищ узколанцетной формы: под центральным зонтиком 2 крупных длиной 7–9 см, шириной 0,6–1 см, и 1 мелкое длиной 2–3 см, шириной 0,4–0,6 см; под боковыми зонтиками 2 влагалища длиной 4–6 см и шириной 0,3–0,4 см. Центральный зонтик более крупный из 10–15 зонтичков, боковые зонтики из 3–11 зонтичков. При плодах с широко раскинутыми, длинными (9–15 см), почти голыми лучами. Обертки и оберточки отсутствуют. Плод двойчатый, шаровидный. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае-июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – долина реки Сангардак, от кишлака Нилю до низовьев Хандизы и реки Тупаланг в среднем течении.

Места обитания. Скалы в среднем поясе гор.

Численность. В 2014 году зарегистрировано 180 растений в Сангардаке.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [142, 159].

Д.Т. Хамраева

Rarest relict endemic species and genus of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar ridge: the Tupalang and Sangardak valleys, from the village Nilyu to Khandiza (Surkhandarya region). Inhabits rocks in the middle mountainous zone. In 2014, 180 plants were registered in the Sangardak valley. Limiting factors: overgrazing. Measures of protection: not protected.

75. ПОПОВ ЖЎЯКМЕВАСИ

Бороздоплодник Попова / Aulacospermum popovii (Korov.) Kljyukov, Pimenov et V.N.Tikhom.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шандаги ареали бўлинган, камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40–50 см, ўқ илдизли кўп йиллик монокарп ўсимлик. Илдизининг йўғонлиги 1 см га етади. Илдиз бўғизи эски қуриган баргларининг бандлари билан қопланган. Ёпирма барглари патсимон, бўлинган, барг банди ингичка қанотчали, тўқ яшил рангли. Пояси бақувват, жўякли, асосидан бошлаб шохланган. Соябони кўп, 10–18 та шуълали камончаси бор, эни 5–7 см. Тожбарглари сарғиш. Меваси чўзиқ, ён томонидан қисилган. Август ойида гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Ғарбий Тянь-Шанда – Угом, Писком ҳамда Чотқол (ғарбий қисми) тизмаларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Қирғизистонда учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан баландлиги 1 600–2 000 м бўлган тоғларнинг шимолий ва шимоли-шарқий ёнбағирларидаги оҳактошли қояларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ёки тўп-тўп бўлиб ўсади. 7 та популяцияси аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик фақатгина бир марта гуллаб, мева бериши (монокарп) ва уруғининг яхши унмаслиги ҳамда алоҳида шароит (оҳактошлар)га мослашганлиги туфайли сони жуда кам.

Маданийлаштирилиши. Қисқа вақт давомида ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади. Биологик хусусиятларини ўрганиш лозим.

Манбалар. [140, 159].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 2. Редкий узкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетний стержнекорневой травянистый монокарпик высотой 40–100 см. Корень толщиной до 1,8 см, корневая шейка одета остатками черешков отмерших листьев. Прикорневые листья перисторассечённые, с узкокрылатыми черешками, темно-зелёные. Стебель крепкий, бороздчатый, от самого основания ветвящийся; верхние ветви мутовчатые. Зонтики многочисленные, с 10–18 лучами, 5–7 см в поперечнике. Лепестки желтоватые. Плод продолговатый, слегка сжатый с боков. Цветёт в августе, плодоносит в сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Западный Тянь-Шань – Угамский, Пскемский хребты и западная оконечность Чаткальского хребта. За пределами Узбекистана: Кыргызстан.

Места обитания. Трещины и уступы отвесных известняковых скал северной и северо-восточной экспозиции в среднем поясе гор (1 600–2 000 м).

Численность. Встречается единичными экземплярами на небольших площадях. Известно 7 популяций.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Редкое монокарпическое растение с узким экологическим диапазоном.

Культивирование. Непродолжительное время культивировался в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Произрастает на территории Угам-Чаткальского национального парка. Необходимо изучение биологических особенностей.

Источники. [140, 159].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare endemic species of the western Tien-Shan with the reducing area. It is spread at the western Tien-Shan: the Ugam, the Pskem and Chatkal ranges (Tashkent region). Inhabits clefts and ledges of plumb lime-stony rocks of the northern and north-eastern expositions in the middle belt of mountains (1 600–2 000 m above sea level). Only 7 populations are known. Limiting factors: rare monocarp plant with strict ecology. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

76. ТЯНЬ-ШАНЬ КАМЕЛИНИЯСИ

Камелиния тяньшанская / Kamelinia tianschanica F.O. Khass. et I.I. Malzev

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шань ҳудудига мансуб жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–50 см, кўп тугунакли, кўп йиллик поликарп ўсимлик. Илдиз бўғизидаги барглари узун бандли, япроғи уч карра бўлинган, бўлаклари чўзиқроқ-думалоқ, нишлари бор. Поядаги барглари бандли, юқоридагилари қисқариб новга айланган. Соябонидаги 5 та ўрама баргчали камонлари 5–10 та, узунлиги 10 см. Косачаси пардасимон тишли. Гултожи оқ. Меваси юмалоқроқ, узунлиги 4 мм, эни 5 мм. Май ойида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Ғарбий Тянь-Шанда – Оҳангарон дарёси ҳавзасида иккита ўсиш жойи маълум: Дукентсой ва Қорабоғсой.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан баландлиги 1 200–1 600 м бўлган жойлардагикўчиб тушган тошлар уюми орасида ўсади.

Сони. Дукентсойдаги популяцияси ўрганилган. 80 га майдонда 600 дан ортиқ ҳар хил ёшдаги туплари маълум.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Махсус шароитга мослашган, атроф-муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига чидамсиз (стенобионт) ва реликт тур.

Маданийлаштирилиши. 2009 йили ЎзР ФА Ботаника боғига экилган.

Муҳофаза чоралари. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида жойлашган.

Манбалар. [159, 311].

И.И. Мальцев

Статус 2. Редкий реликтовый эндемичный вид и род Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее поликарпическое растение с пальчато ветвящимися клубневидными корнями. Стебли высотой 30–50 см. Прикорневые листья на удлиненных черешках, пластинки их трижды рассеченные на ланцетно-овальные доли. Стеблевые листья нижние на черешках, верхние редуцированные до влагалищ. Лучей зонтика 5–10 до 10 см длины, с обверточками из 5 листочков. Зубцы чашечки пленчатые. Лепестки белые. Плоды черные, округлые, длиной 4 мм, шириной 5 мм. Цветет в мае, плодоносит в июле.

Распространение. Западный Тянь-Шань – в долине реки Ахангаран известны популяции из Дукентсая и Карабау.

Места обитания. Каменистые осыпи на высоте 1 200–1 600 м.

Численность. Изучена популяция в Дукентсае. На площади около 80 га произрастает более 600 растений различного возраста.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Стенобионтный и реликтовый вид.

Культивирование. Высажен в Ботанический сад АН РУз в 2009 г.

Меры охраны. Находится на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [159, 311].

И.И. Мальцев

Rare, relic, endemic species and genus of the western Tien-Shan. It is spread at the western Tien-Shan: the Chatkal range (the surroundings of Yangiabad, the Karabau and Dukantsai rivers). Inhabits stony slopes at 1200–1600 m. Population in the Dukantsay was studied. On the area of 80 hectares, more than 600 plants were registered. Limiting factors: relict and stenobiont taxon. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

77. СУМБУЛ КОВРАК

Ферула мускатная / Ferula sumbul (Kauffm.) Hook. f.

Мақоми 3. Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 150 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари 2–5 та, ингичка, юқори қисми сершох. Барглари қаттиқ бўлиб, илдиз бўғизида ўрнашган. Япроғи уч карра патсимон бўлинган, узунлиги 2–3 см, кенглиги 1–1,5 см, учидаги бўлаклари тухумсимон нишли. Узунлиги 2–3 см, кенглиги 1–1,5 см. Гуллари сариқ рангда. Косача барглари тишчали. Меваси майда, узунлиги 7 мм, эни 4 мм. Июнь ойида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Нурота, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмаларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда, бутазорларда ўсади.

Сони. Ниҳоятда камёб, тўп-тўп бўлиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли томонидан муттасил ва нооқилона тарзда атир-упа саноати учун ҳамда доривор хом ашё сифатида йиғиб олиниши ва уруғининг турли ҳашаротлар томонидан зарарланиши унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Ўзбекистон Миллий университетининг Ботаника боғида бундан бир неча йиллар олдин ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Нурота, Зомин, Китоб, Ҳисор давлат қўриқхоналарида, Зомин миллий табиат боғида муҳофаза этилади.

Манбалар. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 3. Редкий эндемик Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее поликарпическое травянистое растение высотой до 150 см. Стебли в количестве 2–5, тонкие, в верхней части ветвящиеся. Листья жёсткие, в прикорневой розетке. Пластинка трижды перисто-рассечённая, конечные дольки яйцевидные, ланцетные или продолговатые, 2–3 см длиной, 1–1,5 см шириной, зубчатые. Цветки жёлтые. Зубцы чашечки заметные. Плоды мелкие, длиной 7 мм и шириной 4 мм. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской, Навоийской, Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: хребты Нуратау, Туркестанский, Зеравшанский и Гиссарский. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Каменистые склоны среднего пояса гор, среди зарослей кустарников.

Численность. Крайне редок, встречается небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивная и нерациональная заготовка местным населением в качестве лекарственного и парфюмерного сырья. Семена сильно повреждаются насекомыми-вредителями.

Культивирование. Ранее успешно культивировался в Ботаническом саду Национального университета Узбекистана.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском, Зааминском, Китабском, Нуратинском государственных заповедниках и Зааминском национальном парке.

Источники. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare endemic species of the Pamir-Alay. It is spread at the Nuratau, the Turkestan, the Zeravshan, the Hissar ranges (Jizzakh, Samarkand, Navoi, Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits stony slopes in the middle belt of mountains, among shrubs. The quantity is unknown. Limiting factors: stocking by local population as medicinal plant, mentioned by Avicenna. Most of seeds are damaged by insects. Measures of protection: protected in the Hissar, the Zaamin, the Nuratau, the Kitab state reserves and the Zaamin national park.



78. ТУГАНАКЛИ КОВРАК

Ферула клубненосная / Ferula tuberifera Korovin

Мақоми 3. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбида ўсадиган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик монокарп ўсимлик. Илдизи қисқа, бир нечта бутоқларга бўлинган, ён томирлари тугунакли. Поясининг бўйи 50–60 см, оч яшил рангда, бўғим оралиқлари пуфаксимон шишган, ўрта қисмидан шохланган. Поянинг пастки қисмидаги шохлари кетма-кет, юқоридагилари эса ҳалқа шаклида ўрнашган. Илдиз бўғизидаги барглари ромб шаклида, банди қисқа, уч карра патсимон бўлинган, тишчали, 1,5–2 см узунликда. Соябони ҳар хил: ўртасидагилари деярли бандсиз, 7–13 шуълали, диаметри 8 см атрофида, ён томондагилари 2–3 тадан бирлашган. Соябончалари 10–15 гулли. Тожбарги сариқ рангли, чўзиқ-думалоқ шаклда. Мевалари чўзиқроқ-думалоқ, оқиш-сариқ рангли. Май ойида гуллаб, июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларида (Кўҳитанг, Чўлбайир) тарқалган.

Ўсиш шаронтн. Бойсунтоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ва тошли-шағалли ерларда, арчазорларда тарқалган.

Сони. Кўпинча якка-якка ҳолда, баъзан тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғи етилмаган пайтда ўсимликни чорва молларининг барча турлари яхши истеъмол қилади. Шунингдек, ем-хашак сифатида ўриб олинади.

Маданийлаштирилиши. Экиб ўстирилмайди.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [141, 159, 237].

О.Т. Тургинов

Статус 3. Редкий вид Юго-западного Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее монокарпическое растение. Корень короткий, разветвленный, с клубнями на боковых корнях. Стебель бледно-зелёный, высотой 50–60 см, в узлах вздутый, от середины ветвящийся. Нижние ветви очередные, верхние – мутовчатые. Прикорневые листья в очертании ромбические, трижды перисторассеченные; конечные дольки обратнояйцевидные, 1,5–2 см длиной, зубчатые. Зонтики разные: центральные почти сидячие, 7–13-лучевые, около 8 см в диаметре, боковые собраны по 2–3. Зонтички 10–15-цветковые. Лепестки жёлтые, продолговато-овальные. Плоды овальные, бледно-жёлтые. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: юго-западные отроги Гиссарского хребта – Кугитанг, Чульбаир. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Каменистые и щебнисто-галечниковые субстраты в среднем поясе гор, в арчовниках.

Численность. Часто встречается единичными экземплярами, реже образует небольшие группы.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас (в стадии незрелых плодов хорошо поедается всеми видами животных) и сенокосы.

Культивирование. Не культивируется.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [141, 159, 237].

О.Т. Тургинов

Rare and endemic species of the south-western Uzbekistan. It is spread at the south-western outskirts of the Hissar range: the Kughitang, the Chulbair (Surkhandarya region). Inhabits stony and pebble substrates in the middle belt of mountains, in juniper stands. The quantity is unknown. Limiting factors: overgrazing. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

79. ҚИЗИЛҚУМ КОВРАГИ

Ферула кызылкумская / Ferula kyzylkumica Korovin

Мақоми 3. Қизилқумдаги қолдиқ тоғларда ўсадиган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган поликарп ўт. Пояси ўрта қисмидан рўваксимон шохланади, кейинчалик қизил тусга киради. Шохлари кетма-кет жойлашган. Илдиз бўғизидаги барглари қисқа ва йўғон бандли, кенг новли. Япроғи кенг ромбсимон, учтадан бўлакка ажралган, бўлаклари, ўз навбатида, уч карра пат шаклида бўлинган, учидаги паллачалари тухумсимон, 5–10 мм узунликда. Поядаги баргларининг япроқлари жуда қисқа. Соябонлари ўрама баргчаларсиз, 7–10 гулли. Косача барглари тишсиз, тожбарглари сариқ рангда. Меваси чўзиқ-думалоқ шаклда. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тоғларда (Томдитоғ, Белтоғ, Сангрунтоғ, Бўкантоғ, Қулжуқтоғлар) ва ола тусли тупроқларда тарқалган.

Ўсиш шароити. Тошли-шағалли ёнбағирларда, ола тусли тупроқларда ва юзага чиқиб қолган туб жинсларда тарқалган.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ташқари кўп боқилиши сабабли сони камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Қизилқум чўл станциясининг тажриба майдонида синаб кўрилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 3. Редкий эндемик останцовых гор Кызылкума.

Краткое описание. Поликарпическое растение высотой 50 см. Стебель в средней части ветвящийся в нешироку метёлку, позднее краснеющий. Ветки очередные. Листья прикорневые, на коротких и толстых черешках, расширенных во влагалище. Пластинка листа в очертании широкоромбическая, тройчаторассечённая, конечные доли яйцевидные, 5–10 мм длиной, перистонадрезанные. Стеблевые листья с сильно уменьшенной пластинкой. Зонтики без обёрточек 7–10-цветковые. Чашечка без зубцов, лепестки желтые. Плоды продолговато-овальные. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Бухарской и Навоийской областях: останцовые горы и пестроцветы Кызылкумов – Тамдытау, Бельтау, Сангрунтау, Букантау, Кульжуктау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны, пестроцветы и выходы коренных пород.

Численность. Встречается одиночными растениями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Испытывается в коллекционном питомнике Кызылкумской станции АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare and endemic species of remnant mountains of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Tamdytau, the Beltau, the Sengruntau, the Bukantau, the Kuldjuktau (Bukhara and Navoi regions). Inhabits stony and pebble slopes, outcrops of variegated beds. Single specimens can be found. Limiting factors: overgrazing. Measures of protection: not protected.

80. ПРАТОВ КОВРАГИ

Ферула Пратова / Ferula pratovii F.O. Khass. et I.I. Malzev

Мақоми 1. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик поликарп ўсимлик, бўйи 30–60 см. Пояси туксиз. Баргларининг аксарият қисми илдиз бўғизида жойлашган, уч карра бўлинган, оқ тукли, ён томонидаги паллачалари тухумсимон – чўзиқ, 3–5 бўлакли. Соябони 4–8 шуълали, узунлиги 2–3 см. Соябонининг шуъласи 8–10 та. Ўрама баргли ва ўрама баргчасиз. Косачасининг тишлари тўмтоқроқ. Гултожи оқиш, овалсимон. Стилоподи ясси. Тугунча ва меваси туксиз. Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларида тарқалган (Вуари қишлоғи атрофида).

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 400 м баландликдаги гипсли ён-бағирларда ўсади.

Сони. 60 туп ўсимликдан иборат 2 та популяцияси аниқланган.

Кўпайиши. Уруғи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий ўсиб турган жойларининг бузилиши ва кўплаб мол боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 308].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее поликарпическое растение 30–60 см длиной. Стебли голые. Листья все трижды перисто-рассеченные, с вздутым черешком, грубо волосистые, латеральные доли овальные, 3–5 раздельные. Зонтик с 4–8 лучами, 2–3 см длиной, зонтички 8–10 лучевые. Прицветников и прицветничков нет. Чашечка тупозубчатая. Лепестки белые, овальные. Стилоподии сплюснутые. Завязь и плоды голые. Цветет в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Кашкадарьинская область: юго-западные отроги Гиссарского хребта (окрестности кишлака Вуары).

Места обитания. Гипсированные склоны на высоте 2 400 м.

Численность. Известны 2 популяции (60 растений).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Разрушение естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 308].

Ф.О. Хасанов

Rare species of the western Pamir-Alay. It is spread at the western part of the Hissar range: nearby the village Vuary (Kashkadarya region). Inhabits gypsaceous slopes (2 400 m.s.l.). 2 populations are known (60 plants). Measures of protection: not protected.

81. ФЕДЧЕНКО КОВРАГИ

Ферула федченковская / Ferula fedtschenkoana Koso-Pol.

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Мутлақ туксиз кўп йиллик поликарп ўт ўсимлик. Пояси якка ёки бир нечта бутоқчадан иборат ингичка, бинафшаранг, юқори қисми кўпинча қалқонсимон шохланган. Шохлари кетма-кет, юқоридагилари супротив. Барглари-нинг ранги оч кўк, юмшоқ, туксиз, беш карра бўлинган (кесилган), учидаги паллачалари торайиб кетган, 10–20 мм узунликда. Соябони 4–8 шуълали. Соябончасининг шуъласи 8–10 та. Косачаси калта тишчали. Гултожи сариқ, овалсимон, 1,4 мм узунликда. Меваси узунчоқ-овалсимон, туксиз, 6 мм узунликда, эни 3,5 мм. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Қизилдарёнинг юқори қисми), Туркистон ва Молгузар тизмалари. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.

Ўсиш шароити. Тоғлардаги арчазор ҳудуднинг шимолий ёнбағирликларидаги майда тупроқли-шағалли жойларда ўсади.

Сони. Саноқли даражада учрайди, 10 х 10 м^2 майдонга 2–3 та ўсимлик тўғри келади.

Кўпайиши. Уруғи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор ва Зомин давлат қўриқхоналарида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 2. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее поликарпическое совершенно голое травянистое растение. Корень веретеновидный. Стебель одиночный или их несколько, тонкий, нередко фиолетовый, в верхней части щитковидно ветвящийся; ветви очередные, верхние супротивные. Листья сизоватые, мягкие, голые, пятикратно перисто-рассеченные; конечные доли узкие, 10–20 мм длиной. Зонтики конечные 4–8-лучевые. Зонтички 8–10-цветковые. Чашечка с короткими зубцами. Лепестки желтые, овальные, 1,4 мм длиной. Плоды продолговато овальные, сжатые со спинки, голые, 6 мм длиной, 3,5 мм шириной. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Джизакской, Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Гиссарский (верховья Кызылдарьи), Туркестанский и Мальгузарский хребты. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые северные склоны в арчовом поясе.

Численность. Встречается одиночно, по 2–3 растения на 10 х 10 м^2.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Не культивировался.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском и Зааминском заповедниках.

Источники. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Jizzakh, Kashkadarya and Surkhandarya regions: the Hissar (the Kyzyldarya river basin), the Turkestan and Malguzar ranges. Inhabits the rubbly northern slopes in juniper belt. Single or by 2-3 plans at 10 m x 10m plots can be observed. Measures of protection: protected in the Hissar and Zaamin state reserves.

82. КОРЖИНСКИЙ КОВРАГИ

Ферула Коржинского / Ferula korshinskyi Korovin

Мақоми 2. Шимолий Помир-Олойга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик, пояси туксиз поликарп ўсимлик. Илдизи шолғомсимон йўғонлашган. Пояси, одатда, бир нечта ингичка новдадан иборат, новдаларининг ранги кўкимтир, узунлиги 2 м гача етади, япроқларсиз, юқорига қараб икки ёки уч тармоққа ажралиб кетган. Барглари уч-тўрт карра учга бўлинган. Учидаги бўлаклари наштарсимон-чўзиқ ёки узунчоқ, узунлиги 1,5–6 см, кенглиги 6–15 мм, четлари бир текис, бус-бутун. Учидаги соябончалари 5–11 шуълали бўлиб, диаметри 6–8 см. Косачаси калта тишчалардан иборат. Баргчалари майда, чўзиқроқ, сариқ тусда. Мевалари кўкимтир, пастки тарафи кичрайиб кетган, чўзиқроқ шаклда, узунлиги 6–7 мм. Июль ойида гуллаб, августда мева беради.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмаси (Шоҳимардон). Ўзбекистондан ташқарида: Қирғизистон.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларида тошлоқларда, гипсли туб жинсларда ва бошқа тоғ жинсларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тоғ этакларидаги ерларнинг тинимсиз ўзлаштирилиши ҳамда чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов,
Е. Клюйков

Статус 2. Редкое растение Северного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее поликарпическое совершенно голое травянистое растение с вертикальным реповидно утолщенным корнем. Стеблей обычно несколько; они сизые, тонкие, до 2 м высотой, безлистные, вверху дважды или трижды ветвящиеся. Листья трижды-четырежды тройчаторассеченные; конечные доли ланцетно-овальные или продолговатые, 1,5–6 см длиной, 6–15 мм шириной, цельнокрайние. Зонтики конечные 5–11 лучевые, 6–8 см в диаметре. Чашечка с короткими зубцами. Лепестки мелкие, овальные, желтые. Плоды сизые, сжатые со спинки, овальные, 6–7 мм длиной. Цветет в июле, плодоносит в августе.

Распространение. Ферганская область: Алайский хребет (долина реки Шахимардан). За пределами Узбекистана: Кыргызстан.

Места обитания. Лессовые, мелкоземисто-каменистые склоны в нижнем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение предгорных ландшафтов, чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Н е охраняется.

Источники. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов,
Е. Клюйков

Rare species of the northern Pamir-Alay. It is spread at the Ferghana region: the Alay range, Shashimardan. Inhabits loess, clayey-stony slopes in lower mountain belt. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of habitats, economic activity in foothills, overgrazing. Measures of protection: not protected.

83. ЎРИНБОСАР КОВРАК

Ферула замещающая / Ferula vicaria Korovin

Мақоми 1. Фарғона водийсининг жанубий адирларида ўсувчи камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик монокарп ўт ўсимлик. Илдизида шарсимон йўғонлашган жойлари бор. Пояси, бир нечта бўлиб, кўкимтир рангда, ингичка, 2 м гача баландликда, қалқонсимон шохланган. Барглари калта, мустаҳкам тукли, 3–4 карра патсимон қирқилган, учидаги бўлаклари ингичка-узунчоқ, 0,5–2 см узунликда; поя барглари найсимон, ёпирма баргларгача редукцияланган. Соябони 2–5 шуълали; соябончалари 7–8 гулли. Косачаси тишчасиз. Гултожибарглари деярли ясси, кенг овалсимон, оч яшил-қўнғир. Меваси тескари тухумсимон, 4,5–6 мм узунликда. Июнь-июль ойларида гуллаб, мева ҳосил қилади.

Тарқалиши. Туркистон ва Олой тизмалари этакларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларида, тошлоқларда, гипсли туб жинсларда ва бошқа тоғ жинсларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тоғ этакларидаги ерларнинг тинимсиз ўзлаштирилиши ҳамда чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Статус 2. Редкий эндемик южных предгорий Ферганской долины.

Краткое описание. Многолетнее монокарпическое травянистое растение. Корни с шаровидными утолщениями. Стебель одиночный, тонкий, высотой 20–60 см, вверху щитковидно ветвящийся. Листья слегка шероховатые от коротких жестких волосков, 3–4-перисто-рассеченные; конечные доли узколинейные, 0,5–2 см длиной; стеблевые листья редуцированы до трубчатых влагалищ. Зонтики с 2–5 лучами; зонтички 7–8-цветковые. Чашечка без зубцов. Лепестки почти плоские, широко овальные, оливково-бурые. Плоды обратно-яйцевидные, сжатые со спинки, 4,5–6 мм длиной. Цветет и плодоносит в июне–июле.



Распространение. Предгорья Туркестанского и Алайского хребтов.

Места обитания. Щебнистые и пестроцветные склоны, по сухим руслам и галечникам.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение предгорных ландшафтов, чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [141, 159, 237].

М.Г. Пименов, Е. Клюйков

Rare endemic species of the southern foothills of the Ferghana valley. It is spread at the Ferghana region: the foothills of the Turkestan and Alay ranges. Inhabits rubbly and gypseous slopes, dry stream beds, pebbles, at 900-1500 m s l. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing under antropogenic pressure. Measures of protection: not protected.

84. ЕЛЕНА КОВРАГИ

Ферула Елены / Ferula helenae Rakhm. et Melibaev

Мақоми 2. Нурота олди қолдиқ тоғларида (Балиқлитоғ, Эгарбелистоғ) ўсадиган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик монокарп ўсимлик. Илдизи цилиндрсимон, илдиз бўғзи қуриган баргларнинг кўп сонли толалари билан қопланган. Поясининг баландлиги 60–70 см, мустаҳкам, ингичка, юқоридан шохланувчи, бўғинидан бир нечта шох ҳосил қилади. Барглари оқиш-кўкимтир қалин дағал туклар билан қопланган: тўпбарглари калта, мустаҳкам, қалин бандли, япроқлари кенг ромбсимон, мураккаб патсимон. Поядаги баргларининг япроқлари жуда қисқа. Соябони икки хил. Меваси кучли ҳидга эга. Май ойида гуллаб, июнда етилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Нурота олди қолдиқ тоғлари (Балиқлитоғ, Эгарбелистоғ)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тош-шағалли ёнбағирларда тарқалган.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ўсади. Бир нечта жойларда ўсиши аниқланган.

Кўпайиши. Уруғи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий ўсиб турган жойларининг бузилиши ва кўплаб мол боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақида маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [141, 159, 237].

А.Р. Батошев

Статус 2. Редкий эндемик останцовых гор при Нуратау.

Краткое описание. Многолетний монокарпик. Корень цилиндрический, корневая шейка покрыта многочисленными волокнами отмерших листьев. Стебель высотой 60–70 см, крепкий, тонкий, вверху ветвящийся, по несколько ветвей в узле. Листья сероватые от густо покрывающих жестких волосков: прикорневые – на коротких, крепких и толстых черешках, пластинка широкоромбическая, тройчатая, многократно перисторассеченная на овальные перисто-надрезные, по краям курчавые дольки длиной 2–3 мм. Стеблевые листья с сильно уменьшенной пластинкой, верхние сведены до яйцевидных, вздутых, стеблеобъемлющих влагалищ. Зонтики двоякие. Плоды с сильным скипидарным запахом. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Джизакская область: Принуратинские останцовые горы (Балыклитау, Эгарбелистаг).

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны.

Численность. Встречается единичными особями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Разрушение естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [141, 159, 237].

А.Р. Батошев

Rare and endemic species of the Prinuratau. It is spread at the remnant mountains near the Nuratau range the Balyklitau and Egarbelistag (Jizzakh region). Inhabits stony-rubbly mountain belt. Single specimens can be found.Limiting factors: destruction of habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.

85. ТОЖИК КОВРАГИ

Ферула таджиков / Ferula tadshikorum Pimenov



Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги сон жиҳатдан қисқариб бораётган, ареали бўлинган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик монокарп ўсимлик бўлиб, бўйи 1,5–1,8 м, саримсоққа хос кучли ҳидга эга. Илдизи йўғон, вертикал илдизпояли. Оддий каудексли. Пояси якка, барглари юмшоқ, нозик, тезда сўлиб қолади, юқори қисми деярли туксиз. Тўпгули – кенг, шингилли. Соябонлари кўп, барчаси мева тугади. Соябончалари 10–15 гулли, ўрама баргчасиз. Гулбандлари қисқа, 0,5–0,8 см. Косачабаргларининг тишчалари майда, уч қиррали. Гултожибарглари сариқ, 2–2,5 см узунликда, чўзинчоқ-эллипссимон. Меваси 1,9–2,7 см узунликда, эни эса 0,9–1,2 см, тескари тухумсимон, чўзинчоқ-тухумсимон, овалсимон ёки эллипссимон, орқа томондан сиқилган, ясси, туксиз. Апрель-май ойларида гуллаб, июнь-июль ойларида мевалайди.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларида ва Боботоғда тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида: Жанубий Тожикистон.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги ёнбағирларда ва қояларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ёки кичик-кичик популяцияларни ташкил қилган ҳолда ўсади. Умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган, кўп йиллик ўт. Поялари кўп, тик, ёйиқ сийрак, оддий ва безчали туклар билан қопланган. Барглари узун бандли, кенг тухумсимон, япроғининг узунлиги 5–10 см, эни 4–8 см, устки томони деярли туксиз, пастки томони томирлари бўйлаб сийрак туклар билан қопланган. Гуллари қисқа (0,5 см), мевасининг етилишига қараб узайиб борадиган, безчасимон тукли бандларда ўрнашган. Тўпгули ёйиқ, юқори қисми каллакчасимон. Косачаси безчасимон тукли, узунлиги 0,5 см. Гултожи қўнғироқсимон, узунлиги 10–15 мм, хира пушти рангли. Меваси кўсакча, узунлиги 10–12 мм. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасида, Шоҳимардон ва Сўх дарёларининг ҳавзаларида учрайди. Қирғизистон, Тожикистон (Туркистон тизмаси: Ворух, Хўжабақирган қишлоқлари атрофлари)да ҳам тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 800–2 000 м баландликда қояларнинг соялари, бутазорларнинг таглари, арчазорлар ва очиқ ерларда ўсади.

Сони. Жуда сийрак тарқалган. Турли ёшдаги ўсимликларнинг умумий сони 8000 тупдан ошмайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли томонидан доривор ўсимлик сифатида кўплаб ишлатилиши сабабли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Табиий шароитда экиб ўстирилганда ижобий натижа бермаган. ЎзР ФА Ботаника боғида 1973 йилдан буён ўстириб келинади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [122, 159].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Редчайший эндемик Алайского и Туркестанского хребтов.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 50 см. Стебли многочисленные, прямостоячие, рыхловолосистые, с примесью железистых волосков. Листья широкояйцевидные, с верхней стороны почти голые, с нижней по главной жилке рыхловолосистые, на длинных черешках, пластинка листа длиной 5–10 см, шириной 4–8 см. Цветки на коротких (0,5 см) и удлиняющихся при плодах железистых цветоножках, собраны в рыхлое соцветие, на верхушке головчатое. Чашечка железистоволосистая длиной 0,5 см. Венчик колокольчатый, длиной 10–15 мм, грязно-кремовый. Коробочка длиной 10–12 мм. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Ферганская область: Алайский хребет – бассейны рек Шахимардан и Сох. За пределами Узбекистана: Кыргызстан, Таджикистан (Туркестанский хребет – окрестности кишлаков Ворух, Ходжабакирган).

Места обитания. В тени скал, под кустарниками, в арчовниках и на открытых полянах в среднем поясе гор, на высоте 1 800–2 000 м над уровнем моря.

Численность. Встречается редко, единичными особями. Общая численность разновозрастных растений не превышает 8 000 экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Нерациональное использование вида местным населением в качестве лекарственного сырья.

Культивирование. Предпринята неудачная попытка культивирования в природных местах обитания. В Ботаническом саду АН РУз выращивалась с 1973 года.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [122, 159].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic of the Alay and Turkestan ranges. It is spread at the Alay range: the Shakhimardan and Sokh valleys (Ferghana region). Inhabits rock shades, under shrubs, on the open glades among the juniper stands in the middle belt of mountains, at an elevation of 1 800–2 000 m.s.l.. Single specimens can be found rarely. Total number of plants of different age not exceeds 8000 specimens. Limiting factors: irrational use of these species by local population as medicinal raw material. Measures of protection: not protected.



КАРАМДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КАПУСТНЫЕ (КРЕСТОЦВЕТНЫЕ) – BRASSICACEAE (CRUCIFERAE)

103. ҲИСОР ИСКАНДАРАСИ

Искандера гиссарская / Iskandera hissarica N. Busch

Мақоми 1. Ҳисор тизмасидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 см га етадиган, поясининг пастки қисми ёғочланган, кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари тескари наштарсимон, қисқа бандли, узунлиги 1–8 см, эни 3–15 мм, юлдузсимон тукли. Гулпояси, одатда, баргсиз бўлади. Косачабарглари чўзиқроқ, бинафша рангли, узунлиги 8 мм, эни 6,5 мм. Қўзоғи юқорига қараган, 3–5 см узунликда, кенг наштарсимон ёки чизиқли-узунчоқ, юлдузсимон ва безсимон туклар билан қопланган. Май ойида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тоғи (Қоракўл, Хондиза ва Тўпаланг дарёларининг юқори ирмоқлари)да тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмида, қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Кам учрайди, кичик-кичик тўплар ҳосил қилади. Тўпаланг дарёси ҳавзасида 3 000 тупи қайд қилинган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [46, 263].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Редкий узколокальный эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее растение высотой до 30 см с древеснеющими в нижней части побегами. Листья розеточные, обратноланцетные, короткочерешковые, длиной 1–8 см, шириной 3–15 мм, звёздчатоопушенные, многолучевые. Цветоносные стебли, как правило, безлистные. Чашелистники продолговатые, фиолетовые, длиной около 8 мм, шириной 6,5 мм. Стручки вверх торчащие, длиной 3–5 см, широколанцетно или линейно-продолговатые, опушены звёздчатыми и железистыми волосками. Цветёт в мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – Каракуль, верховья Хандизы и притоков реки Тупаланг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Трещины скал в субальпийском поясе гор.

Численность. Встречается небольшими куртинками. 3 000 растений в Тупаланге.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Культивировался в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [46, 263].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic of the Hissar range. It is spread at the Hissar range: Karakul, Khandiza and Tupalang (Surkhandarya region). Inhabits cracks of rocks in the subalpine zone. The quantity is 3000 plants in the Tupalang area. Measures of protection: not protected.

104. ТОШБУЗАР ПАРРИЯСИ

Паррия камнеломка / Parrya saxifraga Botsch. et Vved.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанда ареали бўлинган, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10 см га етадиган, деярли поясиз кўп йиллик ўт. Қисқа пояси қуруқ барг қолдиқлари билан қопланган. Илдизи кўпбошчали. Ёпирма барглари чўзиқ тухумсимон, қаттиқ, четлари тишли. Гулпоялари баргсиз, оддий, узунлиги 3–7 см. Гуллари бинафша рангли. Меваси қўзоқ, юқорига қараб қайрилган. Уруғи ясси, юмалоқ, эни 2,5–5 мм, ўрта қисмидан учига ва асосига қараб ингичкалаша боради. Июнь ойида гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Наманган вилоятлари: Чотқол ва Қурама тизмасидаги Бетоғалик, Кенгсоз ва Қўйтош дараларида, Жирдон, Орашон довонларида ўсади.

Ўсиш шароити. Тоғларда 2 600–2 900 м баландликдаги шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ёки кичик туплар ҳосил қилиб учрайди. Бу тур тоғларнинг чиқиш қийин бўлган жойларида сақланиб қолган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғининг униб чиқиш даражаси паст бўлганлиги туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [36, 159].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий узколокальный эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее, почти бесстебельное травянистое растение высотой до 10 см. Укороченные стебли покрыты сухими остатками отмерших листьев. Корень многоглавый. Листья в прикорневой розетке, жёсткие, зубчатые, продолговато-яйцевидные. Цветочные стебли безлистные, простые, высотой 3–7 см. Цветки фиолетовые. Плод – косо вверх направленный стручок. Семена плоские, округлые, шириной 2,5–5 мм, к основанию и верхушке суженные. Цветёт в июне, плодоносит в августе.

Распространение. В Ташкентской и Наманганской областях: Кураминский и Чаткальский хребты– урочище Бетагалик, Кенгсаз и Койташ, перевалы Джирдан, Арашан.

Места обитания. Щебнистые склоны субальпийского пояса гор, на высоте 2 600–2 900 м.

Численность. Одиночно или небольшими группами. Сохранился в труднодоступных местах.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Слабое семенное возобновление.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [36, 159].

К.Ш. Тожибаев

Rare and endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal range: Betagalik, Kengsaz and Koitash, the Djirdan and Arashan passes (Tashkent and Namangan regions). Inhabits slopes of the subalpine belt of mountains at a height of 2 600-2 900 m s l. Single specimens or small groups can be found. They are extant in almost inaccessible regions. Limiting factor: bad seed reproduction. Measures of protection: not protected.



105. ҚУРАМА ПАРРИЯСИ
Парриа кураминская / Parrya kuramensis Botsch.

Мақоми 1. Ғарбий Тянь-Шанда учрайдиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см гача етадиган поясиз, каудекси кўп бошчали, кўп йиллик ўсимлик. Барглари илдиз бўғзида тўп бўлиб ўрнашган, оддий, кенг бандли, безчасимон қалин туклар билан қопланган, ўткир учли, япроқчалари йирик тишли. Гулпояси тик, узунлиги 15–18 см, баргсиз, безчасимон тукли. Гуллари бинафша рангли. Қўзоғи узунчоқ, ясси, тик, туксиз, бўғим оралиқлари бироз ингичкалашган. Уруғи эллипссимон, бир қатор ўрнашган. Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Қурама тизмасидаги Қамчиқ довонида тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 200–2 300 м баландликда, сийрак арчазорлар орасида, шағалли тик ёнбағирларда ўсади. Очиқ, шимоли-шарқий ёнбағирлар уларнинг ўсиши учун қулай жой ҳисобланади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки 3–5 тупдан иборат ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қамчиқ довони атрофида моллар боқиладиган ерларда ўсганлиги туфайли оёқости бўлиб, камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Табиатда ва маданий шароитда ўстириб, турнинг биологик хусусиятларини ўрганиш лозим.

Манбалар. [36, 159].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Редкий узколокальный эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее бесстебельное травянистое растение высотой до 25 см с многоглавым каудексом. Листья розеточные, простые, с густожелезистым опушением, широкочерешковые, ланцетные, острые, по краю крупнопильчатые. Цветочные стебли высотой 15–18 см, прямостоячие, безлистные, с железистыми волосками. Цветки фиолетовые. Стручки голые, линейные, плоские, вверх направленные, с перетяжками между семенами. Семена эллиптические, однорядные. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. В Ташкентской и Наманганской областях: Кураминский хребет – перевал Камчик.

Места обитания. Крутые щебнистые склоны на высоте 2 200–2 300 м, среди разреженных арчовников; предпочитает открытые северовосточные экспозиции.

Численность. Малочислен, встречается единично или небольшими (3–5 растений) группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Произрастает вблизи перевала на трассе скотопрогона, вытаптывается и поедается скотом.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [36, 159].

К.Ш. Тожибаев

Rare, endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Kurama range: the Kamchik pass (Tashkent and Namangan regions). Inhabits steep slopes at an altitude of 2 200–2 300 m, among sparse juniper stands; prefers the open north-eastern expositions. Not numerous, solitary specimens or small (3–5 plants) groups can be found. Limiting factors: grows near the passage on the route of cattle road, trampled down and eaten by cattle. Measures of protection: not protected.

106. ЗАРАФШОН СОХТА КЛАУСИЯСИ

Ложноклаусия зеравшанская / Pseudoclausia zerawschanica (Regel et Schmalh.) Botsch.

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий минтақасига хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 60–70 см га етадиган оддий, узун ҳамда безчасимон туклар билан қопланган бир ёки икки йиллик ўт. Якка пояли, тубидан шохланган. Барглари тўмтоқ, чўзиқ, патсимон бўлакли. Гуллари оч бинафша рангли. Қўзоғи туксиз ёки тукли, етилганда тасбеҳсимон. Апрель–май ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари: Нурота, Оқтоғ тизмаларида, Зирабулоқ тоғларида ҳамда Зарафшон дарёси водийсидаги паст тоғларда учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмларида шағалли ва майда тупроқли жойларда, шувоқ, бута ва ярим буталар орасида ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ёки 2–10 тадан тўп-тўп бўлиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши ва уруғининг яхши униб чиқмаслиги сабабли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза этилади.

Манбалар. [37, 159, 228].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик юго-западной части Узбекистана.

Краткое описание. Одно-двухлетнее травянистое растение высотой до 60–70 см, опушенное простыми длинными волосками с примесью железистых. Стебель от основания разветвляется, одиночный. Листья тупые, продолговатые, перистолопастные. Цветки светло-фиолетовые. Стручки голые и опушенные, слабочетковидные. Цветёт и плодоносит в апреле–мае.

Распространение. В Джизакской, Навоийской и Самаркандской областях: хребты Нуратау, Актау, Зирабулакские горы, низкогорья в долине реки Зеравшан.

Места обитания. Щебнистые и мелкоземистые субстраты в нижнем и среднем поясах гор, среди полынников, кустарников и полукустарников.

Численность. Встречается единично и спорадически небольшими (от 2 до 10 растений) группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота и низкая семенная продуктивность.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [37, 159, 228].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the south-western Uzbekistan. It is spread at the Nuratau, the Aktau ranges, the Zirabulak mountains, the low mountains in the Zeravshan river valley (Jizzakh, Navoi and Samarkand regions). Inhabits stony and fine earth substrates in the lower and middle belts of mountains, among sage brushes, shrubs and semishrubs. Single specimens and sporadically small (from 2 to 10 specimens) groups can be found. Limiting factors: overgrazing and low seed productivity. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

107. ЧИМЁН СОХТА КЛАУСИЯСИ

Ложноклаусия чимганская / Pseudoclausia tschimganica (Popov ex Botsch. et Vved.) A.V.Vassil.

Мақоми 1. Ғарбий Тянь-Шанга мансуб жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–50 см, баъзан 100 см гача етадиган узун, оддий ва қисқа безчасимон туклар билан қопланган икки йиллик ўсимлик. Пояси асосидан шохланган. Ёпирма барглари кўп, тескари наштарсимон, бандли. Гуллари қўнғир тусда, томирлари бинафша ранг, узунлиги 9–11 мм. Қўзоғи ясси, тасбеҳсимон кўринишда, пояга ёпишган, узун тумшуқчали. Июнь-июль ойларида гуллаб, меваси августда етилади.



Тарқалиши. Тошкент вилояти: Фақатгина Чотқол тизмасида тарқалган. Шунингдек, Қирғизистонда ҳам ўсади (Сандалош тизмаси).

Ўсиш шароити. Қояларда, тошли ва шағалли ёнбағирларда, дарё бўйларидаги тошлоқларда, эриётган қор уюмлари атрофида ўсади.

Сони. Табиатда кам тарқалган. Якка-якка ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқ маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Аниқ маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Камайиб бориш сабаблари аниқланиши лозим. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғининг ҳудудида жойлашган.

Манбалар. [37, 159, 228].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий узкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Двухлетнее растение высотой 30–50, реже до 100 см, с длинными простыми и короткими железистыми волосками. Стебель от основания ветвистый. Листья прикорневые, многочисленные, черешковые. Лепестки длиной 9–11 мм, коричневые, с фиолетовыми жилками. Стручки уплощенные, слабочетковидные, прижаты к стеблю, с длинным носиком. Цветёт в июне–июле, плодоносит в августе.

Распространение. Ташкентская область: отмечен только на Чаткальском хребте. За пределами Узбекистана: Кыргызстан (Сандалашский хребет).

Места обитания. Скалы, каменистые склоны и осыпи, песчано-галечниковые берега ручьев, вблизи тающего снега.

Численность. Немногочислен. Встречается спорадически единичными растениями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Места произрастания находятся на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [37, 159, 228].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal range (Tashkent region). Inhabits rocks, stony slopes and mounds, sandy-pebble banks of streams, near melting snow. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

108. ЮРАКСИМОН ТОРОЛ

Клоповник почтисердцевидный / Lepidium subcordatum Botsch. et Vved.

Мақоми 2. Қизилқум ва Устюртда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см гача етадиган, поялари кўп бошчали, кўп йиллик ўт. Илдиз бўғизи тўкилиб кетган эски барг бандларининг пардали қолдиқлари билан ўралган. Поялари 2–3 та ва ундан ҳам кўпроқ, туксиз, шохланган. Барглари қалин тукли, поянинг асосида ўрнашганлари кўп, тескари тухумсимон, тўмтоқ, йирик тишли ёки патсимон бўлинган, бандига қараб ингичкалашиб боради. Гуллаган пайтида шингили тиғиз, мевалаш даврига бориб сийраклашади. Косача барглари юмалоқ, тўмтоқ, ташқи томони тукли. Тожбарглари оқ рангли. Меваси тухумсимон қўзоқ шаклида. Уруғи майда, қўнғир рангли. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Қорақалпоғистон, Навоий ва Бухоро вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар (Қулжуқтоғ, Бўкантоғ ва Султонувайс)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғлардаги ола жинсли, шағалли ва қумли тупроқларда тарқалган.

Сони. Маълум эмас. Якка-якка ва 3–5 тупдан иборат тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик уруғлаган вақтда чорва молларининг кўплаб боқилиши унга айниқса жиддий шикаст етказади.

Маданийлаштирилиши. Чўл яйловлари унумдорлигини ошириш мақсадида кўп йиллик, сершира ем-хашак ўсимликлари етиштиришни кўпайтириш ЎзР ФА Қизилқумдаги тажриба станциясида экиб ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [64, 159].

Ҳ.Ф. Шомуродов

Статус 2. Редкий эндемик останцов Кызылкума и Устюрта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение длиной до 40 см. Стебли формируются от многоглавой головки. Шейка корня покрыта пленчатыми остатками черешков отмерших листьев. Стебли от 2–3 до многочисленных, голые, разветвленные. Листья опушены густыми волосками, розеточные, многочисленные, обратнояйцевидной формы, тупые, крупнозубчатые или перисто-раздельные, постепенно суженные в черешок. Кисти при цветках очень плотные, при плодах рыхлые. Чашелистики почти округлые, тупые, по спинке пушистые. Лепестки белые. Стручки яйцевидные, семена коричневые, мелкие. Цветёт в конце апреля–мая, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Каракалпакстане, Навоийской и Бухарской областях: останцевые возвышенности Кызылкумов – Кульджуктау, Букантау и Султанвайс.

Места обитания. На щебнистых и каменистых склонах, выходах пестроцветных пород, опесчаненных почвах по останцовым горкам.

Численность. Не установлена. Встречается одиночно и группами по 3–5 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сильно страдает от перевыпаса скота в период созревания семян.

Культивирование. Имеются опытные посевы на Кызылкумской пустынной станции АН РУз. Испытывается как сочный многолетний корм с целью фитомелиорации пустынных пастбищ.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [64, 159].

Х.Ф. Шомуродов

Rare endemic species of the Kyzylkum and Ustyurt. It is spread at the Kyzylkum: the Kuldjuktau, the Bukantau and Sultan-Uizdag relict mountains (Karakalpakstan, Navoi and Bukhara regions). Inhabits gravelly and stony slopes, outcrops of gypseous rocks, sandy soils on the hills. The quantity is unknown. Single specimens and groups of 3–5 specimens can be found. Limiting factors: suffers from overgrazing when seed maturing. Measures of protection: not protected.



109. ОЛЬГА ЛЕПИДИУМИ

Клоповник Ольги / Lepidium olgae (R.M. Vinogr.) Al-Shehbaz et Mumm.

Мақоми 2. Нурота тизмасининг камёб эндемик тури.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт ўсимлик, илдизпояси тик, йўғонлашган. Пояси 30–70 см баландликда, туксиз, анча йўғон, юқори қисми шохланган. Барглари туксиз, кулранг, этли. Илдиз бўғзидаги барглари йирик, кенг тухумсимон ёки деярли юмалоқ, пастки қисми торайган, кенг қанотчали бандга эга. Поядаги барглари тухумсимон, бандсиз, секин - аста кичрайиб боради. Гуллари кўп гулли ўсимликнинг тепа қисмидаги шингилларда мураккаб рўвак ҳосил қилиб ўрнашган. Гултожи оқ, узунлиги 8–9 мм. Косачабаргларидан 2 баравар узун. Қўзоқчаси очилмайдиган, тескари тухумсимон, узунлиги 16–20 мм, эни 8–10 мм, сал қабариқли, пишганлари осилиб туради, узун ва қайрилган мева-бандида ўрнашган. Апрель ва майнинг бошларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Нурота тоғ тизмасининг марказий қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тош-чағиртошли, тошли-майда чағиртошли тоғларнинг ўрта қисмидаги шимолий ва ғарбий ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам, тарқоқ ҳолда бир неча тупдан то ўнлаб ўсимликкача таркиб бўлган кичик-кичик популяциялар учрайди. Умумий сони 1 000 тупга яқин.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликларнинг кичик майдонларда ўсиши, шароитга унча мослашмаганлиги, маҳаллий аҳоли томонидан илдизпояларининг кавлаб олиниб, доривор маҳсулот сифатида ишлатилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [64, 159, 289].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик хребта Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с утолщенным вертикальным корневищем. Стебли высотой 30–70 см, голые, довольно толстые, в верхней половине разветвленные. Листья голые, сизоватые, мясистые. Цветки в многоцветковых верхушечных кистях, собранных в сложное метельчатое соцветие. Лепестки белые, 8–9 мм длиной, в два раза длиннее чашелистиков. Стручочки нераскрывающиеся, обратнояйцевидные, 16–20 мм длиной и 8–10 мм шириной, слегка вздутые, зрелые повислые, на длинных отогнутых плодоножках. Цветёт в апреле – начале мая, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Джизакская область: центральная часть хребта Нуратау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны нижнего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко, спорадически, небольшими популяциями от нескольких экземпляров до нескольких десятков. Общая численность составляет не более 1 000 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность вида к ограниченным местообитаниям и заготовка корневищ местными жителями в качестве народного лекарственного средства.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского государственного заповедника.

Источники. [64, 159, 289].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the Nuratau range. It is spread at the central part of the Nuratau range (Jizzakh region). Inhabits stony slopes in the lower mountainous zone. About 1 thousand of specimens were revealed. Limiting factors: stenobiont rare species, roots collected by local population for medicinal purposes. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.



110. ГОРДЯГИН ҚАТРОНИ

Катран Гордягина / Crambe gordjaginii Sprygin et Popov

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–70 см га етадиган, кўп пояли, поясининг асоси ҳурпайган, дағал тукли, кўп йиллик ўт. Поясининг остки қисмидаги барглари узун бандли, турли даражада ўйилган, тухумсимон ёки лирасимон, кичик бўлакларга ажралган. Тўпгуллари рўваксимон, узун шохчали. Гуллари тўқ сариқ рангли. Қўзоқчасининг юқори бўғими эллипссимон, силлиқ. Апрель ойида гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ғузор, Тўдадашт, Гулчадашт атрофидаги тепаликларда тарқалган.

Ўсиш шароити. Эфемер, эфемероидлар орасида, шағалли ва гипсли қизил тупроқларда ўсади.

Сони. Ғузор атрофидаги тепаликларда бу турнинг мингга яқин туплари сақланиб қолган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тоғ этакларининг қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилиши ва чорва моллари-нинг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстириш учун қилинган ҳаракат натижасиз тугади.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [131, 336].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 50–70 см. Стебли многочисленные, с торчащими жёсткими волосками у основания. Нижние листья длинно-черешковые, неправильно-выемчатые, яйцевидные или лировидные, с маленькими долями. Соцветие метельчатое, с длинными ветвями. Цветки ярко-жёлтые. Стручок эллипсоидальный, гладкий. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: низкие холмы в окрестностях Гузара, Туда-Дашта, Гульча-Дашта.

Места обитания. Щебнистые холмы и выходы гипсоносных красных глин, среди эфемеров и эфемероидов.

Численность. Около 1 тысячи особей в окрестностях Гузара.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение зоны предгорий, интенсивный выпас скота.

Культивирование. Попытка выращивать в Ботаническом саду АН РУз оказалась неудачной.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [131, 336].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the low hills nearby Guzar, Tuda-Dasht, Gulcha-Dasht (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits hills and outcrops of gypsym-bearing red loams among ephemeroid plants. About 1 000 specimens can be found in the surroundings of Guzar. Limiting factors: economic reclamation of foothills, intensive grazing. Measures of protection: not protected.

111. ВИНКЛЕР СПРИГИНИЯСИ
Спрыгиния Винклера / Spryginia winklerii (Regel) Popov

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик туксиз ўт. Пояси оддий, узунлиги 10–40 см. Барглари этли, бутун, бандли, чўзиқ-ланцетсимон, ўткир қиррали. Косачабарглари чўзиқ-чизиқли, бинафшаранг, юқори четлари оқиш пардали, узунлиги 7–10 мм. Гулбарглари қирмизи-бинафша рангда бўлиб, косачабарглардан 2–2,5 марта узун, узун бандли. Мевабандининг узунлиги 5 мм. Қўзоқчалари чўзиқ, ясси, ўроқсимон эгилган, узунлиги 4–8 см, эни 2 мм, калта тумшуққчаси томон ингичкалашган. Март–апрель ойида гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида.

Ўсиш шароити. Кул ранг, бўз тупроқларда ўсади.

Сони. Оқтош атрофидаги тепаликларда бу турнинг 200 га яқин тупи сақланиб қолган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тоғ этакларининг қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилиши ва чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [38].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Однолетнее голое, зеленое растение. Стебель простой, длиной 10–40 см. Листья мясистые, цельные, черешковые, продолговато-ланцетные, острые. Чашелистики линейно-продолговатые, фиолетово-окрашенные, вверху по краю бело-перепончатые, длиной 7–10 мм. Лепестки пурпурно-фиолетовые, в 2–2,5 раза длиннее чашелистиков, длинноготковые, на верхушке округлые. Плодоножки 5 мм длиной. Стручки линейные, четковидные, сплюснутые, серповидно отогнутые, длиной 4–8 см, шириной 2 мм, суженные в короткий носик. Цветёт в марте–апреле, плодоносит в мае.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях.

Места обитания. Серые глины.

Численность. 200 растений в окрестностях кишлака Акташ.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение зоны предгорий, интенсивный выпас скота.

Культивирование. Нет информации.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [38].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the low hills nearby Aktash (Surkhandarya region). Inhabits grey clays. 200 specimens nearby Aktash can be found. Limiting factors: destroying of habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.

КАРМАКДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КЕРМЕКОВЫЕ – LIMONIACEAE (PLUMBAGINACEAE)

112. АННА КИРПИЎТИ
Акантолимон Анны / Acantholimon annae Lincz.

Мақоми 2. Ҳисор тоғидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Яримшар шаклидаги тиғиз, ёстиқсимон, диаметри 10–12 см га етадиган ярим бута. Барги яшил, деярли ясси-наштарсимон, узунлиги 2–5 мм, эни 0,5–1,5 мм. Гулпояси оддий, узунлиги 4–5 см, баргидан узунроқ, туксиз. Бошоғи бир гулли. Косачаси қирмизи, тожбарги пушти рангли. Июль–август ойларида гуллаб, сентябрь–октябрда меваси етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси, Тўпаланг дарёси ҳавзасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги тошли, қоя тошли, тик ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кам сонли популяцияси табиатда жуда оз учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиатда ўсимликнинг ҳолати ва сони махсус ўрганилмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Статус 2. Редкий эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Полукустарник, образующий плотные полушаровидные подушки до 10–12 см в диаметре. Листья зеленовато-сизые, плоские, ланцетные, длиной 2–5 мм, шириной 0,5–1,5 мм. Цветоносы значительно превышают листья, высотой 4–5 см, простые, голые. Колоски одноцветковые. Чашечка пурпурная, лепестки розовые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет, бассейн реки Тупаланг.

Места обитания. Крутые каменистые и скалистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Немногочисленные популяции встречаются крайне редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Состояние популяций и их численность не исследовались.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Rare species of the Hissar range. It is spread at the Hissar range, the Tupalang valley (Surkhandarya region). Inhabits steep stony and rocky slopes in the middle belt of mountains. Not numerous, population is extemely rare. Limiting factors: population state and their number was not investigated. Measures of protection: not protected.



113. ЕКАТЕРИНА КИРПИЎТИ

Акантолимон Екатерины / Acantholimon ekatherinae (B. Fedtsch.) Czerniak.

Мақоми 2. Чотқол тизмасига хос камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Ерга ёпишиб ўсадиган, диаметри 15–40 см орасидаги ёстиқсимон, шохчалари бироз кўтарилиб ўсувчи ярим бута. Барги ясси, наштарсимон ёки учли наштарсимон, узунлиги 2 см, эни 4 мм. Гулпояси 5–20 см, баргидан узун. Гуллари, 3–8 тадан сийрак жойлашиб, бошоқча ҳосил қилади. Косачаси пушти ёки қирмизи. Тожбарглари пушти рангли. Июль–сентябрь ойларида гуллаб, меваси сентябрь–октябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмасининг Чимён тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмидаги ёнбағирларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Инсон омили таъсирида ҳамда чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли пайҳон бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1962 йилдан бери муваффақиятли ўстирилмоқда. Экилганидан уч йил ўтиб, гуллайди, уруғ беради. Уруғидан униб чиқиши кузатилмаган. Нам шароитда яхши ўсади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғининг ҳудудида жойлашган.

Манбалар. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Статус 2. Редкий эндемик Чаткальского хребта.

Краткое описание. Подушковидный полукустарник с рапростертыми и слегка поднимающимися ветвями 15–40 см в диаметре. Листья плоские, ланцетные или линейно-ланцетные, длиной до 2 см и шириной 4 мм. Цветоносы превышают листья, высотой 5–20 см. Цветки в редких 3–8-колосковых колосьях. Чашечка розовая или пурпурная. Лепестки розовые. Цветёт в июле–сентябре, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет – Большой Чимган.

Места обитания. Горные склоны субальпийского и альпийского поясов.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Антропогенное воздействие: вытаптывается человеком и скотом.

Культивирование. С 1962 года успешно выращивается в Ботаническом саду АН РУз. Цветёт и плодоносит на 3-м году жизни. Самосева не отмечено. Положительно реагирует на подпитывающий умеренный полив.

Меры охраны. Места произрастания находятся на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Rare endemic species of the Chatkal range. It is spread at the Chatkal range: the Great Chimgan mt. (Tashkent region). Inhabits mountain slopes of the subalpine and alpine belts. The quantity is unknown. Limiting factors: anthropogenic press. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

114. МАРГАРИТА КИРПИЎТИ

Акантолимон Маргариты / Acantholimon margaritae Korovin et Lincz.

Мақоми 2. Қурама тизмасига мансуб камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Диаметри 25–50 см орасидаги бута. Ер усти қисми ярим шарсимон ғовак ёстиқча ҳосил қилади. Барглари яшил, деярли текис, узун бигизсимон, узунлиги 2–4 см, эни 1–2 мм. Гулпоясининг узунлиги 10–15 см. Бошоқчаси якка-якка жойлашган гуллардан ташкил топган. Косачаси қирмизи, тожбарги пуштиранг. Июль–август ойларида гуллаб, меваси сентябрь–октябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Қурама тизмасида Оҳангарон дарёсининг чап томонида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги арчазорларда, қояларда, тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Бутун ареали бўйлаб саноқли даражада ўсади ва жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиатда жуда кам тарқалган. Тупларининг ҳолати ва сони махсус ўрганилмаган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1963 йилдан бошлаб ўстириб келинмоқда. Экилгандан сўнг иккинчи йили гуллаб, уруғ берган, боғ шароитида уруғидан кўпайиши кузатилмаган. Саккиз-тўққиз йилдан сўнг табиий қурий бошлаган ва 15-йилга келиб барчаси қуриб кетган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Статус 2. Редкий эндемик Кураминского хребта.

Краткое описание. Кустарник, имеющий форму рыхлой полушаровидной подушки 25–50 см в диаметре. Листья зелёные, линейно-шиловидные, длиной 2–4 см, шириной 1–2 мм. Цветоносы длиной 10–15 см. Колоски в одноцветковых колосьях. Чашечка пурпурная, лепестки розовые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. Ташкентская область: Кураминский хребет – левобережье реки Ахангаран.

Места обитания. Каменистые склоны среднего пояса гор, скалы, среди арчовников.

Численность. В пределах ареала растёт единичными экземплярами и встречается крайне редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Встречаются малочисленные особи в нескольких популяциях. Их состояние и численность не исследовались.

Культивирование. С 1963 года успешно выращивается в Ботаническом саду АН РУз. Цветёт и плодоносит на 2-м году жизни. Самосева не наблюдалось. Естественное отмирание отмечено на 8–9 году выращивания, массовое – на 15-м.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [11, 177, 178].

И.В. Белолипов

Rare endemic species of the Kurama range. It is spread at the Kurama range: the left bank of the Akhangaran river (Tashkent region). Inhabits stony slopes in the middle belt of mountains, rocks, among juniper stands. Solitary specimens can be found within the distribution area. Limiting factors: not numerous specimens in several populations. Their state and number were not investigated. Measures of protection: not protected.

115. НУРОТА КИРПИЎТИ

Акантолимон нуратинский / Acantholimon nuratavicum Zakirov

Мақоми 2. Нурота тизмасидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Диаметри 20 см келадиган, яримшар шаклидаги поялари жуда тиғиз ёстиқча ҳосил қилувчи ярим бута. Барглари кўкимтир-яшил, уч қиррали, чўзиқ наштарсимон ёки деярли бигизсимон, узунлиги 0,5–1 см, эни эса 0,5–1 мм, қисқа ва қалин туклар билан қопланган. Гулпояси баргидан узунроқ, баландлиги 10–15 см. Гуллари бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. Косачабарги қалин тукли, пушти рангли, тожбарги ҳам пушти рангли. Июль–августда гуллаб, меваси август–сентябрь ойларида етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги тошли ва шағалли қуруқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кам учрайди. Кичик популяциялар (20–30 тадан 100–200 тупгача) ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиатан камёб эндемик тур. Чорва боқиладиган ерларда ўсганлиги туфайли оёқости бўлиб, камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [11, 177, 178, 208].

Н.Ю. Бешко

Статус 2. Редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Полукустарник, образующий плотные, довольно высокие полушаровидные подушки до 20 см в диаметре. Листья зеленовато-сизые, плоско-трёхгранные, узколинейно-ланцетные или почти шиловидные, длиной 0,5–1 см, шириной 0,5–1 мм, густо и очень короткоопушенные. Цветоносы значительно превышают листья, высотой 10–15 см. Цветки в колосовидных соцветиях. Чашечка густоопушенная, розовая, лепестки розовые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: хребет Нуратау.

Места обитания. Каменистые и щебнистые сухие склоны среднего пояса гор.

Численность. Встречается спорадически. Образует локальные популяции численностью от 20–30 до 100 и более растений. Общая площадь распространения около 10 тыс. га.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Естественно редкий, узкоэндемичный вид. Страдает от чрезмерного выпаса скота из-за вытаптывания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [11, 177, 178, 208].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau range (Jizzakh, Samarkand and Navoi regions). Inhabits stony dry slopes in the middle belts of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: endemic stenotopic species. Trampling down because of the overpasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

116. ДЕЯРЛИ СУЛИСИМОН КИРПИЎТ

Акантолимон почтиовсовый / Acantholimon subavenaceum Lincz.

Мақоми 2. Нурота тизмасидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Диаметри 30–40 см гача етадиган, яримшар шаклидаги тиканли ёстиқсимон ярим бута. Барглари яшил, ясси уч қиррали, энсиз қалами – бигизсимон, узунлиги 1,5–2,5 см, эни эса 1 мм га яқин, жуда қисқа тукли. Гулпояси баргидан узун, бўйи 10–15 см, туксиз, оддий ёки камшох. Гуллари сийрак бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. Бошоқчалар 1 гулли. Гулёнбаргчали туксиз. Косачаси сийрак тукли, пушти рангли, қирмизи томирли, гултожи ҳам пушти рангли. Июлда гуллаб, меваси август–сентябрь ойларида етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота тизмасининг марказий қисмида тарқалган (Сентобсой, Устуксой).

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги тошли, қуруқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда кичик майдонда (тахминан 20–25 км^2) тарқалган. Якка ҳолда, баъзан кичик тўп бўлиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликнинг умумий сони ва тўпларининг ҳолати махсус ўрганилмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Нурота қўриқхонасидаги ҳимоя майдонида ўсади.

Манбалар. [11, 177, 178].

Н.Ю. Бешко

Статус 2. Редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Колючий подушковидный полукустарник. Подушки довольно плотные, высокие, полушаровидные подушки до 30–40 см в диаметре. Листья ярко-зеленые, плоско-трёхгранные, узколинейно-шиловидные, длиной 1,5–2,5 см, шириной около 1 мм, очень коротко опушенные. Цветоносы голые, простые или в верхней половине коротко ветвистые, значительно превышают листья, высотой 10–15 см. Цветки в редких колосовидных соцветиях. Колоски 1-цветковые. Прицветники голые. Чашечка 10–11 мм длины, воронковидная, розовая, с темно-пурпурными жилками. Лепестки розовые. Цветёт в июле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Самаркандской и Навоийской областях: центральная часть хребта Нуратау (Сентабсай, Устуксай).

Места обитания. Каменистые сухие склоны среднего пояса гор.

Численность. Встречается редко, спорадически, немногочисленными популяциями. Площадь распространения примерно 20–25 км^2.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Естественно редкий стенотопный вид. Угрозу представляет чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Произрастает в буферной зоне Нуратинского государственного заповедника.

Источники. [11, 177, 178].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the Nuratau ridge. It is spread at the central part of the Nuratau ridge: Sentabsay, Ustuksay (Samarkand and Navoi regions). Inhabits stony dry slopes in the middle mountain belt. Single specimens or small populations occur sporadically. Distribution area is about 20–25 км^2. Limiting factors: overpasturing. Endemic stenotopic species. Measures of protection: grows in buffer zone of the Nuratau state reserve.

117. ТУХУМОЁҚ ИЛДИЗБОШ, ЦЕФАЛОРИЗУМ

Корнеглав яйценогий / Cephalorhizum oopodum Popov et Korovin

Мақоми 2. Жанубий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик, 40–60 см баландликдаги йўғон илдизли, тухумсимон каудексга ўтувчи ўсимлик. Барча барглари илдиз бўғзида жойлашган, бандли, серэт, ромбсимон, узунлиги 5–15 см, эни 1,5–2,5 см. Гулбанди 2–4 та, тўғри, шохланган, тўпгули бир томонлама жойлашган 5–15 гулли. Косачаси қалин тукли, узунлиги 7–8,5 мм, найчаси ўтсимон, қобирғали, юпқа, кўкимтир, кейинроқ оқарувчи қайтариқли. Гултожи қизил-бинафша рангли.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликларида тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Ола жинсли паст тоғлардаги бўз тупроқларда ўсади.

Сони. 2009 йили 13 туп ўсимлик борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ола жинсли ерларнинг қисқариши ва моллар-нинг боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [179, 180, 310].

Ф.Ў Ҳасанов

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Kelif-Sherabad range (Surkhandarya region). Inhabits grey clays in variegated low mountains. 13 plants were registered in 2009. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

Статус 2. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетник высотой 40–60 см, с толстым корнем, переходящим в яйцевидный каудекс. Листья все прикорневые, черешковые, мясистые, сизые, ромбические, длиной 5–15 см, шириной 1,5–2,5 см. Цветоносы в числе 2–4, прямые, ветвистые с односторонними 5–15-цветковыми соцветиями. Чашечка густо опушенная, длиной 7–8,5 мм, трубка ее травянистая, ребристая, с перепончатым с синеющим, позже белеющим отгибом. Лепестки красновато-фиолетовые. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Келиф-Шерабадская гряда. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Серые глины пестроцветных низкогорий.

Численность. В 2009 г. зарегистрировано 13 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площади пестроцветов и выпас.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [179, 180, 310].

Ф.О. Хасанов

КЕЛИНСУПУРГИДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ТИМЕЛЕЕВЫЕ – THYMELAEACEAE

118. АЛЬБЕРТ ҚИСРОНИ

Викстремия Альберта (рестелла Альберта) / Wikstroemia alberti (Regel) Domke

(= *Restella albertii* (Regel) Pobed.)

Мақоми 3. Помир-Олой ва Ғарбий Тянь-Шань тоғларида учрайдиган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1,5 м га етадиган бута. Эскирган шохлари қўнғир, кулранг, ёш новдалари ётиқ тукли. Барглари наштарсимон, 1,5–3 см узунликда, эни эса 0,5–1,5 см, асоси понасимон, учи тўмтоқ, ҳар икки томони тукли, пастдагилари бандсиз. Гуллари 5–13 тадан соябонсимон бошча тўпгул ҳосил қилади. Гулбанди 1,5 см яшил, ётиқ тукли. Тожбарглари сариқ. Ёнғоқ мевали, қуриган гулқўрғон бўлаклари билан ўралган. Июнь–июль ойида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань (Чотқол, Писком, Қурама тизмалари) ва Помир-Олойда (Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағри, Бойсун тоғлари)да тарқалган. Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Арчазорлар орасида, сернам ва юмшоқ тупроқларда ўсади.

Сони. Кам учрайди, кичик тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [205, 239].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 3. Редкий вид Западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая.

Краткое описание. Кустарник высотой до 1,5 м. Старые побеги буро-серые, молодые прижато-опушенные. Листья ланцетные, длиной 1,5–3 см и шириной 0,5–1,5 см, клиновидные при основании, тупые на вершине, с обеих сторон волосистые, короткочерешковые, нижние сидячие. Цветки по 5–13 в головчато-зонтиковидных соцветиях. Цветоносы длиной до 1,5 см, зелёные, прижатоспушенные. Венчик жёлтый. Плод-орешек заключенный в остающийся засохший околоцветник. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Ташкентской, Наманганской, Сурхандарьинской областях: Западный Тянь-Шань (Пскемский, Чаткальский, Кураминский хребты); Памиро-Алай (южный склон Гиссарского хребта, Байсунские горы). За пределами Узбекистана: Таджикистан, Кыргызстан.

Места обитания. Мягкие увлажненные субстраты, в арчовниках.

Численность. Встречается редко, небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном заповеднике и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [205, 239].

Р.И. Казакбаев

Rare species of the western Tien-Shan and Pamir-Alay. It is spread at the western Tien-Shan: the Pskem, the Chatkal, the Kurama ranges; the Pamir-Alay: the southern slopes of Hissar range, the Baysun mountains (Tashkent, Namangan, Surkhandarya regions). Inhabits soft wet substrates, in the juniper stands. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.

КОВУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КАПЕРЦЕВЫЕ – CAPPARACEAE

119. РОЗАНОВ КОВУЛИ

Каперцы Розанова / Capparis rosanowiana B. Fedtsch.

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м га етадиган серпоя ва сертикан кўп йиллик ўт. Пояси ер бағирлаб ўсади. Барглари чўзиқ, наштарсимон. Гуллари барг қўлтиғида биттадан ўрнашган, тўғри, сариқ рангли, кўп чангчили. Меваси кўсакдай, наштарсимон, узунлиги 30 см га етади, қўнғир рангли, кўндаланг томирли. Май-июнь ойларида гуллаб, меваси июль-августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: фақат Боботоғда ўсади. Асосан, Жанубий Тожикистонда тарқалган. Мавжуд гербарийларга қараганда, бу тур илгари Оқтоғ ва Хўжақозиёнда ҳам ўсган.

Ўсиш шароити. Очилиб қолган ола жинсларда, баъзан оҳактошларда ва нураган қум тошларда ўсади.

Сони. Табиатда онда-сонда якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу турнинг камайишига у ўсадиган ерларнинг ҳар хил мақсадлар учун ўзлаштирилиши сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстириш учун қилинган ҳаракат натижа бермаган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 262].

Т.Т. Раҳимова

Численность. Встречается спорадически, одиночными растениями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение территорий под сельхозкультуры.

Культивирование. Попытки вырастить в Ботаническом саду АН РУз оказались неудачными.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 262].

Т.Т. Рахимова

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay.It is spread at the Babatag range (Surkhandarya region). Inhabits the outcrops of variegated beds and gypsaceous slopes. The quantity is unknown. Limiting factors: reclamation of area under crops. Measures of protection: not protected.

Статус 1. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с многочисленными простертыми, колючими побегами длиной до 1 м. Листья продолговато-ланцетные. Цветки в пазухах листьев одиночные, правильные, жёлтые, многотычиночные. Плод – коробочка, ланцетной формы, длиной до 30 см, бурый, с продольными жилками. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: встречается только в горах Бабатаг. Основная часть ареала находится в Южном Таджикистане. Сборы свидетельствуют о том, что этот вид раньше произрастал также на Актау и Ходжа-Казианне.

Места обитания. Обнажения пестроцветных толщ, изредка известняки и разрушенные песчанники.

120. ГОРДЯГИН КЛЕОМАСИ

Клеоме Гордягина / Cleome gordjaginii Popov

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойнинг ўта камёб, реликт ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Поялари 50–120 см баландликдаги, сарғиш момиқ тукли бир йиллик ўт ўсимлик. Барглари тухумсимон, момиқ тукли, узунлиги 4–5 мм, эни 3–3,5 мм. Косачабарглари ланцетсимон, 3 таси бир хил, 4-си йирикроқ, 7 мм гача. Чангчилари 6 та. Кўсаги 25–50 мм узунликда, эни 1,5–2 мм, ўткир бурунчали, безли туклари бор. Августда гуллаб, сентябрда мевалайди.

Тарқалиши. Сурхондарё: Келиф-Шеробод тепаликлари. Ўзбекистондан ташқарида: Туркманистон (Копетдоғ).

Ўсиш шароити. Гипсли ёнбағирликлар.

Сони. 2009 йилда 20 тупи топилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўп боқилиши, турнинг реликтлиги ва ола жинсли майдонларнинг қисқариб бориши.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [262, 310].

Т.Т. Раҳимова

Статус 1. Редчайший реликтовый вид Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Однолетник с желтоватыми, войлочно-опушенными стеблями, высотой 50–120 см. Листья яйцевидные, войлочно-опушенные, длиной 4–5 см. Чашелистики ланцетные, 3 из них одинаковые, 4-й крупнее, до 7 мм длиной. Лепестки желтые, длиной 6–8 мм, шириной 3–3,5 мм. Тычинок 6. Коробочка длиной 25–50 мм, шириной 1,5–2 мм, железистая, с острым носиком. Цветет в августе, плодоносит в сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: Келиф-Шерабадская гряда. За пределами Узбекистана: Туркменистан (Копетдаг).

Места обитания. Гипсированные склоны.

Численность. В 2009 г. зарегистрировано 20 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота, реликтовость вида и сокращение пестроцветов.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [262, 310].

Т.Т. Рахимова

Rarest relict endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Kelif-Sherabad range (Surkhandarya region). Inhabits the gypseous slopes. 20 plants were found in 2009. Limiting factors: relict species, decreasing of the gypseous habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

ЛОЛАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ЛИЛЕЙНЫЕ – LILIACEAE

121. ЛЮДМИЛА БОЙЧЕЧАГИ

Гусиный лук Людмилы / Gagea ludmilae Levichev

Мақоми 1. Чотқол тизмасидаги кичик майдонларда тарқалган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик пиёзли ўсимлик. Пиёзининг диаметри 6–8 мм, ёш пиёзчаларидан 4–6 та, узунлиги 1–5 см келадиган, учида биттадан пиёзчалар ўрнашган поячалар ўсиб чиқади. Илдизолди барги новсимон, учи ўткирлашган. Поядаги барглари тўпгулининг пастки қисмида ҳалқа ҳосил қилиб жойлашган. Гулқўрғонининг узунлиги 10–15 мм. Уруғи ясси. Апрелда гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: фақат бир жой (Паркент шаҳрининг жануби-шарқий қисми)да ўсиши маълум.

Ўсиш шароити. Соз тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик майдонда тарқалган, ёш ниҳоллар ҳисобига кўпдек туюлади. Гуллаб турган туплари ниҳоятда сийрак.

Кўпайиши. Асосан, вегетатив равишда кўпаяди, уруғидан кўпайиши кам кузатилади.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу тур ўсиб турган ерлар (адир)да узлуксиз равишда деҳқончилик қилиниши ва чорва молларининг боқилиши оқибатида камайиб бормоқда. У, асосан, вегетатив усул билан кўпайиши ҳисобига сақланиб қолмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Унинг тарқалишини ва экма шароитда биологик хусусиятларини ўрганиш зарур.

Манбалар. [160].

И.Г. Левичев

Статус 1. Редкий, узкий эндемик Чаткальского хребта.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение. Луковица 6–8 мм в диаметре, у ювенильных особей от луковицы отходят 4–6 стволов длиной 1–5 см с одиночными вегетативными луковичками на конце. Прикорневой лист желобчато-угловатый, постепеннозаострённый. Стеблевые листья собраны в мутовку у основания соцветия. Листочки околоцветника длиной 10–15 мм. Семена плоские. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Ташкентская область: отмечен в 1 точке к юго-востоку от города Паркента.

Места обитания. Глинистые травянистые склоны.

Численность. Встречается на небольшом участке, где довольно обилен за счёт множества ювенильных особей; генеративные растения очень редки.

Размножение. В основном – вегетативное, в меньшей степени – семенное.

Причины изменения численности и ареала. Произрастает в интенсивно эксплуатируемой адырной зоне (богарное земледелие и выпас). Сильно стравливается скотом. Только высокая эффективность вегетативного размножения спасает вид от уничтожения.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Необходимы уточнение распространения и изучение биологических особенностей в культуре.

Источники. [160].

И.Г. Левичев

Rare, endemic species of the Chatkal range. It is spread at the 1 point to the south-east from town Parkent (Tashkent region). Inhabits clayish grassy slopes. Grows on a small area. Limiting factors: grows in the intensively used foothill zone rainfed crops and pastures. Damage caused by pasturing cattle. Measures of protection: not protected.

122. ХОЛМОН ИСИРҒАГУЛИ

Рябчик Эдуарда / Fritillaria eduardii Regel

Мақоми 1. Ўзбекистонда камайиб бораётган ва ареали ажралган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Пояси баргли, 40–80, баъзан 150 см га етадиган пиёзли, кўп йиллик ўт. Барглари ялтироқ, яшил, пастки барглари кенг чўзиқ, баъзан пояда ҳалқа ҳосил қилиб жойлашади. Поянинг энг юқори қисмидагилари наштарсимон, ҳалқа шаклида ўрнашган. Гуллари қўнғироқсимон, пастга қараб осилиб туради, қизғиш, қирмизи-қўнғир рангли, 2–8 тадан бўлиб, соябонсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси юқорига қараб тик турувчи, қисқа бандли, эни 4–5 см, энсиз қанотчали қутичага ўхшайди. Апрелда гуллаб, меваси май ойида етилади. Ажойиб, хушманзара ўсимлик.

Тарқалиши. Сурхондарё, Фарғона вилоятлари: Боботоғ, Ҳисор, Олой (Сўх дарёсининг ҳавзаси) тизмаларида тарқалган. Тожикистонда, Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 100 м баландликда дарахт ва буталар орасида, баъзан сернам тошли ҳамда оҳактошли сурилмаларда ўсади.

Сони. Ўзбекистонда жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари ғоят чиройли, гуллаган пайтида маҳаллий халқ томонидан териб олинади, пиёзлари эса қазиб олиниб, истеъмол қилинади. Шу сабабли, кескин камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маданийлаштирилган. Кўплаб ботаника боғларида, жумладан, ЎзР ФА Ботаника боғида 1955 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. У кенг тарқалган жойларда буюртмахоналар ташкил этиш зарур. Манзарали боғдорчилик хўжаликларида кўплаб экиб ўстирилиши лозим.

Манбалар. [187].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 1. Редкий в Узбекистане вид с разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение с облиственным стеблем высотой обычно 40–80 см, реже 150 см. Листья зелёные, блестящие; самые нижние иногда почти мутовчатые, широко-продолговатые; самые верхние мутовчатые, ланцетные. Цветки колокольчатые, поникшие, кирпично- или пурпурно-коричневые, собраны по 2–8 в зонтичковидное соцветие. Плод – вверх торчащая коробочка на короткой ножке, шириной 4–5 см, с узкими крыльями. Цветёт в апреле, плодоносит в мае. Весьма декоративен.

Распространение. В Сурхандарьинской и Ферганской областях: хребты Бабатаг, Гиссарский, Алайский; долина реки Сох. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Афганистан.

Места обитания. Среди кустарников под деревьями. Реже на каменистых, сырых россыпях известняка в среднем поясе гор, на высоте до 2 100 м.

Численность. Сведений нет.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор растений на букеты и заготовка населением луковиц для употребления в пищу.

Культивирование. Введён в культуру. Интродуцирован многими ботаническими садами. С 1955 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходимы организация заказников в местах массового распространения, массовое размножение в хозяйствах декоративного садоводства.

Источники. [187].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of Uzbekistan with the disjunctive area. It is spread at the Babatag, the Hissar, the Alay ranges; the Sokh river valley (Surkhandarya and Fergana regions). Grows under shrubs and trees, woodlands rarely on the wet chalkstone fields in the middle belt of mountains, up to 2 100 m.s.l.. The quantity is unknown. Limiting factors: picking of flowers and collecting of bulbs used in food. Measures of protection: it is necessary to create state reserves in places of mass distribution, mass reproduction in ornamental gardening.

123. ВВЕДЕНСКИЙ ЛОЛАСИ

Тюльпан Введенского / Tulipa vvedenskyi Botschantz.

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Тянь-Шанда ўсувчи камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–35 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 2–3 см, тўқ-қўнғир рангли, қобиғи қоғозсимон. Барглари 3–4 та, эгри-бугри. Гуллари биттадан, қизил рангли. Гулининг туби сариқ, чангчи иплари сариқ ёки қўнғир, чангдонлари сариқ ёки қорамтир-бинафша рангли. Апрель–май ойларида гуллаб, июнь–июлда меваси етилади.

Тарқалиши. Қурама ва Чотқол тизмаларида, асосан, Оҳангарон дарёси водийсида ўсади (Тошкент, Наманган вилоятлари).

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 600–2 000 м баландликда туб жинсларда, шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда кичик гуруҳлар ҳосил қилган ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гул ва пиёзлари кўплаб йиғиб олиниши ҳамда чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1956 йилдан буён экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Айрим популяциялари Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади. Табиатда ўсиб турган тупларини назорат остига олиш лозим.

Манбалар. [50, 60, 288, 291, 338].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 20–35 см. Луковица яйцевидная, 2–3 см в диаметре, с темно-коричневыми бумагообразными чешуями. Листья в числе 3–4, зеленоватые, волнистые. Цветок одиночный, красный. Центр цветка желтый; тычиночные нити желтые или коричневые, пыльники желтые или черно-фиолетовые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Кураминский и Чаткальский хребты, главным образом, бассейн реки Ахангаран (в Ташкентской и Наманганской областях).

Места обитания. Выходы коренных пород и маломощные щебнистые почвы в среднем поясе гор, на высоте 1 600–2 000 м над уровнем моря.

Численность. Встречается спорадически, в виде небольших популяций.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и луковиц, выпас скота.

Культивирование. С 1956 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Некоторые популяции охраняются на территории Чаткальского биосферного заповедника и Угам-Чаткальского национального парка. Необходим контроль за численностью.

Источники. [50, 60, 288, 291, 338].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Kurama and Chatkal ranges, mainly in the Akhangaran river basin (Tashkent and Namangan regions). Inhabits outscrops of bed rocks and weak soils in the middle belt of mountains, at a height of 1 600–2 000 m. Single specimens and small populations occur sporadically. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.



124. МИХЕЛ ЛОЛАСИ, ДИЛБАНД ЛОЛА

Тюльпан Михели / Tulipa micheliana T.M. Hoog

Мақоми 3. Ғарбий Помир-Олойга хос камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–30 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, қора-қўнғир чармсимон қобиғининг ички томони ётиқ туклар билан қопланган. Барглари 3–4 та, йўл-йўл бинафша доғли. Гули якка, йирик, диаметри 10 см гача бўлиб, қизил рангдан тўқ пушти ранггача. Ўзига хос қадаҳсимон шаклда. Гулининг туби қора, сариқ гардишли, баъзан гардишсиз. Чангчи иплари қора, чангдонлари бинафша рангли, баъзан сариқ. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Нурота тоғлари, Писталитоғ, Молгузар, Зарафшон, Кўҳитанг, Ҳисор тизмаларида тарқалган (Жиззах, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари). Тожикистон ва Туркманистонда ҳам тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғолди текисликлари ва адирлардаги тошли ва соз тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кам, якка ҳолда ва кичик туплар ҳолида учрайди. Бир гектар майдонда туплар сони бир нечадан 100–200 донагача етади.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқилиши ва ўсимлик гулининг териб олиниши сабабли камаймоқда.



Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1956 йилдан буён ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Нурота ва Сурхон давлат қўриқхоналарида муҳофаза қилинади. Табиатда ўсиб турган жойлари қатъий назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [50, 60, 291, 339, 357].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий вид Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 20–30 см. Луковица яйцевидная с кожистыми, чёрно-бурыми, с внутренней поверхности прижатоволосистыми покровными чешуями. Листья в количестве 3–4, сизые, с полосатыми антоциановыми пятнами. Цветок одиночный, от ярко-красного до тёмно-малинового, очень крупный, до 10 см в диаметре, оригинальной бокаловидной формы. Центр цветка чёрный с жёлтым окаймлением, иногда без него. Тычиночные нити чёрные, пыльники фиолетовые, изредка жёлтые. Цветёт в марте–апреле, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Нуратинские горы; хребты Писталитау, Мальгузар, Зеравшанский хребет; Кугитанг, Гиссарский (Джизакская, Самаркандская, Навоийская, Кашкадарьинская, Сурхандарьинская области). За пределами Узбекистана: Таджикистан, Туркменистан.

Места обитания. Подгорные равнины, каменистые и глинистые склоны предгорий и нижнего пояса гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими популяциями. Обилие от нескольких растений до 100–200 на 1 гектар.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов, выпас скота.

Культивирование. С 1956 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском и Сурханском заповедниках. Необходим строгий контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291, 339, 357].

А.Х. Шарипов

Rare species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Nuratau mountains; the Pistalitau, the Malguzar, the Zeravshan, the Hissar, the Kughitang ranges (Jizzakh, Samarkand, Navoi, Kashkadarya, Surkhandarya regions). Inhabits stony and clayish slopes of the submontane zone and lower belt of mountains. Single specimens and small populations can be found. Limiting factors: picking of flowers, pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau and Surkhan state nature reserves. Monitoring of populations is necessary.

125. ФАРҒОНА ЛОЛАСИ, ЖАВҒАЗА ЛОЛА
Тюльпан ферганский / Tulipa ferganica Vved.

Мақоми 2. Фарғона водийсининг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–40 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, қобиғи қорамтир-қўнғир, қаттиқ-чармсимон, ички томонининг юқори қисми ва асоси ётиқ тукли. Барглари тукли, юқори қисмидагилари эгри-бугри. Гули якка, сариқ, ташқи томони кўкимтир-пушти рангли, гул туби сап-сариқ. Чангчи иплари қизғиш-сариқ, чангдони қизғиш рангли. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Чотқол, Фарғона, Олой тизмаларининг пастки қисмида тарқалган (Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари). Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Адир ва тоғлардаги тошли ва майда зарра тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гул ва пиёзлари йиғиб олиниши ва чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб бормокда. Илгари Фарғона шаҳри атрофларида ўсганлиги маълум.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1957 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди. Табиатда ўсиб турган тупларини қатъий назорат остига олиш лозим.

Манбалар. [50, 60, 291, 292, 340].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик Ферганской долины.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–50 см. Луковица яйцевидная, с черно-коричневыми, крепкими, кожистыми, с внутренней стороны у вершины и при основании прижатоволосистыми покровными чешуями. Листья сизые, пушистые, верхние – курчавые. Цветки в числе 1–3, жёлтые, снаружи сизовато-розоватые, центр ярко-жёлтый. Тычиночные нити оранжево-жёлтые, пыльники оранжевые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Чаткальский, Ферганский и Алайский хребты (Наманганская, Андижанская и Ферганская области).

Места обитания. Каменистые и мелкоземистые склоны, от предгорий до среднего пояса гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов и луковиц, выпас скота. Ранее растение произрастало в окрестностях г. Ферганы.

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз с 1957 года.

Меры охраны. Не охраняется. Необходим строгий контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291, 292, 340].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the Ferghana valley. It is spread at the Chatkal, Ferghana and Alay ranges (Namangan, Andijan and Fergana regions). Inhabits stony and fine earth slopes, from foothills to the middle belt of mountains. Single specimens can be found. Limiting factors: picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: not protected. Monitoring of populations is necessary.

126. ЛЕМАН ЛОЛАСИ, ЖОВҚОСИН ЛОЛА
Тюльпан Леманна / Tulipa lehmanniana Mercklin ex Bunge

Мақоми 3. Ўзбекистондаги камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–25 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5–4 см. Қобиғи чармсимон, қорақўнғир, ер юзасигача давом этади. Барглари 3–4 та, эгри-бугри. Гули якка, сариқ, тўқ сариқ ёки қизил, туби қора, жигарранг доғли. Чангчи иплари, чангдонлари сариқ. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Бухоро, Навоий вилоятлари: Нурота тоғларининг тоғолди текисликлари; Қизилқумда: Конимех чўлида, Қулжуқтоғ, Букантоғ, Оқтоғ, Томди ва Дарвоза қолдиқ тоғларида, Жануби-шарқий Қизилқумда тарқалган. Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ҳамда Эронда учрайди.

Ўсиш шароити. Қумли чўлларда, қолдиқ тоғларда, қумли, тош-шағалли ёнбағирларда, ола жинслари ер юзасига чиқиб қолган жойларда ўсади.

Сони. 2014 йилда Қизилқум ҳудудида қайд этилган 8 та популяциясида 4 000 туп атрофида борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари териб олиниши ва чорва молларининг боқилиши сабабли қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1956 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди. Ўсиб турган жойлари назорат қилинмоғи лозим.

Манбалар. [50, 60, 291, 357].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий вид в Узбекистане.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 15–25 см. Луковица яйцевидная, 1,5–4 см в диаметре, с крепкими, кожистыми, черно-бурыми, до поверхности земли продолженными покровными чешуями. Листья в количестве 3–4, курчавые. Цветок одиночный, желтый, оранжевый или красный, с черно-коричневым пятном в центре. Тычиночные нити и пыльники желтые. Цветёт в марте–апреле, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Джизакской, Бухарской, Навоийской областях: подгорная равнина Нуратинских гор; Кызылкум: Канимехчуль, горы Дарбаза, Тамдытау, Актау, Кульджуктау, Букантау, Юго-восточный Кызылкум. За пределами Узбекистана: Казахстан, Таджикистан, Туркменистан, Афганистан, Пакистан, Иран.

Места обитания. Опесчаненные каменистощебнистые склоны и выходы пестроцветных пород в останцовых низкогорьях, песчаные и супесчаные равнины.

Численность. В 2014 г. в Кызылкуме отмечено около 4 000 растений в 8 популяциях.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и выпас скота.

Культивирование. С 1956 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291, 357].

К.Ш. Тожибаев

Very rare species of Uzbekistan with the reducing area. It is spread at the piedmont plains of the Nuratau mountains, the Kyzylkum: the Kanimekhchul, the Darbaza, the Tamdytau, the Aktau, the Bukantau, the Kuldjuktau relict mountains (Jizzakh, Navoi and Bukhara regions). Inhabits sandy stony slopes and gypseous rocks in remnant hills, sand and sandy-loam deserts. Single specimens and small populations can be found. Reasons of decreasing: mass picking of flowers and pasturing. Measures of protection. Do not protected. Monitoring of populations is required.

127. КОРОЛЬКОВ ЛОЛАСИ

Тюльпан Королькова / Tulipa korolkowii Regel

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олойдаги ареали ажралган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–20 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 2,5 см, қобиғи ички томонининг юқори қисми сертук. Барглари 3 та, эгри-бугри. Гули якка, қизил, туби қора. Чангчи ипларининг пастки қисми қора, юқори қисми эса қизил. Баъзан чангчи иплари қора ёки қизил. Чангдони сариқ. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Қурама тизмасида (Абжассой, Кендирдовон), Нурота тоғлари, Писталитоғ, Кўҳитанг, Бойсун, Боботоғда, Туркистон, Молгузар, Зарафшон, Ҳисор тизмаларида тарқалган. Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Қум-шағалли ҳамда тошли ёнбағирларда ва ола жинсли ерларда ўсади.

Сони. Табиатда тўп-тўп бўлиб ва якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари узиб ва пиёзлари қазиб олиниши ҳамда чорва молларининг боқилиши сабабли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1956 йилдан буён экиб ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Нурота, Зомин, Китоб, Ҳисор, Сурхон давлат қўриқхоналарида ва Зомин миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [50, 60, 291, 341, 357].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая с разрозненным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–20 см. Луковица яйцевидная, до 2,5 см в диаметре, с внутренней стороны у верхушки с волосисто-шерстистыми покровными чешуями. Листья в количестве 3, очень курчавые. Цветок одиночный, красный, центр цветка черный. Тычиночные нити внизу черные, вверху ярко-красные, иногда все тычиночные нити целиком черные или красные. Пыльники желтые. Цветёт в марте–апреле, плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Ташкентской, Джизакской, Самаркандской, Навоийской, Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Кураминский хребет (Абжассай, Кендырдаван), Нуратинские горы, хребты Писталитау, Байсунтау, Бабатаг, Кугитанг, Туркестанский, Зеравшанский, Гиссарский. За пределами Узбекистана: Казахстан и Таджикистан.

Места обитания. Щебнистые, каменистые склоны и выходы пестроцветов.

Численность. Встречается немногочисленными популяциями и единичными растениями.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и луковиц, выпас.

Культивирование. С 1956 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском, Зааминском, Китабском, Гиссарском и Сурханском заповедниках, Зааминском национальном парке.

Источники. [50, 60, 291, 341, 357].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the south-western Tien-Shan and Pamir-Alay with the disjunctive area. It is spread at the south-western Tien-Shan: Kurama range, the Pamir-Alay: the Nuratau, the Baysuntau and Babatag mountains, the Pistalitau, the Malguzar, the Turkestan, the Zeravshan, the Kughitang and Hissar ranges (Tashkent, Jizzakh, Samarkand, Navoi, Kashkadaıya and Surkhandaıya regions). Inhabits stony slopes and outcrops of gypseous rocks. Not numerous populations, single specimens can be found. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in the Zaamin, the Nuratau, the Kitab, the Hissar and Surkhan state reserves and the Zaamin national park. It is necessaıy to control number and to extend area of this cultivation.

128. ҚАРДОШ ЛОЛА, НУРОТА ЛОЛАСИ

Тюльпан родственный / Tulipa affinis Botschantz.

Мақоми 3. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–25 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи чўзиқ-тухумсимон, диаметри 2–4 см. Қобиғи қоғозсимон, узун, тўқ қўнғир рангли. Барглари 3 тагача, кўкимтир, сал эгри-бугри. Гули якка, қизил, туби қора, оч сариқ ҳошияли. Чангчиларининг ипи қора, чангдонлар билан бириккан жойи оқ. Чангдонлари қора бинафша ранг. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Туркистон ва Молгузар тизмалари, Нурота тоғларида тарқалган. Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Майда зарра тупроқли, шағалли ва тошли ёнбағирларда, дараларда ва қояларнинг ёриқларида, бутазор ва арчазорлар орасида, тоғларнинг пастки ва ўрта қисмида ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ва тўп-тўп бўлиб тарқалган. Баъзан бир неча юзлаб ўсимликдан иборат популяциялар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари кўплаб терилиши ва чорва моллари боқилиши ареалининг қисқариб кетишига олиб келган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1957 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Зомин ва Нурота қўриқхоналарида ҳамда Зомин миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [50, 60, 291, 357].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 15–25 см. Луковица продолговато-яйцевидная, 2–4 см в диаметре, с бумагообразными темно-коричневыми длинными чешуйками. Листья (3) сизые, слабоволнистые. Цветок одиночный, красный, центр цветка чёрный с ярко-жёлтым окаймлением. Тычиночные нити чёрные, в местах соединения с пыльниками белые. Пыльники черно-лиловые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: хребты Туркестанский, Мальгузар; Нуратинские горы. За пределами Узбекистана: Кыргызстан и Таджикистан.

Места обитания. Произрастает на каменистых, щебнистых и мелкоземистых склонах нижнего и среднего пояса гор, в ущельях, на скальных карнизах, среди кустарников и арчовников.

Численность. Встречается единично или небольшими группами, иногда образует популяции по несколько сотен растений.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов, выпас скота.

Культивирование. С 1957 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Зааминском и Нуратинском заповедниках, Зааминском национальном парке.

Источники. [50, 60, 291, 357].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Turkestan and Malguzar ranges; the Nuratau mountains (Jizzakh, Samarkand and Navoi regions). Inhabits fine earth, gravelly and stony slopes, rock ledges, among shrubs and the juniper stands, in the lower and middle mountain belts. Single specimens and small populations can be found. Limiting factors: mass picking of flowers, pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau and Zaamin nature reserves, the Zaamin national park. It is necessary to control the state of populations and pasturing.

129. ФОСТЕР ЛОЛАСИ

Тюльпан Фостера / Tulipa fosteriana Irving

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–50 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 2–6 см, қобиғи қорамтир-қўнғир, чармсимон, ички томони қалин, тўғри, қаттиқ, тилларанг туклар билан қопланган. Барглари 3–5 та, бироз эгри-бугри, кўкимтир ёки яшил рангли. Гуллари ялтироқ, қизил, якка, йирик, диаметри 10–12 см, туби қора, сариқ ҳошияли ёки сариқ. Чангчи иплари тўқ қизил ёки сариқ. Чангдони қорамтир-бинафша рангли. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмасидаги Омонқўтон ўрмон хўжалигида, Тахтақорача довонида, Ургут, Оталиқ қишлоқлари атрофларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги майин тупроқли ёнбағирларда ва қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари ва пиёзларининг кўп миқдорда йиғиб олиниши ҳамда чорва молларининг боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1957 йилдан буён ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Китоб давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Табиатда ўсиб турган тупларини назорат остига олиш лозим.

Манбалар. [50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 2. Очень узкий редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–50 см. Луковица яйцевидная, 2–6 см в диаметре. Покровные чешуи черно-бурые, кожистые, внутри покрыты густыми, прямыми, жесткими, золотистыми волосками. Листья (3–5) слабокурчавые, сизые или блестящие, зелёные. Цветок блестящий, красный, одиночный, очень крупный, 10–12 см в диаметре, центр цветка чёрный с жёлтым окаймлением или сплошь жёлтый. Тычиночные нити тёмнокрасные или жёлтые. Пыльники черно-фиолетовые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет – Аманкутанское лесничество, перевалы Тахта-Карача, Ургут, Агалык. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Мелкоземистые склоны и карнизы скал в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и луковиц, выпас скота.

Культивирование. С 1957 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Китабского заповедника. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Very rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Zeravshan range: the forestry of Amankutan, the Takhta-Karacha pass, surroundings of the villages Urgut, Agalyk (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits fine earth slopes and rocks in the middle belt of mountains. Single specimens can be found. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in the Kitab nature reserve. Monitoring of populations is necessary.

130. ОҚ ЛОЛА, ОРИТИЯ ЛОЛА

Тюльпан оритиевидный / Tulipa orithyioides Vved.

Мақоми 1. Ғарбий Помир-Олойдаги йўқолиш арафасида турган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 7–12 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўсимлик. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5 см, қобиғи қоғозсимон, қўнғир кулранг, ички томони тўрсимон момиқ тукли. Барглари 2 та, яқин жойлашган, эгри-бугри. Гуллари якка, оқ, туби сариқ. Чангчи иплари сариқ, остки қисми узун киприксимон тукли. Чангдони хира бинафша рангли. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Ҳисор тизмаси (Чўлбайир тоғи, Тўпаланг ва Оби-Заранг дарёлари ҳавзаси)да тарқалган (Сурхондарё вилояти).

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 500–3 000 м баландликда тош-шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари узиб олиниши ҳамда чорва моллари боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1975 йилдан буён экиб ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Табиатда сақланиб қолган тупларини назорат остига олиш лозим.

Манбалар. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Западного Памиро-Алая, находящийся на грани исчезновения.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 7–12 см. Луковица яйцевидная, до 1,5 см в диаметре, с бумагообразными буро-серыми, с внутренней стороны паутинисто-мохнатыми оболочками. Листья в количестве 2, сближенные, курчавые. Цветок одиночный, белый, центр желтый. Тычиночные нити желтые, внизу длиннореснитчатые. Пыльники грязно-фиолетовые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Гиссарский хребет: горы Чульбаир, бассейн рек Тупаланг и Оби-Заранг (Сурхандарьинская область).

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны в среднем и верхнем поясах гор, на высоте 2 500–3 000 м над уровнем моря.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и выпас скота.

Культивирование. С 1975 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Pamir-Alay, it is on the verge of disappearance. It is spread at the Hissar range: the Chulbair mountains, the Tupalang and Obi-Zarang river basins (Surkhandarya region). Inhabits stony slopes in the middle and upper belts of mountains, at a height of 2 500–3 000 m. The quantity is unknown. Limiting factors: mass picking of flowers, pasturing. Measures of protection: not protected.

131. САРҒИШ ЛОЛА, ЧАНГЧИ ИПИ ТУКЛИ ЛОЛА

Тюльпан волосистотычиночный / Tulipa dasystemon (Regel) Regel

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олойдаги ареали ажралган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–20 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5 см гача. Қобиғи қоғозсимон, қора-қўнғир тусли ёки қўнғир, ички томонининг юқори қисми ётиқ тукли. Барги 2–3 та. Гули якка, оч сариқ, баъзан оқ, туби сариқ. Чангчи ипи ва чангдони сариқ. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Писком, Угом, Чимён, Чотқол, Қурама, Олой, Туркистон, Молгузар, Ҳисор тизмаларида тарқалган (Тошкент, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари). Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 500–3 000 м баландликдаги тошли ва шағалли тоғ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик тўплар ҳосил қилиб ёки якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғининг ёмон униши ва чорва молларининг боқилиши ареалининг қисқариб кетишига сабаб бўлган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1959 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол ва Зомин қўриқхоналарида, Угом-Чотқол ва Зомин миллий табиат боғларида муҳофаза қилинади. Бу ўсимлик ўсадиган жойда мол боқилишини режалаштириш ва уни назорат остига олиш керак.

Манбалар. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий вид Западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–25 см. Луковица яйцевидная, до 1,5 см в диаметре, с чёрно-бурыми или бурыми-бумагообразными, с немногими прижатыми волосистыми у самой верхушки оболочками. Листья в числе 2–3. Цветок бледно-жёлтый, редко белый, с жёлтым центром. Тычиночные нити жёлтые, пыльники жёлтые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Пскемский, Угамский, Чимганский, Чаткальский, Кураминский, Алайский, Туркестанский, Мальгузарский, Гиссарский хребты (Ташкентская, Ферганская, Джизакская, Сурхандарьинская области). За пределами Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан и Таджикистан.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны в верхнем поясе гор, на высоте 2 500–3 000 м над уровнем моря.

Численность. Встречается единичными экземплярами или небольшими группами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота, слабое семенное возобновление.

Культивирование. С 1959 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского и Зааминского заповедников, Угам-Чаткальского и Зааминского национальных парков. Необходимы регулирование выпаса и контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Rare species of the western Tien-Shan and Pamir-Alay with the reducing area. It is spread at the Pskem, the Ugam, the Chimgan, the Chatkal, the Kurama, the Malguzar, the Hissar ranges (Tashkent, Jizzakh, Samarkand and Surkhandarya regions). Inhabits stony and gravelly slopes in the upper belt of mountains (2 500–3 000 m.s.l.). Single specimens or small groups can be found. Limiting factors: pasturing, seed reproduction is absent. Measures of protection: protected in the Chatkal and Zaamin nature reserves, Ugam-Chatkal and Zaamin national parks. Control of pasturing and state of populations are necessary.

132. ТУКЛИ ЛОЛА, СУРХОН ЛОЛАСИ

Тюльпан шерстистый / Tulipa lanata Regel

Мақоми 3. Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–40 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 4 см гача, қобиғи юпқа-чармсимон, қўнғир рангли, ички томони қалин, узун туклар билан қопланган. Барглари 4 тагача, четлари эгри-бугри. Гули якка, диаметри 5–6 см, гулқўрғони қизил, асоси қўнғир ёки қора, оқ-сариқ ҳошияли. Чангчи иплари қисқа, туби қора, учбурчак шаклда, чангдонлари қизғиш-қора, туб қисми оқ. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Ҳисор тизмаси, Кўҳитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғда тарқалган (Сурхондарё вилояти). Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки қисмидаги соз тупроқли ва тошли ёнбағирлар ҳамда очиқ ола жинсли тупроқларда тарқалган.

Сони. Якка-якка ва кичик гуруҳлар ҳолида ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гул ва пиёзларининг кўп миқдорда йиғиб олиниши ҳамда чорва молларининг боқилиши туфайли қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1954 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ўсимликнинг сони ва популяцияси ҳолатини назорат остига олиш ҳамда чорва моллари боқилишини тартибга солиш лозим.

Манбалар. [40, 50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий эндемик Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 15–40 см. Луковица яйцевидная, до 4 см в диаметре, с нежными, тонкокожистыми покровными чешуями коричневого цвета, внутри обильно покрытыми длинными волосками. Листья в количестве 4, курчавые. Цветок одиночный, 5–6 см в диаметре, листочки околоцветника красные, при основании бордовые или черные с бледно-желтым окаймлением. Тычиночные нити короткие, при основании в виде чёрных треугольников, под пыльниками белые. Пыльники бордово-черные. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне.

Распространение. Гиссарский хребет, Кугитанг, Байсунские горы, Бабатаг (Сурхандарьинская область). За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Глинистые, реже каменистые склоны и выходы пестроцветных толщ в нижнем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами и немногочисленными группами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и луковиц, выпас скота.

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз с 1954 года.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике. Необходим контроль за численностью и состоянием популяций, регулирование выпаса.

Источники. [40, 50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range; the Baysun mountains: the Kughitang, the Babatag ranges (Surkhandarya region). Inhabits clayish, rarely stony slopes, outcrops of gypseous layers in the lower belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve. It is necessary to control number and state of populations and pasturing.

133. КАУФМАН ЛОЛАСИ, ТАРҒИЛ ЛОЛА

Тюльпан Кауфмана / Tulipa kaufmanniana Regel

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шандаги камайиб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–50 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, чўзиқ ёки шолғомсимон, диаметри 1,5–6 см оралиғида. Қобиғи тўқ қўнғир ёки тилларанг қўнғир, нафис, қоғозсимон юпқа. Барглари 3–5 та. Гули якка, оқ, сариқ, оч сариқ, оч қизил. Гулининг туби сариқ. Чангчи иплари ва чангдонлари сариқ. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Угом, Писком, Қоржонтов, Чотқол, Қурама тизмаларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида: Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидан то юқори (яйловнинг пастки) қисмигача бўлган тошли ерларда ўсади.

Сони. Якка-якка ёки кичик туплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гулларининг кўп миқдорда териб олиниши ҳамда ўсиб турган ерларининг ўзлаштирилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1951 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида, Угом-Чотқол биосфера резерватида ва Угом-Чотқол миллий боғида муҳофаза қилинади. Табиатдаги тупларининг ҳолатини назорат қилиш, гулларини теришни тақиқлаш, улар орасидан манзарали шаклларини ажратиб олиш ва экиб ўстириш зарур.

Манбалар. [40, 50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Эндемик Западного Тянь-Шаня с сокращающимся ареалом и численностью.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–50 см. Луковица яйцевидная, удлиненная или репчатая, 1,5–4 см в диаметре. Покровные чешуи черно-бурые или золотисто-коричневые, нежные, бумагообразные. Листья в количестве 3–5. Цветок одиночный, листочки околоцветника белые, желтые, кремоватые, огненно-красные; центр цветка желтый. Тычиночные нити и пыльники желтые. Цветёт в марте–апреле, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Хребты Угамский, Пскемский, Каржантау, Чаткальский, Кураминский: бассейны рек Угам, Пскем, Чаткал, Чирчик, Ахангаран, Чадаксай (Ташкентская, Наманганская области). За пределами Узбекистана: Кыргызстан, Казахстан, Таджикистан.

Места обитания. Каменистые местообитания от предгорий до субальпийского пояса.

Численность. Встречается небольшими популяциями и единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и хозяйственное освоение территории.

Культивирование. С 1951 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном заповеднике, Угам-Чаткальском биосферном резервате и Угам-Чаткальском национальном парке. Необходимы контроль за состоянием популяций, запрещение сбора цветков, выявление декоративных форм и размножение их в культуре.

Источники. [40, 50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Endemic species of the western Tien-Shan with highly reducing area. It is spread at the Pskem, the Ugam, the Angren, the Chatkal river basins (the Tashkent region). Inhabits its stony habitats from the submontane zone to subalpine belt. Small populations and single specimens can be found. Limiting factors: picking of flowers and economic use of territory. Measures of protection: protected in the Chatkal and Ugam-Chatkal state biosphere reserves and the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to control the state of populations, to forbid picking of flowers, to search for ornamental forms and their reproduction in cultivation.



134. ТУБЕРГЕН ЛОЛАСИ

Тюльпан Тубергена / Tulipa tubergeniana T.M. Hoog

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–30 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 3–5 см, қобиғи жигарранг ёки қўнғир, ички томони тўрсимон-чалкаш, момиқ тукли. Барглари 3 та, гулидан узун. Гуллари якка, йирик, диаметри 6–7 см, қизил, туби қора, оч сариқ, гардишсимон доғли. Чангчи иплари қора, чангдонлари бинафша рангли. Апрелда гуллаб, меваси июнь–июль ойларида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида (Бойсун тоғларида, Сина қишлоғи атрофи ва Тўпаланг дарёси ҳавзасида), Кўҳитанг ва Боботоғ тизмаларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Адирларда ва тоғларнинг пастки қисмидаги ола жинсли ва соз тупроқли ёнбағирларда, кўпинча, пистазорларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари кўплаб узиб олиниши ва чорва моллари боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1955 йилдан бери экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Айрим популяциялари Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Табиатдан янги ўсиб турган ерларини қидириб топиш лозим.

Манбалар. [40, 50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–30 см. Луковица яйцевидная, 3–5 см в диаметре. Покровные чешуи с бурыми или коричневыми, с внутренней поверхности паутинисто-лохматыми оболочками. Листья (3) превышают цветок. Цветок одиночный, крупный, 6–7 см в диаметре. Листочки околоцветника красные, при основании с чёрным, бледно-желто-окаймленным пятном. Тычиночные нити черные, пыльники фиолетовые. Цветёт в апреле, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет, Байсунские горы, окрестности кишлака Сина, бассейн реки Тупаланг; Кугитанг, Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Глинистые склоны в предгорьях и пестроцветных низкогорьях, часто среди фисташников.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и выпас скота.

Культивирование. С 1955 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Часть популяций охраняется на территории Сурханского государственного заповедника. Необходим поиск новых местонахождений.

Источники. [40, 50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay It is spread at the Hissar range: the Baysun mountains, the surroundings of village Sina, the Tupalang river basin; the Kughitang and Babatag ranges (Surkhandarya region). Inhabits clayish slopes in gypseous low hills, often among the pistachio-woodlands. Single specimens can be found. Limiting factors: mass picking of flowers, pasturing. Measures of protection: some populations protected in the Surkhan state nature reserve. It is necessary to search new locations.

135. УЛУҒВОР ЛОЛА
Тюльпан великий / Tulipa ingens T.M. Hoog

Мақоми 3. Ғарбий Помир-Олойда кам тарқалган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 12–25 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзининг диаметри 2,5–4 см, чўзиқ-тухумсимон, устки қисми қора қўнғир ёки қўнғир юпқа чармсимон қобиқ билан ўралган. Барглари 3–4 та, тарвақайлаган, ўткир учли, наштарсимон, четлари эгри-бугри, кўкимтир рангли. Гули қизил, юлдузсимон, туби қора рангли. Чангчиси ва чангчи иплари қора, тим қўнғир ёки тўқ қизил рангли. Апрель–май ойида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Зарафшон, Кўҳитанг ва Ҳисор тизмаларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 600–2 000 м баландликда тоғларнинг ўрта қисмидаги соз тупроқли ёнбағирларида ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ва тўплар бўлиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг боқилиши, гуллари узилиб, ва пиёзлари қазиб олиниши сабабли сони камайган.

Маданийлаштирилиши. 1951 йилдан бошлаб ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор, Китоб ва Сурхон қўриқхоналарида муҳофаза қилинади. Ўсиб турган тўплари назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [40, 50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 12–25 см. Луковица продолговато-яйцевидная, 2,5–4 см в диаметре, с черно-бурыми или бурыми тонкокожистыми покровными чешуями. Листья в количестве 3–4, расставленные, ланцетные, иногда по краю слабо-крупноволнистые, сизые. Цветок красный, в форме звезды, центр черный. Тычиночные нити черные, пыльники черные, коричневато-черные или темно-бордовые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Зеравшанский и Гиссарский хребты, Кугитанг (Самаркандская, Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области). За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Глинистые склоны в среднем поясе гор, на высоте 1 600–2 000 м над уровнем моря.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими популяциями.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и луковиц, выпас скота.

Культивирование. С 1951 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Гиссарского, Китабского и Сурханского заповедников. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [40, 50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Zeravshan, the Hissar and Kughitang ranges (Samarkand, Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits clayish slopes in the middle belt of mountains, at a height of 1600-2000 m.s.l. Single specimens and small populations can be found. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in the Hissar, the Kitab and Surkhan state reserves. Control of the state of populations is necessary.

136. ШУБҲАЛИ ЛОЛА, ЧИПОР ЛОЛА
Тюльпан сомнительный / Tulipa dubia Vved.

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шандаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 7–25 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи чўзиқ-тухумсимон, қобиғи тўқ жигарранг, ичи ётиқ тукли. Барглари учта, кўкимтир, четлари эгри-бугри. Гуллари ёпирма барглар орасида жойлашган. Гулбанди сертук, кўкимтир ғуборли. Гуллари якка, сариқ, ташқи томони кўкимтир-пушти йўл-йўл, гул туби тўқ сариқ. Чангчи иплари тўқ сариқ, чангдонлари сариқ. Май–июнь ойида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Угом, Писком, Қоржонтов, Чотқол, Қурама тизмаларида тарқалган. Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта ва юқори қисмидаги майин зарра тупроқли, шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари ва пиёзлари йиғиб олиниши сабабли қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1951 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида, Угом-Чотқол биосфера резерватида ва Угом-Чотқол миллий боғида муҳофаза қилинади. Биологик хусусиятларини ўрганиш ва маданийлаштирилиши лозим.

Манбалар. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 7–25 см. Луковица удлиненно-яйцевидная, с тёмно-коричневыми оболочками, внутри прижатоволосистая. Листья (3) сизые, по краю волнистые. Цветки сидячие в розетке листьев. Цветоножка очень пушистая, с сизым налётом. Цветок одиночный, жёлтый, снаружи с сизо-розовыми полосками, центр оранжевый. Тычиночные нити оранжевые. Пыльники желтые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Ташкентской и Наманганской областях: хребты Каржантау, Угамский, Пскемский, Чаткальский и Кураминский. За пределами Узбекистана: Казахстан и Кыргызстан.

Места обитания. Мелкоземистые и щебнисто-мелкоземистые склоны среднего и верхнего пояса гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов и луковиц.

Культивирование. С 1951 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном заповеднике, Угам-Чаткальском биосферном резервате и Угам-Чаткальском национальном парке. Необходимы изучение биологических особенностей и введение в культуру.

Источники. [50, 60, 291].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Karzhantau, the Ugam, the Pskem, the Chatkal and Kurama ranges (Tashkent and Namangan regions). Inhabits fine earth and -fine earth slopes in the subalpine and alpine belts of mountains. Single specimens can be found. Limiting factors: picking of flowers and bulbs. Measures of protection: protected in the Chatkal and Ugam-Chatkal state biosphere reserves and the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to study biological characteristic features and the introduction into cultivation.

137. ЧЎЛБАЙИР ЛОЛАСИ, ПУШТАГЛИ ЛОЛА

Тюльпан килеватый / Tulipa carinata Vved.

Мақоми 3. Помир-Олойнинг жанубий-ғарбидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–50 см орасидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5–4 см, қобиғи чармсимон қора қўнғир рангли, ички томони қалин тукли. Барглари 3–4 та. Гули якка, қизил ёки пушти ранг. Гулининг туби сариқ ёки хирароқ сариқ. Чангчи иплари қора, чангдони

қора ёки қизғиш, баъзан сариқ. Май–июнда гуллаб, меваси июль–август ойларида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг, Бойсун ва Чўлбайир тоғлари, Ҳисор тизмасида (Тўпаланг, Сангардак дарёлари ҳавзаси) тарқалган. Тожикистон ва Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги тошли ва майда тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Кўплаб гуллари териб олиниши сабабли ареали қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1966 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ўсиб турган жойлари назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [40, 50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 15–50 см. Луковица яйцевидная, 1,5–4 см в диаметре, с черно-коричневыми, кожистыми, с внутренней стороны волосисто-шерстистыми покровными чешуями. Листья в количестве 3–4. Цветок одиночный, красный, центр цветка черный или грязновато-жёлтый. Тычиночные нити чёрные, пыльники чёрные с бордовым оттенком, изредка жёлтые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Кугитанг, Байсунские горы, горы Чульбаир, Гиссарский хребет: бассейн рек Сангардак и Тупаланг (Сурхандарьинская область). За пределами Узбекистана: Таджикистан, Туркменистан.

Места обитания. Каменистые и каменисто-мелкоземистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов.

Культивирование. С 1966 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [40, 50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Kughitang, the Baysuntau and Chulbair mountains, the Hissar range: the Tupalang, the Sangardak river basins (Surkhandarya region). Inhabits stony and stony-fine earth slopes in the middle mountainous zone. Single specimens can be found. Limiting factors: mass picking of flowers. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve. Monitoring of populations is necessary.

138. ЎЗБЕКИСТОН ЛОЛАСИ

Тюльпан узбекистанский / Tulipa uzbekistanica Botschantz. et Sharipov

Мақоми 1. Йўқолиб кетиш арафасидаги Помир-Олойнинг жануби-ғарбидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–20 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 2,5 см, қобиғи чўзиқроқ, қаттиқ, туксиз, фақат ичи сийрак ётиқ туклар билан қопланган. Барглари 3 та, яшил кўкимтир ғуборли, чети бироз эгри-бугри. Гули қизил, туби тўқ қўнғир доғли, сариқ гардишли. Чангчи иплари ва чангдонлари оч сариқ, баъзан тўқ қизил. Мартда гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Қуруқдаҳана тоғининг Толли довонида тарқалган.

Ўсиш шароити. Ола жинсли паст тоғлардаги кулранг шўрхок бўз тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки тўплар ҳосил қилиб тарқалган. Қуруқдаҳана тоғининг Толли довонида 40–45 га майдонда 1 000 га яқин тупи аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гулларининг кўп миқдорда терилиши ва чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1967 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Унинг ўсиб турган янги жойларини қидириб топиш лозим.

Манбалар. [41].

Ф.И. Каримов

Статус 1. Редкий эндемик Юго-Западного Памиро-Алая, находящийся на грани исчезновения.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–20 см. Луковица яйцевидная, до 2,5 см в диаметре, оболочки луковицы немного продолговатые, жёсткие, голые, изнутри покрытые редкими короткими, прижатыми волосками. Листья (3) зелёные с сизым налётом, по краю крупноволнистые. Цветок красный, в центре тёмно-коричневое пятно с жёлтым окаймлением. Тычиночные нити и пыльники светло-жёлтые, реже бордовые. Цветёт в марте, плодоносит в мае.

Распространение. Горы Курукдагана, перевал Таллы (Кашкадарьинская область).

Места обитания. Серые соленосные глины пестроцветных низкогорий.

Численность. Встречается одиночно или небольшими популяциями. На перевале Таллы на площади 40–45 га отмечено около 1 000 растений.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов, выпас скота.

Культивирование. С 1967 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходим поиск новых местонахождений.

Источники. [41].

Ф.И. Каримов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Kurukdagana mountains; the Tally pass (Kashkadarya region). Inhabits grey saliferous clay of gypseous low hills. Single specimens can be found. Limiting factors: mass picking of flowers, pasturing. Measures of protection: it is necessary to search new locations.

139. ҚИЗИЛ ЛОЛА (ГРЕЙГ ЛОЛАСИ)

Тюльпан Грейга / Tulipa greigi Regel

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шандаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–45 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон ёки юмалоқ, қобиғи баъзан қалин чармсимон баъзан юпқа қоғозсимон. Барглари 3–4 тагача эгри-бугри, устки қисмида бинафша ранг доғлари бор. Гуллари якка, тўқ сариқ, баъзан тўқ қизил, сариқ, қизғиш доғли. Гулининг туби сариқ тухумсимон қора доғли. Чангчи иплари қора ёки сариқ, чангдонлари сариқ, бинафшаранг, кулранг. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шаннинг барча тизмаларида тарқалган. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки қисмидаги шағалли ва соз тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда, баъзан 5–10 тупдан иборат тўплар ҳосил қилиб тарқалган. Тошкент вилояти ҳудудида 100 000 тупга яқин ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ёки қисман вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гули ва пиёзларининг кўп миқдорда йиғиб олиниши ҳамда чорва моллари боқилиши ўсимликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маданийлаштирилиши. Кўпгина ботаника боғларида муваффақиятли ўстирилади. Шу жумладан, ЎзР ФА Ботаника боғида 1956 йилдан буён экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида, Угом-Чотқол биосфера резерватида ва Угом-Чотқол миллий боғида муҳофаза қилинади. Унинг ўсиб турган туплари назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [50, 60, 291].

А.Ҳ. Шарипов



Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 10–45 см. Луковица яйцевидная или округлая с грубыми кожистыми или нежными бумагообразными чешуями. Листья в числе 3–4, курчавые, с антоциановыми пятнами. Цветок одиночный, оранжево-красный; встречаются формы с темно-красными, оранжевыми, желтыми, кремовыми цветками, центр цветка желтый с яйцевидными черными пятнами. Тычиночные нити или черные, или желтые, пыльники желтые, фиолетовые, сероватые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Все горные хребты Западного Тянь-Шаня (Ташкентская и Наманганская области). За пределами Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан.

Места обитания. Глинистые и щебнистые склоны нижнего пояса гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами, очень редко – небольшими (5–10 растений) группами. В Ташкентской области встречается около 100 000 экземпляров.

Размножение. Семенное, реже вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов, выкапывание луковиц, выпас скота.

Культивирование. Успешно выращивается во многих ботанических садах, в том числе с 1956 года в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского биосферного заповедника, Чаткальского биосферного резервата и Угам-Чаткальского национального парка. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [50, 60, 291].

А.Х. Шарипов

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at all ranges of the western Tien-Shan (Tashkent and Namangan regions). Inhabits clayish and gravelly slopes in the lower belt of mountains. Single specimens, very rarely small (5–10 specimens) groups can be found. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: protected in Chatkal and Ugam-Chatkal state biosphere reserves and the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to control the state of populations.



140. ШАРИПОВ ЛОЛАСИ, ГУЛБАРРА
Тюльпан Шарипова / Tulipa scharipovii Tojibaev

Мақоми 2. Фарғона водийсининг шимолий адирларида тарқалган эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–20 см га етадиган, пиёзи кўп йиллик ўт ўсимлик. Пиёзи тухумсимон, қобиғи қаттиқ, жигарранг тусли, ички томонидаги туклари зич жойлашган, қобиқнинг туби ва юқорисида жамланган. Юқоридаги туклари қобиқдан ташқарига чиқиб туради. Барглари 3 та, ланцетсимон, бир-бирига жуда яқин жойлашган, 7–10 см. Гули сариқ, тубида сариқ ранг қуюқлашади. Гул баргчаларининг учи кесилган ёки чуқурчали. Чанг иплари ва чангдонлари сариқ. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси майда пишади.

Тарқалиши. Наманган вилояти: Чотқол ва Қурама тизмаларининг тоғ олди текисликлари ва адирларида тарқалган (Тўрақўрғондан Резаксой қишлоғигача).

Ўсиш шароити. Қуйи адирлардаги бироз шўрлашган майин тупроқларда, юқори адирлардаги тошли-шағалли ёнбағирликларда ўсади.

Сони. Якка-якка ва кичик тўплар ҳосил қилган ҳолда учрайди. Популацияларда 100 × 100 м майдонда 50–80 та тупи учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан ва пиёзидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гули ва пиёзларининг кўп миқдорда йиғиб олиниши ҳамда чорва молларининг боқилиши.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 2009 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Унинг ўсиб турган туплари назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [291, 292, 369]

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Эндемичное растение северных предгорий Ферганской долины.

Краткое описание. Луковица яйцевидная, черно-коричневая, коричневая, крепкая, кожистая. Оболочки луковицы не продолженные, длиной 3–3,5 см и шириной 2–2,5 см. Изнутри на основании и вверху волосисто-шерстистые. Густое опущение оболочки выступает наружу. Стебель высотой (10)15–20 см, вместе с цветоножкой голый. Листьев 3, ланцетные, сильно сближенные, образуют ложные мутовки, у живых растений змеевидно лежат на земле. По краю курчавые, голые, длиной 7–10 см. Цветок одиночный, в бутоне поникающий, желтый, на основании без пятна. Листочки околоцветника на верхушке выемчатые, глубина выемки достигает 1 мм. Тычинки длиной 9–10 мм, в 2–2,5 раза короче околоцветника. Нити тычинок голые, темно-желтые. Пыльники желтые, вдоль всей длины одновременно открывающиеся. Цветёт марте–апреле, плодоносит в апреле–мае.

Распространение. Наманганская область: подгорные равнины и предгорья Чаткальского и Кураминского хребтов (от Туракургана до Резаксая).

Места обитания. Слегка засоленные лессовые почвы подгорных равнин, каменисто-щебнистые склоны высоких адыров.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими группами. В популяциях на 100 × 100 м встречается по 50–80 растений.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов, выкапывание луковиц, выпас скота.

Культивирование. С 2009 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходим контроль за состоянием популяций.

Источники. [291, 292, 369].

К.Ш. Тожибаев

Endemic species of the northern foothills of Ferghana valley. It is spread at the foothills and piedmont zone of the Chatkal and Kurama ranges: from Turakurgan to Rezaksay. Inhabits foothills with loess ans saline soils and stony slopes. Single specimens and small groups can be found. Population consists of 50–80 plants on 100 square meter. Limiting factors: mass picking of flowers and bulbs, pasturing. Measures of protection: it is necessary to control the state of populations.

141. ОРАЛИҚ ЛОЛА

Тюльпан промежуточный / Tulipa intermedia Tojibaev et J.J. de Groot

Мақоми 2. Фарғона водийсининг шимолий адирларида тарқалган камёб ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Пиёзи тухумсимон, диаметри 1,5–3,0 см, қобиғи энсиз, чармсимон, тўқ жигарранг тусли, бирмунча узун, баъзан ҳатто тупроқ юзасига чиқиб қолиши мумкин. Ички томонидаги туклари зич жойлашган ва асосан қобиғининг пастки қисми ҳамда юқорисида жамланган. Барги 3 та, улар бир-бирига жуда яқин ўрнашган, 5–7 см узунликда, наштарсимон қиррали, четлари буралган, тўлқинсимон. Яккагулли, гули сариқ, тўқ сариқ ёки қизил (var. korolkowioides), гул туби жигарранг ёки тўқ сариқ ранг. Гул баргчаларининг учи ўткир ёки бироз кемтиклашган. Чангчи иплари 1,0 – 1,3 см, сариқ, баъзан пастки қисми қора, юқориси алвон ранг (var. korolkowioides), четлари бир-бирига параллель, ўрта қисми бироз кенгайган. Чангдонлари сариқ. Тугунчаси бутилкасимон, ранги оч-сариқ. Март ойининг охири – апрель ойининг бошларида гуллаб, уруғи апрель охири – май ойларида етилади.

Тарқалиши. Наманган вилояти (Чуст ва Поп туманлари): Қурама тизмасида тарқалган.

Ўсиши. Адирларнинг қуйи ва ўрта қисмидаги тошли-шағалли ёнбағирликларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг бетартиб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Тошкент ботаника боғида экиб ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Чорва молларини тизимли равишда ўтлатиш ҳамда ўсиш майдонларида доимий кузатув тадқиқотларини амалга ошириш лозим.

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий вид адыров северной части Ферганской долины.

Краткое описание. Луковица яйцевидная 1,5–3,0 см в диаметре; покровные чешуи тонкокожистые, темновато-коричневые, продолженные, иногда выступающие на поверхность почвы, внутри у основания и на верху густо покрыты прижатыми волосками. Стебли высотой 8–12 см, гладкие. Листья в количестве 3, почти мутовчатые, длиной 5–7 см, ланцетные, скрученные с волнистыми краями. Цветок одиночный, с желтыми, оранжевыми или красными *(var. korolkowioides),* иногда небольшими коричневатыми пятнами или темно-желтым цветом у основания, острым или с небольшим острием на верхушке. Тычинки длиной 1,0–1,3 см, желтые, внизу черные, вверху пурпурные *(var. korolkowioides),* от основания с почти параллельными краями, несколько расширенные в средней части. Пыльники желтые. Завязи бутылкообразные, бледно-желтые. Цветет в конце марта и начале апреля, плодоносит в конце апреля и мае.

Распространение. Наманганская область (Чустские и Папские районы): Кураминский хребет.

Места обитания. Каменисто-щебнистые почвы низких и средних адыров.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Размножается семенами.

Причины изменения численности и ареала. Безсистемный выпас скота.

Культивирование. Выращивается в Ташкентском ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходимо обеспечить системный выпас скота и постоянный контроль за состоянием популяций.

К.Ш. Тожибаев

Endemic species of the northern foothills of the Ferghana valley. It is spread at the Namangan region (the Chust and Pap regions): the Kurama range. Inhabits stony slopes of low and middle foothills. Single specimens can be found. Limiting factors: overgrazing. Measures of protection: it is necessary to manage grazing and permanent control of the populations.

НАВРЎЗГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ПЕРВОЦВЕТНЫЕ – PRIMULACEAE

142. ҲИСОР ДИОНИСИЯСИ
Дионисия гиссарская / Dionysia hissarica Lipsky

Мақоми 2. Помир-Олойнинг жануби-ғарбидаги кичик майдонларда сақланиб қолган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Қояларнинг ёриқларида осилиб ўсадиган ёстиқсимон, намчил ярим бутача. Илдиз бўғизидан ўсиб чиққан бир тутам поялардаги барглар кетма-кет жойлашган. Эски ёпирма барглари сақланиб қолади. Барглари юмшоқ, юпқа, тишчали, безчали туклар билан қопланган, ўзига хос ҳидга эга. Гуллари сариқ, 2–3 та, гулолди баргчалари билан ўралган, пастга эгилиб турувчи гулпояларда ўрнашган. Июнь–июль ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағирлари (Сангардак дарёсининг ўрта оқими)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги сернам жойларда, шаршаралар яқинидаги қумтош қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. 2013 йилда 1 250 тупи аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғ маҳсулдорлигининг пастлиги ва табиий ўсиш шароитининг чекланганлиги (стенобионт тур).

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида кўчат қилиб ўтказиш ва уруғи орқали кўпайтиришга қаратилган уринишлар натижа бермаган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [88, 269, 368].

О.Т. Тургинов

Статус 2. Редкий узколокальный эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Подушковидный мезофильный полукустарник. Образует компактные подушки, свисающие из расщелин скал. От корневой шейки отходит пучок хрупких стеблей с очередными листьями. Старые розетки сохраняются. Листья мягкие, тонкие, зубчатые, с железистым опушением и нежным ароматом. Цветки на поникающих цветоносах, жёлтые, собраны по 2–3 и окружены прицветниками. Цветёт и плодоносит в июне–июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: южные склоны Гиссарского хребта – среднее течение реки Сангардак.

Места обитания. Влажные ниши и под карнизами, расщелины отвесных скал вблизи водопадов в среднем поясе гор.

Численность. В 2013 году зарегистрировано 1 250 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Стенобионтность и низкая семенная продуктивность вида.

Культивирование. Посадка взрослых экземпляров и высев семян в Ботаническом саду АН РУз окончилась неудачей.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [88, 269, 368].

О.Т. Тургинов

Rare and endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: the Sangardak valley (Surkhandarya region). Inhabits the wet niches, clefts of sheer rocks near waterfalls in the in the middle belt of mountains. In 2013, about 1 250 plants were revealed. Limiting factors: narrow ecological position and low seed production. Measures of protection: not protected.

ПИСТАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО СУМАХОВЫЕ – ANACARDIACEAE

143 ОШЛОВЧИ ТОТИМ (СИРКА ДАРАХТИ)

Сумах дубильный / Rhus coriaria L.

Мақоми 1. Ҳисор тизмаси ва Ғарбий Тянь-Шанга хос камёб тур.

Қисқача тавсифи. Баландлиги 3–4 м, баъзан 6–10 м га етадиган паст бўйли дарахт. Ноқулай шароитда ўсганда бута шаклида ҳам учрайди. Бир йиллик новдалари кулранг-қўнғир, кўп йиллик поялари эса жигарранг. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, 7–9 жуфт, узунлиги 30 см га етади. Барг банди қанотчали. Гуллари яшил-оқиш, поянинг учида чўзиқ урчуқсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси йирик, тиғиз, юмалоқ, тўқ қизил рангли, нордон. Уруғи (данаги) овал шаклида, қаттиқ.

Тарқалиши. Сурхондарё, Тошкент вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Тўпаланг ва Хондиза дарёларининг ҳавзалари) ва Ғарбий Тянь-Шанда, Чотқол тизмаси (Қоронқулсой)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 200–1 400 м баландликда қуруқ шағалли ва тошли ёнбағирларда ўсади. Очиқ жойларда ўсувчи ёруғсевар ўсимлик.

Сони. Кам учрайди, онда-сонда кичик туплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан ва бачкисидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўтин сифатида ишлатилади ва ёш ниҳоллари чорва моллари томонидан оёқости қилинади.

Маданийлаштирилиши. Андижон ва Тошкент вилоятларида экиб ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [156–159, 139].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 1. Редкий вид Гиссарского хребта и Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Невысокое (3–4, реже 6–10 м) листопадное дерево. В неблагоприятных условиях проявляет себя как кустарник. Однолетние побеги серо-коричневые, многолетние – коричневые. Листья сложные, непарноперистые, 7–9-парные, длиной до 30 см, с крылатым черешком. Цветки зеленовато-белые, образуют на верхушках побегов вытянутое, веретеновидное соцветие. Плоды шаровидные, тёмно-бордовые, кислые, собраны в плотные крупные соплодия. Семена (косточка) овальные, твёрдые.

Распространение. В Сурхандарьинской и Ташкентской областях: Гиссарский хребет: бассейн рек Тупаланг и Хандиза; Западный Тянь-Шань (вероятно занесен и интродуцирован) – Чаткальский хребет – урочище Каранкуль.

Места обитания. Сухие каменистые горные склоны с мелкоземистыми маломощными почвами в нижнем поясе гор. Светолюбивое растение обитает на открытых местах на высоте 1 200–1 400 м.

Численность. Образует небольшие, часто разреженные рощицы.

Размножение. Семенное и вегетативное. Легко размножается корневыми отпрысками.

Причины изменения численности и ареала. Вырубается на топливо, страдает от вытаптывания скотом, особенно молодые всходы и ювенильные растения.

Культивирование. Культивируется в Андижанской и Ташкентской областях.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [156-159, 139].

Р.И. Казакбаев

Rare species of the Hissar range and the western Tien-Shan. It is spread at the Hissar range: the Tupalang and Khandiza river basins; the western Tien-Shan (probably introduced); the Chatkal range: Karankul (Surkhandarya and Tashkent regions). Inhabits dry stony slopes of mountains in the mountainous zone. Photophilous plant inhabits open places at 1 200–1 400 m.s.l. The quantity is unknown. Limiting factors: felled as firing, suffers from trampling down by cattle, especially young seedlings and juvenile plants. Measures of protection: not protected.



РАЪНОГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО РОЗОЦВЕТНЫЕ – ROSACEAE

144. ЎРТА ОСИЁ НОКИ

Ғруша среднеазиатская / Pyrus asia-mediae (Popov) Maleev

Мақоми 0. Ғарбий Тянь-Шанга хос йўқолиб кетган тур.

Қисқача тавсифи. Шох-шаббали йирик дарахт. Барглари йирик, кенг тухумсимон ёки деярли юмалоқ, четлари йирик аррасимон, баргининг пастки томони яшил, устки томони эса тўқ яшил, барг банди япроғидан қисқароқ. Гуллари майда. Меваси йирик, юмалоқ, кўкиш ёки сарғиш рангли, кечпишар, серсув, ширин. Май ойида гуллаб, меваси октябрда пишади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Фақатгина Писком дарёси бўйидаги Испай ва Муллали қишлоқларида ўсганлиги маълум.

Ўсиш шароити. Боғларда ўсган.

Сони. Фақатгина бир марта М. Г. Попов томонидан йиғилган. Кейинги изланишлар натижасиз тугаган.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Қариган туплари ўтин сифатида ишлатиб юборилган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида жойлашган. Махсус муҳофаза чоралари кўрилмаган.

Манбалар. [159, 164, 189, 256].

ЎП. Пратов

Статус 0. Исчезнувший вид Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Крупное дерево с раскидистой кроной. Листья крупные, широкояйцевидные или почти округлые, по краю крупнопильчатые, сверху тёмно-зелёные, снизу более светлые, черешки короче пластинок. Цветки мелкие. Плоды крупные, зеленоватые или желтоватые, чаще округлые, позднеспелые, сочные, сладкие. Цветёт в мае, плодоносит в октябре.

Распространение. Ташкентская область: известна только одна точка – долина реки Пскем в окрестностях кишлаков Испай и Муллали.

Места обитания. Сады.

Численность. Один раз собрана М. Г. Поповым в указанном пункте. Дальнейшие поиски оказались безрезультатными.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены. Возможно, старые деревья были использованы на топливо.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Места произрастания расположены в пределах Угам-Чаткальского национального парка. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [159, 164, 189, 256].

УП. Пратов

Disappeared endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Pskem valley in the surroundings of the village Ispai and Mullali (Tashkent region). Inhabits gardens. Once it was collected by M.G. Popov in the mentioned place. Recent collecting missions had no success. Limiting factors: probably old trees were used as wood. Measures of protection: not protected.

РЎЯНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО МАРЕНОВЫЕ – RUBIACEAE

145. СИЛЛИҚ РЎЯН
Марена гладкая / Rubia laevissima Tscherneva

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Тянь-Шанга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м га етадиган ярим бута. Пояси силлиқ, юмалоқ, баъзан тўрт қиррали, оч кулранг. Барглари қисқа бандли, туксиз, пояда 6 тадан ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган. Гули яшил-сариқ, барг қўлтиғида ярим соябон шаклида ўрнашган. Меваси қора, ялтироқ, узунлиги 0,5 мм. Май–июнь ойида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол дарёси ҳавзасида тарқалган. Қирғизистонда ҳам учрайди (Бешорол қўриқхонаси).

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 000–1 100 м баландликдаги йирик тошли сурилмаларда ўсади.

Сони. Жуда кам сақланиб қолган. Ҳозирча 12 жойда ўсиши аниқланган, умумий сони 800 га яқин тупни ташкил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Эҳтимол, тошларнинг сурилиши ва кўчкилар туфайли камайиб кетган бўлса керак.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстирилганда ижобий натижага эришилмаган.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида сақланади. Табиий ҳолда тарқалган тупларини сақлаш ва экиб ўстириш ишларини йўлга қўйиш керак.

Манбалар. [159, 323].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий узкий эндемик Юго-западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 1 м, с гладкими, округлыми, реже слегка четырёхгранными стеблями светло-серого цвета. Листья в мутовках по 6, на коротких черешках, голые. Цветки зеленовато-жёлтые, в пазушных простых полузонтиках. Плоды чёрные, блестящие, длиной 0,5 мм. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Ташкентская область: Бассейн реки Чаткал. За пределами Узбекистана: Кыргызстан (заповедник Бешарал).

Места обитания. Крупнообломочные каменистые осыпи нижнего пояса гор, на высоте 1 000–1 100 м .

Численность. Очень редок. Достоверно известно 12 местонахождений с общей численностью не более 800 экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены. Возможно, влияют камнепады, оползни и лавины.

Культивирование. Предприняты неоднократные и неудачные попытки интродукции в условиях Ботанического сада АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Угам-Чаткальского национального парка. Необходимы сохранение местообитаний, поиск путей введения в культуру.

Источники. [159, 323].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the south-western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal river basin (Tashkent region). Inhabits stony mounds with large segments in the lower belt of mountains at a height of 1 000–1 100 m. There are 12 population with about 800 specimens recorded. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to reserve locations, to work out methods of introduction into cultivation.



146. БОЧАНЦЕВ ПЛОКАМАСИ

Плокама Бочанцева / Plocama botschantzevii (Lincz.) M. Backlund et Thulin

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Яримбутача, қалин, оқиш, бўғимли, шохлари туксиз. Барглари ясси, наштарсимон, туксиз, юпқа пардасимон ёнбаргчалари нов ҳосил қилади. Гуллари йирик гулёнбаргчали, косачаси бокалсимон, сал ғадир-будур, узунлиги 4 мм, 3–4 та киприксимон тишчали. Гултожи оқишкулранг, узунлиги 7–9 мм, 5 бўлакли, дағал тукли. Меваси цилиндрсимон, узунлиги 5–6 мм, қалин, дағал тукли. Қўшалоқ мевалари бир-бирига маҳкам ўрнашган.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликлари (Оқтош қишлоғи атрофи)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Олажинсли паст тоғлардаги соз тупроқларда ўсади.

Сони. 70 тупи борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Олажинсли майдонларнинг қисқариши ва молларнинг кўплаб боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [356, 367]

Ф.Ў. Ҳасанов

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay. Endemic of the Kelıf-Sherabad range, nearby the village Aktash (the Surkhandarya region). Inhabits grey salty soils. 70 plants were found. Limiting factors: decreasing of gypseous slopes and pasturing. Measures of protection: not protected.

Статус 1. Редчайший эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарник с многочисленными беловатыми, членистыми, голыми ветвями. Листья плоские, ланцетные, голые с пленчатыми прилистниками, образующими влагалища. Цветы с крупными прицветниками. Чашечка бокаловидная, слегка шероховатая, длиной 4 мм, с 3–4 реснитчатыми зубцами. Венчик беловато серый, длиной 7–9 мм, 5-лопастный, щетинистый. Плод цилиндрический, длиной 5–6 мм, сильно щетинистый, полуплодики плотно соединены друг с другом. Цветет в июле, плодоносит в сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: эндемик Келиф-Шерабадской гряды (кишлак Акташ).

Места обитания. Серые глины пестроцветных низкогорий.

Численность. Зарегистрировано 70 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площади пестроцветов и выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [356, 367].

Ф.О. Хасанов

147. АЛ-ШАҲБОЗ ПЛОКАМАСИ

Плокама Аль-Шехбаза / Plocama alshehbazii F.O. Khass., Khamraeva, Khuzhan. et Achilova.

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–45 см ли ярим бута. Илдизи қўнғир рангли. Пояси силлиқ, тўқ яшил. Барглари силлиқ, узунлиги 2–4 см, эни 1–1,5 мм, новдада қарама-қарши жойлашган, ёнбаргчасиз. Тўпгули монохазиалли, гули гулбандсиз. Гулёнбарги яшил, силлиқ, узунлиги 5–6 мм, эни 0,5 мм. Косачаси қорамтир, узунлиги 2,5–3 мм, 5 та бир-бирига тенг бўлмаган тишчали. Гулқўрғонининг узунлиги 25–30 мм, у дастлаб сарғиш, кейинчалик пушти рангли, туксиз 5 қисмли. Чангчиси 5 та, тумшуқчаси билан бирга бўртиб чиққан. Тугунчаси силлиқ. Меркарпийси силлиқ, жигарранг, узунлиги 4–5 мм, эни 1,5 мм. Июлда гуллаб, сентябрда мевалайди.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликлари (Бойсун атрофида тарқалган).

Ўсиш шароити. Олажинсли қолдиқ тоғлардаги соз тупроқларда ўсади.

Сони. 100 туп ўсимлик борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Олажинсли майдонларнинг қисқариши ва молларнинг кўплаб боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [356, 367].

У. Хўжаназаров

Статус 1. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарник высотой 20–45 см. Корни черно-коричневые. Стебли гладкие, темно-зеленоватые. Листья гладкие, длиной 2–4 см, шириной 1–1,5 мм, супротивные, без прилистников. Соцветие монохазиальное, цветки без цветоножек. Прицветники зеленоватые, гладкие, длиной 5–6 мм, шириной 0,5 мм, без желтого острия. Чашечка черноватая, длиной 2,5–3 мм, с 5 неравными зубчиками. Околоцветник длиной 25–30 мм, сначала желтоватый, позже розовый, голый, 5-раздельный. Тычинок 5, выставленных вместе с рыльцем. Завязь гладкая. Меркарпии гладкие, коричневые, длиной 4–5 мм, шириной 1,5 мм. Цветет в июле, плодоносит в сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: эндемик Келиф-Шерабадской гряды (возле г. Байсун).

Места обитания. Серые глины пестроцветных низкогорий.

Численность. Зарегистрировано 100 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площади пестроцветов, выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [356, 367].

У. Хужаназаров

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay. Endemic of the Kelif-Sherabad range, nearby town Baysun (Surkhandarya region). Inhabits grey salty soils. 100 plants were found. Limiting factors: decreasing of gypseous slopes and pasturing. Measures of protection: not protected.

САВРИНЖОНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО БЕЗВРЕМЕННИКОВЫЕ (МЕЛАНТОВЫЕ) – COLCHICACEAE (MELANTHIACEAE)

148. КЕССЕЛРИНГ САВРИНЖОНИ

Безвременник Кесселринга / Colchicum kesselringii Regel

Мақоми 3. Марказий Осиёда камайиб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик тугунак пиёзли ўт. Туганак пиёзи чўзиқ тухумсимон, диаметри 1–3,5 см, қобиғи дағал, қора қўнғир рангли. Барглари 3–6 та, чизиқли. Гуллари 1–4 та, оқ рангли. Тожбаргчаларининг ташқи томони тўқ бинафшаранг чизиқли, наштарсимон, тўмтоқ. Чангчилари қайтақисидан 2 марта қисқа, чангдони ингичка. Февраль ойида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань (Қурама, Чотқол тизмалари)да, Помир-Олой (Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Нурота, Кўҳитанг тизмалари ва Чўлбайир тоғлари)да тарқалган. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидан то тоғнинг юқори қисмигача бўлган жойларда майда жинс тупроқли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ва тўп-тўп бўлиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гулларининг кўп миқдорда йиғиб олиниши ва чорва молларининг кўплаб боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1967 йилдан буён экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота, Китоб, Ҳисор қўриқхоналарида, Зомин ва Угом-Чотқол миллий боғларида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [159, 221].

У.Х. Қодиров

Статус 3. Эндемик Центральной Азии с сокращающейся численностью.

Краткое описание. Клубнелуковичное многолетнее растение. Клубнелуковица яйцевидно-продолговатая, сплюснутая, 1–3,5 см в диаметре, с чёрно-бурыми кожистыми оболочками. Листьев 3–6, линейные. Цветки в количестве 1–4, белые. Листочки околоцветника снаружи по спинке с тёмно-фиолетовыми полосками, линейно-ланцетные, тупые. Тычинки в 2 раза короче отгиба, с линейными пыльниками. Цветёт в феврале, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Ташкентской, Самаркандской, Навоийской, Кашкадарьинской, Джизакской, Сурхандарьинской областях: Западный Тянь-Шань – Курама, Чаткальский хребты; Памиро-Алай – горы Чульбаир. Туркестанский, Зеравшанский, Гиссарский хребты, Нуратау, Кугитанг. За пределами Узбекистана: Казахстан, Таджикистан, Кыргызстан.

Места обитания. Мелкоземистые и щебнисто-мелкоземистые склоны от подгорных равнин до верхнего пояса гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими популяциями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор цветов и выпас скота.

Культивирование. С 1967 года культивируется в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском, Зааминском, Сурханском, Нуратинском, Китабском, Гиссарском заповедниках, Зааминском и Угам-Чаткальском национальных парках.

Источники. [159, 221].

У.Х. Кадыров

Endemic of Central Asia with the reducing populations. It is spread at the western Tien-Shan: the Kurama, the Chatkal ranges; the Pamir-Alay: the Chulbair Mountains; the Turkestan, the Zeravshan, the Hissar, the Nuratau, the Kughitang ranges (Tashkent, Samarkand, Navoi, Kashkadarya, Jizzakh, Surkhandarya regions). Inhabits fine earth slopes from piedmonts to the upper belt of mountains. Single specimens and small populations can be found. Limiting factors: picking of flowers, pasturing. Measures of protection: protected in the Chatkal, the Zaamin, the Surkhan, the Nuratau, the Kitab, the Hissar state reserves, the Zaamin and Ugam-Chatkal national parks.

СОЛАБДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ОРХИДНЫЕ – ORCHIDACEAE

149. ТУРКИСТОН ЭУЛОФИЯСИ

Эулофия туркестанская / Eulophia turkestanica (Litv.) Schlecht.

Мақоми 3. Марказий Осиёнинг жанубий қисмидаги ареали ажралган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 35–50 см орасидаги туксиз, сариқ-бинафша рангли, кўп йиллик ўт. Илдизпояси бўғимли. Пояси 1–2 та. Барглари унча ривожланмаган, ўткир учли, пардасимон, юқори қисми учбурчак шаклидаги новни эслатади, узунлиги 2–3 см. Кечроқ тараққий этадиган поялардаги барглари энсиз, узунчоқ, қаттиқ. Гуллари оч сариқ, пастга қараб эгилган. Кўсаги эллипссимон, узунлиги 2–2,5 см, эни 10–12 мм. Апрель ойида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари: Зарафшон дарёси водийсида, Кармана, Конимех шаҳарчалари ва Муян қишлоғи атрофида, Сурхондарё ҳавзасида, Жарқўрғон шаҳри ва Сурхон шаҳарчаси ўртасида, Денов шаҳри атрофида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тўқайларда, чийзорларда ҳамда ботқоқлашган ерларда ўсади.

Сони. Кам тарқалган, унча катта бўлмаган тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [337].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 3. Редкий эндемик южной части Центральной Азии с разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение, желтовато-фиолетовое, голое, высотой 35–50 см. Корневище узловатое. Стебли в количестве 1–2, с редуцированными листьями в виде заострённых, перепончатых на верхушке, треугольных влагалищ длиной 2–3 см. Листоносные побеги развиваются позднее, с узкими, линейными, жёсткими листьями. Цветки ярко-жёлтые, поникающие. Коробочка эллиптическая длиной 2–2,5 см, шириной 10–12 мм. Цветёт в апреле, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Бухарской, Навоийской, Самаркандской, Сурхандарьинской областях: долина реки Зеравшан у поселков Кармана, Канимех и кишлака Муян, долина реки Сурхандарья между городом Джаркурган и поселком Сурхан, в окрестностях города Денау.

Места обитания. Заболоченные участки, тугаи и заросли чия.

Численность. Встречается редко, небольшими популяциями.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [337].

О.К. Хожиматов

Rare endemic species of the southern part of Central Asia with reducing area. It is spread at the Zeravshan river valley, nearby the villages Muyan, Karmine, Kanimekh, Surkhan and Djarkurgan, nearby Denau (Bukhara, Navoi, Samarkand, Surkhandarya regions). Inhabits wetlands. It grows rarely in a small populations. Measures of protection: not protected.

САЛЛАГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ПИОНОВЫЕ (ЛЮТИКОВЫЕ) – PAEONACEAE (RANUNCULACEAE)

150. ЁВВОЙИ САЛЛАГУЛ

Пион степной / Paeonia hybrida Pall.

Мақоми 3. Ўзбекистондаги сони қисқариб бораётган камёб, манзарали тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–75 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизи урчуқсимон йўғонлашган. Барглари бандли, икки карра уч бўлакли, бўлаклари қалами-наштарсимон. Гуллари йирик, диаметри 6–10 см. Меваси тарвақайлаган, қалин тукли. Уруғи ялтироқ, қора рангли. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Чотқол, Қурама, Зарафшон ва Ҳисор тизмаларида тарқалган. Қирғизистон, Қозоғистон, Ғарбий Сибирда ва Шинжон музофоти шимолидаги Жунғория ҳудудида ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 500–2 000 м баландликдаги чириндили, майда жинсли тупроқларда ва дарахтларнинг тагида ўсади.

Сони. Табиатда 200–250 популяцияси борлиги аниқланган бўлиб, улардан айримлари йўқолиб кетган. Улар фақат қўриқланадиган ва чиқиб бўлмайдиган жойларда сақланиб қолган.



Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гулларининг узиб олиниши ва туплариниг илдизи билан қазиб олиниб, ҳовлиларга экилиши ҳамда чорва молларининг кўплаб боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Кўпгина ботаника боғларида муваффақиятли равишда экиб келинмоқда.

Муҳофаза чоралари. Чотқол, Китоб ва Зомин қўриқхоналарида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида қўриқланади.

Манбалар. [226].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 3. Редкий в Узбекистане декоративный вид с сокращающейся численностью.

Краткое описание. Травянистый многолетник высотой 25–75 см. Корни с веретенообразными утолщениями. Листья на черешках, дважды тройчаторассечённые на ланцетно-линейные доли. Цветки 6–10 см в диаметре, пурпурно-розовые. Плоды отклоненные, густоопушенные; семена блестящие, чёрные. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Ташкентской, Самаркандской, Сурхандарьинской, Кашкадарьинской областях: Чаткальский, Кураминский, Гиссарский, Зеравшанский хребты. За пределами Узбекистана: Кыргызстан, Казахстан, Западная Сибирь, Джунгария (Северная часть Синьцзян-Уйгурской автономии).

Места обитания. Мелкоземистые гумусированные почвы, реже под пологом деревьев на высоте 1 500–2 500 м.

Численность. Отмечен в 200–250 популяциях, некоторые из них уже не существуют. Очень редко на охраняемых территориях и в труднодоступных местах образует заросли.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветков на букеты, пересадка растений на приусадебные участки, бессистемный выпас скота.

Культивирование. Успешно культивируется многими ботаническими садами.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском, Китабском и Зааминском государственных заповедниках, Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [226].

О.К. Хожиматов

Rare in Uzbekistan ornamental species with the reducing quantity. It is spread at the Chatkal, the Kurama, the Hissar, the Zeravshan ranges (Tashkent, Samarkand, Surkhandarya, Kashkadarya regions). Inhabits fine earth humus soils, rarely under trees at a height of 1 500–2 500 m.s.l. There are 200–250 populations, some of them do not exist by this time. Very rare on the protected territories and in almost inaccessible places it forms tickets. Limiting factors: picking flowers and replantation of plants into personal plots, unsystematic pasturing. Measures of protection: protected in the Chatkal, the Kitab and Zaamin state reserves and the Ugam-Chatkal national park.

САНТАЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО САНТАЛОВЫЕ – SANTALACEAE

151. МИНКВИЦ ТЕЗИУМИ

Ленец Минквица / Thesium minkwitzianum B. Fedtsch.

Мақоми 1. Ғарбий Тянь-Шанга хос йўқолиб кетиш арафасида турган ғоят камёб реликт ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизи кўп бошчали, ундан тик поялар ўсиб чиқади. Барглари кенг наштарсимон, чармсимон. Гуллари якка-якка, сариқ, деярли бандсиз. Гулқўрғони узун найсимон, учи 5 бўлакли. Уруғи (ёнчаси) эллипс шаклида, томирлари шохланиб катакчалар ҳосил қилади. Май–июнь ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Ғарбий Тянь-Шанда тўртта ўсиш жойи маълум – Бошқизилсой (Ўзбекистон), Боролдойтоғ, Талас Олатоғи (Қозоғистон) ва Бешорол атрофлари (Қирғизистон).

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 400 м баландликда майда жинс тупроқларда ўсади.

Сони. Ҳар хил ёшдаги 50 дан ортиқ тупи маълум.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариши сабаблари. Табиатда камёб, реликт тур. Ўсимлик ўсиб турган жойларда қурилиш ишларининг олиб борилиши ва ерларнинг хўжалик мақсадида ўзлаштирилиши бу турнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол биосфера резерватида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [160, 302].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 1. Редчайший, находящийся на грани исчезновения реликтовый вид Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Травянистый многолетник высотой до 50 см, с многоглавым корнем, многочисленными прямыми стеблями, широко ланцетными кожистыми листьями. Цветки одиночные, желтоватые, почти сидячие, околоцветник в виде длинной трубки, наверху неглубоко рассечён на 5 лопастей. Орешек эллиптический, ячеистый от густой сети ветвящихся жилок. Цветёт и плодоносит в мае–июне.

Распространение. Ташкентская область: две близко расположенные популяции имеются в западных отрогах Чаткальского хребта в бассейне реки Башкызылсай. За пределами Узбекистана: Казахстан (Боролдайтау, Таласский Алатау), Кыргызстан (Бешарал).

Места обитания. Мелкоземистые почвы в среднегорье (1 400 м).

Численность. Более 50 разновозрастных растений в Башкызылсае.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Естественно редкий реликтовый вид. Застройка и интенсивное хозяйственное использование территории.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Угам-Чаткальском биосферном резервате.

Источники. [160, 302].

О.К. Хожиматов

Rare relict species of the western Tien-Shan. There is one population spread at the western part of the Chatkal range in the Boshkyzylsay basin (Tashkent region). Inhabits fine earth soils in the middle belt of mountains (1 400 m.s.l.). More than 50 plants were found. Limiting factors: relict species, distribution area and numbers decreasing under anthropogenic pressure. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal biosphere reserve.

СЕМИЗАКДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ТОЛСТЯНКОВЫЕ – CRASSULACEAE

152. ҚЎНҒИРОҚГУЛЛИ СОХТАСЕМИЗАК

Ложноочиток колокольчикоцветный / Pseudosedum campanuliflorum Boriss.

Мақоми 2. Туркистон ва Қурама тоғ тизмаларининг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–15 см, тик илдизли, поялари сербарг кўп йиллик ўсимлик. Барглари қалами, узунлиги 1–1,5 см, эни 1–1,5 мм. Гултўдаси соябонли тўпгул. Гулёнбарглари чўзиқ – тухумсимон. Гуллари қисқа бандли, узунлиги 8–9 мм. Гултожи қўнғироқсимон, пуштиранг. Апрель–май ойларида гуллаб, май ойида уруғ ҳосил қилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Туркистон тизмаси, Жиззах шаҳри атрофлари (Молгузар тизмасининг "Темур дарвоза" дараси) ва Қурама тизмалари (Қашқасой)да тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон (Қурама тизмаси ва Мўғилтоғ).

Ўсиш шароити. Тошли ёнбағирлар, тоғнинг пастки қисмидаги қоялар.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Чорва молларининг мунтазам боқилиши, йўл қурилиши оқибатида камайиб кетган бўлиши мумкин.

Маданийлаштирилиши. Маданийлаштирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [254, 289].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 2. Редкий эндемик Туркестанского и Кураминского хребтов.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 10–15 см, с мощным вертикальным корнем, густо облиственными многочисленными стеблями. Листья линейные, длиной 1–1,5 см, шириной 1–1,5 мм. Соцветие зонтиковидно-щитковидное. Прицветники продолговато-яйцевидные. Цветы длиной 8–9 мм, на коротких цветоножках. Венчик колокольчатый, розовый. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае.

Распространение. Джизакская область: Мальгузарский хребет (ущелье Темирлановы ворота), Ташкентская область: Кураминский хребет (Кашкасай). За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Каменистые склоны, скалы в нижнем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сведений нет.

Культивирование. Не культивировался.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [254, 289].

О.К. Хожиматов

Rare endemic species of the Turkestan and Kurama ranges. It is spread at the Malguzar range: the Timur's gate gorge (Jizzakh region) and the Kurama range (Tashkent region). Inhabits stony slopes and rocks. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

СИГИРҚУЙРУҚДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО НОРИЧНИКОВЫЕ – SCROPHULARIACEAE

153. БУХОРО СПИРОСТЕГИЯСИ

Спиростегия бухарская / Spirostegia bucharica (B. Fedtsch.) Ivanina

Мақоми 2. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–60 см оралиғидаги паҳмоқ туклар билан қопланган икки йиллик ўт. Поялари 1–4 та, оддий, баъзан шохланган. Барглари тухумсимон-чўзиқ, кетма-кет жойлашган, четлари айрисимон тишли. Гуллари якка-якка, поянинг юқори қисмидаги баргларининг қўлтиғида жойлашган. Косачаси найсимон-қўнғироқсимон, узунлиги 12–15 мм, учбурчак наштарсимон тишли. Гултожи сап-сариқ, воронкасимон, узунлиги 25–45 мм. Кўсак меваси чўзиқ тухумсимон, узунлиги 15 мм. Уруғи майда. Июль–август ойларида гуллаб, меваси сентябрь–октябрда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Ғузор, Деҳқонобод, Қизилча, Оқрабод, Шўроб, Оқтош, Қораил, Чарқауқ ва Озод қишлоқлари атрофида тарқалган. Туркманистонда (Кўҳитанг) ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Гипсли оҳактошларда, оҳакгилларда, гипсли қояларда, баъзан майда жинсли тупроқларда ўсади.

Сони. Тупларининг умумий сони 15 мингдан ошмайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилганлиги ва чорва молларининг узлуксиз боқилиши ўсимликнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстириш устида олиб борилган кўп йиллик тажрибалар натижасиз тугади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [101, 156–159, 310].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 2. Редкий узкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Двухлетнее травянистое растение высотой 20–60 см, густо мохнато опушенное, клейкое от железистых выделений. Стебли в количестве 1–4, простые, реже ветвистые. Листья очередные, яйцевидно-продолговатые, по краю вильчато-зубчатые. Цветки одиночные в пазухах листьев верхней половины стебля. Чашечка колокольчато-трубчатая, длиной 12–15 мм, с треугольно ланцетными цельными зубцами. Венчик ярко-жёлтый, воронковидный, длиной 25–45 мм. Коробочка удлинённо-яйцевидная длиной 15 мм. Семена мелкие. Цветёт в июле–августе, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: окрестности Гузара, Дехканабада, Кызылчи, Акрабада, Шураба, Караиля, Чаркаук, Акташ, Азада. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Загипсованные известняки, скалы чистого гипса, реже мелкоземистые, сильно загипсованные субстраты.

Численность. Общая численность не превышает 15 тысяч экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Уменьшение площадей пестроцветов и выпас скота.

Культивирование. Многочисленные попытки вырастить в Ботаническом саду АН РУз оказались неудачными.

Меры охраны. Охраняется на территории Сурханского государственного заповедника.

Источники. [101, 156–159, 310].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: nearby Guzar, Dekhanabad, Kyzylcha, Akrabad, Shurab, Karail, Charkauk, Oktash, Azad (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits gypseous slopes. Total number does not exceed 15 thousand specimens. Limiting factors: decreasing of gypseous area and pasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve.



154. ЙИРИК ШЕРОЛЧИН

Мытник большой / Pedicularis grandis Popov ex Vved.

Мақоми 0. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Попук илдизли ўсимлик. Пояси якка-якка, тик, наматсимон тукли, баландлиги 50–80 см. Барглари навбат билан ўрнашган, чўзиқ, патсимон қирқилган. Тўпгули 20–40 см узунликда. Косачаси наматсимон тукли, узунлиги 30–33 мм, найчаси билан бўртиб туради. Қалпоқчаси ўроқсимон эгилган, узун тумшуқчали. Лабчаси тишли, 3 бўлакли. Иккита чангчисининг ипи қалин тукли, бошқа иккитасиники туксиз.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Ғилон қишлоғи атрофида тарқалган) Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги дарёларнинг қирғоқларида жойлашган ўрмонларда ўсади.

Сони. 25 йил мобайнида бу турни топиш устида олиб борилган ишлар натижасиз тугади. У бутунлай йўқолиб кетган бўлса керак.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайган бўлса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 176].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 0. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Корень мочковатый. Стебель одиночный, прямой, мохнато пушистый, высотой 50–80 см. Листья очередные, удлиненно продолговатые, перисто рассеченные. Соцветие длиной 20–40 см. Чашечка серо-мохнатая, длиной 12–14 мм. Венчик желтоватый, длиной 30–33 мм, с выставляющееся трубкой. Шлем серповидно согнутый с длинным носиком. Губа зазубренная, трехлопастная. Нити 2 тычинок мохнатые, 2 другие – голые. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Кашкадарьинская область: Гиссарский хребет, окрестности кишлака Гилян. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Пойменные леса в среднем поясе гор.

Численность. Многочисленные попытки в течение 25 лет найти этот вид в классическом местонахождении не увенчались успехом. Вид, по-видимому, полностью исчез.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 176]

О.К. Хожиматов

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the western parts of the Hissar mountains, nearby the village Ghilan (Kashkadarya region). Inhabits river forests. Several collecting missions during last 25 years to find these species were unsuccessful. Probably, species disappeared. Measures of protection: not protected.

СУТЛАМАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО МОЛОЧАЙНЫЕ – EUPHORBIACEAE

155. ВВЕДЕНСКИЙ АНДРАХНАСИ

Андрахна Введенского / Andrachne vvedenskyi Pazij

Мақоми 1. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см га етадиган ярим бута. Ёш поялари ғадир-будур. Ёғочланган кулранг ва қўнғир шохлари кўплаб сақланиб қолади. Барги қалин этли, кенг эллипссимон, юмалоқ, баъзан тескари-тухумсимон, тўмтоқ ёки учли. Гуллари айрим жинсли, барг қўлтиқларида 1–2 тадан жойлашган. Чангчи гули ингичка, уруғчи гули йўғон гул бандда жойлашган. Кўсакчаси деярли юмалоқ, 3 бўлакли. Мева бандининг узунлиги 8–10 мм. Июль ойида гуллаб, меваси пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Сурхон-Шеробод водийсида (Шакарли Остона) тарқалган.

Ўсиш шароити. Очиқ ола жинсларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ўсади. Бир жойдан 2 марта йиғилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Статус 1. Редкий эндемик Южного Узбекистана.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 40 см. Молодые стебли очень шероховатые. В изобилии сохраняются одревеснев шие старые серые и буроватые ветви. Листья мясистые, широко-эллиптические, округлые или реже обратно-яйцевидные, тупые или заострённые. Цветки разнополые, в пазухах листьев по 1–2. Мужские цветки на тонких цветоножках, женские – на толстых. Коробочка почти шаровидная, трёхлопастная. Плодоножка длиной 8–10 мм. Цветёт и плодоносит в июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Сурхан-Шерабадская долина – Шакарлык-Астана.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород.

Численность. Встречается единично. Собран два раза.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Surkhan-Sherabad valley: Shakarlyk-Astana (the Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks. Single specimens were collected two times. Measures of protection: not protected.

156. АЙРИШОХ СУТЛАМА
Молочай густоватый / Euphorbia densiuscula Popov

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 5–10 см орасидаги бир йиллик ўт. Пояси қисқа, қалин баргли, шохланган, ҳурпайган қисқа тукли. Барглари этли, тескари тухумсимон, асосига қараб ингичкалашиб боради ва барг бандига айланади. Тўпгули қалқонсимон, кўп марта айри бўлиб шохланган. Кўсаги тухумсимон, уч бўлакли, етилмагани қисқа тукли, пишгани деярли туксиз. Май–июнь ойларида гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмасида – Боғлидара довонида, Оқтош қишлоғи атрофида, Ҳисор тизмасида – Бойсун яқинидаги Каттақамиш қишлоғи атрофларида учрайди. Туркманистонда ҳам учрайди (Келиф атрофида).

Ўсиш шароити. Гипсли, ола жинсларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Статус 1. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 5–10 см. Стебель укороченный, густо облиственный, ветвистый, коротко оттопырено волосистый. Листья мясистые, обратнояйцевидные, к основанию постепенно суженные в черешках. Соцветие щитковидное, многократно дихотомически-ветвящееся. Коробочка яйцевидно-трёхлопастная, молодая – коротко опушенная, зрелая – почти голая. Цветёт и плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – окрестности Байсуна у селения Каттакамыш; хребет Кугитанг (ущелье Боглидара, окрестности кишлака Акташ). За пределами Узбекистана: Туркменистан (окрестности Келифа).

Места обитания. Гипсированные пестроцветы.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Часть популяций охраняется на территории Сурханского государственного заповедника.

Источники. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: around Baysun town near the settlement of Kattakamysh; the Kughitang range: the Boglidara gorge, around the Aktash village (Surkhandarya region). Inhabits gypseous soils. Single specimens can be found. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

157. КУДРЯШЕВ СУТЛАМАСИ

Молочай Кудряшева / Euphorbia kudrjaschevii (Pazij) Prokh.

Мақоми 0. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20 см га етадиган, жингалак туклар билан қопланган кўп йиллик ўт. Пояси тик, оддий, барглари кўп. Поянинг пастки барглари тангачасимон, қўнғир рангли, чўзиқ, поядаги барглари эса чўзиқ қалами, узунлиги 2–4,5 см, эни 2–4 мм, асоси юмалоқ, учли, текис қиррали. Соябони 3–6 та, оддий нурли. Кўсакчаси юмалоқ, узунлиги 6 мм, жингалак тукли. Июнь–июль ойларида гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ҳисор тизмасининг Бешнов тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори (яйлов) қисмида ўсади.

Сони. 1937 йили бир марта йиғилган. Ўсимликни топиш учун сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар натижа бермаган. Тур бутунлай йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғининг яхши унмаслиги, тоғнинг юқори қисмида учраши унинг кам тарқалишига сабаб бўлса керак.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Статус 0. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 20 см, курчаво пушистое. Стеблей несколько, они прямостоячие, простые, густо облиственные. Нижние листья чешуевидные, бурые, продолговатые; стеблевые – продолговато-линейные, длиной 2–4,5 см, шириной 2–4 мм; в основании округлые, острые, цельнокрайные. Зонтик 3–6-лучевой, с простыми лучами. Коробочка шаровидная, длиной 6 мм, курчаво пушистая. Цветёт и плодоносит в июне–июле.

Распространение. Кашкадарьинская область: Гиссарский хребет – горы Бешнау.

Места обитания. Субальпийский пояс гор.

Численность. Собран один раз в 1937 г. Многократные попытки найти вид не увенчались успехом. Вид, по-видимому, исчез.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Пассивный способ распространения семенного материала, выпас скота и изоляция.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: the Beshnau mountain (Kashkadarya region). Inhabits subalpine zone. The quantity is unknown. It was collected only once in 1937. Several attempts to find out these species had no success. Limiting factors: passive way of seed material distribution, pasturing and isolation. Measures of protection: protected in the Hissar state reserve.

158. ТИҒИЗ СУТЛАМА

Молочай ложногустоватый / Euphorbia densiusculiformis (Pazij) Botsch.

Мақоми 1. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 8 см га етадиган бир йиллик ўт. Пояси қисқа, шохланган. Барглари этли, кураксимон ёки чўзиқ-тухумсимон, қисқа бандли. Қалқонсимон тўпгули барг қўлтиғидаги гулли шохлар билан ўралган. Кўсакчаси, одатда, узун бандли, тухумсимон, уч бўлакли, силлиқ. Апрель–май ойларида гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Бойсун ва Шеробод атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Ола жинсли қолдиқ тоғларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Статус 1. Редкий эндемик Южного Узбекистана.

Краткое описание. Однолетнее травянистое растение высотой до 8 см. Стебель укороченный, ветвистый. Листья мясистые, лопатчатые или продолговато-яйцевидные, короткочерешковые. Соцветие щитковидное, окруженное пазушными цветоносными ветвями. Коробочка обычно на длинной ножке, яйцевидно-трёхлопастная, гладкая. Цветёт и плодоносит в апреле–мае.

Распространение. Сурхандарьинская область: окрестности Байсуна и Шерабада.

Места обитания. Пестроцветные низкогорья.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the surroundings of Baysun and Sherabad towns (Surkhandarya region). Inhabits gypseous low mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

159. УЧТИШЛИ СУТЛАМА

Молочай трёхзубчатый / Euphorbia triodonta Prokh.

Мақоми 1. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига хос жуда камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 6–15 см, туксиз, кўк-яшил рангли, бир йиллик ўт. Пояси қисқа, деярли асосидан шохланган. Поядаги барглари бандсиз, текис қиррали, пастки 2 жуфт барглари қарама-қарши, қолганлари навбат билан жойлашган, узунлиги 4,5–5 мм, эни 1–1,5 мм. Гулолди барглари қарама-қарши жойлашган, қалами, узунлиги 10–15 мм, эни 1,5–4 мм, учта томирли. Тўпгули айри бўлиб шохланган, тарвақайлаган. Кўсакчасининг узунлиги 3–3,5 мм, эни 2–2,5 мм. Уруғи чўзиқ, олти қиррали, узунлиги 1,5–2 мм, оқиш ёки кулранг. Апрель ойида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Сурхон-Шеробод водийси (Шеробод атрофлари)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Гипсли ва шўр тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Статус 1. Редкий узкий эндемик Южного Узбекистана.

Краткое описание. Однолетнее растение, голое, сизоватое, высотой 6–15 см. Стебель укороченный, почти от основания ветвящийся. Стеблевые листья сидячие, цельнокрайные, 2 нижние пары супротивные, остальные–очередные, длиной 4,5–5 мм, шириной 1–1,5 мм. Прицветные листья супротивные, линейные, длиной 10–15 мм, шириной 1,5–4 мм, 3-нервные. Соцветие дихотомически ветвистое, растопыренное. Коробочка длиной 3–3,5 мм, шириной 2–2,5 мм. Семена продолговато-шестигранные, длиной 1,5–2 мм, беловатые или серые. Цветёт в апреле, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Сурхан-Шерабадская долина – окрестности г. Шерабада.

Места обитания. Засоленные и гипсовые склоны низкогорий.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [159, 212, 257].

Т. Насимова

Rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Surkhan-Sherabad valley (Surkhandarya region). Inhabits saline and gypsum slopes of low mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.



160. ҚАДАҲСИМОН СУТЛАМА

Молочай твёрдобокальчатый / Euphorbia sclerocyathium Korovin et Popov

Мақоми 1. Орол ва Каспий атрофидаги чўлларда учрайдиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–40 см оралиғидаги туксиз, кўк-яшил, кўп йиллик ўт. Пояси кўп, тик, асосидан шохланган. Барглари этли, бандсиз, текис қиррали, наштарсимон, эллипс шаклда, баъзан қалами-наштарсимон. Кўсакчаси 4,5 мм узунликда, юмалоқ-тухумсимон, силлиқ. Уруғи тухумсимон, 2–3 мм узунликда, оч кулранг. Май–август ойларида гуллаб, меваси июнь–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Қорақалпоғистон: Устюртда, Қоринёриқ, Шахбахта ва Борсакелмас қишлоқлари ҳамда Табансу, Қорабавур қудуқлари атрофларида тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тошли ва қумли чўлларда, шўрхок, шўрланган кулранг-қўнғир тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ёки тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг боқилиши ва ҳудудда нефть-газ саноатининг ривожланиши сабабли камайиб кетмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 212, 257].

Ҳ.Ф. Шомуродов

Статус 1. Редкий эндемик Приаральских и Прикаспийских пустынь.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 20–40 см, сизое, голое. Стебли многочисленные, прямостоячие, от основания сильно ветвистые. Листья мясистые, сидячие, цельнокрайные, ланцетовидно-эллиптические, реже линейно-ланцетовидные. Коробочка длиной 4,5 мм, шаровидно-яйцевидная, гладкая. Семена яйцевидные, длиной 2–3 мм, бледно-серые. Цветёт в мае–августе, плодоносит в июне–сентябре.

Распространение. Каракалпакстан: Устюрт, окрестности колодца Табансу, Карабаур, посёлок Карын-Ярык, селение Барсакельмас. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Каменистые и песчаные пустыни, солончаки, засоленные серо-бурые и гипсоносные почвы.

Численность. Встречается спорадически единично и небольшими группами.

Размножение. Семенное и вегетативное (за счет корневища).

Причины изменения численности и ареала. Развитие нефте-газового сектора в регионе и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 212]

Х.Ф. Шомуродов

Rare endemic species of the Aral and Caspian deserts. It is spread at the Ustyurt Plateau, nearby Tabansu, Karyn-Yaryk, Barsakelmas (Karakalpakstan). Inhabits stony and sandy deserts, saline soils, saline grey-brown soils. Sporadically isolated or small groups can be found. Limiting factors: pasturing and increasing of oil-gaz operational infrastructures. Measures of protection: not protected.

ТАЛОҚДОРИДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО НАСТОЯЩИЕ ПАПОРОТНИКИ – ASPLENIACEAE

161. ҚОЯ ҒОРЎТИ

Листовик сколопендровый / Phyllitis scolopendrum (L.) Newman

Мақоми 1. Ғарбий Тянь-Шанга хос камёб тур.

Қисқача тавсифи. Қирққулоқ (папоротник). Барглари йирик, узунлиги 40 см га етади, эни 6 см, узун бандли. Япроғи наштар-тасмасимон, четлари тўлқинсимон, асоси юраксимон. Соруслари қалами, узунлиги 2,5 см, асосий томирнинг икки томонида сал қийшиқ жойлашган, пардали. Июль–августда споралайди.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Угом тизмаси (Сижжаксой)да тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Туркманистон (Копетдоғ) ва Ўрта Ер денгизи атрофларида учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қояларнинг сояларида ўсади.

Сони. Якка-якка ва кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Споралари билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [63, 159].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 1. Редкий вид в Западном Тянь-Шане.

Краткое описание. Папоротник. Листья крупные, длиной до 40 см и шириной до 6 см, длинночерешковые; пластинка листа ланцетно-ремневидная, с волнистым краем, в основании сердцевидная; сорусы линейные, длиной до 2,5 см, косо расположенные по обе стороны главной жилки, имеются покрывальца. Спороношение в июле–августе.

Распространение. Ташкентская область: Угамский хребет (Сиджаксай). За пределами Узбекистана: Копетдаг, Средиземноморье.

Места обитания. В тени скал среднего пояса гор.

Численность. Встречается спорадически, одиночно и небольшими группами.

Размножение. Спорами.

Причины изменения численности и ареала. Не известны.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [63, 159].

Ф.О. Хасанов

Rare relict species of the western Tien-Shan. It is spread at the Tashkent region: the Ugam range, Sidjaksay. Inhabits shadows of rocks. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

ТОРОНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ГРЕЧИШНЫЕ – POLYGONACEAE

162. МАЙИН ТУКЛИ ҚАНДИМ
Кандым мягкий / Calligonum molle Litv.

Мақоми 2. Қизилқумда кичик майдонларда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–100 см баландликдаги бироз тирсаксимон шохланган бута. Гули оч пушти. Гулқўрғони мевалаётганда пастга қараб эгилади. Меваси юмалоқ-тухумсимон, узунлиги 25–30 мм, эни 20–25 мм, қизғиш. Қанотчалари ингичка, эни 2–3 мм. Ёнғоқчаси тўғри, узунлиги 10–13 мм. Апрель–май ойларида гуллаб, май–июнда мевалайди.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқумда (Денгизкўл атрофлари) тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамланган қум уюмларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган. Баъзан кичик-кичик тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу тур тарқалган ерларда муттасил чорва моллари боқилади. Шунингдек, ундан ўтин сифатида фойдаланилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Статус 2. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Кустарник высотой 50–100 см со слабоколенчато-извилистыми ветвями. Цветки светло-розовые. Околоцветник при плодах отогнут вниз. Плод округло-яйцевидный, длиной 25–30 мм и шириной 20–25 мм, красноватый. Крылья узкие, 2–3 мм шириной. Щетинки сидячие в 2 ряда, трижды-четырежды ветвящиеся на нитевидные доли. Орешек прямой, длиной 10–13 мм. Цветет в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Бухарская область: Кызылкумы – окрестности озера Денгизкуль. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Закреплённые грядово-бугристые пески.

Численность. Не установлена, редко образует небольшие популяции.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Использование массива под выпас скота. Заготовка на топливо.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: around the Dengizkul Lake (Bukhara region). Inhabits fixed ridge-hilly sands. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing and use as wood. Measures of protection: not protected.

163. МАТТЕЙ ҚАНДИМИ

Кандым Маттея / Calligonum matteianum Drobow

Мақоми 1. Қизилқумдаги кичик майдонларда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 70–150 см, бироз эгри-тирсаксимон шохланган бута. Гуллари пушти. Гулқўрғони мевалаётганда пастга қараб эгилади. Меваси деярли шарсимон, эни 15–20 мм, очсариқ ёки қизғиш. Дағал тукларининг узунлиги 5–7 мм, 8 қатор бўлиб ўрнашган, ингичка, юмшоқ, эгилувчан. Ёнғоқчаси дағал туклар орасида жойлашганлиги учун деярли кўринмайди, узунлиги 7–12 мм, 90 даража буралган. Апрель–май ойларида гуллаб, май–июнда мевалайди.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқумда (Денгизкўл атрофида) тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамланган қум тепаликларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган. Кичик майдонларда жуда кам миқдорда тарқалган.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ. Об-ҳаво қулай келган йиллари уруғидан чиққан ниҳолларни учратиш мумкин.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Ўсимлик тарқалган жойларда кўплаб чорва моллари боқилади. Шунингдек, ўтин сифатида ишлатилиши ўсимлик кўпайишига салбий таъсир қилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Статус 1. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Кустарник высотой 70–150 см со слабоколенчато-извилистыми ветвями. Цветки розовые. Околоцветник при плодах отогнут вниз. Плод почти шаровидный, шириной 15–20 мм, светло-жёлтый или краснова-тый. Щетинки расположены в 8 рядов, тонкие, мягкие, гибкие, длиной 5–7 мм. Орешек почти скрытый щетинками, длиной 7–12 мм, повернутый на 90 градусов. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Бухарская область: Кызылкумы – озеро Денгизкуль. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Грядово-бугристые закреплённые пески.

Численность. Не установлена.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: around the Dengizkul Lake (Bukhara region). Inhabits fixed ridge-hilly sands. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

164. НОЗИК ҚАНДИМ

Кандым изящный / Calligonum elegans Drobow

Мақоми 2. Фарғона водийсидаги туб ола жинсларда тарқалган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–100 см, тирсаксимон шохланган бута. Гулқўрғони мевалаётганда пастга қараб эгилган. Меваси овалсимон ёки шарсимон, узунлиги 10–15 мм, сариқ ёки қизил. Қанотчалари юпқа, ясси, четлари нотекис майда тишчали, қирралари майда тишли. Ёнғоқчаси 10 мм узунликда, 90 даража буралган. Апрелда гуллаб, май ойида мевалайди.

Тарқалиши. Фарғона водийси: Фарғона вилояти Гумхона, Оқчўп, Оқбел, Супатоғ ва Қорақалпоқ чўлида тарқалган. Тожикистон (Вахш водийси)да ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Туб ола жинсли тупроқларда, туб жинслари ер юзига яқин жойлашган қумларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган. Кичик майдонларда сийрак ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг муттасил боқилиши ўсимликка салбий таъсир кўрсатади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the gypseous rocks in the Ferghana valley. It is spread at the Ferghana valley: Gumkhona, the Karakalpak Steppe, Akchop, Akbel, Supatau (Ferghana region). Inhabits outcrops of gypseous rocks and sands with not deep bed of primary rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

Статус 2. Редкий вид пестроцветных толщ Ферганской долины.

Краткое описание. Кустарник высотой 50–100 см с коленчато-извилистыми ветвями. Околоцветник при плодах отогнут вниз. Плод овальный или слегка шаровидный, длиной 10–15 мм, жёлтый или красный. Крылья нежные, плоские, по краю неравно-мелкозубчатые. Орешек длиной 10 мм, повернут на 90 градусов. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Ферганская долина: Ферганская область – Гумхона, Акчоп, Акбель, Супатау и Каракалпакская степь. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород и пески с неглубоким залеганием коренных пород.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

165. ОҲАКТОШ ҚАНДИМИ

Кандым известковый / Calligonum calcareum Pavlov

Мақоми 1. Туркистон тизмасида кичик майдончаларда ўсадиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–40 см баландликдаги тирсаксимон эгри-бугри шохланган бута. Гуллари оқ. Гулқўрғони мевалаётганида пастга эгилади. Меваси чўзиқ-овал шаклида, узунлиги 10–15 мм, эни 7–10 мм, сариқ ёки қипқизил. Қанотчалари кенг-наштарсимон, асоси ўйилган, юқори қисми ўткир учли, қирраси нотекис ўткир тишчали, устки қисми (сирти) оддий ёки айрисимон тиканли. Ёнғоқчаси тўғри, узунлиги 7–10 мм. Апрелда гуллаб, май ойида мевалайди.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Сўх ва Исфара дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Очиқ оҳактошли ёнбағирларда ва дарё қирғоқларидаги гипсли қум-шағалли жойларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Айрим об-ҳаво қулай келган йиллари уруғидан чиққан ниҳолларини кузатиш мумкин.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг боқилиши ўсимликнинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Статус 1. Редкий эндемик Туркестанского хребта.

Краткое описание. Кустарник высотой 30–40 см с коленчато-извилистыми ветвями. Цветки белые. Околоцветник при плодах отогнут вниз. Плод продолговато-овальный, длиной 10–15 мм, шириной 7–10 мм, жёлтый или светло-красный. Крылья широко ланцетные, при основании с выемкой, наверху заострённые (не закруглённые). Края крыльев неравно-острозубчатые, на поверхности у края с простыми, реже вильчатыми щетинками. Орешек длиной 7–10 мм, прямой. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Ферганская область: Бассейны рек Сох и Исфара. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Открытые известняковые склоны и гипсированные песчано-галечниковые берега рек.

Численность. Не установлена.

Размножение. В отдельные благоприятные годы наблюдаются семенные всходы.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the Turkestan range. It is spread at the Sokh and Isfara river basins (Ferghana region). Inhabits open limestony slopes and gypseous sandy-pebble river banks. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

166. ПАЛЕЦКИЙ ҚАНДИМИ

Кандым Палецкого / Calligonum paletzkianum Litv.

Мақоми 3. Қизилқумдаги кичик майдонларда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 100–200 см баландликдаги эгри-бугри тирсаксимон шохланган бута. Гули оқ. Гулқўрғони мевалаётганда пастга қараб эгилган. Меваси эллипс-шарсимон ёки деярли шарсимон, эни 40–50 мм, қизил. Қанотчалари ту-

хумсимон, эни 3–5 мм, туксиз. Четлари 1,5–3 мм ўйилган. Ёнғоқчаси 12–15 мм узунликда, тўғри, ҳар томонидан кўриниб туради. Апрель–май ойларида гуллайди, май–июнда мевалайди.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқумда (Денгизкўл атрофларида) тарқалган. Туркманистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамланган қум уюмларида ўсади.

Сони. Кам учрайди. Кичик-кичик тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик ўсиб турган майдонлардан чорвачиликда муттасил фойдаланилади, шунингдек, ўтин сифатида ишлатилади.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстиришга уриниб кўрилган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Статус 3. Редкий вид Кызылкума.

Краткое описание. Кустарник высотой 100–200 см с коленчато-извилистыми ветвями. Цветки белые. Околоцветник при плодах отогнут книзу. Плод эллиптически-шаровидный или почти шаровидный, шириной 40–50 мм, красный. Крылья овальные, шириной 3–5 мм, голые. Края крыльев до 1,5–3 мм надрезанные. Орешек длиной 12–15 мм, прямой, видимый со всех сторон. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Бухарская область: Кызылкумы – озеро Денгизкуль. За пределами Узбекистана: Туркменистан, Таджикистан.

Места обитания. Закреплённые грядово-бугристые пески.

Численность. Встречается очень редко, образуя небольшие популяции.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Усиленный выпас скота, заготовка на топливо.

Культивирование. Были попытки культивировать в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: around the Dengizkul Lake (Bukhara region). Inhabits fixed ridge-hilly sands. Very rarely forming small populations can be found. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: not protected.

167. ЗОКИРОВ ҚАНДИМИ

Кандым Закирова / Calligonum zakirovii (Khalk.) F.O. Khass.

Мақоми 1. Қизилқумдаги кичик майдонларда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 70–150 см, бироз эгри-тирсаксимон шохланган бута. Гуллари оқ. Гулқўрғони мевалаётганда пастга қараб эгилади. Меваси деярли шарсимон, эни 10–12 мм. Апрель–май ойларида гуллаб, май–июнда мевалайди.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқум чўл станцияси атрофида тарқалган.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамлашган гипсли тепаликларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган. Кичик майдонларда жуда кам миқдорда тарқалган.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Ўсимлик тарқалган жойларда кўплаб чорва моллари боқилади. Шунингдек, ўтин сифатида ишлатилиши ўсимлик кўпайишига салбий таъсир қилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 204, 270].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Кустарник высотой 70–150 см со слабоколенчато-извилистыми ветвями. Цветки белые. Околоцветник при плодах отогнут вниз. Плод почти яйцевидный, розоватый, с плоскими чешуйками, 10–12 мм. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Бухарская область: Кызылкум – окрестности Кызылкумской пустынной станции.

Места обитания. Гипсы.

Численность. Не установлена.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 204, 270].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: nearby the Kyzylkum biostation. Inhabits gypseous slopes. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

ТОШБАҚАТОЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО РУТОВЫЕ – RUTACEAE

168. БУХОРО ТОШБАҚАТОЛИ

Цельнолистник бухарский / Haplophyllum bucharicum Litv.

Мақоми 2. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп пояли ярим бута, бўйи 15–35 см, шохлари туксиз. Барглари сал этли, наштарсимон, бутун, деярли бандсиз. Тўпгули рўваксимон, ясси, камгулли. Косача барглари тўкилмайди, чўзиқ-тухумсимон, тўмтоқроқ, узунлиги 1–1,5 мм. Гултожи сариқ, туксиз, кенг тухумсимон, тўмтоқ, қисқа 6–8 мм узунликдаги қайтақили. Чангчи иплари қўшилмаган, деярли тенг, безчали туклари йўқ, туксиз, асоси тўп тукли. Тугунчаси бандли, туксиз, бўртмали. Кўсаги бандли, очиладиган, туксиз, бўртмали, эни 4–5 мм. Май–июнда гуллаб, меваси июнь–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқлари (Деҳқонобод, Оқравот, Тойчи, Шўроб атрофлари) ҳамда Кўҳитанг тоғолди ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Қизил қумтошли тупроқларда ўсади.

Сони. Шўроб атрофида 120, Келиф-Шеробод (Зарабоғ) тепаликларида 200 га яқин туп борлиги аниқланган. Ареалининг бошқа қисмида сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий майдонларнинг ўзлаштирилиши ва молларнинг кўплаб боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 310].

Н.К. Раҳимова

Статус 2. Узколокальный эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многостебельный полукустарник высотой 15–35 см, с травянистыми голыми веточками. Листья чуть мясистые, ланцетные, цельнокрайные, почти сидячие. Соцветие метельчато-щитковидное, малоцветковое. Чашелистики остающиеся, продолговато-яйцевидные, туповатые, длиной 1–1,5 мм. Лепестки желтые, голые, широко яйцевидные, тупые вогнутые, с очень коротким ноготком, длиной 6–8 мм. Нити тычинок свободные, почти равные, без железок, голые, при основании бородавчатые. Столбик толстый, голый. Завязь на ножке, голая, бугорчатая. Коробочка открывающаяся на ножке, голая, бугорчатая с придатками, шириной 4–5 мм. Цветет в мае–июне, плодоносит в июне–августе.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: юго-западные отроги Гиссарского хребта (окрестности поселков Дехканабад, Акрабад, Тойчи, Шуроб), предгорья Кугитанга. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Краснопесчанники.

Численность. 120 растений в окрестностях Шуроба, 200 растений на Келиф-Шерабадской гряде (Зарабаг). На остальной части ареала численность не известна.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Деградация естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 310].

Н.К. Рахимова

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the south-western branches of the Hissar range (around Dehkanabad, Akrabad, Toychi, Shurab villages), the piedmonts of the Kughitang range (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits red sandstones. 120 plants were revealed nearby the village Shurob, and 200 plants-nearby Zarabag village. The numbers of the other populations is unknown. Limiting factors: degradation of gypseous slopes and pasturing. Measures of protection: not protected.

ТОШЁРАРДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КАМНЕЛОМКОВЫЕ – SAXIFRAGACEAE

169. УГОМ БАДАНИ

Бадан угамский / Bergenia ugamica V.N. Pavlov

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанга хос камёб, реликт тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси ва пояси йўғон. Ёпирма барглари бандли, қалин, узунлиги 15 см гача, эни 13 см, четлари кунгурали ёки қўшалоқ тишли. Тўпгули зич рўвак-қалқонсимон, безчасимон тукли. Гуллари тўқ пушти рангли. Чангчилари 10 та. Устунчаси 2 та. Июль–август ойларида гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Угом ва Писком тизмаларида тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 300–2 500 м баландликда қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Табиатда кичик тўплар ҳосил қилиб учрайди.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [19, 27, 159].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий, узколокальный, реликтовый вид Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 30 см. Стебель толстый, переходящий в толстое корневище. Прикорневые листья черешковые, толстые, длиной до 15 см и шириной до 13 см, по краю неясно городчатые или двоякозубчатые. Соцветие плотное, метельчато-щитковидное, железисто опушенное. Цветки ярко-малиново-розовые. Тычинок 10, столбиков 2. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе.

Распространение. Ташкентская область: Угамский и Пскемский хребты. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Трещины скал в субальпийском поясе гор (2 300–2 500 м).

Численность. Встречается небольшими группами.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [19, 27, 159].

К.Ш. Тожибаев

Rare, relict species of the western Tien-Shan. It is spread at the Ugam range: the Ugam valley (Tashkent region). Inhabits cracks of rocks in the subalpine zone (2 300–2 500 m.s.l.). The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

170. ҲИСОР БАДАНИ

Бадан гиссарский / Bergenia hissarica Boriss.

Мақоми 2. Ҳисор тизмасига хос камёб, реликт, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари йирик, тескари-тухумсимон, тўмтоқ, четлари қаттиқ киприксимон тукли. Илдизпояси йўғон. Пояси ер бағирлаб ўсади, деярли баргсиз. Тўпгуллари ёйиқ. Тожбарглари оқ рангли, йирик, юмалоқ. Уруғи майда. Май–июнь ойларида гуллайди.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида Тўпаланг дарёси ҳавзаси (Тамшуш)да, Муш ва Ҳурватан қишлоқлари оралиғида, Шотрут дарёсининг Тўпаланг дарёсига қуйилиш ерида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғлардаги қояларнинг ёриқларида ва тошли тик ёнбағирларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари томонидан истеъмол қилиниши, ўзига хос шароитда ўсганлиги учун ҳам камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [19, 27, 159].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий, реликтовый эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение, с крупными розеточными обратнояйцевидными, тупыми, по краю жёстко реснитчатыми листьями, высотой около 20 см. Корневище мощное. Стебель приподнимающийся почти безлистный. Соцветие рыхлое. Лепестки белые, крупные, округлые. Семена мелкие. Цветёт в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – река Тупаланг (Тамшуш) – между кишлаками Муш и Хурватан и по реке Шатрут у слияния с рекой Тупаланг.

Места обитания. Трещины скал и каменистые крутые склоны гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. По-видимому, семенное.

Причины изменения численности и ареала. Поедается животными. Приуроченность к местообитаниям.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [19, 27, 159].

К.Ш. Тожибаев

Rare relict endemic species of the Hissar range. It is spread at the Hissar range: the Tupalang valley (Tamshush); between the villages Mush and Khurvatan and along the Shatrut river up to joinig with the Kshtut river (Surkhandarya region). Inhabits cracks of rocks and stony steep slopes of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: confinedness to habitat, eating by animals. Measures of protection: not protected.

ТУТДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ТУТОВЫЕ – MORACEAE

171. ЁВВОЙИ АНЖИР
Инжир дикий / Ficus carica L.

Мақоми 2. Марказий Осиё ҳудудига хос ниҳоятда камёб, ареали ажралган тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 5–8 м га етадиган дарахт ёки бута. Барглари навбат билан жойлашган, 3–5 бўлакли, пастки томони тукли. Тўпгули барг қўлтиғида биттадан жойлашган, қисқа бандли, меваси ноксимон. Бир йилда икки-уч мартагача ҳосил беради. Апрель ойида гуллаб, меваси июль–август ойларида пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида Сангардак ва Тўпаланг дарёларининг ҳавзаларида тарқалган. Тожикистон ва Туркманистонда ҳам ўсади.

Ўсиш шароити. Дарё ҳавзаларида тошшағалли тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ёки тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Вегетатив йўл билан (қаламчасидан ва бачкисидан) кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қишки совуқ, баҳорги селлардан зарар кўради. Шунингдек, ўтин сифатида ишлатилади.

Маданийлаштирилиши. Анжир навларини етиштиришда фойдаланилади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [205, 225].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 2. Крайне редкий вид в Центральной Азии.

Краткое описание. Небольшое дерево или кустарник высотой 5–8 м, с очередными 3–5-лопастными, снизу пушистыми листьями. Соцветия пазушные, на коротких ножках, одиночные, грушевидной формы. Плод грушевидный. В год плодоносит 2–3 раза. Цветёт в апреле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейны рек Сангардак, Тупаланг. За пределами Узбекистана: Китай, Таджикистан и Туркменистан.

Места обитания. Каменисто-щебнистые субстраты в долинах рек.

Численность. Не установлена.

Размножение. Корневыми отпрысками, пневой поросльюи черенками.

Причины изменения численности и ареала. Повреждение морозами, селевыми потоками, заготовка на топливо.

Культивирование. Используется для выведения новых сортов инжира.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [205, 225].

Р.И. Казакбаев

Extremely rare species in Central Asia. It is spread at the Hissar range: the Sangardak and Tupalang river basins (Surkhandarya region). Inhabits stony substrates in the river valleys. The quantity is unknown. Limiting factors: damage by frosts, mudstreams. Measures of protection: not protected.

ТУЯТОВОНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ПАРНОЛИСТНИКОВЫЕ – ZYGOPHYLLACEAE

172. БУХОРО ТУЯТОВОНИ

Парнолистник бухарский / Zygophyllum bucharicum B Fedtsch.

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги паст тоғларда тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м га етадиган сершох бута. Барглари 2 баргчали, 5–7 мм узунликдаги бандлари орқали шохларга ўрнашган. Япроқчалари қалами, серэт, узунлиги 5–7 мм, ёш япроқчалари майин тукли, вақт ўтиши билан туксизланади. Тожбарглари сариқ, 10–12 мм узунликда. Меваси деярли шарсимон, туксиз, 5 уячали қутича, уячалари кенг қанотчали. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмаси ва Сурхондарёнинг қуйи оқимида тарқалган. Туркманистон ва Жанубий Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Паст тоғлардаги гипсли ола жинсларда ўсади.

Сони. 4 популяцияси (60 туп ўсимлик) борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Майдони қисқариб бораётган ола жинсли ёнбағирларда ўсадиган реликт тур.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [30, 159, 310].

Э.Э. Эргашев

Статус 1. Редкий реликтовый эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Очень корявый кустарник высотой до 1 м. Листья с 2 листочками, на черешках длиной 5–7 мм, на коротких веточках. Листочки очень мясистые, линейные, длиной 5–7 мм, молодые – слегка пушистые, взрослые – голые. Цветки жёлтые, длиной 10–12 мм. Плод голая, почти шарообразная 5-гнёздная, по гнёздам ширококрылая выемчатая коробочка. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Келиф-Шерабадская гряда (найден впервые на территории Узбекистана в 2009 г. в 5 км восточнее кишлака Акташ). За пределами Узбекистана: Туркменистан, Таджикистан. Викарный вид *Z. dumosum* Boiss. в Палестине.

Места обитания. Краснопесчанниковые породы.

Численность. Зарегистрировано 4 популяции (60 кустов).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Реликтовый вид на сокращающихся пестроцветных склонах.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [30, 159, 310].

Э.Э. Эргашев

Rare, relict endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Kelif-Sherabad range (found for the first time in Uzbekistan, in 2009, 5 km to the east of village Aktash) (Surkhandarya region). Inhabits dry gypseous rocks in the low mountains. 4 populations with 60 plants can be found. Limiting factors: relict species growing on the decreasing gypseous slopes. Measures of protection: not protected.

УЗУМДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ВИНОГРАДНЫЕ – VITACEAE

173. ЁВВОЙИ ТОК (УЗУМ)

Виноград винный (дикий) / Vitis vinifera L.

Мақоми 3. Ўзбекистондаги ареали ажралган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Узунлиги 30 м гача етадиган ўралиб ўсувчи ўсимлик. Барглари оддий, деярли юмалоқ, 3–5 бўлакли ёки панжасимон қирқилган, асоси ўйилган, четлари ўткир тишли ёки кунгирали.

Тўпгули тиғиз ёки ёйиқ рўвак. Меваси турли ранг ва шаклда. Май–июнь ойида гуллаб, июль–октябрда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари: Нурота тизмаси (Гурдара ва Болосой даралари), Ҳисор тизмаси (Сангардак ва Тўпаланг дарёлари ҳавзалари)да; Ғарбий Тянь-Шань – Писком, Угом, Қоржонтов, Чотқол тизмаларида тарқалган. Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам учрайди.



Ўсиш шароити. Дарё ёқалари, дараларда, шағал, майда зарра жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки кичик тўплар ҳосил қилиб тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ҳамда вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқилиши ҳамда ўтин сифатида ишлатилиши натижасида қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Марказий Осиёдаги барча ботаника боғларида, махсус боғдорчилик тажриба участкаларида, селекция станцияларида янги навлар етиштиришда фойдаланилади.

Муҳофаза чоралари. Нурота ва Чотқол давлат қўриқхоналарида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [91, 159].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 3. Редкий вид Узбекистана с разорванным ареалом.

Краткое описание. Стелющаяся лиана длиной до 30 м. Листья простые, почти округлые, 3–5-лопастные или пальчато рассечённые, при основании с выемкой, по краю с тупыми или заострёнными зубцами. Соцветие – густая или рыхлая метёлка. Плод различной формы, величины и цвета. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–октябре.

Распространение. В Ташкентской, Джизакской и Сурхандарьинской областях: хребет Нуратау – ущелья Болосай и Гурдара; Гиссарский хребет – бассейны рек Сангардак и Тупаланг; Западный Тянь-Шань – хребты Пскемский, Угамский, Каржантау и Чаткальский. За пределами Узбекистана: от Средиземноморья до Китая и Японии.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые склоны и долины рек, ущелья.

Численность. Встречается единичными экземплярами или небольшими группами.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Использование на топливо и выпас скота.

Культивирование. По всей территории Центральной Азии в ботанических садах, специализированных питомниках и на селекционных станциях; используется для выведения столовых, кишмишных и винных сортов винограда.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском и Чаткальском заповедниках и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [91, 159].

Р.И. Казакбаев

Rare species in Uzbekistan with reducing area. It is spread at the Hissar range: the Sangardak and Tupalang valleys; the Nuratau range (Gurdara, Bolosay); the western Tien-Shan: the Pskem, the Karzhantau and Chatkal ranges (Tashkent, Jizzakh and Surkhandarya regions). Inhabits fine earth-slopes, river valleys, defiles. Single specimens or small groups can be found. Limiting factors: used as fuel, pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau and Chatkal nature reserves, the Ugam-Chatkal national park.

ХУРМОДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ЭБЕНОВЫЕ – EBENACEAE

174. САФСАН ХУРМО

Хурма кавказская / Diospyros lotus L.

Мақоми 2. Жуда камёб, ареали қисқариб бораётган реликт тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–20 м га етадиган қўнғир қора пўстлоқли дарахт. Барглари мустаҳкам, қайишсимон, чўзиқ, узунлиги 15 см. Гуллари сарғиш-қизил, қўнғироқсимон, икки уйли. Чангчили гуллари яримсоябонга тўпланган, уруғчи гуллари якка-якка ёки бир нечтадан ўрнашган. Меваси этли резавор, шарсимон, аввалига қизғиш, кейинчалик қўнғир-қорамтир рангга киради. Май–июнда гуллаб, меваси октябрь–ноябрда пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Тўпаланг ва Сангардак дарёлари ҳавзалари, Қўштут, Тамшуш, Хондиза қишлоқлари атрофлари)да тарқалган. Тожикистон, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Хитой ва Японияда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмларидаги дараларнинг шағалли ёнбағирлари, булоқларнинг бўйларида ўсади.

Сони. Кам учрайди, баъзан 5–15 тупи бирга ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан (бачкисидан) кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Хўжалик мақсадлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши, қурилиш ҳамда ўтин учун ишлатилиши туфайли камайиб кетмокда.

Маданийлаштирилиши. Қадим замонлардан бери ареали доирасида экиб келинади. ЎзР ФА Ботаника боғида 1948 йилдан буён экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [82, 159].

Р.У Қодиров

Статус 2. Редкий реликтовый вид с сокращающимся ареалом.

Краткое описание. Дерево высотой до 15–20 м с тёмно-серой корой. Листья продолговатые, длиной до 15 см, кожистые. Цветки желтовато-красные, колокольчатые, двудомные. Мужские цветки собраны в полузонтики, одиночные или по нескольку. Плод шаровидная, мясистая ягода, вначале красноватая, затем чёрно-бурая с сизым налётом. Цветёт в мае–июне, плодоносит в октябре–ноябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет: бассейны рек Сангардак и Тупаланг, окрестности кишлаков Куштут, Тамшуш и Хандиза. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Кавказ, Малая Азия, Иран, Китай, Япония.

Места обитания. Щебнистые склоны ущелий близ родников в нижнем и среднем поясах гор.

Численность. Встречается редко, небольшими (по 5–15 деревьев) группами.

Размножение. Семенное и вегетативное (отводками).

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение территории. Используется в качестве строительного материала и на топливо.

Культивирование. С древних времен культивируется в пределах ареала. С 1948 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [82, 159].

Р.У Кадыров

Very rare relict species with the reducing area. It is spread at the Hissar range: the Sandargak and Tupalang river basins, nearby the villages Kshtut, Tamshush and Khandiza (Surkhandarya region). Inhabits slopes of gorges near springs in the lower and middle belts mountains. Growing in small groups (5–15 trees). Limiting factors: economic reclamation of the territory. It is used as building material and firing. Measures of protection: not protected.

ЧИЛОНЖИЙДАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КРУШИНОВЫЕ – RHAMNACEAE

175. ЁВВОЙИ ЧИЛОНЖИЙДА
Унаби обыкновенная / Ziziphus jujuba Mill.

Мақоми 2. Ареали кескин қисқариб бораётган камёб, реликт, субтропик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 12 м гача етадиган тарвақайлаган, мевасиз шохларида барглари икки қатор жойлашган, ёнбаргчалари йирик тиканлардан иборат дарахт. Барглари чўзиқ тухумсимон, уч томирли, четлари тишсимон ўйилган. Гуллари майда, яшилроқ, ўткир ҳидли. Меваси чўзиқ-юмалоқ ёки юмалоқ, диаметри 1,5 см гача етади. Июнь–сентябрь ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань (Угом, Чотқол, Қоржонтов тизмалари), Кўҳитанг тизмаси – Боғлидара сойи ва Ҳисор тизмалари (Ғузор дарёси ҳавзасида, Шўроб, Қўштутсой, Зинчаб, Зарчов, Дуоба ва Тамшуш қишлоқлари атрофлари)да тарқалган. Тожикистон, Туркманистон, Кавказортида ҳам тарқалган. Бу тур Ўрта Ер денгизидан Япониягача тарқалган.

Ўсиш шароити. Қуруқ, шағалли, тошли ва юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ҳамда дарё ва сой бўйларида ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ва кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Меваларининг териб олиниши, тупларининг ўтин учун кесилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Жуда қадимдан мевали ва доривор ўсимлик сифатида экиб келинган. ЎзР ФА Ботаника боғида 1958 йилдан буён экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида сақланади.

Манбалар. [83, 159].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 2. Редкий реликтовый субтропический вид с резко сокращающимся ареалом.

Краткое описание. Дерево высотой до 12 м с простёртыми ветвями и двурядными листьями с крупными колючими прилистниками на стерильных побегах. Листья продолговато-яйцевидные, трёхнервные, по краю зубчатые. Цветки мелкие, зеленоватые, с сильным запахом. Плод удлинённо-шаровидный, до 1,5 см в диаметре. Цветёт и плодоносит в июне–сентябре.

Распространение. В Ташкентской, Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Западный Тянь-Шань: Угамский, Чаткальский, Каржантау; хребет Кугитанг: Боглидарасай, Гиссарский хребты; долина реки Гузар, окрестности кишлаков Шураб, Куштутсай, Зинчоб, Дуоба и Тамшуш. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Туркменистан и Закавказье, от Средиземноморья до Японии.

Места обитания. Сухие, щебнистые, каменистые и мягкие склоны вдоль саев и рек.

Численность. Встречается единичными экземплярами, редко – небольшими группами.

Размножение. Семенное и корневыми отпрысками.

Причины изменения численности и ареала. Сбор плодов, заготовка на топливо.

Культивирование. В культуре с древних времен как плодовое и ценное лекарственное растение. С 1958 года культивируется в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском заповеднике и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [83, 159].

Р.И. Казакбаев

Rare relict subtropical species with reducing area It is spread at the western Tien-Shan: the Ugam, the Chatkal, the Korzhantau ranges, the Hissar range: the Guzar river valley, nearby the villages Shurab, Kushtutsai, Zinchob, Duoba and Tamshut, the Kughitang range: the Boglidara valley (Tashkent, Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits dry, stony and soft slopes along the rivers. Single specimens, rarely small groups can be found. Limiting factors: picking of fruits, felling for fuel wood. Measures of protection: protected in the Surkhan state nature reserve and the Ugam-Chatkal national park.

ЧИННИГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ГВОЗДИЧНЫЕ – CARYOPHYLLACEAE

176. КАЧИМСИМОН ЕТМАК (БЕХ)

Аллохруза качимовидная / Allochrusa gypsophiloides (Regel) Schischk.

Мақоми 3. Марказий Осиё тоғларидаги ареали кескин қисқариб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–60 см орасидаги кўп йиллик ўт. Пояси ингичка, кўп. Барглари 10–25 мм узунликда, ясси, қалами, тикансиз. Гуллари пушти ранг, поянинг тепасида ёйиқ рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси – кўсаксимон. Май–август ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Қурама, Чотқол, Молгузар, Нурота, Ҳисор, Кўҳитанг ва Зарафшон тизмаларида тарқалган. Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 400–1400 м баландликда тошли ва шағалли ёнбағирларда ва баъзан ташландиқ ерларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли томонидан саноат хомашёси ва доривор ўсимлик сифатида кўплаб йиғиб олинади. Етмакдан тўқимачилик, мўйначилик, қандолатчилик саноатида, табобатда ва кундалик ҳаётда кенг фойдаланилади. Шунинг учун у камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон, Китоб, Чотқол қўриқхоналари ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади. Саноат эҳтиёжи учун экиладиган майдонларни кенгайтириш керак. Табиатда етмакзорлар тикланганидан сўнг ҳам уни масъул идоралар ижозати билан йиғиш лозим.

Манбалар. [21].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 3. Эндемик горных районов Центральной Азии с сильно сокращающимся ареалом.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 30–60 см. Стебли тонкие, их несколько. Листья длиной 10–25 мм, плоские, линейные, не колючие. Цветки бледно-розовые, собраны на концах веток в рыхлое, раскидистое, метельчатое соцветие. Плод – коробочка. Цветёт в мае–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Ташкентской, Наманганской, Джизакской, Самаркандской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областях: Кураминский, Чаткальский, Мальгузарский, Нуратинский, Кугитангский, Гиссарский и Зеравшанский хребты. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Кыргызстан, Туркменистан.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны на высоте 400–1400 м; иногда заброшенные пашни.

Численность. Встречается небольшими популяциями и единичными экземплярами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Усиленная промышленная заготовка и сбор населением в качестве лекарственного сырья. Широкое использование в быту, в текстильной, меховой, кондитерской и фармакологической промышленности.

Культивирование. Культивируется в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском, Китабском, Чаткальском заповедниках и Угам-Чаткальском национальном парке. Необходимо расширение промышленных плантаций. После восстановления запасов следует ввести строго лицензионный сбор.

Источники. [21].

Ф.О. Хасанов

Endemic of mountains of Central Asia with the strongly reducing area. It is spread at the Kurama, the Chatkal, the Malguzar, the Nuratau, the Hissar, the Kughitang and Zeravshan ranges (Tashkent, Namangan, Jizzakh, Samarkand, Kashkadarya, Surkhandarya regions). Inhabits stony slopes at a height of 400–1400 m; sometimes neglected arable lands. Small populations, single specimens can be found. Limiting factors: collecting as medicinal plant. Measures of protection: protected in the Surkhan, the Kitab and Chatkal nature reserves and the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to enlarge the industrial plantation. After the restoration of stocks it is necessary to introduce strongly licensed picking.

177. МИХЕЛЬСОН ЗЎРЧАСИ

Смолевка Михельсона / Silene michelsonii Preobr.

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–30 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояларининг асоси жуда кўп қуриб қолган барг қолдиқлари билан ўралган. Барглари чўзиқроқ тескари тухумсимон, учи ўткир. Косачаси сал пуфаксимон, юпқа, цилиндр-қўнғироқсимон, 10 та томирли. Тожбарги оқ, туксиз. Июнда гуллаб, меваси июль ойида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Қояларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [22, 310].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Очень редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 25–30 см, с многочисленными сухими остатками листьев у основания. Листья продолговато-яйцевидные, на верхушке внезапно оттянутые в короткое остроконечие. Чашечка слегка вздутая, перепончатая, цилиндрически-колокольчатая, с 10 жилками. Лепестки белые, голые. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет.

Места обитания. Скалы.

Численность. Встречается единично.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [22, 310].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range (Surkhandarya region). Inhabits rocks. Single specimens can be found. Measures of protection: not protected.

178. МОМИҚ ЗЎРЧА

Смолевка пушистая / Silene tomentella Schischk.

Мақоми 2. Қизилқумдаги қолдиқ тоғларда тарқалган жуда камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–40 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Пояси кўп, пастки қисми ёғочланувчи. Барглари ингичка наштарсимон, 4–6 см узунликда, эни 3–5 см, поянинг пастидагилари ингичкалашиб бориб, бандга айланган, юқорисидаги барглари анча майда. Тўпгули шингилсимон. Косачаси цилиндрсимон, тўғнағичсимон, узунлиги 18–20 мм. Тожбарги оқиш, косачадан бир ярим марта узун. Тожбаргининг 2/3 қисми қирқилган. Меваси кўсакча, тухумсимон, узунлиги 11 мм, эни 6 мм.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар (Оқтоғ ва Қулжуқтоғ)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғларда, тошларнинг бўлаклари орасида ва тошли қуруқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [22, 310].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Очень редкий эндемик останцевых гор Кызылкумов.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 30–40 см. Стебли многочисленные, при основании древеснеющие. Листья узколанцетные, длиной 4–6 см, шириной 3–5 см, нижние оттянутые в длинный черешок, верхние более мелкие. Соцветие кистевидное. Чашечка цилиндрическая, булавовидная, длиной 18–20 мм. Лепестки беловатые, в 1,5 раза длиннее чашечки. Пластинка лепестка на две трети надрезанная. Коробочка яйцевидная, длиной 11 мм, шириной 6 мм. Цветёт в мае, плодоносит в июле.

Распространение. В Бухарской и Навоийской областях: Кызылкумы – останцевые горы Актау, Кульджуктау.

Места обитания. Обломки камней, сухие каменистые склоны останцевых гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сведений нет.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [22, 310].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Aktau, the Kuldjuktau (Bukhara and Navoi regions). Inhabits fragments of stones, dry stony slopes of low mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

179. ПОПОВ ЗЎРЧАСИ

Смолевка Попова / Silene popovii Schischk.

Мақоми 2. Зарафшон тизмасидаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Баландлиги 20–25 см га етадиган сершох ва сербарг кўп йиллик ўт. Гулпоясининг узунлиги 15–20 см. Мевасиз пояси ва поянинг пастки қисмидаги барглари ингичка чизиқли, поянинг юқорисидагилари учли-наштарсимон. Гуллари поянинг учида 3–7 тадан жойлашган. Гулолди баргчалари ўтсимон, поянинг юқори қисмида жойлашган баргларга ўхшаш. Косачаси цилиндрсимон, узунлиги 13–15 мм. Тожбарглари оч пушти рангли. Кўсакчаси чўзиқ, узунлиги 10 мм. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмаси (Кўхи-Сурх, Жонқора тоғлари ва Тахта-Қорача довони)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки қисмида ва тоғ этакларидаги шағалли ва оҳактошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [22, 97, 310].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Очень редкий эндемик Зеравшанского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 20–25 см с многочисленными бесплодными густооблиственными побегами. Цветоносные стебли высотой 15–20 см. Листья бесплодных побегов и нижние стеблевые узколинейные, верхние стеблевые – линейно-ланцетовидные. Цветки на верхушке стебля в количестве 3–7. Прицветники травянистые, сходные с верхними листьями. Чашечка цилиндрическая, длиной 13–15 мм. Лепестки яркорозовые. Коробочка продолговатая, длиной 10 мм. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет – Кухи-Сурх, Джан-Кара, перевал Тахта-Карача.

Места обитания. Щебнистые и известковые скалы в предгорьях и нижнем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [22, 97, 310].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the Zeravshan range. It is spread at the Zeravshan range: the Kukhi-Surkh, the Djan-Kara, the Takhta-Karacha pass (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits calcareous rocks in the foothills and lower mountain belt. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

180. ТОҒ ЗЎРЧАСИ

Смолевка горная / Silene oreina Schischk.

Мақоми 1. Зарафшон тизмасидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик, кўп бошчали (каудексли) ва кўп пояли, бўйи 10–15 см орасидаги ўт. Баргларининг учи чўзилган, жуда ўткир, безчасимон қалин туклар билан қопланган. Илдиз бўғизидаги барглари тескари наштарсимон, асосига қараб ингичкалашиб боради. Поядаги барглари кенг чўзиқ. Гуллари оқ, поянинг учида 1–3 тадан ўрнашган. Косачаси гулидан 2–3 марта узун, дастлаб цилиндрсимон, кейинроқ қўнғироқсимон шаклли. Карпофори туксиз. Кўсаги тухумсимон. Май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмаси (Аллаиришан, Оқсой, Оғалик ва Тарағай қишлоқлари атрофлари) да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тошли, тошшағалли жойларда ва қояларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам учрайди. Якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқиладиган ерларда ўсимлик жуда катта зарар кўради.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [22, 310].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Редкий эндемик Зеравшанского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение с многоглавым каудексом и многочисленными стеблями длиной до 10–15 см. Листья на верхушке оттянутые, очень острые, густоопушенные железистыми волосками. Прикорневые листья – обратноланцетные, к основанию суженные, стеблевые широко-продолговатые. Цветки белые, на верхушках стеблей, по 1–3. Чашечка в 2–3 раза длиннее цветков, вначале цилиндрическая, позднее колокольчатая. Карпофор голый. Коробочка яйцевидная. Цветёт в мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет – Аллаиришан, Аксай, Агалык, Тарагай.

Места обитания. Каменистые, каменисто-щебнистые и скалистые субстраты.

Численность. Сведений нет.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. В культуре не известен.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [22, 310].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the Zeravshan range. It is spread at the Zeravshan range: Allairishan, Aksai, Agalyk, Taragay (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits stony, stony and rocky substrates. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

181. НАТАЛИЯ ЗЎРЧАСИ

Смолевка Наталии / Silene nataliae F.O. Khass.

Мақоми 1. Кўҳитанг тизмасидаги реликт эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Ярим бутача. Барглари илдиз бўғизида жойлашган, бўлмали, узунлиги 3–5 см, иккала томони оддий ёки безчали туклар билан қопланган. Гуллари 3–6 та. Косачаси оддий ва безчали туклар билан қалин қопланган, кенг қўнғироқсимон, пуштиранг, узунлиги 12–14 мм, тишчаларининг узунлиги 2–4 мм, гултожи сариқ, юқори қисми пуштиранг, қайтақиси 5–6 мм узунликда, икки бўлакли, тишчасиз. Чангчи ва устунчаси туксиз. Карпофори 4–5 мм узунликда, туксиз. Кўсагининг узунлиги 6–7 мм, туксиз. Июлда гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Кўҳитанг тизмаси (Сурхондарё вилояти)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 2 200 м баландликдаги қояларнинг шимолий ёнбағирларида ўсади.

Сони. 60 туп ўсимликдан иборат 3 та популяцияси аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қисқа ареалга эга махсус жойдагина ўсишга мослашган (стенобионт) реликт ўсимлик.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалари. [309].

Ф.Ў Ҳасанов



Статус 1.

Эндемичный реликтовый вид хребта Кугитанг.

Краткое описание. Полукустарничек с прикорневой розеткой лопатчатых листьев длиной 3–5 см, опушенных с обоих сторон простыми и железистыми волосками. Стебли длиной 15–30 см, густо железисто-волосистые. Цветков 3–6. Чашечка густо покрыта простыми и железистыми волосками, широко колокольчатая, розоватая, длиной 12–14 мм с зубцами длиной 2–4 мм. Лепестки желтые, наверху фиолетово окрашенные. Тычинки и столбик голые. Карпофор длиной 4–5 мм, голый. Коробочка длиной 6–7 мм, голая. Цветет в июле, плодоносит в августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Кугитанг (Мачайлы).

Места обитания. Скалы северных экспозиций на высоте 2 200 м.

Численность. 3 популяции (60 растений).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Узколокальный реликтовый стенобионт.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [309].

Ф.О. Хасанов

Very rare relict endemic species of the Kughitang range. It is spread at the Kughitang range: Machayli (the Surkhandarya region). Inhabits rocks (2 200 m.s.l.). 3 populations (60 plants) can be found. Limiting factors: relict stenobiont. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

182. БЕЗЧАЛИ ЗЎРЧА

Смолевка почтижелезистая / Silene paranadena Bondarenko et Vved.

Мақоми 2. Шимоли-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт ўсимлик, баландлиги 30–50 см, поялари кўп, асосига яқин жойлари қаттиқ ёғочсимон. Барглари наштарсимон, узунлиги 3–6 см, эни 10–12 мм. Гуллари шохчаларининг учларида биттадан жойлашган, йирик, узунлиги 30–32 мм. Гултожи оқ-пуштиранг, чуқур иккига бўлинган. Косачаси тўғнағичсимон цилиндр шаклида, шишмайди, узунлиги 22–25 мм, найчаси туксиз, тишчалари оқ тукли. Меваси қўсак, узунлиги 10–12 мм. Апрель–июнда гуллаб, меваси етилади.

Тарқалиши. Нурота ва Молгузар тизмаларида тарқалган (Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмларидаги майда чағир тошли шимолий ёнбағирларда, бута-зорлар орасида ўсади.

Сони. Кам тарқалган, якка-якка ёки кичик гуруҳлар ташкил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Моллар-нинг кўплаб боқилиши ва табиий муҳитнинг салбий таъсирида камайиб кетган бўлса керак.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [17, 22, 310]

И.В. Белолипов

Статус 2. Редкий эндемик Северо-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 30–50 см. Листья ланцетные, длиной 3–6 см и шириной 10–12 мм. Цветки на концах веточек одиночные, довольно крупные, длиной 30–32 мм, с бело-розовыми глубоко двураздельными лепестками. Чашечка булавовидно-цилиндрическая, невздувающаяся, длиной 22–25 мм, с голой трубкой и бело-войлочными зубцами. Плод – коробочка длиной 10–12 мм. Цветёт и плодоносит в апреле-июне.

Распространение. В Джизакской, Навоийской и Самаркандской областях: хребты Мальгузар и Нуратау.

Места обитания. Произрастает на мелкоземистых склонах преимущественно северной экспозиции в среднем поясе гор, среди кустарников.

Численность. Встречается спорадически, единично или группами по несколько растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского государственного заповедника.

Источники. [17, 22, 310].

И.В. Белолипов

Rare endemic species of the north-western Pamir-Alay. It is spread at the Malguzar and Nuratau ranges (Jizzakh, Navoi and Samarkand regions). Inhabits soil slopes of the northern exposition in the middle mountainous zone. Single specimens and small groups occur sporadically. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

183. БИГИЗСИМОН ОҚТИКАН

Колючелистник беловатый / Acanthophyllum albidum Schischk.

Мақоми 3. Фарғона водийси адирларида сақланиб қолган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Баландлиги 30 см га етадиган, ёғочланувчи ярим бута. Барглари бигизсимон, пояда қарама-қарши жойлашган, узунлиги 2–4 см, эни 1,5 см. Гуллари пояларининг учида, диаметри 5 см га етадиган қалқонсимон тўпгул ҳосил қилиб жойлашган. Косачаси найсимон, узунлиги 6–7 мм. Тожбарглари оқ, асоси сал пушти ранг, эни 1,5 мм.

Тарқалиши. Фарғона, Наманган вилоятлари: Фарғона водийсида денгиз сатҳидан 500–800 м баландликда тарқалган.

Ўсиш шароити. Тошли ва майда зарра жинс тупроқли адирларда ўсади.

Сони. Поп адирлари (Чодаксой ҳавзаси)да якка-якка ҳолда тарқалган, 10 м^2 да ўртача 3–4 тупи ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Оқтикан ўсиб турган ерларнинг қишлоқ хўжалик экинлари (ғалла ва бошқалар) учун ўзлаштирилиши ареалининг қисқариб кетишига сабаб бўлди.

Маданийлаштирилиши. Бу тур ЎзР ФА Ботаника боғида маданий шароитда экиб ўстирилган. Уруғининг униб чиқиши 1 фоиздан кам эканлиги аниқланган.

Муҳофаза чоралари. Мавжуд туплари қатъий назорат остига олиниши керак.

Манбалар. [21, 347].

Н.Ю. Бешко

Статус 3. Очень редкий узкий эндемик Ферганской далины.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 30 см, сильно древеснеющий. Листья игловидные, супротивные, длиной 2–4 см, шириной 1,5 см. Цветки собраны на конце стебля в щитковидные, до 5 см в диаметре, соцветия. Чашечка трубчатая, длиной 6–7 мм. Лепестки белые, у основания чуть розовые, шириной 1,5 мм. Цветет в мае, плодоносит в июле.

Распространение. В Ферганской и Наманганской областях: растёт на адырах на высоте 500–800 м.

Места обитания. На каменистых, каменисто-мелкоземистых почвах.

Численность. В Папских адырах встречается одиночными экземплярами, по 3–4 на 10 м^2.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение территорий под зерновые и другие культуры.

Культивирование. Выращивался в культуре в Ботаническом саду АН РУз. Полевая всхожесть семян очень низкая – менее 1 %.

Меры охраны. Необходим строгий контроль за состоянием популяций.

Источники. [21, 347].

Н.Ю. Бешко

Very rare endemic species of the Ferghana valley. It grows in foothills at the height of 500–800 m (Ferghana and Namangan regions). Inhabits stony, stony-fine earth soils. Populations are about 3–4 plants on 10 sq. m. in the Pap hills. Limiting factors: development of the territories for crops cultivation. Measures of protection: strict control of the state of populations is necessary.

184. НИНАСИМОН ОҚТИКАН

Колючелистник горбатоприцветниковый / Acanthophyllum cyrtostegium Vved.

Мақоми 3. Қизилқумдаги қолдиқ тепаликларда сақланиб қолган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–30 см га етадиган, поясининг пастки қисми ёғочланувчи, кўп пояли яримбута. Барглари игнасимон, уч қиррали, тиканли. Гулолди баргчалари деярли қалами, тиканли, асоси бўртиқли. Гуллари учтадан поянинг учидаги қуббасимон тўпгулда, узун гулбандларда ўрнашган. Косачаси цилиндрсимон. Тожбарги 15–16 мм узунликда, пушти рангли. Тугунчаси 4 уруғ куртакли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар (Қулжуқтоғ, Овминза тоғи, Қинғиртоғ ва Кўкчатоғ)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Қумларда, тош-қумли ерларда ва ола жинсларда ўсади.

Сони. Сийрак ҳолда тарқалган, баъзан қумоқ ерларда 3–5 ўсимликдан ташкил топган кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ёш ниҳолларини чорва моллари тепкилаб ташлайди.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғи тажриба даласида 1979–1989 йиллари ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Мавжуд ўсимлик тўпларини назорат остига олиш ва ёш ниҳолларини чорва молларидан муҳофаза қилиш лозим.

Манбалар. [21].

Н.Ю. Бешко

Статус 3. Очень редкий эндемик останцевых возвышенностей Кызылкумов.

Краткое описание. Многолетний, у основания древеснеющий, с многочисленными стеблями полукустарник высотой до 20–30 см. Листья игловидные, трёхгранные, очень колючие. Прицветники почти линейные, колючие, при основании горбатые. Цветки в трёхцветковых дихазиях на довольно длинных цветоножках в шишковидных соцветиях на верхушках стеблей. Чашечка цилиндрическая. Лепестки розовые, длиной 15–16 мм. Завязь с 4 семяпочками. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Навоийской и Бухарской областях: Кульджуктау, Ауминзатау, Кингиртау, Кокчатау.

Места обитания. Пески, каменисто-песчаные субстраты, выходы пестроцветных пород.

Численность. Встречается разрежено, единично, редко образует небольшие группы из 3–5 растений на песчаных местах.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Вытаптывание всходов скотом.

Культивирование. В 1978–1985 гг. культивировался на опытном участке Ботанического сада АН РУз.

Меры охраны. Необходимо ввести контроль за популяциями и охранять молодые всходы от вытаптывания.

Источники. [21].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Kuldjuktau, the Auminzatau, the Kingirtau, the Kokchatau (Navoi and Bukhara region). Inhabits sands, stony-sandy substrates, outcrops of gypsaceous beds. Solitary specimens or small groups of 3-5 plants can be found sporadically in sandy places. Limiting factors: trampling down of seedlings by cattle. Measures of protection: it is necessary to control populations and protect young seedlings from trampling down.

185. ЎЗБЕКИСТОН ЧИННИГУЛИ

Гвоздика узбекистанская / Dianthus uzbekistanicus Lincz.

Мақоми 3. Помир-Олойнинг ғарбий қисмидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, оддий, баъзан юқори қисмидан шохланган, туксиз, пастки қисми ғадир-будур, узунлиги 20–35 см. Барглари кўкимтир-яшил, ўткир учли. Гуллари якка-якка, асоси қалин тукли, пушти рангли. Меваси – кўсакча, кўп уруғли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмаси (Тахта Қорача довони, Қизилолма ва Тарағай қишлоқлари атрофлари) ва Ҳисор тизмаси (Боғча қишлоғи атрофи)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тош-шағалли жойларда, тош ва оҳактош синиқлари ва ёриқлари орасида ўсади.

Сони. Бир гектар ерда 40–100 тагача тупдан иборат тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари гулдасталар учун узиб олинади. Чорва моллари истеъмол қилади.

Маданийлаштирилиши. 1965 йилдан бошлаб ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Айрим популяциялари Китоб давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Гуллари юлинишининг олди олиниши лозим. Шунингдек, уруғи етилиб, тарқалиши учун гуллаган ва мевалаган пайтида чорва моллари боқишни чеклаш тавсия этилади.

Манбалар. [23, 159].

Н.Ю. Бешко

Статус 3. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 40 см. Стебли длиной 20–35 см, многочисленные, простые, в верхней части иногда ветвящиеся, голые, внизу шероховатые. Листья синевато-зелёные, острые. Цветки розовые, одиночные, у основания с обильными волосками. Плод – коробочка с многочисленными семенами. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет – перевал Тахта-Карача, окрестности кишлака Кызыл-Алма, Тарагай; Гиссарский хребет – окрестности кишлака Бахча.

Места обитания. Каменисто-щебнистые субстраты, среди камней и известняковых обломков, трещины скал.

Численность. Образует небольшие популяции от 40 до 100 экземпляров на 1 га.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветков. Выпас скота.

Культивирование. С 1965 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Часть популяций охраняется на территории Китабского заповедника. Необходимо ограничить выпас в периоды цветения и плодоношения растений с целью сохранения семян для расселения вида; запретить сбор цветков.

Источники. [23, 159].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Zeravshan range: the Takhta-Karacha passage, nearby the villages Kyzyl-Alma, Taragai; the Hissar range: nearby the village Bakhcha (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits stony substrates, among stones and lime-stone fragments, clefts of rocks. Forms small populations containing from 40 to 100 specimens per 1 hectare. Limiting factors: picking of flowers, pasturing. Measures of protection: some populations protected in the Kitab state nature reserve. It is necessary to limit pasturing in the periods of plant flowering and fruiting to reserve seeds for the species distribution; to forbid picking of flowers.

ЧИНОРДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ПЛАТАНОВЫЕ – PLATANACEAE

186. ШАРҚ ЧИНОРИ

Платан восточный / Platanus orientalis L.

Мақоми 3. Ареали ажралган камёб, реликт тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 м га етадиган кенг шохшаббали дарахт. Барги панжасимон қирқилган, 5–7 бўлакли, эни 12–18 см. Бўлаклари чўзиқроқ, ўйилган, йирик тишчали. Гуллари бир жинсли, шарсимон тўпгулга йиғилган. Мевали каллакчаси 2–7 тадан, диаметри 2–5 см атрофида. Меваси ёнғоқчасимон, тумшуқчали, ётиқ қалин туклар билан қопланган. Апрель ойида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасида Сангардак, Тўпаланг, Қашқадарё, Обизаранг дарёларининг ҳавзаларида ўсади. Ўрта Ер денгизи – Болқон яриморолидан Ҳимолайгача тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида, дарё бўйларида, булоқлар атрофида, тошлоқларда ўсади.

Сони. Одатда якка-якка ҳолда ўсади. Баъзан кичик чинорзорлар ташкил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан (илдизи ва бачкисидан) кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Турли эҳтиёжлар учун кесиб кетилиши тобора камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Жуда қадимдан манзарали дарахт сифатида барча суғориладиган ерлар (Марказий Осиё ва бошқа жойлар)да экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Асрга тенгдош йирик чинорларнинг ҳар бири назорат остига олинган ва давлат томонидан қўриқланади.

Манбалар. [45, 159].

Р.И. Қозоқбоев

Статус 3. Редкий реликтовый вид с разорванным ареалом.

Краткое описание. Дерево высотой до 30 м, с широкой, раскидистой кроной. Листья 5–7-лопастные, шириной 12–18 см. Лопасти продолговатые, выемчато-крупнозубчатые. Цветки однополые, собраны в шаровидные соцветия. Плодовые головки по 2–7, около 2–5 см в диаметре. Плоды орешкообразные с носиком, по всей поверхности опушенные жёсткими прижатыми волосками. Цветёт в апреле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Сурхандарьинской, Кашкадарьинской областях: Гиссарский хребет – бассейны рек Сангардак, Тупаланг, Обизаранг, Кашкадарья. Общее распространение: Средиземноморье – от Балканского полуострова до Гималаев.

Места обитания. Берега рек, у родников, на наносных легких галечниковых почвах в среднем поясе гор.

Численность. Одиночные деревья, небольшие группы деревьев и очень редко рощи, не образующие сплошных массивов.

Размножение. Семенное и вегетативное (корневыми отпрысками).

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственная деятельность, заготовка на топливо.

Культивирование. Очень популярная древесная порода, с давних времен используемая для озеленения поселений в Центральной Азии и других регионах.

Меры охраны. Большинство вековых деревьев и естественные рощи объявлены памятниками природы.

Источники. [45, 159].

Р.И. Казакбаев

Rare relict species with the reducing area. It is spread at the Hissar range: the Sangardak, the Tupalang, the Obizarang, the Kashkadarya basins (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits river banks, near springs, alluvial light pebble soils in the middle belt of mountains. Single trees, small groups of trees and and rarely small groves. Limiting factors: antropogenic factor. Measures of protection: the majority of venerable trees and natural groves are nature sanctuaries.

ЧУЧМОМАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО АМАРИЛЛИСОВЫЕ – AMARYLLIDACEAE

187. АРАЛАШ ПИЁЗ

Лук смешанный / Allium praemixtum Vved.

Мақоми 1. Нурота ва Ғарбий Тянь-Шаннинг жануби-ғарбий қисмида жуда кам тарқалган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 150 см га етадиган кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи тухумсимон, диаметри 5 см гача, чармсимон, қизил-қўнғир рангли қобиқ билан ўралган. Пояси ғовак, ярмидан пасти пуфаксимон шишган, асоси баргларнинг новлари билан ўралган. Барглари силиндрсимон, найсимон, тўғри, учига қараб ингичкалашиб боради. Тўпгули шарсимон, тиғиз. Юлдузсимон гулқўрғон бўлакчалари оқ-яшил томирли. Июнда гуллаб, меваси июль ойида етилади.

Тарқалиши. Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари: Қурама, Нурота ва Оқтоғ тизмаларида тарқалган. Тожикистонда учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 900–1 200 м баландликда қоя тошларнинг ёриқлари, тошли ёнбағирлар ва оҳактошли ерларда ўсади.

Сони. 1 000 га яқин тупи борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли томонидан озуқа сифатида йиғиб олинади. Унинг табиий ҳолда кўпайишига ҳам салбий таъсир қилувчи омиллар бўлса керак.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [18, 58, 362, 364].

Н.Ю. Бешко

Статус 1. Очень редкий эндемик Нуратинских гор и Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой до 150 см. Луковица яйцевидная, до 5 см в диаметре, с красно-бурыми кожистыми оболочками. Стрелка полая, ниже середины вздутая, при основании одета расставленными влагалищами листьев. Листья цилиндрические, дудчатые, прямые, к верхушке утончающиеся. Соцветие густое, шаровидное. Листочки звёздчатого околоцветника белые с зеленой жилкой. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. В Самаркандской, Навоийской, Джизакской, Ташкентскй областях: горы



Нуратау, Актау, Кураминский хребет. За пределами Узбекистана: Таджикистан (Моголтау).

Места обитания. Каменистые склоны и трещины известняковых скал в среднем поясе гор, на высоте 900–1 200 м.

Численность. Около 1 000 растений.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор населением.

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [18, 58, 362, 364].

Н.Ю. Бешко

Very rare endemic species of the Nuratau mountains and the western Tien-Shan. It is spread at the Nuratau, the Aktau, the Mogoltau mountains and of the Kurama range (Samarkand, Navoi, Jizzakh, Tashkent regions). Inhabits stony slopes and clefts of limestone rocks in the middle belt of mountains, at the altitude of 900–1 200 m.s.l. 1 000 plants can be observed. Limiting factors: collecting by local people. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

188. АФЛОТУН ПИЁЗИ

Лук афлатунский / Allium aflatunense B. Fedtsch.

Мақоми 1. Ғарбий Тянь-Шанга хос ареали ажралган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80–200 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзи йирик, диаметри 6 см гача етади. Қобиғи қора-кулранг. Поясининг тубини эни 10 см келадиган тасмасимон барглари ўраб олган. Тўпгули шарсимон, гуллари кўп ва тиғиз, юлдузсимон гулқўрғон бўлакчалари оч бинафша рангли. Май–июнь ойларида гуллаб, уруғи июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Писком, Угом, Чотқол тизмаларида тарқалган. Қирғизистонда, Чотқол ва Фарғона тизмаларида учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларида ўтлар билан қопланган ёнбағирларда ва дарё бўйларидаги сизот сувлари унча кўп бўлмаган жойларда ўсади.

Сони. Бир-биридан ажралган ҳолда кичик-кичик тўплар ташкил қилади.

Кўпайиши. Асосан уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Пиёзининг маҳаллий аҳоли томонидан озуқа сифатида ишлатиш ҳамда доривор ва манзарали ўсимлик сифатида томорқа ерларига экиш учун қазиб олиниши, куз ва қишда турли ҳайвонлар томонидан пиёзларининг ейилиши камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [58, 362, 364].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 1. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня с разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 80–200 см. Луковица крупная, до 6 см в диаметре, с черновато-серыми оболочками. Стрелка у основания невысоко охвачена влагалищами ремневидных листьев шириной до 10 см. Соцветие почти шаровидное, многоцветковое, густое, листочки звёздчатого околоцветника светло-фиолетовые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Ташкентская область: Пскемский, Угамский, Чаткальский хребты. За пределами Узбекистана: Кыргызстан (Чаткальский и Ферганский хребты).

Места обитания. Травянистые склоны и прирусловые террасы в среднем и верхнем поясе гор.

Численность. Произрастает небольшими, значительно удалёнными друг от друга популяциями.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор луковиц местным населением как пищевое и лекарственное сырьё, для пересадки на приусадебные участки (декоративен).

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского биосферного заповедника.

Источники. [58, 362, 364].

Ф.О. Хасанов

Rare, endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Pskem, the Ugam, the Chatkal ranges (Tashkent region). Inhabits grassy slopes and river valleys in the middle and upper belt of mountains. About 1000 plants can be found. Limiting factors: picking of bulbs for medicinal traits and food by local population. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere state reserve.

189. ПИСКОМ ПИЁЗИ

Лук пскемский / Allium pskemense B. Fedtsch.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанга хос жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 60–120 см оралиғидаги кўп йиллик пиёзли ўт. Пиёзининг диаметри 6–7 см, усти қўнғир қобиқ билан қопланган. Пояси 3–7 та, йўғон, шишган, узунлиги 40 см га етади. Тўпгули шарсимон, диаметри 7–10 см. Гулқўрғон бўлакчалари оқ рангли. Июлда гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Угом, Писком, Чотқол ва Қурама тизмаларида тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 200–2 000 м баландликда оҳактошли, чиқиб бўлмайдиган қояларнинг ёриқларида, баъзан сурилмаларда ўсади.

Сони. Умумий сони 60–100 минг туп атрофида бўлган 40 га яқин популяцияси борлиги маълум.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғини турли ҳашаротлар зарарлаши ва ёш ниҳолларнинг бошқа ўсимликлар орасида ўса олмаслиги, вояга етиш муддатининг кўплиги (3–7 йил) ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан озиқ-овқат ва доривор ўсимлик сифатида йиғиб олиниши камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маҳаллий аҳоли уни томорқа ерларида экиб ўстиради. Хориждаги ботаника боғларида, селекция билан шуғулланувчи институтларда экилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера давлат қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза остига олинган.

Манбалар. [58, 362, 168, 364].

И. Г. Левичев

Численность. Около 40 популяций общей численностью 60–100 тыс. экземпляров.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Высокий процент повреждения семян насекомыми, низкая всхожесть, малая конкурентоспособность семенных всходов и длительный (3–7 лет) период ювенильной стадии являются лимитирующими факторами. Антропогенный фактор: интенсивная заготовка

местным населением для использования в качестве пищевого и лекарственного растения.

Культивирование. В пределах ареала часто выращивается на огородах. Культивируется во многих ботанических садах, в некоторых селекционных институтах республики и за рубежом.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном государственном заповеднике и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [58, 362, 168, 364].

И. Г. Левичев

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее луковичное растение высотой 60–120 см. Луковица небольшая, 6–7 см в диаметре, оболочка красно-бурого цвета. Стрелка с 3–7 толстыми, дудчатыми листьями длиной до 40 см. Соцветие шаровидное, 7–10 см в диаметре, листочки околоцветника молочно-белые. Цветёт в июле, плодоносит в сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Угамский, Пскемский, Чаткальский, Кураминский хребты. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Известковые недоступные скалы (трещины и уступы), реже осыпи в среднем поясе гор на высоте 1 200–2 000 м.

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Ugam, the Pskem, the Chatkal, the Kurama ranges (Tashkent region). Inhabits calcareous inaccessible rocks (cracks and ledges), rarely mounds in the middle belt of mountains at the height of 1 200–2 000 m.s.l. About 40 populations, total number 60–100 thousand of specimens can be found. Limiting factors: high percentage of seed damage by insects, low germinating capacity, low competition capacity of seedlings and long (3–7 years) juvenile stage are the also the anthropogenic factor: local people intensively use Allium pskemense as food and medicinal plant. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere state reserve and the Ugam-Chatkal national park.

190. ОЛОЙ ПИЁЗИ

Лук алайский / Allium alaicum Vved.

Мақоми 1. Олой тизмасидаги ғоят камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бош пиёзи 1–2 см кенгликда, қорамтир қоғозсимон қобиқли (пўстли). Пояси 30–60 см узунликда, пастки қисми пастга эгилган, тукли. Барглари 2–3 та, қаламинаштарсимон, эни 10–15 мм, пастга қараб эгилган туклар билан қалин қопланган, поясидан қисқа. Соябони кўп гулли, деярли шарсимон, диаметри 30–40 мм. Гул бандлари тенг, гулёнбаргчалари йўқ. Юлдузсимон гулқўрғон бўлаклари оқиш, кирсимон қип-қизил рангли, узунлиги 6 мм, қалами, тўмтоқроқ, кейинроқ пастга қараб эгилади. Чангчи ипи 6 мм узунликда, бигизсимон. Кўсаги (қутичаси) шарсимон, диаметри 4 мм. Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Яқинда Андижон вилояти (Имом-ота қишлоғидан 10 км жануб)дан топилган. Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон (Ўш вилояти)да ўсади.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғларнинг майин тупроқли ёнбағирларида ўсади.

Сони. 50 туп ўсимликдан иборат 2 та популяцияси топилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Мол боқилиши сабабли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар.[58, 362, 364]

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 1. Редкий эндемик предгорий Алайского хребта.

Краткое описание. Луковица шириной 1–2 см, с черноватыми бумагообразными оболочками. Стрелка высотой 30–60 см, в нижней части покрытая вниз отогнутыми волосками. Листья 2–3, линейно-ланцетные, шириной 10–15 мм, густо опушенные вниз отогнутыми волосками, короче стебля. Зонтик многоцветковый, почти шаровидный, 30–40 мм в диаметре. Цветоножки почти равные без прицветников. Листочки звездчатого околоцветника беловатые с грязно-пурпуровой жилкой, длиной 6 мм, линейные, туповатые, позже вниз отогнутые. Нити тычинок длиной 6 мм, шиловидные. Коробочка шаровидная 4 мм в диаметре. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. был Недавно обнаружен в Андижанской области (10 км южнее кишлака Имом-ата). За пределами Узбекистана: Кыргызстан (Ошская область).

Места обитания. Мягкие склоны в низкогорьях.

Численность. Обнаружено 2 популяции (около 50 растений).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас.

Культивирование. Культивировался в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [58, 362, 364].

Ф.О. Хасанов

Ширач Коровина / Eremurus korovinii B. Fedtsch.

Мақоми 0. Ғарбий Тянь-Шанга хос ўта камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқарган, нурсимон жойлашган бўлаклари бироз йўғонлашган. Барглари 30 см узунликда, эни 2 см, ингичка қалами, тарновсимон, кўкимтир, қиррали, қисқа тукли. Тўпгули кенг цилиндрсимон шингилдан иборат. Гуллари кенг қўнғироқсимон, оч пушти рангли, тубида сариқ доғи бор. Гулқўрғон баргчалари 15–18 мм узунликда. Меваси – қўсакча, юмалоқ, силлиқ, диаметри 10–15 мм. Июль ойида гуллаб, уруғ беради.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Қурама тоғида ўсган. Бир марта 1880 йилда Маҳмуд Мусо томонидан Кандирдовондан йиғилган. Кейинги қидиришлар натижасиз тугаган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг тошли ёнбағирларида ўсган.

Сони. Аниқланмаган. Йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

Кўпайиши. Аниқ маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Кандирдовон, асосан, чорва моллари ҳайдаб ўтиладиган йўл бўлганлиги сабабли, ўсимлик оёқ остида қолиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсимликни Қурама ва Чотқол тизмаларидан излашни давом эттириш лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 293, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 0. Очень редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 30 см с укороченным корневищем, радиально расходящимися слабоутолщенными корнями. Листья длиной до 80 см и шириной 2 см, узколинейные, желобчатые, килеватые, сизые, коротко-опушенные. Соцветие в виде рыхлой цилиндрической кисти. Цветки широколокольчатые, светло-розовые, с жёлтым пятном у основания. Листочки околоцветника длиной 15–18 мм. Плод – гладкая шаровидная коробочка 10–15 мм в диаметре. Цветёт и плодоносит в июле.

Распространение. Ташкентская область: Кураминский хребет. Известен только по одному сбору. В 1880 году был собран Махмудом Мусой на перевале Кендырдаван. Дальнейшие попытки найти растение оказались безуспешными.

Места обитания. Каменистые склоны гор.

Численность. Не установлена. По-видимому, вид исчез.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Перевал Кендырдаван используется как скотопрогон, что могло явиться причиной исчезновения вида.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Необходимо продолжить поиски этого вида на Кураминском хребте и прилегающих склонах Чаткальского хребта.

Источники. [261, 279–282, 293, 358].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Kurama range (Tashkent region). It is known only by one specimen. In 1880, Makhmud Musa collected it in the Kendyrdavan pass. Further attempts to find this plant were unsuccessful. Inhabits stony slopes of mountains. Specimens has probably disappeared. Limiting factors: the Kendyrdavan pass is used as a pasture that could be the reason of the species disappearance. Measures of protection: it is necessary to go on searching of these species in the Kurama range and adjacent slopes of the Chatkal range.

209. МОМИҚ ШИРАЧ

Ширач пушистый / Eremurus pubescens Vved.

Мақоми 2. Жануби-ғарбий Помир-Олойга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80–100 см келадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган, эни 5–7 мм. Барги қалами, эни 2 см атрофида. Шингили сийрак, кўп гулли, узунлиги 40–55 см. Гулолди баргчалари ингичка учбурчак шаклда, момиқ тукли. Шингилидаги пастки гулларининг гулбанди гулқўрғонидан 2–2,5 марта узун. Гулқўрғон баргчалари оқиш-қизғиш рангда. Чангчилари гулқўрғон баргчаларидан қисқа. Кўсакчаси юмалоқ, эни 1,5 см, юпқа қобиқли. Май ойида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Тўпаланг, Сангардак дарёлари ҳавзасида, Бойсунтоғда ва Чўлбайир тоғларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик туплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аҳоли томонидан териб кетилиши ва чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. 1961 йилдан бошлаб ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чўлбайир ёки Бойсунтоғда буюртмахона ташкил қилиниши лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое густоопушенное растение, высотой 80–100 см, с укороченными и радиально расходящимися веретеновидно-утолщёнными (5–7 мм) корнями. Листья линейные, шириной около 2 см. Кисть рыхловатая, многоцветковая, длиной 40–55 см. Прицветники узкотреугольные, мохнатые. Нижние цветоножки в 2–2,5 раза длиннее околоцветника. Листочки околоцветника белые с розовым оттенком. Тычинки короче листочков околоцветника. Коробочка шаровидная, тонкокожистая, шириной около 1,5 см. Цветёт в мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Бассейн рек Тупаланг и Сангардак, горы Чульбаир и Байсунтау. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Щебнистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается небольшими группами.

Размножение. Семенное, редко – вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор населением и выпас скота.

Культивирование. С 1961 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Необходима организация заказника Чульбаирских или Байсунских гор.

Источники. [261, 279–282, 358].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Tupalang and Sangardak river basins, the Chulbair and Baysuntau mountains (Surkhandarya region). Inhabits slopes in the middle belt of mountains. Small groups of specimens can be found. Limiting factors: picking by population, cattle pasturing. Measures of protection: it is necessary to organize a protected area on the Chulbair or Baysun mountains.

210. НОР ШИРАЧ (ХУЛКА БОЛА)

Ширач мощный / Eremurus robustus Regel

Мақоми 3. Тянь-Шань ва Помир-Олойдаги ареали ажралган ва қисқариб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 100–250 см га етадиган кўп йиллик йирик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 4–8 см, силлиқ. Шингили тиғиз, кўп гулли, цилиндр шаклда, узунлиги 35–120 см. Гулолди баргчалари учбурчак шаклда. Шингилининг пастки қисмидаги гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5–2 марта узун. Гулқўрғон баргчалари якка томирли, оч пушти рангли. Чангчилари гулқўрғонидан бироз қисқа. Меваси – юмалоқ, силлиқ кўсакка ўхшайди, эни 1,5–2,5 см. Май–июлда гуллайди, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олойнинг барча тизмалари, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги майда-жинс тупроқли ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ва кичик туплар ҳосил қилиб ўсади. Тошкент вилояти ҳудуди бўйича 100 000 атрофида тури бор.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аҳоли томонидан териб олиниши ва чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. 1954 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол, Зомин, Ҳисор, Китоб, Нурота, Сурхон қўриқхоналарида, Угом-Чотқол ва Зомин миллий табиат боғларида муҳофаза қилинади. Ботаника боғларида кўпайтириш лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

Ф.И. Каримов

Статус 3. Сокращающийся эндемик Тянь-Шаня и Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое мощное растение высотой 100–250 см с укороченным корневищем и радиальнорасходящимися веретеновидными утолщёнными корнями. Листья широколинейные, наружные шириной 4–8 см, гладкие. Кисть очень густая, многоцветковая, цилиндрическая, длиной 35–120 см. Прицветники треугольные. Нижние цветоножки в 1,5–2 раза длиннее околоцветника. Листочки околоцветника с 1 жилкой, светло-розовые. Тычинки немного короче околоцветника. Плод – шаровидная, гладкая коробочка шириной 1,5–2,5 см. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Ташкентской, Наманганской, Джизакской, Самаркандской, Ферганской, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: все горные хребты западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая. За пределами Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан.

Места обитания. Мелкоземистые и мелкоземисто-каменистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими группами. В Ташкентской области произрастает около 100 000 растений.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Массовый сбор населением.

Культивирование. С 1954 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского, Зааминского, Гиссарского, Китабского, Нуратинского, Сурханского заповедников, Угам-Чаткальского и Зааминского национальных парков. Необходимо размножение в ботанических садах.

Источники. [261, 279–282, 358].

Ф.И. Каримов

Endemic species of the Tien-Shan and Pamir-Alay with reducing area and population. It is spread at all mountain ranges of the western Tien-Shan and western Pamir-Alay (Tashkent, Jizzakh, Samarkand, Ferghana, Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits fine earth and fine earth-stony slopes in the middle belt of mountains. Single specimens and small populations can be found sporadically. Limiting factors: mass picking by the local population. Measures of protection: protected in the territory of the Chatkal, the Zaamin, the Hissar, the Kitab, the Nuratau, the Surkhan state nature reserves and the Ugam-Chatkal and Zaamin national parks. Reproduction in botanical gardens is required.

211. НУРОТА ШИРАЧИ

Ширач нуратинский / Eremurus nuratavicus A.P. Khokhr.

Мақоми 1. Нурота тизмасидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40–120 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари ингичка қалами, эни 10–30 мм. Шингили сийрак, узунлиги 15–25 см. Гулолди баргчалари оқ, узунлиги 12–14 мм. Гулбандларининг узунлиги 10–15 мм, гулқўрғонидан бироз узунроқ. Гулқўрғон баргчалари 3 томирли, оч сариқ, қўнғир чизиқли, узунлиги 8–11 мм. Чангчилари гулқўрғонидан узунроқ. Меваси – кўсакдай, юмалоқ. Уруғлари ингичка қанотчали. Май ойида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Нурота тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта минтақасидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Умумий сони 1 000 тадан ошмайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. 1980 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида экилади.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [18, 314].

Н.Ю. Бешко

Статус 1. Редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 40–120 см, с укороченным корневищем и веретеновидно-утолщёнными корнями. Листья узколинейные, шириной 10–30 мм. Кисть негустая, длиной 15–25 см. Прицветники белые, длиной 12–14 мм. Цветоножки длиной 10–15 мм, немного длиннее околоцветника. Листочки околоцветника с 3 жилками, бледно-желтоватые, с коричневой полосой, длиной 8–11 мм. Тычинки длиннее околоцветника. Плод – коробочка, шаровидная. Семена узкокрылые. Цветёт в мае, плодоносит в июле.

Распространение. Джизакская область: Хребет Нуратау.

Места обитания. Каменистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Общая численность не превышает 1 000 экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. С 1980 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского заповедника.

Источники. [18, 314].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau range (Jizzakh region). Inhabits stony slopes in the middle of mountain belt. There are about 1 000 plants can be found. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

212. ОҚГУЛЛИ ШИРАЧ

Ширач молочноцветковый / Eremurus lactiflorus O. Fedtsch.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шань ва Нуротадаги камайиб бораётган, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 45–100 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 13–25 мм, силлиқ. Шингили сийрак, кўп гулли, узунлиги 15–30 см. Гулолди баргчалари ингичка учбурчак наштарсимон. Шингилининг пастидаги гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5–2 марта узун. Гулқўрғон баргчалари бир томирли. Чангчилари нотекис, гулқўрғонидан қисқа. Меваси – қўсакдай, юмалоқ, 3 та бўртмали, силлиқ, эни 20–30 мм. Май–июнда гуллаб, меваси июнь–июль ойларида етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Жиззах ва Навоий вилоятлари: Қоржантов, Угом, Писком, Чотқол, Курама ва Нурота тизмаларида тарқалган. Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам ўсади.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги тошли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик тўплар ва якка-якка ҳолда тарқалган. Тошкент вилоятида олиб борилган тадқиқотлар давомида 40 000–50 000 тупи аниқланган. Нурота тоғ тизмасида тахминан 100 та туп икки жойда ўсиши аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аҳоли томонидан териб олиниши, янги ерларни ўзлаштириш ва чорва моллари таъсирида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида экилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол ва Нурота қўриқхоналарида, Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади. Табиатдаги мавжуд туплари назорат остига олиниши лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Сокращающийся по численности эндемик Западного Тянь-Шаня и Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 35–100 см, с укороченным корневищем и веретеновидно-утолщёнными корнями. Листья широколинейные, шириной 13–25 мм, гладкие. Кисть негустая, многоцветковая, длиной 15–30 см. Прицветники узко-треугольно-ланцетные. Нижние цветоножки в 1,5–2 раза длиннее околоцветника. Листочки околоцветника с 1 жилкой. Тычинки неравные, короче околоцветника. Плод – шаровидная коробочка с 3 выпуклостями, гладкая, шириной 20–30 мм. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Reducing endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Ugam, the Pskem and Chatkal range. the Karzhantau mountains (Tashkent region), the Nuratau range (Jizzakh and Navoi regions). Inhabits and stony slopes in the middle belt of mountains. Single specimens rarely can be found in the accessible for human places, in almost inaccessible regions grows in groups. The population number in the Tashkent region is about 40 000 – 50 000 plants, at the Nuratau range-about 100 pants were counted in two locations. Limiting factors: picking of flowers. Measures of protection: protected in the Chatkal and Nuratau state nature reserves and the Ugam-Chatkal national park. Regular control of the state of populations is required.



Распространение. В Ташкентской, Джизакской и Навоийской областях: все хребты Западного Тянь-Шаня и Нуратинский хребет. За пределами Узбекистана: Кыргызстан, Казахстан.

Места обитания. Щебнистые и каменистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Произрастает небольшими группами и единичными экземплярами. По данным последних исследований, в Ташкентской области насчитывается 40 000–50 000 особей. На хребте Нуратау учтено около 100 растений в 2 пунктах.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор на букеты, освоение земель и выпас скота.

Культивирование. С 1966 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском и Нуратинском заповедниках, Угам-Чаткальском национальном парке. Необходим постоянный контроль за состоянием популяций.

Источники. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

213. САРИҚ ШИРАЧ

Ширач жёлтый / Eremurus luteus Baker

Мақоми 1. Ўзбекистондаги жуда камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 35–60 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари ингичка қалами, эни 4–7 мм. Шингили сийрак, нисбатан кам гулли, узунлиги 20–30 см. Гулолди баргчалари йирик учбурчак наштарсимон, шингилининг пастки қисмидаги гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5 марта узун. Гуллари ҳидли. Гулқўрғон баргчалари якка томирли, оч сариқ. Чангчилари нотекис, гулқўрғонидан қисқа. Меваси кўсакчадай, чўзиқ, силлиқ. Уруғлари ингичка қанотчали. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор (Қизилча, Ғузор, Дарбанд, Оқравот ва Деҳқонобод атрофлари) ва Кўҳитанг тизмалари оралиғидаги паст тоғларда тарқалган. Туркманистон, Эрон ва Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Очиқ ола жинс ва гипсларда ўсади.

Сони. Жуда кам сақланган, табиатда якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўзига хос тупроқ шароитига мослашганлиги ва чорва молларининг боқилиши ҳамда аҳоли томонидан териб олиниши унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. 1965 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстиришга қаратилган кўплаб уринишлар натижа бермаган.

Муҳофаза чоралари. Табиатдаги мавжуд туплари устидан кузатишлар олиб бориш лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий в Узбекистане вид.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 35–60 см, с укороченным корневищем и слабоверетеновидно-утолщёнными корнями. Листья узколинейные, шириной 4–7 мм. Кисть негустая, сравнительно немногоцветковая, длиной 20–30 см. Прицветники крупные, треугольно-ланцетные. Нижние цветоножки в 1,5 раза длиннее околоцветника. Цветки душистые. Листочки околоцветника с 1 жилкой, бледно-жёлтые. Тычинки разной длины, короче околоцветника. Плод – коробочка, удлинённая, гладкая. Семена узкокрылые. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: низкогорья в юго-западных отрогах Гиссарского хребта (окрестности Кызылчи, Гузара, Дербента, Акрабата и Дехканабада) и хребет Кугитанг. За пределами Узбекистана: Туркменистан, Иран и Афганистан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород и гипса.

Численность. Встречается крайне редко, единичными экземплярами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Требовательность растений к местам обитания, выпас скота, сбор населением.

Культивирование. С 1965 года неоднократно интродуцировался в Ботаническом саду АН РУз. Через 2–3 года растения выпали.

Меры охраны. Требуются постоянные наблюдения за состоянием растений в природе.

Источники. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Very rare species in Uzbekistan. It is spread at the low mountains of the western branches of the Hissar range, from Kyzylcha, Guzar and Dekhanabad to the Kughitang range (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits outcrops of gypcaseous rocks. Single specimens extremely rarely can be found. Limiting factors: exigence of plants to habitat, cattle pasturing, collection by the population. Measures of protection: regular control of the state of populations in nature is required.

214. СУВОРОВ ШИРАЧИ

Ширач Суворова / Eremurus suworowii Regel

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–70 см келадиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари йўғонлашган. Барглари ингичка қалами. Поясининг пастки қисми, одатда, ғадир-будур тукли. Шингили деярли цилиндрсимон, сийрак, кам гулли, узунлиги 15–50 см. Гулолди баргчалари тор учбурчак шаклда. Пастки гулларининг банди гулқўрғонидан 1,5–2,5 марта узун. Гулқўрғон баргчалари бир томирли, оч сариқ рангда. Чангчилари гулқўрғонидан қисқа. Кўсакчаси юмалоқ, текис, эни 1–1,4 см. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Тўпаланг ва Сангардак дарёлари ҳавзаси), Чўлбайир тоғлари, Кўҳитанг ҳамда Боботоғда тарқалган. Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори ва қуйи қисмларидаги майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ва кичик туплар ташкил қилиб тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан, баъзан вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик ўсадиган жойларининг ўзлаштирилиши, чорва молларининг боқилиши ҳамда аҳоли томонидан йиғилиши сабабли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. 1960 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Айрим популяциялари Сурхон давлат қўриқхонасида сақланади. Чўлбайир тоғларида ўсимликнинг ҳолатини кузатиб туриш учун буюртмахона ташкил этиш лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 50–70 см, с укороченным корневищем и радиально расходящимися немногочисленными корнями. Листья узколинейные. Стебель обычно внизу шероховато-пушистый. Кисть почти цилиндрическая, рыхлая, немногоцветковая, длиной 15–50 см. Прицветники узко-треугольные. Нижние цветоножки часто в 1,5–2,5 раза длиннее околоцветника. Листочки околоцветника с 1 жилкой, бледно-жёлтые. Тычинки короче околоцветника. Коробочка шаровидная, гладкая, шириной 1,4 см. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет (бассейны рек Тупаланг и Сангардак), горы Чульбаир, хребты Бабатаг и Кугитанг. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Афганистан.

Места обитания. Мелкоземистые склоны в высоких предгорьях и нижнем поясе гор.

Численность. Встречается одиночно и небольшими группами.

Размножение. Семенное, реже вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение территорий, сбор населением, выпас скота.

Культивирование. С 1960 года выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется на территории Сурханского заповедника. Необходимы организация заказника в Чульбаирских горах и регулярная оценка состояния популяций.

Источники. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar, the Chulbair, the Babatag, the Kughitang ranges (Surkhandarya region). Inhabits fine earth slopes in the foothills and lower belt of mountains. Single specimens and small groups can be found. Limiting factors: reclamation of areas, collecting by the population, cattle pasturing. Measures of protection: some populations are protected in the Surkhan state nature reserve. Organization of the state reserve in the Chulbair Mountains and regular control of the state of populations are required.

215. ЯШИЛ ГУЛЛИ ШИРАЧ

Ширач зеленоцветный / Eremurus chloranthus Popov

Мақоми 0. Туркистон тизмасида жуда кам тарқалган, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 60–70 см дан ошмайдиган кўп йиллик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, урчуқсимон бўлаклари бироз йўғонлашган. Барглари кенг-қалами, эни 15 мм. Шингили қалин, кўп гулли, деярли цилиндрсимон, узунлиги 25–30 см, Гулолди баргчалари учбурчак наштарсимон, четлари киприксимон тукли. Шингилининг пастидаги гулбанди гулқўрғонидан қисқароқ. Гулқўрғон баргчалари якка томирли, яшилроқ рангли, узунлиги 14–15 мм. Чангчилари гулқўрғонидан 1,5 марта қисқа. Кўсакчаси номаълум. Июлда гуллайди.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Туркистон тизмасидаги Гуралашсойнинг юқори қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги нам соз тупроқли ёнбағирлар.

Сони. Фақатгина бир марта Гуралашсойдан йиғилган (1926 йил 20 июлда). 1980–1981 йилларда олиб борилган қидириш ишлари натижа бермади. Тур йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Зомин давлат қўриқхонасида сақланади.

Манбалар. [261, 240, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 0. Очень редкий эндемик Туркестанского хребта.

Краткое описание. Растение высотой 60–70 см с укороченным корневищем и несильно-веретеновидно-утолщёнными корнями. Листья широколинейные, шириной около 15 мм. Кисть густая, многоцветковая, почти цилиндрическая, длиной 25–30 см. Прицветники узко-треугольно-ланцетные, реснитчатые. Цветоножки нижние немного короче околоцветника. Листочки околоцветника с 1 жилкой, зеленоватые, длиной 14–15 мм. Тычинки в 1,5 раза короче околоцветника. Плод – коробочка, неизвестна. Цветёт в июле.

Распространение. Самаркандская, Джизакская область: Туркестанский хребет – верховья Гуралашсая.

Места обитания. Вероятно, произрастает на влажных склонах и сазах в верхнем поясе гор.

Численность. Найден один раз в ущелье Гуралаш (20 июля 1926 г.). Поиски в 1980 и 1981 гг. результатов не дали. Вид, по-видимому, исчез.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Зааминском государственном заповеднике.

Источники. [261, 240, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the Turkestan range. It is spread at the Turkestan range: the Guralashsay (Jizzakh region). Probably inhabits, wet fine soils in the upper mountain belt. Found only in the Guralash Gorge (July 20, 1926). The research carried out in 1980–1981 were unsuccessful. Probably disappeared. Measures of protection: protected in the Zaamin state reserve.

216. ЭЧИСОН ШИРАЧИ

Ширач Эчисона / Eremurus aitchisonii Baker

Мақоми 3. Ўзбекистонда камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 70–120 см орасидаги кўп йиллик ўт. Илдиз пояси қисқарган, нурсимон жойлашган, бўлаклари урчуқсимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 5–8 см, оч яшил рангли, туксиз. Пояси туксиз ёки пастки қисми ғадир-будур тукли. Шингили сийрак, камгулли, цилиндрсимон, 20–45 см узунликда. Гулолди баргчалари учбурчак шаклда, чўзинчоқ. Шингилининг пастидаги гулбанди гулқўрғонидан икки марта узун. Гулқўрғон баргчалари бир томирли, пушти ранг. Чангчилари гулқўрғонидан 1,5 марта қисқа. Меваси – эни 1,5–2 см келадиган юмалоқ кўсакча. Май–июнь ойларида гуллаб, июнь–июлда уруғлайди.

Тарқалиши. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон ва Ҳисор тизмаларида, Чўлбайир, Бойсун, Кўҳитанг тоғларида тарқалган. Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистонда ҳам тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмида майда жинс тупроқли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка, баъзан кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан, баъзан вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аҳоли томонидан йиғиб олиниши ва чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилмокда.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор ва Сурхон қўриқхоналарида муҳофаза қилинади, Чўлбайир тоғларида буюртмахона ташкил этиш лозим.

Манбалар. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий в Узбекистане вид.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 70–120 см с укороченным корневищем и радиально расходящимися веретеновидно-утолщенными корнями. Листья широколинейные, шириной 5–8 см, ярко-зелёные, голые. Стебель голый или при основании шероховато-опушенный. Кисть рыхлая, немногоцветковая, цилиндрическая, длиной 20–45 см. Прицветники треугольные, длинноотянутые. Нижние цветоножки в 2 раза длиннее околоцветника. Листочки околоцветника с 1 жилкой, розовые. Тычинки в 1,5 раза короче околоцветника. Плод – шаровидная коробочка, шириной 1,5–2 см. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Самаркандской, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский и Гиссарский хребты, горы Чульбаир, Байсунтау, Кугитанг. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Кыргызстан, Афганистан.

Места обитания. Мелкоземистые и мелкоземисто-каменистые склоны в нижнем поясе гор.

Численность. Встречается редко, единичными экземплярами, иногда небольшими группами.

Размножение. Семенное, редко – вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный сбор населением, выпас скота.

Культивирование. Выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском и Сурханском государственных заповедниках. Необходима организация заказника в горах Чульбаир.

Источники. [261, 279–282, 358].

К.Ш. Тожибаев

Rare species in Uzbekistan. It is spread at the Zeravshan and Hissar ranges, the Chulbair, the Baysuntau, the Kughitang mountains (Samarkand, Surkhandarya and Kashkadarya region). Inhabits fine earth and fine earth-stony slopes in the lower belt of mountains. Solitary specimens or small groups rarely can be found. Limiting factors: the intensive collection by local population, cattle pasturing. Measures of protection: protected in the Hissar and Surkhan state reserves. It is necessary to organize a protected area in the Chulbair mountains.

ШОТАРАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ДЫМЯНКОВЫЕ – FUMARIACEAE

217. ТУРКИСТОН ШОТАРАЧАСИ

Дымяночка туркестанская / Fumariola turkestanica Korsh.

Мақоми 2. Олой тизмасидаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–15 см орасидаги кўп йиллик, кўкимтир ўт. Пояси битта, ингичка, асосидан шохланган. Барглари узун бандли, икки карра уч бўлакка бўлинган, туксиз. Япроқлари 2–3 бўлакли. Тўпгули соябонсимон, кам гулли, шингили баргларидан қисқа. Гуллари майда, кўримсиз, сарғиш. Меваси ёнғоқча, узунлиги 3 мм, эни 1 мм, қорамтир рангли, ғадир-будур. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Шоҳимардон ва Исфайрам дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Оҳактошли қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Водил, Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари ўртасидаги қояларда 5 та тупи мавжуд. Тошқояларда ўсиши туфайли сони ҳам ниҳоятда кам.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсимлик ареалига аниқлик киритиш ва биологик хусусиятларини ўрганиш лозим.

Манбалар. [167, 242].

Г.А. Лазьков

Статус 2. Редчайший эндемик Алайского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое сизоватое растение высотой 10–15 см. Стебель одиночный, тонкий, ветвистый от основания. Листья длинно-черешковые, дважды тройчаторассечённые, голые. Сегменты листа двух-трёхлопастные. Соцветие – зонтиковидная кисть, не выступающая из листьев, с немногочисленными мелкими, невзрачными, желтоватыми цветками. Плод – орешек, длиной 3 мм, шириной 1 мм, при созревании чернеющий, слабошероховатый. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Ферганская область: бассейн реки Шахимардан. За пределами Узбекистана: Кыргызстан (Исфайрам).

Места обитания. Трещины известняковых скал.

Численность. Достоверно известно 5 небольших популяций на скалах между кишлаками Вуадиль, Шахимардан и Ярдан. В связи с приуроченностью к скалам численность очень мала.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Необходимы уточнение ареала, контроль за популяциями и изучение биологических особенностей.

Источники. [167, 242].

Г.А. Лазьков

Rare endemic species of the Alay range. It is spread at the Shakhimardan river basin (Ferghana region). Inhabits clefts of limestony rocks. Known for certain 5 small populations in rocks between the Vuadil, the Shakhimardan and Yardan villages. The number of plants is very low because the species is a stenotopic petrophyte. Measures of protection: it is necessary to define more exactly the area, to control populations and to study biological characteristic features.

ШЎРАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО МАРЕВЫЕ – CHENOPODIACEAE

218. ЎТКИРБАРГ БАЛИҚҚЎЗ

Климакоптера остролистная / Climacoptera oxyphylla U.P. Pratov

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубий қисмида кичик майдонда сақланиб қолган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–15 см, асосидан шохлаган, бир йиллик ўт. Ўсимликнинг пастки қисми қалин, юқори қисми эса сийраклашган, узун, кўп ҳужайрали, чалкаш, ярим ётиқ туклар билан қопланган. Шохчалари ва барглари кетма-кет жойлашган, поядаги барглари-нинг банди поясига ёпишган. Барглари этли, қалами ярим цилиндрсимон, учи ўткир, баргининг учи ғуж тукли. Гуллари якка, рўваксимон тўпгулга йиғилган. Гулолди барги этли, учи ўткир, ён-баргча ва гулқўрғонлардан узунроқ. Гулқўрғони 5 баргчали, узунлиги 6 мм, мевалаган пайтида юқори қисми тукли қанотчалар ҳосил қилади. Чангчиси 5 та. Тумшуқчаси бигизсимон, гулқўрғонидан қисқа. Уруғи ётиқ жойлашган.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ўзбекистоннинг жанубида Шеробод водийсидаги Майдон қишлоғи атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Очиқ ола жинсли ерларда ўсади.

Сони. Кам учрайди, якка-якка ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ола жинсли ерларда ўсиши ва у ўсган ерларда чорва молларининг боқилиши унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маданийлаштирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Чорва молларини боқишни (айниқса, ўсимликнинг уруғи етилган даврда) чеклаш лозим.

Манбалар. [159, 253].

ЎП. Пратов

Статус 2. Узколокальный эндемик южной части Узбекистана.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 10–15 см, ветвящееся от основания, опушенное внизу густыми, кверху редеющими, длинными, многоклеточными, спутанными или полуприжатыми волосками. Ветви и листья очередные, стеблевые листья низбегающие, мясистые, линейные, полувальковатые, на конце островатые, с волосками, собранными в кисточку. Цветки одиночные, собраны в метельчатое соцветие. Прицветные листья мясистые, на конце с остроконечием, длиннее прицветников и околоцветника. Листочков околоцветника 5, длиной до 6 мм, при плодах крылатые, над крыльями опушённые. Тычинок 5. Рыльца шиловидные, короче околоцветника. Семена горизонтальные.

Распространение. Сурхандарьинская область: юг Узбекистана, Шерабадская долина, окрестности кишлака Майдан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород.

Численность. Малочислен, встречается единичными растениями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к пестроцветным породам, поедание животными.

Культивирование. Не культивируется.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Необходимо ограничение выпаса скота в период созревания семян.

Источники. [159, 253].

УП. Пратов

Rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the southern Uzbekistan, the Sherabad valley nearby the village Maidan (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks. Not numerous, single specimens can be found. Limiting factors: gypseous rocks, eaten by animals. Measures of protection: not protected.

219. МАЛИГИН БАЛИҚҚЎЗИ

Климакоптера Малигина / Climacoptera malyginii (Korovin ex Botsch.) Botsch.

Мақоми 2. Мирзачўлда тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик, ўт ўсимлик, бўйи 30–35 см, ёш ниҳол пайтида узун, ингичка, чалкаш тукли, кейинчалик туксизлана бошлайди. Барглари этли, қалами, учи тўмтоқ. Гулолди барглари поянинг пастида гулёнбаргчалардан узун, юқорисида улардан қисқа. Гулёнбаргчалари гулқўрғонидан қисқа, тухумсимон. Гулқўрғон бўлаклари наштарсимон, туксиз, меваси етилиши билан ярмидан пастида қанотчалар пайдо бўлади. Чангдонининг узунлиги 1,5 мм, ярмигача бўлинган, учидаги бўртмаси пуфаксимон. Уруғчиси гулқўрғонидан узун. Июнь–сентябрь ойларида гуллаб, меваси етилади.

Тарқалиши. Эндемик тур. Сирдарё воҳаси (Мирзачўл)да тарқалган (Сирдарё вилояти).

Ўсиш шароити. Шўрхок тупроқларда ўсади.

Сони. Сийрак ҳолда ўсади. Сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу тур тарқалган жойларда деҳқончилик қилиниши ва мол боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [35, 159].

Ў.П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Голодной степи.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 30–35 см, в молодом состоянии опушенное длинными, тонкими, спутанными волосками, в последствии голые. Листья мясистые, линейные, тупые. Прицветные внизу длиннее, вверху короче прицветничков. Прицветнички яйцевидные, короче околоцветника. Листочки околоцветника ланцетные, голые, ниже середины развивают крылья. Пыльники длиной около 1,5 мм, разделенные до половины, придатки пузыревидные. Пестик длиннее околоцветника. Цветет и плодоносит в июне–сентябре.

Распространение. Сырдарьинская область: встречается в бассейне реки Сырдарья – Мирзачуль.

Места обитания. На солончаках.

Численность. Встречается спорадически на небольших участках.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение территорий под сельхозкультуры и интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [35, 159].

У.П. Пратов

Rare endemic species of the Mirzachul. It is spread at the Syrdarya river basin: the Mirzachul (Syrdarya region). Inhabits saline soils. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

220. ПЯТАЕВА БАЛИҚҚЎЗИ

Климакоптера Пятаевой / Climacoptera pjataevae U.P. Pratov

Мақоми 2. Ғарбий Ҳисорда тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт ўсимлик, бўйи 10–15 см, қалин, узун, чалкаш ва сийрак, қисқа, деярли тўғри тукли. 3-7 жуфт шохлари ва барглари қарама-қарши, қолганлари кетма-кет ўрнашган. Поядаги барглари серэт, қалами, тўмтоқ, узунлиги 12–(14) мм, эни 1,5 мм. Гуллари рўвакда ўрнашган. Гулолди барги серэт, узунлиги 10 мм, гулқўрғон ва ёнбаргчаларидан узун. Гулёнбаргчалари, гулқўрғонига тенг ёки гулқўрғонидан қисқа. Гулқўрғони 5 бўлакли, меваси етилганда ярмидан пастроғида пардасимон қанотчалар пайдо бўлади. Чангчиси 5 та, чангдонининг учида

пуфаксимон оқ тухумсимон бўртмаси бор. Уруғи текис ўрнашган.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Қашқадарё воҳасидаги Тўртсари ва Сийрак қишлоқлари атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғолди текисликларидаги майда чағиртошли ва шўрланган тупроқларда тарқалган.

Сони. Сийрак тарқалган. Сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва боқилиши ва антропоген омиллар-нинг салбий таъсири туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [159, 253].

Ў.П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Западного Гиссара.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 10–15 см, опушенное густыми длинными спутанными и рассеянными короткими волосками. Листья супротивные, очередные. Стеблевые листья мясистые, линейные, тупые, длиной 12–14 мм, шириной 1,5 мм. Цветы собранные в метельчатое соцветие. Прицветные листья мясистые, длиной до 10 мм, длиннее прицветничков и околоцветника. Листочков околоцветника 5, при плодах ниже средины развивающих пленчатые крылья. Тычинок 5, придатки пыльников пузыревидные, яйцевидные, белые. Семена горизонтальные.

Распространение. Кашкадарьинская область: встречается в бассейне р. Кашкадарья в окраинах кишлаков Туртсары и Сийрак.

Места обитания. Мелкощебнистые засоленные почвы на подгорной равнине.

Численность. Встречается редко. Численность не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хозяйственное освоение земли и интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 253].

У.П. Пратов

Rare endemic species of the western Hissar range. It is spread at the Kashkadarya river basin: nearby the villages Turtsary and Siyrak (Kashkadarya region). Inhabits saline soils in the piedmont plain. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

221. ТЎМТОҚ ГУЛЁНБАРГЧАЛИ БАЛИҚҚЎЗ

Климокаптера тупоприцветничковая / Climacoptera amblyostegia (Botsch.) Botsch.

Мақоми 2. Қизилқум ва Мирзачўлда тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт ўсимлик, бўйи 5–30 см, асосидан шохланган, ёш ниҳол пайтида тукли, кейинроқ туксизланади. Барглари этли, қалами, учи тўмтоқ. Гулолди барги кичикроқ, гулёнбаргчалардан узун. Гулёнбаргчалари тухумсимон, ўртасидан пастроғида қанотчалари бор. Чангдон бўртмаси пуфаксимон. Июль–сентябрда гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари: Мирзачўлда ва Қизилқумда тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Қозоғистонда ҳам тарқалган.



Ўсиш шароити. Шўрхок тупроқларда ўсади.

Сони. Кичик-кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ерларнинг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши ва чорва боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [35, 159].

ЎП. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Голодной степи и Кызылкума.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 5–30 см, от основания кустиковидно ветвистое, в молодом состоянии опушенное длинными, тонкими, спутанными волосками, впоследствии голое. Листья мясистые, линейные, тупые. Прицветные длиннее прицветничков. Прицветнички яйцевидные, тупые, короче околоцветника. Листочки околоцветника ланцетные, голые, ниже середины развивают крылья. Крылья вместе с околоцветником 10–14 мм в диаметре. Придатки пыльников пузыревидные. Семена горизонтальные. Цветет и плодоносит в июле–сентябре.

Распространение. Сырдарьинская, Навоийская и Бухарская области: долина реки Сырдарья, Кызылкум, Мирзачуль. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. На солончаках.

Численность. Немногочисленные, сильно разрозненные популяции.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сельскохозяйственное освоение земель, выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [35, 159].

УП. Пратов

Rare endemic species of the Kyzylkum and Mirzachul. It is spread at the Kyzylkum, the Mirzachul and the Syrdarya river basin (Syrdarya, Navoi and Bukhara regions).

Inhabits saline soils. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats, agriculture and pasturing. Measures of protection: not protected.

222. МЕРКУЛОВИЧ БАЛИҚҚЎЗИ

Климокаптера Меркуловича / Climacoptera merkulowiczii (Zakirov) Botsch.

Мақоми 2. Қизилқумда тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт ўсимлик, бўйи 10–40 см, қалин, қисқа, тарвақайлаган, сийрак узун, чалкаш, кейинроқ камайиб кетадиган тукли. Асосидан шохланган. Барглари этли, қалами, ярим цилиндрсимон, тўмтоқ, гулолди барги овалсимон, қайиқчасимон, гулёнбаргчалари ва гулқўрғонидан қисқа ёки унга тенг, четлари

пардасимон ҳошияли. Гулқўрғон бўлаклари кенг наштарсимон, пуштиранг. Август ва октябрда гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқумда тарқалган.

Ўсиш шароити. Шўрхок тупроқларда ўсади.

Сони. Кичик-кичик майдонларда жамоалар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғи орқали кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [35, 159].

Ў.П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 10–40 см, опушенное короткими, торчащими и более редкими длинными, спутанными, позднее стирающимися волосками. Листья мясистые, линейные. Прицветные овальные, тупые, короче прицветничков и околоцветника. Прицветнички овальные или равны ему, по краю узко пленчато окаймленные. Листочки околоцветника широколанцетные или яйцевидные, плёнчатые, опушенные. Пыльники с пузыревидным розовым придатком. Семена горизонтальные. Цветет и плодоносит в августе–октябре.

Распространение. Бухарская область: Кызылкум.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение земельных участков под сельхозкультуры и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется

Источники. [35, 159].

У.П. Пратов

Rare endemic species of the Kyzylkum desert. It is spread at the Kyzylkum (Bukhara region) Inhabits saline soils. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

223. ҚАНОТИ ТУКЛИ БАЛИҚҚЎЗ
Климакоптера птилоптера / Climacoptera ptiloptera U.P. Pratov

Мақоми 2. Устюртда тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт, бўйи 40–50 см, қисқа, тўғри, чалкаш ва узун қалин тукли. Шох ва барглари навбат билан жойлашган. Поядаги барглари серэт, ингичка қалами, учи тўмтоқ, узунлиги 12 мм, эни 1,5 мм, гулёнбаргчалари ва гулқўрғонидан узун. Гулқўрғони 5 бўлакли, узунлиги 4,7 мм, эни 11 мм, меваси етилганда ўртасидан сал пастроғида усти тукли қанотчалар пайдо бўлади. Чангчиси 5 та, чангдонининг учида пуфаксимон бўртмаси бор. Уруғи текис ўрнашган. Меваси октябрь ойида етилади.

Тарқалиши. Қорақалпоғистон Республикаси: Устюрт ва шарқий чинкда тарқалган.

Ўсиш шароити. Шўрланган, кулранг-қўнғир тупроқларда ўсади.

Сони. Сийрак тарқалган. Сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва боқилиши ва тупроқнинг шўрлиги туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [59, 253].

Ў П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Устюрта.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 40–50 см, опушенное густыми, прямыми, оттопыренными и густыми длинными волосками. Ветви и листья очередные. Стеблевые листья мясистые, узколинейные, тупые, длиной 12 мм, шириной 1,5 мм. Прицветные листья длиннее околоцветника. Листочков околоцветника 5, длиной 4,7 мм и шириной 11 мм, при плодах чуть ниже середины развивающих пленчатые, сверху опушенные крылья. Тычинок 5, придатки пыльников белые или розовые, пузыревидные. Семена горизонтальные. Плодоносит в октябре.

Распространение. Каракалпакстан: встречается на Устюрте и на восточном чинке.

Места обитания. На серо-бурых засоленных почвах.

Численность. Встречается редко, небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота и засоление почвы.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [59, 253].

У П. Пратов

Rare endemic species the Ustyurt Plateau. It is spread at the Ustyurt Plateau: the eastern cliff (Karakalpakstan) Inhabits saline soils. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

224. СЕРТУК БУЗОҚБОШ

Галимокнемис войлочноцветковый / Halimocnemis lasiantha Iljin

Мақоми 2. Фарғона водийсига хос ареали қисқариб бораётган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см га етадиган, асосидан шохланувчи, тарвақайлаган, қисқа туклар билан қопланган, бир йиллик этдор ўт. Барглари ингичка-қалами, узунлиги 20–40 мм, пастки томони қабариқ, устки томони ясси. Гулқўрғон баргчалари (5) юпқа, узунлиги 6–7 мм, ўткир учли. Меваси конуссимон, асоси ясси, узун чалкаш туклар билан қопланган. Июль–сентябрь ойларида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Наманган, Фарғона вилоятлари: Фарғона водийсида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларида, тошли-шағалли тупроқларда, қуруқ ўзанларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари истеъмол қилиши ва ўсимлик тарқалган ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида камайиб бормокда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғи тажриба даласида ўстириб кўрилганда ижобий натижа бермаган.

Муҳофаза чоралари. Табиий ҳолда ўсиб турган жойларини сақлаб қолиш лозим.

Манбалар. [35, 159].

ЎП. Пратов

Статус 2. Редкий с сокращающимся ареалом эндемик Ферганской долины.

Краткое описание. Однолетнее мясистое растение, ветвящееся от самого основания и редко достигающее высоты 25 см, покрыто короткими оттопыренными волосками. Листья узколинейные, длиной 20–40 мм, снизу выпуклые, сверху плоские. Листочки околоцветника (5) плёнчатые, длиной 6–7 мм, остроконечные. Плоды коничесские, основания плоские, покрыты длинными спутанными волосками. Цветёт и плодоносит в июле–сентябре.

Распространение. В Наманганской и Ферганской областях: Ферганская долина.

Места обитания. Каменисто-щебнистые почвы предгорий, сухие русла рек.

Численность. Встречается одиночными кустами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота и интенсивное сельскохозяйственное освоение территорий, где произрастает вид.

Культивирование. Предпринимались попытки выращивания вида в Ботаническом саду АН РУз, которые, однако, не дали результатов.

Меры охраны. Места произрастания вида необходимо сохранить.

Источники. [35, 159].

УП. Пратов

Rare endemic species of the Ferghana valley. It is spread at the Ferghana valley (Namangan and Ferghana regions). Inhabits stony soils of foothills, dry river-beds. Single specimens can be found. Limiting factors: Cattle pasturing and the intensive reclamation of species habitats for agriculture. Measures of protection: it is necessary to reserve these species locations.



225. БОЧАНЦЕВ ТОШБИЮРҒУНИ

Нанофитон Бочанцева / Nanophyton botschantzevii U.P. Pratov

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанда жуда кичик майдонда сақланиб қолган ниҳоятда камёб, реликт, эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–40 см келадиган, тиғиз ёстиқча ҳосил қилиб, ер бағирлаб ўсувчи сершох бута. Барглари кетма-кет жойлашган, дағал, учи тиканли, узунлиги 6 мм. Гуллари 2–9 тадан, шохчаларнинг учларида жойлашган. Ҳар бир гул биттадан гулолди ва иккитадан гулёнбаргчага эга. Гулқўрғон баргчалари юпқа. Уруғлари тик, узунлиги 4–6 мм. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси октябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: денгиз сатҳидан 1 600–2 000 м баландликда Чотқол тизмаси (Нуракота, Белдирсой)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тош-шағалли ёнбағирлар арча ва бутазорларида, асосан, очиқ жойларда ўсади.

Сони. Ўйнатой сувайирғичида кичик майдон (3 гектар атрофи)да ва Ирғайлисойда 10–20 тупдан иборат тўплар ҳосил қилиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик тарқалган жойлардан чорва моллари учун ёзги ўтлоқ сифатида фойдаланилади.

Маданийлаштирилиши. Уруғидан экилганда ижобий натижа бермаган. Униб чиққан ниҳоллари ёзнинг иккинчи ярмида қуриб қолган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [156–159, 260, 261].

ЎП. Пратов

Статус 2. Чрезвычайно редкий, узколокальный, реликтовый эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Кустарник высотой 20–40 см, образующий довольно крепкую, плотную подушку. Стебли стелющиеся или слегка приподнимающиеся, многократно ветвящиеся. Листья длиной до 6 мм, очередные, на верхушке с коротким шипком. Цветки собраны по 2–9 на концах ветвей. Каждый цветок с прицветным листом и 2 прицветниками. Листочки околоцветника плёнчатые. Семена вертикальные, длиной 4–6 мм. Цветёт в июне–июле, плодоносит в октябре.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет (бассейны рек Нуреката и Бельдерсай), на высоте 1 600–2 000 м.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны, среди арчовников и кустарников, преимущественно на открытых местах.

Численность. Сохранились небольшие заросли на площади около 3 га на водоразделе Уйнатай и пятна по 10–20 кустов в ущелье Иргайлисай.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Район интенсивно используется в качестве летних пастбищ.

Культивирование. Посевы семян не дали положительных результатов: всходы во второй половине лета засыхали.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [156–159, 260, 261].

УП. Пратов

Extremely rare, relict endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal range (the Nurekata and Beldersay basins) at the height of 1 600–2 000 m (Tashkent region). Inhabits stony slopes, among the juniper stands and shrubs, mainly in the open places. Small populations grow in the area of about 3 ha at the watershed of the Uinatau and groups of 10–20 specimens in the Irgailisay gorge. Limiting factors: this area is intensively used as the summer pasture lands. Measures of protection: not protected.

226. ДРОБОВ ШЎРАГИ
Солянка Дробова / Salsola drobovii Botsch.

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шань ва Олой тизмасидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–70 см келадиган ярим бута. Бир йиллик пояларининг узунлиги 20 см, оқиш, туксиз, баъзан ғадир-будур. Барглари кетма-кет жойлашган, туксиз, қўкимтир, этли, қалами, узунлиги 1,5–2,5 см, эни 1–1,5 мм, тўмтоқ. Тўпгули ёйиқ бошоқсимон. Гулқўрғон баргчалари чўзиқ-тухумсимон ёки чўзиқ-овал шаклида, узунлиги 4–6 мм, пардасимон, туксиз, рангсиз. Уруғи ётиқ жойлашган. Июлда гуллаб, меваси октябрь ойида етилади.

Тарқалиши. Фарғона водийси: Наманган ва Фарғона вилоятлари – Қурама ва Олой тизмаларининг адирларда тарқалган. Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тош-шағал тупроқли ён-бағирларда, баъзан ола жинсларда ва тоғларнинг қуйи қисмида ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда, баъзан эса йирик тўплар ташкил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликнинг кам уруғ бериши ва уруғидан яхши униб чиқмаслиги, шунингдек, у ўсган жойларда чорва моллари муттасил боқилиши сабабли сони қисқариб кетмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [35, 156–159, 249].

ЎП. Пратов

Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня и Алайского хребта.

Краткое описание. Полукустарник высотой 50–70 см. Однолетние побеги длиной 20 см, беловатые, голые, реже шероховатые. Листья очередные, неопушенные, сизые, мясистые, линейные, длиной 1,5–2,5 см и шириной 1–1,5 мм, тупые. Соцветие рыхлоколосовидное. Листочки околоцветника удлиненно-яйцевидные или продолговато-овальные, длиной 4–6 мм, плёнчатые, голые, неокрашенные. Семена горизонтальные. Цветёт в июле, плодоносит в октябре.

Распространение. Ферганская долина: Наманганская и Ферганская области – предгорья Кураминского и Алайского хребтов. За пределами Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан.

Места обитания. На каменистых и щебнистых склонах, реже на пестроцветах в нижнем поясе гор.

Численность. Встречается одиночно, реже образует заросли.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Слабое плодоношение, низкая всхожесть семян, а также интенсивное использование территории под выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не разработаны.

Источники. [35, 156–159, 249].

УП. Пратов

Rare endemic species of the western Tien-Shan and Alay range. It is spread at the Ferghana valley, the foothills of Kurama and Alay ranges (Namangan and Ferghana regions). Inhabits stony and slopes, seldom outcrops of gypseous rocks in the lower belt of mountains. Single specimens and rarely large groups can be found. Limiting factors: weak fruiting, low seed germination and also the intensive use lands under cattle pasturing. Measures of protection: not protected.



227. ТИТОВ ШЎРАГИ
Солянка Титова / Salsola titovii Botsch.

Мақоми 3. Помир-Олой ва Ғарбий Тянь-Шанга хос реликт, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган ярим-бута. Бир йиллик новдалари 20 см га етади, ингичка, қалин туклар билан қопланган. Барглари кетма-кет жойлашган, қалами, узунлиги 0,3–1,5 см, эни 0,5–1 мм, қалин кулранг туклар билан қопланган. Тўпгули бошоқсимон, сийрак гулли. Гуллари кўримсиз, гулқўрғон бўлаклари ва чангчилари 5 тадан. Меваси етилгач, гулқўрғон бўлакларида қанотчалар пайдо бўлади. Меваси ётиқ жойлашган. Июнь–октябрь ойларида гуллаб, уруғлайди.

Тарқалиши. Тошкент, Самарқанд вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шанда–Чотқол ва Қурама тизмаларида, Помир-Олойда (Гобдунтоғ, Омонқўтонда) тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва пастки қисмида, тош-шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқилишидан зарар кўради.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида муҳофаза қилинади. Ўсимлик сақланиб қолган ерларни назорат остига олиш ва ботаника боғларида экиб ўстириш лозим.

Манбалар. [35, 156–159, 249].

ЎП. Пратов

Статус 3. Реликтовый эндемик Памиро-Алая и Западного Тянь–Шаня.

Краткое описание. Полукустарник высотой 50 см. Однолетние побеги длиной до 20 см, тонкие, покрытые густым опушением. Листья очередные, сероватые от густого опушения, линейные, длиной 0,3–1,5 см, шириной 0,5–1 мм. Соцветия колосовидные с редко расставленными цветками. Цветки невзрачные, листочков околоцветника и тычинок по 5. При плодах на листочках околоцветника развиваются крылья. Семена горизонтальные. Цветёт и плодоносит в июне–октябре.

Распространение. В Ташкентской и Самаркандской областях: Западный Тянь-Шань – Чаткальский и Кураминский хребты; Памиро-Алай – Хобдунтау, Аманкутан.

Места обитания. На каменисто-щебнистых склонах в среднем и нижнем поясе гор.

Численность. Встречается одиночными экземплярами и небольшими зарослями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского заповедника и Угам-Чаткальского национального парка. Необходимо сохранить имеющиеся популяции и культивировать в ботанических садах.

Источники. [35, 156–159, 249].

УП. Пратов

Relict endemic species of the Pamir-Alay and western Tien-Shan. It is spread at the western Tien-Shan: the Chatkal and Kurama range; the Pamir-Alay: the Khobduntau range, Amankutan (Tashkent and Samarkand regions). Inhabits stony slopes in the middle and lower belts of mountains. Single specimens can be found. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park. It is necessary to protect populations and to cultivate in botanical gardens.

228. ХИВА ШЎРАГИ

Солянка хивинская / Salsola chiwensis Popov

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг шимолидаги реликт тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–60 см оралиғидаги, туксиз ярим бута. Барглари кетма-кет жойлашган, этли, ясси. Тўпгули бошоқсимон. Гулқўрғон баргчаларда мевалаган пайтида ҳосил бўладиган қанотчалари юпқа пардасимон, буйраксимон ёки тескари тухумсимон. Июль ойида гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тарқалиши. Қорақалпоғистон: Устюрт ва Қизилқум (Султон Увайс тоғ)да тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Кулранг қўнғир гипсли ва оҳакчил тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ҳамда тўплар ҳосил қилиб тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқилиши, ҳайдаб ўтилиши натижасида камайиб бормокда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чорва молларидан сақлаш керак.

Манбалар. [35, 156–159, 249].

ЎП. Пратов

Статус 2. Реликтовый вид Северного Узбекистана.

Краткое описание. Полукустарник высотой 30–60 см, голый. Листья очередные, мясистые, полувальковатые. Соцветие колосовидное, при плодах на листочках развиваются полупрозрачные, почковидные или широко обратнояйцевидные крылья. Цветёт в июле, плодоносит в сентябре.

Распространение. Каракалпакстан: Встречается на плато Устюрт и в Кызылкумах (Султан Увейсдаг). За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. На серо-бурых гипсованных и мергелистых почвах.

Численность. Встречается как единично, так и в зарослях.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота, скотопрогон.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Необходимо охранять от выпаса скота.

Источники. [35, 156–159, 249].

УП. Пратов

Relict species of the northern Uzbekistan. It is spread at the Ustyurt and Kyzylkum (Sultanuizdag), (Karakalpakstan). Inhabits grey-brown gypseous and marl soils. Single specimens as well as brushwoods can be found. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: it is necessary to protect from pasturing.

229. ТЯНЬ-ШАНЬ АНТОХЛАМИСИ

Антохламис тяньшанский / Anthochlamys tianschanica Iljin

Мақоми 2. Фарғона водийсида тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик, сершох ўт ўсимлик, бўйи 30–90 см, пастки қисми туксиз, юқори қисми қисқа, жингалак тукли. Гуллари икки жинсли, рўваксимон тўпгулда ўрнашган. Чангчиси 5 та. Гулқўрғони пардасимон. Барглари оддий, ясси, пасткилари наштарсимон, бандли, юқорисидагилари қалами, учи ўткир. Гулолди барги наштарсимон, учи ўткир, гулқўрғонидан узун, мевасидан кичик. Мевасининг эни 3 мм, учи чуқурчали. Август ва сентябрда гуллаб, мевалайди.

Тарқалиши. Фарғона ва Наманган вилоятлари: Ғарбий Тянь-Шань (Фарғона водийсининг шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий қисми)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмларидаги чағиртошли, тошчағиртошли тупроқларда ўсади.

Сони. Асосан, якка-якка ҳолда ўсади. Айрим жойларда кичик-кичик тўплар ҳосил қилади. Сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақида маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Қўриқланмайди.

Манбалар. [35, 156–159, 249].

Ў.П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Ферганской долины.

Краткое описание. Однолетнее травянистое растение высотой 30–90 см, ветвящееся от основания, внизу голое, в соцветии густоопушённое короткими курчавыми волосками. Листья простые, плоские, нижние ланцетные, черешковые, верхние линейные, острые. Прицветные ланцетные, острые, длиннее околоцветника, короче плодов. Цветы обоеполые, собранные в метелку. Тычинок 5. Листочки околоцветника плёнчатые. Плоды шириной 3 мм, с выемкой на верхушке. Цветет и плодоносит в августе-сентябре.

Распространение. В Ферганской и Наманганской областях: Западный Тянь-Шань (северо-восточная, северо-западная части Ферганской долины).

Места обитания. На щебнистых и каменисто-щебнистых почвах в предгорьях.

Численность. Встречается одиночно и небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [35, 156–159, 249].

У.П. Пратов

Rare endemic species of the Ferghana valley. It is spread at the Ferghana valley, the western Tien-Shan (Ferghana and Namangan regions). Inhabits stony and slopes in the lower mountainous zone. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

230. ФАРҒОНА ДОНАШЎРИ

Спайноцветник Ферганский / Gamanthus ferganicus Iljin

Мақоми 2. Фарғона водийсида тарқалган камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт ўсимлик, бўйи 5–50 см, асосидан шохланган, қисқа, оддий, ингичка, жингалак тукли, кейинроқ пастки қисми туксизланади. Барглари қарама-қарши ўрнашган, қалами, йўғонроқ, учида узун, бўғимли, эрта тушиб кетадиган бир боғлам тукли, узунлиги 15–20 см, эни 2–2,5 мм. Гулолди барглари қарама-қарши ўрнашган, қўшилмаган, гулёнбаргчаларидан узун. Гулёнбаргчалари гулқўрғонидан қисқа. Гулқўрғон бўлаклари наштарсимон, узунлиги 4–6 мм, сирти тукли. Чангдони қалами, узунлиги 2,5–3 мм. Июнь–июлда гуллаб, меваси етилади.

Тарқалиши. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари: Фарғона водийсининг шарқий қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидаги шўрланган, майда чағиртошли тупроқларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ёки кичик жамоалар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ерларнинг деҳқончилик қилиш учун ўзлаштирилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақида маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [35, 159, 249].

У.П. Пратов

Статус 2. Редкий эндемик Ферганской долины.

Краткое описание. Однолетнее травянистое растение высотой 5–50 см, ветвистое от основания, сероватое от густого войлочка из коротких, простых, тонких курчавых волосков, позднее стирающихся. Листья супротивные, линейные, толстоватые, на самом верху с туповатым кончиком, несущим пучок прямых, длинных, членистых, рано опадающих волосков, длиной 15–20 мм и шириной 2–2,5 мм. Прицветные супротивные, несрастающиеся, длиннее прицветничков. Прицветнички короче околоцветника. Листочки околоцветника ланцетные, длиной 4–6 мм, по спинке опушенные. Пыльники линейные, длиной 2,5–3 мм. Цветет и плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Ферганской, Наманганской и Андижанской областях: на востоке Ферганской долины.

Места обитания. На засоленных щебнистых склонах предгорий.

Численность. Встречается одиночными экземплярами или небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение земель под сельхозкультуры.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [35, 159, 249].

У.П. Пратов

Rare endemic species of the Ferghana valley. It is spread at the eastern part of the Ferghana valley (Ferghana, Namangan and Andijan regions). Inhabits saline gravelly soils in the foothills. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

ЯЛПИЗДОШЛАР (ЛАБГУЛДОШЛАР) ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ЯСНОТКОВЫЕ (ГУБОЦВЕТНЫЕ) – LAMIACEAE (LABIATAE)

231. ОЛЬГА БОЗУЛБАНГИ

Зайцегуб Ольги / Lagochilus olgae Kamelin

Мақоми 2. Нурота тизмасидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Яримбутача, бўйи 20–50 см. Поялари кўп, оддий ёки шохланган, барглари қалин. Барглари кенг тухумсимон, асоси понасимон, патсимон бўлмали, томирлари бўртиб туради. Гуллари бандсиз, узунлиги 25–28 мм, учки баргларининг қўлтиқларида 4–6 тадан ярим халқа бўлиб жойлашган. Гулолди баргчалари ўткир, бигизсимон, юқорига қараб қайрилган, косачага ёпишган. Косачаси тор қўнғироқсимон, узун, ўткир учли, қалами-наштарсимон, найчасига тенг ёки ундан сал узун, вегетациянинг охирида пастга қараб эгилади, тишчали. Гултожи оқ. Май ойининг охири – июлда гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Нурота тизмасида ўсади (Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмларидаги тош-чағиртошли ёнбағирларда турли ўт-шувоқли, йирик ўт ва ярим буталардан иборат жамоаларда ўсади.

Сони. Кам учрайди. Якка-якка ҳолда ёки кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Табиатда ўта кам учраши тахмин қилинади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

Манбалар. [18, 107, 159].

Н.Ю. Бешко

Статус 2. Редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Полукустарничек высотой 20–50 см. Листья широкояйцевидные, в основании клиновидные, перисто-лопастные, с выступающими жилками. Цветки сидячие, длиной 25–28 мм, расположены в 4–6-цветковых полумутовках в пазухах верхних листьев. Чашечка узкоколокольчатая, с длинными заостренными линейно-ланцетными зубцами. Венчик белый. Цветёт в конце мая–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Джизакской, Навоийской и Самаркандской областях: хребет Нуратау.

Места обитания. Произрастает на каменисто-щебнистых склонах нижнего и среднего пояса гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского государственного заповедника.

Источники. [18, 107, 159].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau range (Jizzakh, Navoi and Samarkand regions). Inhabits stony slopes of the low and middle mountainous zone. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

232. ПРОСКОРЯКОВ БОЗУЛБАНГИ

Зайцегуб Проскорякова / Lagochilus proskorjakovii Ikramov

Мақоми 1. Нурота тизмаси учун ўта камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Ярим бутача, бўйи 20–35 см. Поялари оддий ёки шохланган, сийрак, қисқа тукли. Барглари майда, кенг тухумсимон, 3–5 бўлмали, асоси понасимон, тарвақалайган тукли, узун бандли. Гуллари 4–6 тадан шохларининг учидаги баргларнинг қўлтиқларида ярим халқа бўлиб ўрнашган. Гулёнбаргчаларининг учи ўткир, учбурчак бигизсимон, ташқарига қараб сал эгилган. Косачаси 10–15 мм узунликда, тор қўнғироқсимон, воронкасимон кенгайган, қайтақиси кенг қўнғироқсимон, тишчаси текис жойлашган, кенг учбурчаксимон, ташқарисига сал эгилган, қисқа хамда безчали туклар билан қопланган. Гултожи оқ. Июнь–июлда гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Нурота тизмасида тарқалган (Жиззах ва Самарқанд вилоятлари).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қуруқ, тош-чағиртошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Жуда кам тарқалган, якка-якка ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган. Шароитнинг ноқулайлигидан кам учраса керак.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ўсимлик популяцияларини аниқлаш ва хариталаш, табиий ва маданий шароитда унинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш талаб этилади.

Манбалар. [104, 320].

Ҳ.Ф. Шомуродов

Статус 1. Чрезвычайно редкий, узкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Полукустарничек высотой 20–35 см. Листья мелкие, широкояйцевидные, 3–5-лопастные, в основании клиновидные, с оттопыренными волосками. Цветки расположены в 4–6-цветковых полумутовках в пазухах верхних листьев. Чашечка 10–15 мм длиной, узко колокольчатая, воронкообразно-расширенная, с широко колокольчатым отгибом и почти горизонтально отклоненными широко треугольными зубцами, покрыта короткими волосками и единичными железками. Венчик белый с грязноватым оттенком. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Джизакской и Самаркандской областях: хребет Нуратау.

Места обитания. Произрастает на сухих каменисто-щебнистых склонах среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко, спорадически, единичными экземплярами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены. Вероятно, вид имеет низкую численность в силу естественных причин.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского государственного заповедника. Требуется выявление и картирование локальных популяций вида, контроль за их состоянием и эколого-биологическое изучение вида в природе и в культуре.

Источники. [104, 320].

Х.Ф. Шомуродов

Rare endemic of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau mountains (Jizzakh and Samarkand regions). Inhabits stony slopes of the middle mountainous zone. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

233. ВВЕДЕНСКИЙ БОЗУЛБАНГИ

Зайцегуб Введенского / Lagochilus vevedenskyi Kamelin et Zuckerw.

Мақоми 3. Фақат Қизилқумда учрайдиган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–25 см га етадиган ярим бута. Барглари пояда қарама-қарши жойлашган, кенг-тухумсимон, бўртиб чиққан йўғон томирли, пастки қисми оддий, шаффоф тукли. Пояси оқ, оддий тукли. Гули оч пушти рангли, узунлиги 25–28 мм, 2–4 тадан бўлиб поянинг юқори қисмидаги баргларининг қўлтиқларида жойлашган. Косачаси қўнғироқсимон, учи тиканли. Июнда гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тепаликлар (Қулжуқтоғ, Қинғиртоғ, Бўкантоғ, Оқтоғ)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Якка-якка ҳолда ўсади.

Сони. Кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари боқилиши ва ҳайдаб ўтилиши натижасида камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [116, 320].

Ҳ.Ф. Шомуродов

Статус 3. Узколокальный эндемик останцов Кызылкума.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 20–25 см. Листья супротивные, широкояйцевидные, с выдающимися жилками, опушенные (нижняя сторона) простыми, прозрачными волосками. Стебель белый, опушенный простыми волосками. Цветки беловато-розовые, длиной 25–28 мм, по 2–4 в пазухах верхних листьев. Чашечка колокольчатая, оканчивается колючими шипами. Цветёт в июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Бухарской и Навоийской областях: останцовые возвышенности Кызылкума: Кульжуктау, Кингиртау, Букантау, Актау.

Места обитания. Эродированные склоны.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Скотопрогон и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не разработаны.

Источники. [116, 320].

Х.Ф. Шомуродов

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Kuldjuktau, the Kingirtau, the Bukantau, the Aktau (Bukhara and Navoi regions). Inhabits eroded slopes. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

234. САРХУШ БОЗУЛБАНГ

Зайцегуб опьяняющий / Lagochilus inebrians Bunge

Мақоми 3. Ғарбий Помир-Олой ва Жанубий Қизилқумнинг қолдиқ тоғларидаги камайиб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–60 см оралиғидаги поялари оддий ёки сершох ярим бута. Барглари кенг-тухумсимон 3–5 бўлакли. Тожбарги оқиш. Гуллари пояларининг юқори қисмида 4–6 тадан бўлиб ўрнашган. Косачаси чўзиқ қўнғироқсимон. Ёнғоқчаси туксиз, сарғиш кулранг. Июнь–августда гуллаб, меваси июль–сентябрь ойларида етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари: Нурота тоғи этаклари, Зирабулоқ, Зиёвуддин тоғи, Зарафшон ҳамда Туркистон тизмалари, шунингдек, Қизилқумдаги Қулжуқтоғ, Кўкчатоғ ва Томдитоғда тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 200 м гача баландликдаги соз ҳамда шағалли соз тупроқларда шувоқ ва бошқа турлардан ҳосил бўлган ўсимлик гуруҳларида учрайди.

Сони. Табиатда онда-сонда ва кичик туплар ҳосил қилиб тарқалган. Энг зич туплари Нурота ва Оқтоғларда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди. Уруғи 5–7 йил мобайнида унувчанлигини йўқотмайди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Намгарчиликнинг етишмаслиги, чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши ва кўп йиллар мобайнида катта миқдорларда йиғиб олиниши сони ва ареалига катта зарар етказган.

Маданийлаштирилиши. 1957–1960 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятида 2 га ерда экиб ўстирилган. 1960 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида экилиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Уни йиғиб олишни қатъий чеклаш, табиий ҳолда тикланишига кўмаклашиш зарур.

Манбалар. [103, 116, 320].

Н.Ю. Бешко

Статус 3. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая и останцовых гор Кызылкума.

Краткое описание. Прямостоячий полукустарник высотой 30–60 см. Стебли простые или ветвистые. Листья широкояйцевидные, 3–5-раздельные. Венчик белый, с грязноватым оттенком. Цветки расположены по 4–6 в верхней части стебля. Чашечка узкоколокольчатая. Орешки голые, желтовато-серые. Цветёт в июне–августе, плодоносит в июле–сентябре.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской, Навоийской и Бухарской областях: предгорья Нуратинских гор, Зирабулакские и Зиявуддинские горы, Зеравшанский и Туркестанский хребты; Кызылкумы – Кульджуктау, Кокчатау и Тамдытау.

Места обитания. Глинистые, чаще глинисто-щебнистые почвы подгорных равнин и предгорий высотой до 1 200 м над уровнем моря.

Численность. В природе встречается спорадически и небольшими группами. Наибольшая плотность популяций в Нуратау и Актау.

Размножение. Семенное. Семена сохраняют всхожесть на протяжении 5–7 лет.

Причины изменения численности и ареала. Аридный климат, вытаптывание скотом, усиленная заготовка.

Культивирование. В 1957–1960 гг. в Самаркандской области произведены опытные посевы на площади 2 га. С 1960 года успешно культивируется в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике. Необходимо строго ограничить сбор, содействовать восстановлению естественных запасов.

Источники. [103, 116, 320].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the western Pamir-Alay and Kyzylkum. It is spread at the Nuratau, the Zirabulak and Ziadin mountains, the Zeravshan and Turkestan ranges; the Kyzylkum: the Kuldjuktau (Jizzakh, Samarkand, Navoi and Bukhara regions). Inhabits clay and gravelly soils of foothills up to 1 200 m. Small populations can be found sporadically. The most dense populations are in the Nuratau and Aktau. Limiting factors: arid climate, cattle trampling down, intensive gathering. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve. It is necessary to limit collection, to promote the reestablishment of natural populations.

235. АЖОЙИБ БЎЗБОШ

Змееголовник прекрасный / Dracocephalum formosum Gontsch.

Мақоми 3. Ҳисор тизмасидаги кам учрайдиган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–40 см келадиган кўп йиллик ўт. Барглари юмалоқ ёки тухумсимон, четлари текис ёки кунгурали, ёпирма баргларининг банди япроғидан уч баробар узун. Пояси камбаргли. Гули пушти-бинафша рангли, устки томони (сирти) сертук. Гуллари поянинг учида зич тўпгул ҳосил қилади. Июль–августда гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Қизилсув дарёси ҳавзаси – Қизилгаза довони, Чўлбайир тоғи ва Тўпаланг дарёси ҳавзаси)да тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғлардаги дарё ва ирмоқларнинг ёқаларида ҳамда булоқларнинг атрофларида ўсади.

Сони. Кам тарқалган, фақат еттита жойда борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг булоқ атрофларида ва дарё бўйларида кўплаб боқилиши.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ўсимликни юлиш ёки қазиб олишни тақиқлаш ҳамда маданийлаштириш мақсадида унинг биологик хусусиятларини ўрганиш зарур.

Манбалар. [8, 159].

И.И. Мальцев

Статус 3. Редкий эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 15–40 см. Листья округлые или яйцевидные, цельнокрайние, городчатые, прикорневые, на длинных (в 3 раза длиннее листьев) черешках. Стебли рыхлооблиственные. Цветки розово-лиловые, снаружи пушистые, в плотных головчатых соцветиях на верхушках стеблей. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Гиссарский хребет – бассейн реки Кызылсу – около перевала Кызылгаза, горы Чульбаир, бассейн реки Тупаланг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Берега горных ручьёв, родников и речек в верхнем поясе гор.

Численность. Немногочислен, отмечен в 7 местах.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Вытаптывание берегов родников и рек, чрезмерный выпас скота. Высокодекоративное растение.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике. Необходимы: запрет сбора и выкопки растений; изучение биологических особенностей с целью введения в культуру.

Источники. [8, 159].

И.И. Мальцев

Rare endemic species of the Hissar range.

It is spread at the Hissar range: the Kyzylsu river basin: near the Kyzylgaza pass, the Chulbair Mountains, the Tupalang river basin (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits watersides of mountains streams, springs and rivers in the mountain belt. Population is not numerous, found in 7 points. Limiting factors: overgrazing, trampling down of watersides of springs and rivers. Very ornamental plant. Measures of protection: protected in the Hissar state nature reserve. It is necessary to forbid collection and digging up of plants, to study biological characteristic features for the purpose of their introduction into cultivation.

236. КОМАРОВ БЎЗБОШИ

Змееголовник Комарова / Dracocephalum komarovii Lipsky

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шань ва Помир Олойдаги ареали бўлинган, камайиб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–20 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Барги учбурчак-тухумсимон, учи ўткир, асоси юраксимон, четлари текис, қалин, қисқа тукли, қисқа бандли, юқоридагилари бандсиз. Пояси кўп, пастки қисми ёғочланувчан, тик ёки бироз қийшайган. Гули поянинг юқори қисмидаги баргларнинг қўлтиғида биттадан қисқа бандларда ўрнашган. Тожбарги сариқ. Июль–августда гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Чотқол тизмаси (Қизилнура тоғи, Майдонтол ва Қорабулоқ дарёлари воҳалари ҳамда Орашон довони), Қурама тизмаси (Лашкарак, Гушсой)да тарқалган. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмида, тошшағалли тупроқларда ўсади.

Сони. Табиий заҳиралари кам бўлиб, бир-биридан ажралган тўплар ҳосил қилган ҳолда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли гуллаб турган пайтида доривор ўсимлик сифатида кўплаб йиғиб олади. Ёз фаслида эса бу ерларда чорва моллари боқилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсимлик тарқалган майдонларнинг бир қисми Чотқол биосфера қўриқхонаси, Угом-Чотқол биосфера резервати ва Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида бўлиб, муҳофаза остига олинган.

Манбалар. [8, 159].

И.И. Мальцев

Статус 2. Эндемик Западного Тянь-Шаня и Памиро-Алая с сокращающимся разорванным ареалом.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 10–20 см. Листья треугольно-яйцевидные, острые: при основании слабосердцевидные, цельнокрайные, очень коротко густо пушистые, на коротких черешках, верхние – сидячие. Стебли многочисленные, при основании древеснеющие, прямые или слегка восходящие. Цветки по 1 в пазухах верхних листьев на очень коротких цветоножках. Венчик желтоватый. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Ташкентской и Наманганской областях: Чаткальский и Кураминский хребты – горы Кызылнура, верховья рек Майдантал, Карабулак и перевал Арашан, бассейны рек Лашкерек и Гушсай. За пределами Узбекистана: Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан.

Места обитания. Каменисто-щебнистые почвы в верхнем поясе гор.

Численность. Природные запасы незначительны. Встречается небольшими, изолированными друг от друга группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный сбор населением надземной части растений во время цветения в качестве лекарственного средства. Усиленное использование территории под отгонное пастбище.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Часть площадей, занятых этим растением, расположена на территории Чаткальского биосферного заповедника, Угам-Чаткальского биосферного резервата и Угам-Чаткальского национального парка и находится под охраной.

Источники. [8, 159].

И.И. Мальцев

Endemic species of the western Tien-Shan and Pamir-Alay with the reducing area. It is spread at the Chatkal and Kurama ranges (Tashkent, Namangan regions). Inhabits stony soils in the upper belt of mountains. Natural stock is insignificant. Can be met in small, isolated from each other groups. Limiting factors: the intensive gathering of the above ground parts of plants by local people during its flowering as medicinal plant. The intensive use of lands under summer pastures. Measures of protection: protected in the Chatkal and Ugam-Chatkal biosphere reserves, the Ugam-Chatkal national park.

237. ТИКАНЛИ БЎЗБОШ

Змееголовник колючий / Dracocephalum spinulosum Popov

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шанда кичик майдонларда сақланиб қолган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см га етадиган кўп йиллик ўт. Барглари тухумсимон, пасткилари барвақт сўлийди, қаттиқ, ғадир-будур, тукли, барг банди қисқа. Пояси тўрт қиррали. Гуллари 2–6 тадан пояда ҳалқа шаклида жойлашган, оқиш ёки оч қизғиш рангли. Июль–август ойида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Ғарбий Тянь-Шаннинг Угом, Писком, Чотқол тизмаларида тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тошли ва нураган шағалли тоғ ёнбағирларда, сийрак арчазорлар орасида, кўпроқ очиқ жойларда ўсади.

Сони. Якка-якка, туплари бир-биридан ажралган ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бошқа ўсимликлар билан рақобатга бардош бера олмаслиги ва чорва моллари томонидан пайҳон қилиниши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида, Угом-Чотқол биосфера резерватида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза этилади.

Манбалар. [8, 159].

И.И. Мальцев

Статус 3. Редкий узколокальный эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 25 см. Листья яйцевидные, нижние рано увядающие, жесткие, шероховато-опушенные, на очень коротких черешках. Стебли четырехгранные. Цветки (2–6) собраны в мутовки, беловатые или бледно-кирпично-красноватые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Западный Тянь-Шань: Угамский, Чаткальский, Пскемский хребты. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Каменистые, сильно эродированные ощебненные склоны гор, среди разреженных арчовников, преимущественно открытые места.

Численность. Встречается единично, спорадически, изолированно друг от друга.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Низкая конкурентоспособность, вытаптывание скотом.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском биосферном заповеднике, Угам-Чаткальском биосферном резервате и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [8, 159].

И.И. Мальцев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the western Tien-Shan: the Ugam, the Chatkal and Pskem ranges (Tashkent region). Inhabits stony, strongly eroded slopes on mountains, among sparse juniper stands, mainly opened places. Solitary specimens can be found sporadically. Limiting factors: low competition capacity, cattle trampling down. Measures of protection: protected the Chatkal and Ugam-Chatkal biosphere reserves, the Ugam-Chatkal national park. Control of number and introduction into cultivation are required.

238. ИПАКСИМОН КЎКАМАРОН

Шлемник шелковистейший / Scutellaria holosericea Gontsch. ex Juz.

Мақоми 1. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 45 см гача етадиган кўп пояли, қалин туклар билан қопланган яримбута. Барглари йирик, узунлиги 4 см, учбурчак тухумсимон, четлари тишсимон ўйилган, майин тукли. Тўпгули узун, шохланган. Гуллари қисқа бандли, биттадан гулолди баргларининг қўлтиғига ўрнашган. Тожи оч ҳаворанг, пастки лабида бинафша рангли доғлари бор. Июнь–июлда гуллаб, июль–август ойларида меваси етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Тўпаланг дарёсининг Ҳурватан ва Шатрут ирмоқларининг ўнг қирғоқлари ҳамда Қултепасойнинг жанубий-ғарбий ёнбағирлари)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмида гранитли қояларда ўсади.

Сони. Жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [4, 159, 355].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Редкий узкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 45 см, стебли многочисленные, густоопушенные. Листья крупные, длиной до 4 см, треугольно-яйцевидные, городчато-зубчатые, бархатистоопушенные. Соцветие удлинённое, ветвистое. Цветки на очень коротких цветоножках, по 1 в пазухах прицветных листьев. Венчик голубовато-сиреневый, покрытой фиолетовыми пятнышками нижней губой. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейн реки Тупаланг – правобережье её притоков (Хурватан, Шатрут), юго-западный склон Культепасая.

Места обитания. Гранитные скалы в верхнем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [4, 159, 355].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: the Tupalang river basin - right-bank of its tributaries (Khurvatan, Shatrut), the south-western slope of the Kultepasay (Surkhandarya region). Inhabits granite rocks in the upper belt of mountains. Specimens rarely can be found. Measures of protection: not protected.

239. МОМИҚ КЎКАМАРОН

Шлемник мохнатейший / Scutellaria villosissima Gontsch. et Juz.

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, ингичка, узун бўғимли, ёпишқоқ, эгри-бугри туклар билан қопланган. Барглари деярли юмалоқ, четлари йирик тишли, ҳар икки томони узун тукли. Гуллари қисқа бандли, гулолди баргчалар қўлтиғида биттадан ўрнашган. Тожбарглари оч кўк рангли, узунлиги 25 см. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Сангардак дарё ҳавзасидаги Боғча қишлоғидан Қизилсойгача, Оқсув дарёсининг ўрта оқими)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги ёнбағирларида ўсади.

Сони. Маълумотлар йўқ.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [4, 159, 355].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 2. Редкий узкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 30 см. Стебли многочисленные, тонкие, густо покрыты длинными, членистыми, извилистыми, клейкими волосками. Листья почти округлые, по краю крупнозубчатые, с обеих сторон покрыты длинными волосками. Цветки на коротких цветоножках, по 1 в пазухах прицветных листьев. Венчик светло-синий, длиной до 25 мм. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейн реки Сангардак от кишлака Бахча до Кизилсая, правый берег реки Аксу в среднем течении.

Места обитания. Склоны в верхнем поясе гор.

Численность. Сведений нет.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры не разработаны.

Источники. [4, 159, 355].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: the Sangardak river basin nearby the villages Bakhcha to Kizilsay, the right bank of the Aksu river in the middle reaches (Surkhandarya region). Inhabits slopes in the upper belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

240. ТОМЧИ КЎКАМАРОН

Шлемник капельный / Scutellaria guttata Nevski ex Juz.

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп пояли, қалин тукли, ғовак ёстиқ шаклидаги ярим бута. Бир йиллик шохлари ингичка, узунлиги 10 см, сербарг, пастки қисми пахмоқ тукли. Барглари кенг тухумсимон, деярли текис қиррали, ҳар икки томони сийрак тукли. Гуллари биттадан барг қўлтиғида ўрнашган. Тожбарглари сариқ рангли, узунлиги 28 мм. Июнь–августда гуллаб, меваси июль–сентябрь ойларида етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси – Тўпаланг дарёси ҳавзаси – Ҳурватан, Зевар, Қўштут қишлоқлари, Шатрут ва Тамшуш дарёларининг қуйилиши ҳамда Сангардак дарёси воҳасидаги Сангардак ва Боғча қишлоқлари атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисми ёнбағирларида ва очиқ қумтошларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши унга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [4, 159, 355].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 2. Редкий узкий эндемик западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарник, рыхлый, подушкообразный, многостебельный, густоволосистый. Годичные побеги тонкие (до 10 см), густолиственные, в нижней части мохнатые. Листья широкояйцевидные, почти цельнокрайные, с обеих сторон негустоволосистые. Цветки по 1 в пазухах листьев. Венчик жёлтый, длиной до 28 мм. Цветёт в июне–августе, плодоносит в июле–сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейн реки Тупаланг – окрестности кишлака Хурватан, между кишлаками Зевар и Куштут, у слияния рек Шатрут и Тамшуш, бассейн реки Сангардак – окрестности кишлаков Сангардак и Бахча.

Места обитания. Обнажения песчаников и склоны в среднем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры не разработаны.

Источники. [4, 159, 355].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range: the Tupalang river basin – nearby the villages Khurvatan, Zevar and Kshtut, the Shatrut and Tamshush rivers, the Sangardak: nearby the villages Sangardak and Bakhcha (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of sandstones and slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: not protected.

241. ФЕДЧЕНКО КЎКАМАРОНИ

Шлемник Федченко / Scutellaria fedtschenkoi Bornm.

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олой тоғларидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, ингичка. Барглари кўкимтир, деярли юмалоқ, тўмтоқ, туксиз. Гуллари қисқа бандли, поя ва шохларининг учларида бир томонлама сийрак тўпгул ҳосил қилади. Тожбарги тўқ ҳаворанг. Июнь-июлда гуллаб, меваси июль-август ойларида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасида (Ғузор ва Шеробод шаҳарлари оралиғи, Шўроб ва Дарбанд қишлоқлари атрофи, Бўзгалахона дараси, Тўпаланг дарёси воҳаси, Бойсунтоғ) тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида оҳактош қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [4, 159, 355].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 3. Редкий узкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 50 см. Стебли многочисленные, тонкие. Листья сизоватые, почти округлые, тупые, голые. Цветки на коротких цветоножках, образуют рыхлые однобокие соцветия на верхушке стеблей и ветвей; венчик тёмно-голубой. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Гиссарский хребет; между городами Гузар и Шерабад, окрестности кишлаков Шураб и Дербент, ущелье Бузгалахана; долина реки Тупаланг, Байсунтау.

Места обитания. Трещины известняковых скал в среднем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры не разработаны.

Источники. [4, 159, 355].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range; between Guzar and Sherabad, the surroundings of the villages Shurab and Derbent, the Buzgalakhana gorge; the Tupalang valley, the Baysuntau (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits clefts of limestone rocks in the middle belt of mountains. Specimens very rarely can be found. Measures of protection: not protected.

242. ҚАЙРИЛГАН КЎКАМАРОН
Шлемник изогнутый / Scutellaria colpodea Nevski

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Хивчинсимон, кулранг пояли ярим бутача, баландлиги 30–60 см. Барглари ажинли, тухумсимон, тўмтоқ, бутун, узунлиги 1,5–2 см.

Гуллари биттадан гулолди баргларининг қўлтиғида ўрнашган, сийрак тўпгул ҳосил қилади. Косачаси 2–3,5 мм узунликда, 2 паллали бўртмаси бор. Гултожи сариқ, қалин тукли, узунлиги 18–23 мм, ташқи томони қўнғир-тўқ қизил рангли. Ёнғоқчаси тукли.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқлари, Бойсун тоғлари, Кўҳитанг ва Боботоғда тарқалган.

Ўсиш шароити. Ола жинсларда ўсади.

Сони. Кўҳитангда 500 га яқин тупи борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ола жинсли ерларнинг қисқариши ва кўп миқдорда чорва боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [4, 159, 310, 355].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарничек с серыми прутьевидными стеблями высотой 30–60 см. Листья от вдавленных жилок морщинистые яйцевидные, тупые, цельнокрайние, длиной 1,5–2 см. Цветы по одному в пазухах прицветных листьев образуют рыхлое соцветие. Чашечка длиной 2–3,5 мм, с двулопастным придатком. Венчик желтый, густо пушистый, длиной 18–23 мм, снаружи с коричнево-пурпурным оттенком. Орешки пушистые. Цветет в июне, плодоносит в июле.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: западные отроги Гиссарского хребта, Байсунские горы, Кугитанг и Бабатаг.

Места обитания. Пестроцветные толщи.

Численность. В 2009 г. зарегистрировано около 500 растений в Кугитанге.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площади пестроцветов, выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [4, 159, 310, 355].

Ф.О. Хасанов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the western branches of the Hissar range, the Baysun mountains, the Kughitang and Babatag (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits gypseous slopes. 500 plants were registered in Kughitang in 2009. Limiting factors: decreasing of natural habitats and pasturing. Measures of protection: not protected.

243. ЗЕБО МАРМАРАК

Шалфей замечательный / Salvia insignis Kudr.

Мақоми 1. Жанубий Ўзбекистонда ўсадиган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см га етадиган тик пояли кўп йиллик ўт. Барглари, асосан, илдиз бўғизида жойлашган, тухумсимон, четлари икки карра тишсимон бўлинган, узун бандли. Гуллари пушти рангли, узунлиги 30-35 мм. Меваси 4 та ёнғоқчага ажралади. Ёнғоқчаси эллипссимон, яшилроқ рангли, уч қиррали, узунлиги 3 мм. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Боботоғ тизмаси ва Бешарча тоғларида (Гармбулоқ ва Қашқақудуқ атрофлари) тарқалган. Жанубий Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки қисмидаги ола жинсларда, оҳактошли ҳамда гипсли ёнбағирларда ва сурилмаларда ўсади.

Сони. Бу тур табиатда жуда кам сақланиб қолган бўлиб, умумий сони 1 000 тупдан ошмайди. Йўқолиб кетиш хавфи остида.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик тарқалган ерларда чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли унинг сони қисқариб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Боботоғ ўрмон хўжалиги ҳудудида (Бешарча тоғлар) буюртмахона ташкил қилиш ва ўсимликни маданийлаштириш лозим.

Манбалар. [111, 191-193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Южного Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 40 см. Стебель прямой. Листья почти все прикорневые, яйцевидные, по краю дважды городчатые, длинночерешковые. Цветки розовые, длиной 30-35 мм. Плод дробный, распадающийся на 4 орешка. Орешки зеленоватые, эллиптические, трёхгранные, длиной 3 мм. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Бабатаг, горы Бешарча (Гармабулак и Кашкакудук). За пределами Узбекистана: Южный Таджикистан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород, известняковые и гипсированные склоны и осыпи в нижнем поясе гор.

Численность. Вид малочислен, находится под угрозой исчезновения. Общее число растений не превышает 1 000 экземпляров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Скотопрогон и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Необходимы организация заказника на территории Бабатагского лесхоза (горы Бешарча), введение в культуру.

Источники. [111, 191-193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the the Babatag range, Besharcha mountains (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks, limestone and gypsum slopes and mounds in the lower belt of mountains. Species are not numerous, endangered. Total number of plants does not exceed 1 000 specimens. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: it is necessary to organize the state reserve in the territory of the Babatag forestry (the Besharcha mountains), to introduce into cultivation.

244. КОРОЛЬКОВ МАРМАРАГИ

Шалфей Королькова / Salvia korolkovii Regel et Schmalh.

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шанга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган, тик ўсувчи, оқ момиқ тукли ярим бута. Барглари, асосан, ёпирма барглардан иборат, кенг наштарсимон поядагилари 2–3 жуфт, устки томони сийрак, остки томони эса оқ момиқ тукли. Гуллари 2–10 тадан мураккаб сохта ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган. Косачаси кенг қўнғироқсимон, икки лабли, пардасимон, йўғон томирли. Тож барглари сариқ, узунлиги 25–33 мм. Меваси 4 та ёнғоқчага ажралади. Июнда гуллаб, меваси июль ойида етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Қоржонтов, Угом ва Кўксув тизмаларида ҳамда Чотқол тизмасининг шимоли-ғарбида тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1 200–1 500 м баландликда соз тупроқли нураган ёнбағирларда, тик қизил созларда ўсади.

Сони. Тарқалиш майдонларининг чегараланганлиги сабабли, табиий захиралари кам. Умумий сони 20 000 тупдан иборат. 200 га яқин популяцияси мавжудлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг боқилиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида экилган.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида учрайди. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [111, 191–193, 238, 260, 293].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Прямостоячий полукустарник высотой до 50 см. Стебли прямые, бело-паутинисто-войлочные. Листья преимущественно прикорневые, широколанцетные, стеблевых 2–3 пары, сверху рассеянно опушенные, снизу густо бело-паутинисто-войлочные. Соцветие ветвистое, цветки собраны по 2–10 в ложные мутовки. Чашечка двугубая, плёнчатая, с выдающимися жилками, ширококолокольчатая. Венчик жёлтый, длиной 25–33 мм. Плод дробный, распадающийся на 4 орешка. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Ташкентская область: хребты Каржантау, Угамский и Коксуйский; северо-западные отроги Чаткальского хребта.

Места обитания. Глинистые эродированные склоны и крутые обнажения красных глин, где образует самостоятельные ценозы, на высоте 1 200–1 500 м.

Численность. Из-за ограниченности площади распространения природные запасы незначительны. Известно около 200 локальных популяций общей численностью не более 20 000 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Основной фактор изменения численности – антропогенный.

Культивирование. Успешно индуцирован в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Встречается на территории Угам-Чаткальского национального парка. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [111, 191–193, 238, 260, 293].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Karzhantau, the Ugam and Koksu ranges; the Chatkal range (Tashkent region). Inhabits clayish eroded slopes and steep outcrops of red clays, where it forms the independent cenoses (1 200–1 500 m), about 200 populations are known. Total number is about 20 000 plants. Limiting factors: anthropogenic factor is the main factor of decreasing. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

245. МАРГАРИТА МАРМАРАГИ

Шалфей Маргариты / Salvia margaritae Botsch.

Мақоми 2. Олой тизмасидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган ярим бута. Поялари кўп, асосидан шохланган. Барглари майда, наштарсимон, бандсиз. Косача баргларининг узунлиги 18 мм, бинафша рангли, безчасимон тукли. Тожбарглари тўқ бинафша рангли, безчасимон тукли, узунлиги 30–40 мм. Июнда гуллаб, меваси июль ойида етилади. Манзарали ҳамда доривор ўсимлик.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасидаги Шоҳимардон дарёси воҳасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида

тошли ва майда жинс-тошли очиқ ёнбағирларда ва қояларда ўсади.

Сони. Шоҳимардон дарёси ҳавзасида 10–15 та популяцияси борлиги аниқланган. Тупларининг сони номаълум.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғидан яхши унмаслиги, чорва моллари боқилиши, дам олиш уйлари қурилиши унинг қисқариб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Бу турни маданий шароитда экиб ўрганиш лозим.

Манбалар. [111, 191–193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий узкий эндемик Алайского хребта.

Краткое описание. Полукустарник высотой до 50 см. Стеблей несколько, от основания ветвистые. Листья сравнительно мелкие, ланцетные, сидячие. Чашечка длиной 18 мм, фиолетово-окрашенная, железистоволосистая. Венчик тёмно-фиолетовый, железистоволосистый, длиной 30–40 мм. Цветёт в июне, плодоносит в июле. Декоративное и лекарственное растение.

Распространение. Ферганская область: Алайский хребет – бассейн реки Шахимардан.

Места обитания. Каменистые и мелкоземисто-каменистые открытые склоны и скалы среднего пояса гор.

Численность. В бассейне реки Шахимардан насчитывалось 10–15 популяций. Общая численность не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Слабое семенное возобновление, скотопрогон и выпас скота, а также освоение территории под зоны отдыха.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны на разработаны. Необходимо изучение вида в культуре.

Источники. [111, 191–193, 238, 260]

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the Alay range. It is spread at the Alay range: the Shakhimardan river basin (Ferghana region). Inhabits stony and fine earth-stony open slopes and rocks in the middle belt of mountains. 10–15 populations are counted in the Shakhimardan river basin. Total number is unknown. Limiting factors: weak seed reproduction, pasturing and also reclamation of lands under for resorts. Measures of protection: not protected.

246. ТЯНЬ-ШАНЬ МАРМАРАГИ

Шалфей тяньшанский / Salvia tianschanica Makhm.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шанга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–40 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари 1–3 та, тик ўсувчи, тўпгулига яқин қисмида қарама-қарши шохланган, қалин безчасимон ва узун юмшоқ оддий туклар билан қопланган. Барглари чўзиқ наштарсимон, узунлиги 7–9 см, эни 3–4 см, ўткир учли, четлари патсимон бўлинган. Ёпирма барглари узун бандли, япроғининг узунлиги бандига тенг, поядагилари кичикроқ, бандсиз. Тўпгуллари 4–6 та (ҳар бири 2–3 гулли) сохта ҳалқадан ташкил топган. Гулбандининг узунлиги 12–14 мм. Гуллари пушти рангли, узунлиги 35–40 мм. Ёнғоқчаси уч қиррали, тескари тухумсимон, узунлиги 6 мм, силлиқ. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Угом тизмасида (Хумсон), Чотқол тизмаси (жануби-ғарбий кисми), Қурама тизмасининг шимолий ёнбағирлари, Олмалиқ шаҳри атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмидаги қуруқ майда жинс шағалли тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ёки ажралган кичик тўплар ташкил қилган ҳолда ўсади. Алоҳида тўп ҳосил қилмайди. Угом-Чотқол биосфера резервати ҳудудида кўпроқ учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Техноген омиллар таъсири ва чорва молларининг кўп боқилиши.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ареалининг бир қисми Угом-Чотқол биосфера резерватида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [111, 191–193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 25–40 см. Листья продолговато-ланцетные, длиной 7–9 см, шириной 3–4 см, с заострёнными, глубоко перистораздельными лопастями; прикорневые на черешках, равных по длине пластинкам; стеблевые слегка уменьшенные, сидячие. Соцветия из 4–6 расставленных немногоцветковых (2–3) ложных мутовок. Цветоножки длиной 12–14 мм. Цветки розоватые, длиной 35–40 мм. Орешки трехгранно-обратнояйцевидные, длиной 6 мм, гладкие. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле.

Распространение. Ташкентская область: Угамский хребет (Хумсан), Чаткальский хребет, северные склоны Кураминского хребта, окрестности города Алмалыка.

Места обитания. Сухие мелкощебнистые и щебнисто-мелкоземистые склоны в нижнем поясе гор.

Численность. Единично и небольшими группами, популяции разобщены. Самостоятельных ценозов не образует. Наиболее часто встречается на территории Угам-Чаткальского биосферного резервата.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Техногенные факторы и перевыпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Часть популяций охраняется в Угам-Чаткальском биосферном резервате и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [111, 191–193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Ugam, the Chatkal ranges, the Akhangaran river basin, the northern slopes of the Kurama range, nearby Almalyk (Tashkent region). Inhabits dıy gravelly and fine earth slopes in the lower belt of mountains. Solitaıy specimens and small groups can be found sporadically. Does not form the independent cenoses. It is most frequently found in the territoıy of the Ugam-Chatkal biosphere reserve. Limiting factors: economic human activities, mining operations. Measures of protection: several populations are protected in the Ugam-Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.

247. ТЎМТОҚ МАРМАРАК

Шалфей туповатый / Salvia submutica Botsch. et Vved.

Мақоми 2. Нурота тизмасидаги камёб, реликт, эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–40 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси битта, тик, қалин безчасимон тукли. Ёпирма барглари кўп, бандли, чўзиқ, наштарсимон, патсимон бўлинган, бўлаклари, ўз навбатида, чуқурпатсимон қисмларга ажралган. Поясининг пастки қисмидаги бир жуфт барг қисқа бандли, четларининг учи ўткир бўлакларга ажралган, поянинг ўрта ва юқори қисмидагилари эса бандсиз, бутун ва майдароқ. Гуллари узун (10–12 мм), гул бандда 4 тадан ҳалқа ҳосил қилади. Косачаси кенг қўнғироқсимон, бироз шишган, узунлиги 22–23 мм, деярли икки лабли, косачабарглари тўмтоқ. Тожи сарғиш. Июнь–июлда гуллаб, меваси июль–август ойларида етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги сурилмалар, қояларда, шағалли ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда ва кичик тўплар ҳолида тарқалган. Кўпроқ Нурота давлат қўриқхонасида ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши турнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Бу тур ўсадиган ерларнинг бир қисми Нурота қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [111, 191–193, 238, 260].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий узкий реликтовый эндемик Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 15–40 см. Стебель прямой, густожелезистоволосистый. Прикорневые листья многочисленные, черешковые, продолговато-ланцетные, перисторассечённые, с глубоко заострёнными перисто-лопастными сегментами; стеблевые в нижней паре более короткочерешковые, с более заострёнными лопастями; средние и верхние сильно уменьшенные, цельные, сидячие. Цветки на длинных (10–12 мм) ножках в 4-цветковых мутовках. Чашечка ширококолокольчатая, слегка вздутая, длиной 22–23 мм, неясно-двугубая, все зубцы туповатые. Венчик кремовый. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: Нуратинский хребет.

Места обитания. Осыпи, скалы, щебнистые и каменистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами и небольшими популяциями, наиболее часто – на территории Нуратинского заповедника.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Успешно индуцирован в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Часть популяций охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [111, 191–193, 238, 260]

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau range (Jizzakh, Samarkand and Navoi regions). Inhabits mounds, rocks, skeleton and stony slopes in the middle belt of mountains. Single specimens and small populations most frequently can be found in the Nuratau nature reserve. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: some of populations are protected in the Nuratau state reserve.

248. ҲАВОРАНГ МАРМАРАК
Шалфей лиловоголубой / Salvia lilacinocaerulea Nevski

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Пояси 1–3 та, тик, безчали туклар билан қопланган, баландлиги 30–60 см. Барглари лира кўринишли патсимон қирқилган, иккала томони оқиш тукли. Гуллари 1–2 тадан 1 см узунликдаги гулбандларда гулолди баргчаларнинг қўлтиғида ўрнашган. Косачаси кенг қўнғироқсимон, қабариқли, узунлиги 15–20 мм, туклари безчали. Гултожи оч пуштиранг, 35–45 мм узунликдаги қорамтир қайтақили. Ёнғоқчаси ясси – эллипссимон, узунлиги 5 мм.

Тарқалиши. Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмида, Кўҳитанг тизмасида, Сувсизтоғ ва Бойсунтоғда тарқалган (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қояларда ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. 3 000 тупи борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Молларнинг боқилиши ва пичан ўрилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [111, 192–193, 238, 260, 310].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Стебли 1–3, прямые, железисто-опушенные, высотой 30–60 см. Листья лировидно-перисто-раздельные с обоих сторон бело-волосистые. Цветы на цветоножках длиной 1 см, по 1–2 в пазухах прицветных листьев. Чашечка широко-колокольчатая, вздутая, длиной 15–20 мм, железисто-опушенная. Венчик бледно-сиреневый с темным отгибом, длиной 35–45 мм, голый. Орешки сплюснуто-эллиптические длиной 5 мм. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области: западные отроги Гиссарского хребта, Кугитанг, Сусызтау и Байсунтау.

Места обитания. Каменистые склоны и скалы в среднем поясе гор.

Численность. Около 3 000 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота и сенокос.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [111, 192–193, 238, 260, 310].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at western spurs of the Hissar range, the Kughitang, Susyztau and Baysuntau ranges. Inhabits rocks and stony slopes of the middle mountainous zone. 3 000 plants can be found. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

249. МАЙДА ГУЛЛИ ТОШБОСТИ

Зопниковник мелкоцветный / Phlomidoschema parviflorum (Benth.) Vved.

Мақоми 0. Шимоли-ғарбий Помир-Олойдаги камёб тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт, ҳалқасимон шохланган тукли, гулёнбаргчасиз. Пояси бир нечта, энг пастки қисми ёғочланувчи, тубидан шохланган, баландлиги 30–50 см. Барглари чўзиқ ёки юқоридагилари наштарсимон, учи ўткирлашган, бутун, бандсиз. Гуллари бандсиз, 2–4 тадан юқори баргларнинг қўлтиғида жойлашган, косачасининг узунлиги 4 мм, учбурчак, юмшоқ тишчали, найчасидан 3 марта қисқа. Гултожи оқиш, косачасидан сал узун. Ёнғоқчаси деярли шарсимон. Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд вилояти: Зарафшон тизмаси (Тошбоши, Ургут)да тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Афғонистон ва Шимолий-ғарбий Ҳиндистонда учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ва кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Кўп миқдорда чорва боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 300].

К.Ш. Тожибаев

Статус 0. Редкий вид Северо-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее растение, войлочно-опушенное повторно мутовчато-ветвистыми волосками. Стебли в числе нескольких при самом основании деревенеющие, от основания ветвистые, высотой 30–50 см. Листья продолговатые или верхние ланцетные, островатые, цельнокрайние, сидячие. Цветы сидячие по 2–4 в пазухах верхних листьев. Чашечка длиной 4 мм, с треугольными неколючими зубцами, в 3 раза более короткими, чем трубка. Венчик беловатый, едва длинее чашечки. Орешки почти шаровидные. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Самаркандская область: Зеравшанский хребет (Ташбаши, Ургут). За пределами Узбекистана: Афганистан, Северо-западная Индия.

Места обитания. Каменистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Встречается спорадически единичными растениями и группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [159, 300].

К.Ш. Тожибаев

Rare speces of the north-western Pamir-Alay. It is spread at the Samarkand region: the Zeravshan range, Toshboshi, Urgut. Inhabits stony slopes of the middle mountainous zone. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: special measures of preservation are not developed.

250. БУХОРО ОТОСТЕГИЯСИ

Отостегия бухарская / Otostegia bucharica B. Fedtsch.

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойнинг жуда кам сақланиб қолган, йўқолиш арафасида турган камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 120 см га етадиган кулранг пояси юқори қисмигача ёғочланадиган ярим бута. Бир йиллик новдалари ноаниқ тўрт қиррали, сарғиш-оқ рангли, тукли. Барглари кенг тухумсимон, бандсиз, тўмтоқ, кўкимтир-яшил рангли, ҳурпайган қалин тукли. Гуллари бандсиз, барг қўлтиғида 5–8 тадан ҳалқа ҳосил қилиб жойлашган. Гулолди баргчалари қураксимон. Тожбарглари 10–14 мм узунликда, оқ рангли. Июнь–август ойларида гуллаб, меваси сентябрь–октябрда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Шўроб, Дарбанд ва Гўрхожи қишлоқлари атрофларида бир-бирдан ажралган иккита популяцияси маълум.

Ўсиш шароити. Тоғ олди ва тоғ этакларида гипсли тепаликларда, гипсли қояларда, баъзан гипсли оҳактошларда ўсади.

Сони. Шўроб ва Дарбанд атрофларидаги популяцияда туплар сони 1 800 дан ошмайди. Гўрхожидаги популяцияда 3 000 атрофидаги туплар ўсиши аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди. Аммо кейинги тадқиқотлар давомида уруғидан кўпайган ёш туплари қайд этилмаган.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши ҳамда ўсимлик уруғига турли ҳашаротларнинг зарар келтириши ўсимликнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида ўстириш ишлари натижа бермади.

Муҳофаза чоралари. У ўсиб турган жойларда буюртмахона ташкил қилиш лозим.

Манбалар. [14, 15, 80, 159].

И.В. Белолипов

Статус 1. Редчайший, находящийся на грани исчезновения эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Полукустарники высотой до 120 см, с высоко древеснеющими побегами серого цвета. Годичные побеги округло-четырёхгранные, желтовато-белые, опушенные. Листья сизовато-зеленые, густооттопыренно-опушенные, широкояйцевидные, тупые, сидячие. Цветки в мутовках по 5–8, сидячие в пазухах верхних листьев, с лопатчатыми прицветниками. Венчик белый, длиной 10–14 мм. Цветёт в июне–августе, плодоносит в сентябре–октябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: существует две популяции вида в окрестностях кишлаков Шуроб, Дарбанд и Гурхожи. Площадь распространения примерно 2 км^2.

Места обитания. Склоны гипсовых холмов, гипсовые скалы, реже сильно-гипсированные известняки в предгорьях и нижней части гор.

Численность. Популяция в окрестностях кишлаков Шуроб и Дарбанд насчитывает не более 1 800 особей. Популяция в окрестностях кишлака Гурхожи насчытывает около 3 000 особей.

Размножение. Семенное. Во время последних обследований семенное возобновление не зафиксировано.

Причины изменения численности и ареала. Неумеренный выпас скота, скотопрогон, повреждение семян насекомыми.

Культивирование. Многочисленные попытки вырастить в Ботаническом саду АН РУз результатов не дали.

Меры охраны. Необходима организация заказника.

Источники. [14, 15, 80, 159].

И.В. Белолипов

Rare, endemic, relict species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at only 2 locations: the surroundings of the villages Shurab, Derbend and Gurkhozhi, the distribution area is about 2 sq. km. (Surkhandarya region). Inhabits slopes of gypsum hills, gypsum rocks, rarely, highly gypseous lime-stones in the foothills and lower belt of mountains. 1 population consists of 1800 plants. 2 population (Gurkhozhi) – about 3000 plants. Limiting factors: overpasturing, seed damage by insects. Measures of protection: it is necessary to organize a state reserve.

251. АМУДАРЁ ОҚТЎШАСИ

Фломоидес заамударьинский / Phlomoides transoxana (Bunge) Salmaki

Мақоми 2. Қизилқумда учрайдиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–40 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизи тугунаксимон йўғонлашган. Пояси туксиз, юқори қисми шохланган. Ёпирма барглари узун бандли, патсимон бўлинган, қалами бўлакчалардан иборат, устки томони тукли, пастки томони туксиз. Поясидаги барглари нисбатан кичикроқ, камроқ, бўлинган ва қисқа бандли. Гуллари биттадан, узунлиги 5 см га етадиган гулбандларда гулолди баргчалари қўлтиғида ўрнашган. Гулолди баргчалари қалами, косачадан 1,5–2 марта қисқа. Косачаси тор қўнғироқсимон, узунлиги 17–20 мм, деярли туксиз. Тожбаргларининг узунлиги 23–25 мм, пастки лабининг ўрта қисми тўқ сариқ рангли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Бухоро ва Навоий вилоятлари: Марказий ва Жанубий Қизилқумда тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғлар атрофларида унча мустаҳкамланмаган қумларда ўсади.

Сони. Тўртта жойда (Ойтим, Жирик, Ўғиз, Сегетти қудуқлари атрофлари)да маълум. Бу ерда улар кичик-кичик майдонларда тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тугунаги маҳаллий аҳоли томонидан доривор ашё сифатида ишлатилади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [7–9, 159].

Т.А. Одилов

Статус 2. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 25–40 см. Корни с клубневидными утолщениями. Стебель голый, вверху ветвистый. Прикорневые листья на длинных черешках, перисто-рассечённые на почти линейные сегменты, сверху опушенные, снизу голые, длиночерешковые, стеблевые листья уменьшенные, менее рассечённые, короткочерешковые. Цветки по 1 на длинных (до 5 см) цветоножках, в пазухах расставленных прицветных листьев. Прицветники линейные, в 1,5–2 раза короче чашечки. Чашечка длиной 17–20 мм, узкоколокольчатая, почти голая. Венчик длиной 23–25 мм, с оранжево-жёлтой средней лопастью нижней губы. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Бухарской и Навоийской областях: Центральные и Южные Кызылкумы.

Места обитания. Полуразбитые пески у подножия останцовых гор.

Численность. Известно четыре местонахождения в окрестностях колодцев Айтим, Джирик, Огуз, Сегетты, где растение образует разреженные заросли.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Клубни этого растения используются местным населением как лекарственное средство.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [7–9, 159].

Т.А. Адылов

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum (Bukhara and Navoi regions). Inhabits sands at foothills of the remnant mountains. 4 locations are known in the surroundings of Aitim, Djirik, Oguz, Segetti. Limiting factors: local people use tubers of this plant as medicine. Measures of protection: not protected.

252. УЧПОЯЛИ ОҚТЎША

Фломоидес неравногубый / Phlomoides anisochila (Pazij et Vved.) Salmaki

Мақоми 2. Нурота тизмасидаги ниҳоятда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20 см га етадиган кўп йиллик, қалин тукли ўт. Поялари учта, пастки қисмидан тарвақайлаб шохланган, қалин туклар билан қопланган. Ёпирма баргларининг банди қисқа, қалин ва узун тукли. Поядаги барглари ромб-тухумсимон, четлари тишли, қалин тукли, томирлари йўғон, поянинг юқори қисмидаги барглари эса бандсиз. Гуллари гулолди баргчаларининг қўлтиқларида ҳалқасимон шаклда ўрнашган. Гулолди баргчалари бигизсимон, пахмоқ тукли. Косачаси қўнғироқсимон, узунлиги 20 мм атрофида, найчаси қалин тукли. Тожи сариқ рангли, узунлиги 4 мм, найчасининг узунлиги 15 мм, туксиз, қайтақиси қисқа, қалин тукли, тожининг пастки

лаби устки лабидан икки марта узун. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Нурота тизмасининг марказий қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида шағал-тошли қуруқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка ҳолда ва кичик тўплар ҳолида учрайди. Туплар умумий сони 1 000 дан ошмайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Сонининг ўзгариш сабаблари аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [7–9, 18, 159, 289].

Т.О. Одилов

Статус 2. Чрезвычайно редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой около 20 см. Стебли в количестве 3, от основания отклонённо-ветвистые, густошерстистые. Прикорневые листья на коротких, густошерстистых от длинных волосков черешках; стеблевые ромбически-яйцевидные, зубчатые, с выступающими жилками, густоволосистые, самые верхние листья сидячие. Цветки в многоцветковых сближенных мутовках в пазухах прицветных листьев. Прицветники шиловидные, сильношерстистые. Чашечка длиной около 20 мм, колокольчатая, по трубке густошерстистая. Венчик длиной 4 мм, жёлтый, с голой трубкой длиной 15 мм, снаружи с густо-коротковолосистым отгибом. Нижняя губа венчика в 2 раза длиннее верхней. Цветёт в июне–июле, плодоносит в августе.

Распространение. Джизакская область. В центральной части хребта Нуратау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны.

Численность. Общая численность до 1 000 растений, общая площадь распространения около 2 тыс. га.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [7–9, 18, 159, 289].

Т.А. Адылов

Extremely rare endemic species of the Nuratau range. It is spread at the central part of the Nuratau range (Jizzakh region). Inhabits dry stony-slopes. About 1 000 plants can be found. The distribution area is about 2 000 hectares. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

253. ОРОЛ ФЛОМОИДЕСИ

Фломоидес аральский / Phlomoides aralensis (Bunge) Salmaki

Мақоми 2. Қизилқумда учрайдиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Илдизи шолғомсимон. Пояси тик, юқори қисми шохланган, момиқ тукли, баландлиги 30 см. Барглари тўмтоқ тишчали, ик-

кала томони оқиш тукли. Гуллари бандсиз, 1 тадан гулолди баргларнинг қўлтиғида жойлашган. Косачаси қўнғироқсимон, пуфаксимон, узунлиги 15–20 мм, қалин тукли. Гултожи оқ, пастки лаби сариқ, узунлиги 22–25 мм. Ёнғоқчасининг учи қалин тукли.

Тарқалиши. Навоий вилояти: Ёмонқум, Баткакум, Аяқағитма булоғи атрофи, Узунқудуқ, Янгиқудуқ ва Ауманзада тарқалган.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамланган қумларда ва қолдиқ тоғларнинг увоқларида ўсади.

Сони. 200 га яқин туплари борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Кўп миқдорда чорва боқилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [7–9, 159].

Т. О. Одилов

Статус 2. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Корень реповидный. Стебель прямой вверху ветвистый, мохнатый, высотой 30 см. Листья городчато-зубчатые, с обоих сторон бело-волосистые. Цветы сидячие, по 1 в пазухах прицветных листьев. Чашечка колокольчатая, вздутая, длиной 15–20 мм, густо-мохнатая. Венчик белый с желтой нижней губой длиной 22–25 мм. Орешки на верхушке мохнатые. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Навоийская область: пески Джаманкум, Баткакум, около родников Аякагытма, Узункудук, Янгикудук, Ауминза.

Места обитания. Закрепленные пески и шлейфы останцов.

Численность. В 2007 г. выявлено около 200 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [7–9, 159].

Т.А. Адылов

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Dzhamankum, the Batkakum, the Ajakagytma, the Uzunkuduk, the Jangikuduk, the Auminza (Bukhara and Navoi region). Inhabits sands and piedmonts of remnant mountains. 200 plants were found in 2007. Measures of protection: not protected.



254. БОБУР ФЛОМОИДЕСИ

Фломоидес Бабура / Phlomoides baburii (Adylov) Adylov

Мақоми 1. Жанубий Ўзбекистондаги ғоят камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40–50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси бақувват, туксиз, пастки қисмидан тарвақайлаб шохланган. Ёпирма барглари чўзиқ, асоси кенг понасимон, қисқа бандли, туксиз; поядаги барглари кичикроқ, деярли бандсиз, ўткир тишли. Гуллари бандсиз, гулолди баргчаларининг қўлтиғида камгулли ярим ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган. Гулолди барглари бигизсимон, туксиз, косачадан 4 марта қисқа. Косачаси 16–20 мм узунликда, най-қўнғироқсимон, туксиз. Косачасининг четлари киприксимон. Тожининг узунлиги 30 мм, оқиш ёки қуритилганда оч сариқ рангда бўлса керак. Тожининг найи косачадан салгина чиқиб туради. Май ойида гуллаб, меваси май–июнда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Очилиб қолган ола жинсларда ўсади.

Сони. 2009 йили 200 тупи қайд этилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [6–9, 159].

Т.О. Одилов

Статус 1. Очень редкий узкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 40–50 см. Стебель крепкий, от основания отклонённо-ветвистый, голый. Прикорневые листья продолговатые, при основании ширококлиновидные, короткочерешковые, голые; стеблевые уменьшенные, почти сидячие, с острыми зубцами. Цветки почти сидячие, в неполных, многоцветковых, слегка расставленных полумутовках в пазухах прицветных листьев. Прицветники шиловидные, голые, в 4 раза короче чашечки. Чашечка длиной 16–20 мм, трубчато-колокольчатая, голая. Зубцы чашечки по краю снабжены густыми ресничками. Венчик длиной около 30 мм, видимо, белый или бледно-жёлтый (в сухом виде); трубка венчика едва выступает из чашечки. Цветёт в мае, плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: Келиф-Шерабадская гряда (окрестности кишлака Акташ).

Места обитания. Серые глины.

Численность. В 2009 г. зарегистрировано 200 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Поедается скотом.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [6–9, 159].

Т.А. Адылов

Very rare endemic species of the southern Pamir-Alay. It is spread at the Kelif-Sherabad range: nearby the Aktash village (Surkhandarya region). Inhabits grey clays. In 2009, 200 plants were registered. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

255. ГИПСЛИ ФЛОМОИДЕС

Фломоидес гипсовый / Phlomoides gypsacea (Popov) Adylov, Kamelin et Makhm.

Мақоми 0. Ғарбий Ҳисор тизмаларидаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 100 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси шохланган, туксиз. Ёпирма барглари узун бандли, йирик, чўзиқ-эллипссимон, четлари йирик тишсимон ўйилган, ҳар икки томони сийрак-юлдузсимон туклар билан қопланган. Поядаги барглари қисқа бандли, энг юқори қисмидагилари эса деярли бандсиз. Косачасининг узунлиги 16–18 мм, қўнғироқсимон, сийрак тукли. Тожининг узунлиги 25–30 мм, оқ рангли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ғузор шаҳрининг жануби-шарқидаги паст тоғларда тарқалган.

Ўсиш шароити. Очилиб қолган ола жинсларда ўсади.

Сони. Жуда камёб ўсимлик. Фақат бир марта 1935 йилда Ғузор шаҳрининг жануби-шарқи (Қоракамар атрофи)дан терилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [7–9, 159].

Т.О. Одилов

Статус 0. Чрезвычайно редкий эндемик Западного Гиссара.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой около 100 см. Стебель ветвистый, голый. Прикорневые листья длинночерешковые, крупные, продолговато-эллиптические, крупнозубчато-городчатые, с обеих сторон с рассеянными звёздчатыми волосками; стеблевые короткочерешковые; прицветные почти сидячие. Чашечка длиной 16–18 мм, трубчато-колокольчатая, с немногочисленными волосками. Венчик длиной 25–30 мм, белый. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Кашкадарьинская область: пестроцветные низкогорья к юго-востоку от города Гузар.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород.

Численность. Очень редкий. Собран только один раз в 1935 г. к юго-востоку от города Гузар, в окрестностях зимовки Кара-Камар. Многократные попытки найти растение успехом не увенчались. Вероятно, вид исчез.

Размножение. Возможно семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [7–9, 159].

Т.А. Адылов

Extremely rare endemic species of the western Hissar range. It is spread at the gypseous low mountains to the south-east of Guzar (Kashkadarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks. It was collected only once, in 1935 to the south-east of Guzar, in the surroundings of the Kara-Kamar. Several attempts to find the species had no success. Probably disappeared. Measures of protection: not protected.

256. СИЛЛИҚ КОСАЧАЛИ ФЛОМОИДЕС

Фломоидес гладкочашечный / Phlomoides leiocalyx (Pazij et Vved.) Adylov, Kamelin et Makhm.

Мақоми 1. Қарши чўлидаги ниҳоятда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50–60 см га етадиган пояси шохлаган, туксиз кўп йиллик ўт. Ёпирма барглари қисқа бандли, чўзиқ, четлари йирик тишсимон ўйилган, ҳар икки томони сийрак, юлдузсимон тукли. Поядаги барглари деярли бандсиз. Гуллари ярим ҳалқалар ҳосил қилиб, гулолди баргларининг қўлтиқларида жойлашган. Гулолди баргчалари бигизсимон, косачасидан 3 марта қисқа. Косачаси найсимон, туксиз, узунлиги 17–18 мм. Тожининг узунлиги 33–35 мм, оқ рангли, пастки лаби дастлаб бинафша, кейинроқ эса қўнғир рангга ўтувчи доғларга эга. Апрелда гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Қарши чўлларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғолди тепаликларидаги соз тупроқларда ўсади.

Сони. 1958 йил 22 апрелда Ғузор-Қарши темир йўли четларидан бир марта терилган. Бу тур қайта учрамаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [7–9, 159].

Т.О. Одилов

Статус 1. Очень редкий узкий эндемик Каршинской степи.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 50–60 см с голым ветвящимся стеблем. Прикорневые листья короткочерешковые, продолговатые, городчато-лопастные с рассеянными звёздчатыми волосками с обеих сторон; стеблевые почти сидячие. Цветки в полумутовках в пазухах прицветных листьев. Прицветники шиловидные, в 3 раза короче чашечки. Чашечка голая, трубчатая, длиной 17–18 мм. Венчик длиной 33–35 мм, белый, сначала с фиолетовым, затем с коричневым пятном на нижней губе. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Кашкадарьинская область: Каршинская степь.

Места обитания. Глинистые холмы в предгорьях.

Численность. Растение собрано 22 апреля 1958 года у полотна железной дороги между городами Гузар и Карши. Повторные сборы не известны.

Размножение. Возможно семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [7–9, 159].

Т.А. Адылов

Very rare endemic species of the Karshi Steppe.

It is spread at the Karshi Steppe (Kashkadarya region). Inhabits clayish hills. In April 22, 1958, the plant was collected at the permanent way between Guzar and Karshi. Another collections are unknown. Measures of protection: not protected.

257. ЧИМЁН ФЛОМОИДЕСИ

Фломоидес чимганский / Phlomoides tschimganica (Vved.) Adylov, Kamelin et Makhm.

Мақоми 0. Чотқол тизмасидаги деярли йўқолган тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40–50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси иккита, оддий. Ёпирма барглари кўп, кенг тухумсимондан то наштарсимонгача, четлари йирик тишсимон ўйилган. Поядаги барглари 1 жуфт, чўзиқ наштарсимон. Гуллари бандсиз, кўп гулли ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган. Гулолди баргчалари бигизсимон-қалами, косачасига тенг. Косачасининг узунлиги 12 мм, қалин юлдузсимон туклар билан қопланган. Косачасидаги тишларининг узунлиги 4–5 мм. Тожининг узунлиги 20 мм, бинафша рангли. Июлда гуллаб, меваси август ойида етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Катта Чимён тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ ёнбағирларида ўсади.

Сони. Бу тур 1926 йили Катта Чимён тоғидан терилган. Ягона нусха асосида тавсифланган.

Кўпайиши. Маълумотлар йўқ.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [7–9, 159, 293].

Т.О. Одилов

Статус 0. Возможно, исчезнувший вид Чаткальского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 40–50 см. Стебли в количестве 2, простые. Листья прикорневые, в густой розетке, от широкояйцевидных до ланцетных, крупно-городчато-зубчатые; стеблевые в количестве 1 пары, продолговато-ланцетные. Цветки сидячие, в многоцветковых расставленных мутовках. Прицветники шиловидно-линейные, равные чашечке. Чашечка длиной 12 мм, густо покрыта звёздчатыми волосками. Зубцы чашечки длиной 4–5 мм. Венчик длиной около 20 мм, лиловый. Цветёт в июле, плодоносит в августе.

Распространение. Ташкентская область: горы Большого Чимгана.

Места обитания. Склоны среднего пояса гор.

Численность. Единственный экземпляр, по которому описан вид, найден в 1926 г. на Большом Чимгане. Больше растение никем не собиралось. Вид, вероятно, исчез.

Размножение. Сведений нет.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [7–9, 159, 293].

Т.А. Адылов

Rare endemic probably disappeared species of the Chatkal range. It is spread at the Great Chimgan (Tashkent region). Inhabits slopes in the middle belt of mountains. Only one specimen was found in 1926, in the Great Chimgan. No one collected the species any more. Probably disappeared. Measures of protection: not protected.

258. БЎҒИЗТУКЛИ ЭРЕМОСТАХИС

Пустынноколосник опушенноглоточный/ Eremostachys eriolarynx Pazij et Vved.

Мақоми 1. Қизилқумдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–30 см га етадиган кўп йиллик ўт. Илдизи шолғомсимон. Пояси қалин, оддий ҳурпайган туклар билан қопланган. Ёпирма барглари кенг тухумсимон, қисқа бандли, япроғининг четлари тишсимон ўйилган, оддий тукли. Поядаги барглари ёпирма баргларга ўхшаш, лекин майдароқ. Гуллари майда, ярим ҳалқа бўлиб гулолди баргчалари қўлтиғида ўрнашган. Косачанинг узунлиги 20–25 мм, карнайсимон, қайтақиси кенг, оддий ва сийрак безчасимон туклар билан қопланган. Тожининг узунлиги 28–31 мм, оқ рангли, пастки лаби сариқ. Тож найининг ташқи томони туксиз, ичи эса тукли ҳалқага эга. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Бухоро вилояти: Қизилқумда тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Текисликлардаги сур-қўнғир тусли тупроқларда ўсади.

Сони. Биринчи марта 1871 йил 5 майда Карак чўлидан ва шу йил Карак тоғининг шарқий этакларидан терилган (Чимкент вилояти). 1956 йилда Ғиждувон туманига қарашли Янгиқудуқ яқинидан топилган (Бухоро вилояти). 2016 йилда Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Қорабоғ қишлоғи атрофида топилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ташқари кўп боқилиши унинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [6, 61, 115].

Т.О. Одилов

Статус 1. Очень редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Многолетнее растение высотой 20–30 см с реповидным корнем. Стебель густо-опушенный длинными утолщёнными простыми волосками. Прикорневые листья широкояйцевидные, зубчато-городчатые, опушенные простыми волосками, короткочерешковые; стеблевые сходны с прикорневыми, но более мелкие. Цветки в полумутовках в пазухах прицветных листьев. Чашечка длиной 20–25 мм, воронковидная, с очень расширенным отгибом, опушенная простыми волосками с примесью одиночных, железистых. Венчик длиной 28–31 мм, белый, с жёлтой нижней губой. Трубка венчика снаружи голая, внутри снабжена волосистым кольцом. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. Бухарская область: Кызылкумы. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Серо-бурые почвы равнин.

Численность. Впервые собран 5 мая 1871 г. в Каракской степи (Чимкентская область). В 1956 году собран в Гиждуванском районе в окрестностях колодца Янги-Кудук (Бухарская область). В 2016 году найден в Гиждуванском районе Бухар-

ской области, в окрестностях кишлака Карабаг.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [6, 61, 115].

Т.А. Адылов

Very rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum (Bukhara region). Inhabits grey-brown desert soils. For the first time, it was collected in May 5, 1871, in the Karak Steppe (the Chimkent region). In 1956, it was collected near the well Yangi-Kuduk (Bukhara region). In 2016, the species was found near the village Karabag (Bukhara region). Subsequent repeated searches were unsuccessful. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: not protected.

259. КЎРИМСИЗ ҚЎЗИҚУЛОҚ
Зопник мрачный / Phlomis nubilans Zakirov

Мақоми 3. Нурота тизмасидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–40 см оралиғидаги кўп йиллик ўт. Пояси бир нечта. Барги тухумсимон, четлари текис ёки ноаниқ аррасимон, устки томони юлдузсимон ва оддий туклар билан қопланган, пастки томони эса қалин юлдузсимон тукли ва йўғон томирли. Гуллари бандсиз, поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтиғида 2–6 тадан сийрак ҳалқа ҳосил қилиб жойлашган. Гулолди баргчалари бигизсимон, косача найидан 1,5 баробар узун. Косачаси 10–13 мм узунликда, қалин юлдузсимон туклар билан қопланган. Тожи пушти, узунлиги 23–27 мм. Июлда гуллаб, меваси август ойида етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота тизмаси ва Оқтоғда тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмида майда жинс тупроқли, шағалли ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ва бир-биридан ажралган тўплари учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қишлоқ хўжалик экинлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши ва чорва молларининг боқилиши туфайли камайган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Популяциясининг бир қисми Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [94, 194, 195].

Р.У. Қодиров

Статус 3. Редкий эндемик Нуратинских гор.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 30–40 см. Стеблей несколько. Листья яйцевидные, цельнокрайные или неясно-пильчатые, сверху с рассечёнными звёздчатыми или простыми волосками, снизу с выступающими жилками и звёздчато-войлочные. Цветки сидячие, в немногоцветковых (2–6) расставленных мутовках в пазухах верхних листьев. Прицветники шиловидные, в 1,5 раза длиннее трубки чашечки. Чашечка длиной 10–13 мм, густо-звёздчато-опушенная. Венчик розовый, длиной 23–27 мм. Цветёт в июле, плодоносит в августе.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: хребет Нуратау и горы Актау.

Места обитания. Мелкоземистые, щебнистые, каменистые склоны нижнего и среднего пояса гор.

Численность. Встречается единично и группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение мест естественного произрастания под сельхозугодья и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Часть популяций охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [94, 194, 195].

Р.У. Кодиров

Rare endemic species of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau and Aktau mountains (Jizzakh, Samarkand, Navoi regions). Inhabits fine earth and stony slopes in the lower and middle belt of mountains. Single specimens and populations occur sporadically. Limiting factors: reclamation of natural habitats under farming and pasturing. Measures of protection: some populations are protected in the Nuratau state reserve.

260. КУДРЯШЕВ АРСЛОНҚУЙРУҒИ

Пустырник Кудряшева / Leonurus kudrjaschevii Kamelin et Tulyag.

Мақоми 2. Ҳисор тизмасидаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 35–55 см га етадиган, тўғри ўсувчи, оддий, баъзида бироз шохланган кўп йиллик ўт. Пояси қалин, кулранг туклар билан қопланган. Баргининг икки томони тукли, узунлиги 3–6 см, эни 2,5–4 см. Гул бандидаги барги кенг ромбсимон, асоси понасимон. Гуллари халқасимон ўрнашган, узунлиги 3,5–9 см. Гулёнбаргчаси қалами-наштарсимон, баъзида учи қайрилган, қалин туклар билан қопланган, гул косача баргидан бироз қисқа. Гулкоса баргининг узунлиги 6–6,5 мм, қалин тукли. Гултож барги майда, узунлиги 10–12 мм, рангли. Ёнғоқчаси оқиш-жигарранг, уч қиррали, учига томон қийшиқ, ўткирлашган, узунлиги 2 мм гача, июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ғарбий Ҳисорнинг (Бешнов ва Майданак тоғлари) шимолий ёнбағирларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмидаги шимолий тошлоқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўп боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [159, 298, 299].

М. Тўлаганова

Статус 2. Редкий эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 35–55 см. Все растение густо паутинисто-войлочно опушенное. Листья с обеих сторон опушенные, в очертании широкоромбические, длиной 3–6 см, шириной 2,5–4 см. Соцветия расставленные, длиной 3,5–9 см. Чашечка длиной 6–6,5 мм, густо опушенная, с зубцами. Венчик мелкий, сиреневый, длиной около 10–12 мм. Орешки длиной около 2 мм, светло-коричневые, опушенные. Цветет в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Кашкадарьинская область: Западный Гиссар – бассейн реки Кашкадарья, горы Бешнау и Майданак.

Места обитания. На северных каменистых склонах в субальпийском поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском заповеднике.

Источники. [159, 298, 299].

М. Туляганова

Rare endemic species of the western Hissar range. It is spread at the western part of the Hissar range: the Kashkadarya river basin, Mt. Beshnau and Mt. Maydanak (Kashkadarya region). Inhabits subalpine slopes. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Hissar state nature reserve.

ҚОВОҚДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ТЫКВЕННЫЕ – CUCURBITACEAE

261. ҚОРА СИРТТАН

Переступень черноплодный / Bryonia melanocarpa Nabiev

Мақоми 3. Жануби-шарқий Қизилқумда кичик майдонда сақланиб қолган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Чирмашиб ўсувчи кўп йиллик ўт. Илдизи йўғон, узунлиги 75 см гача, йўғонлиги 15–30 см, оғирлиги 27 кг гача. Илдиз бўғизидан (25 гача) 2–4 м узунликдаги чирмашиб ўсувчи поялар ўсиб чиқади. Пастки барглари йирик, этли, кенг юраксимон, чуқур беш бўлакли; юқоридаги барглари майда, наштарсимон учбурчакли, 2–5 бўлакли. Пастки шингиллари чангчили. Шингилининг ўрта қисмидаги гуллари аралаш (чангчи ва уруғчили); юқоридаги гуллари эса уруғчили. Тожи яшил-сариқ рангли. Меваси яшил-қора рангли, юмалоқ, силлиқ, диаметри 6–8 мм. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қадимий Чордара шаҳри харобалари яқинида ва Айдаркўл атрофида тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Мустаҳкамланган кичик қум уюмларида ўсади.

Сони. Кичик-кичик тўплар ҳосил қилиб ёки якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг боқилиши, чўл бутазорлари деградацияси туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. 1958–1960 йиллар мобайнида ЎзР ФА Ботаника боғи тажриба даласида ўстирилган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [156–159, 199].

М.М. Набиев

Статус 3. Редкий узкий эндемик Юго-восточного Кызылкума.

Краткое описание. Лиановидный травянистый многолетник. Корень толстый, длиной до 75 см, толщиной 15–30 см (масса до 27 кг). От корневой шейки отходят многочисленные (до 25) цепляющиеся стебли длиной 2–4 м. Нижние листья крупные, широкосердцевидные, глубоко-пятираздельные; верхние – мелкие, копьевидно-треугольные, 5-лопастные. Нижние кисти мужские; верхние с мужскими и женскими цветками на коротких цветоносах; самые верхние – с женскими цветками. Венчики зеленовато-жёлтые. Плоды зеленовато-черные, шаровидные, гладкие, 6–8 мм в диаметре. Цветёт апреле–мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Сырдарьинской, Навоийской и Джизакской областях: Кызылкумы близ руин города Чардара, пески около озера Айдаркуль. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Закреплённые мелкобугристые пески.

Численность. Встречается единично и небольшими популяциями вокруг озера Айдаркуль.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Деградация пустынных экосистем, выпас скота и выкапывание корней в качестве лекарства.

Культивирование. С 1958 по 1960 гг. успешно культивировался на экспериментальном участке Ботанического сада АН РУз.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [156–159, 199].

М.М. Набиев

Rare endemic species of the south-eastern Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum; near the ruins of the Chardara, around the Aydarkul Lake (Syrdarya, Navoi and Jizzakh regions). Inhabits fixed small-hilly sands. Single specimens and small populations occur around of the Aydar Lake. Limiting factors: degradation of desert ecosystems, pasturing and digging the roots for medicinal purposes. Measures of protection: not protected.

ҚОРАҚАТДОШЛАР (ТОШЁРДОШЛАР) ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КРЫЖОВНИКОВЫЕ (КАМНЕЛОМКОВЫЕ) – GROSSULLARIACEAE (SAXIFRAGACEAE)

262. ГУЛХАЙРИБАРГ ҚОРАҚАТ
Смородина мальволистная / Ribes malvifolium Pojark.

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м гача етадиган бута. Ўсимликнинг барча қисми (баргларидан ташқари) безчали туклар билан қопланган. Барглари 5 бўлакли. Бўлакларининг эни 1,5–4 см. Гуллари кўпгулли шингил ҳосил қилиб ўрнашган, оқиш рангли. Меваси кўп уруғли, резавор. Июль ойида гуллаб, меваси август ойида пишади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмларидаги тошли ёнбағирлар, сурилмалар ва қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Меваси дориворлик хусусиятига эга бўлганлиги учун кўплаб териб олинади.

Маданийлаштирилиши. Манзарали ва доривор ўсимлик сифатида оз бўлса ҳам боғларда ва ҳовлиларда экилади.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Мавжуд тўплари устидан назорат ўрнатиш ва биологик хусусиятларини ўрганиш лозим.

Манбалар. [159, 188].

О.Т. Тургинов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Кустарник высотой до 1 м. Всё растение, кроме листьев, покрыто стебельчатыми желёзками. Листья с 5 лопастями, шириной 1,5–4 см. Цветки в многоцветковых кистях, беловатые. Плод – многосеменная ягода. Цветёт в июле, плодоносит в августе.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Гиссарский хребет. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Каменистые склоны, россыпи и трещины скал в нижнем и среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор плодов в качестве лекарственного сырья.

Культивирование. Изредка культивируется в частных садах как декоративное и лекарственное растение.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском заповеднике.

Источники. [159, 188].

О.Т. Тургинов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits stony slopes, gorges in the lower and middle belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: harvesting of fruits as medicinal raw material. Measures of protection: protected in the Hissar nature reserve.

ҚОҚИЎТДОШЛАР (МУРАККАБГУЛДОШЛАР) ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО АСТРОВЫЕ (СЛОЖНОЦВЕТНЫЕ) – ASTERACEAE (COMPOSITAE)

263. ЯШИЛ АНУРА

Анура бледнозелёная / Anura pallidivirens (Kult.) Tscherneva

Мақоми 2. Нурота тоғларида ўсувчи камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40–50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси чалкаш туклар билан қопланган, жўякли, асосидан шохланган. Барглари чармсимон, устки томони туксиз, пастки томони қалин оқ туклар билан қопланган. Илдизолди барглари бандли, тухумсимон, четлари текис ёки майда тикан тишли. Поядаги барглари пастдан юқорига қараб майдалашиб боради, бандсиз ёки пояни қамраб туради, пастки қисмининг икки томони йирик тикан тишли ёки текис. Саватчаси кўп, қисқа бандли, майда. Гуллари кўп, оқ. Уруғи майда, чўзиқ-овал шаклда. Июнь–июль ойида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота, Қўйтош, Оқтоғ, ва Молгузар тизмалари (Темур дарвозаси атрофи)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмида, тош шағалли, баъзан майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда, баъзан кичик тўплар ҳосил қилиб тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари учун яхши озуқа бўлганлиги туфайли уруғидан кўпайиши анча чекланган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота қўриқхонасида қўриқланади.

Манбалар. [18, 156–159, 289, 326].

Н.Ю. Бешко

Статус 2. Редкий эндемичный вид и род Нуратинских гор.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 40–50 см. Стебель опушен паутинистыми волосками, бороздчатый, от основания ветвистый. Листья кожистые, сверху – голые, снизу – седоватовойлочные, прикорневые листья черешковые, яйцевидные, по краю – почти цельнокрайные или очень мелкоколючезубчатые, стеблевые к верхушке очень быстро уменьшающиеся, сидячие, полустеблеобъемлющие, при основании с обеих сторон крупноколючезубчатые или цельнокрайные. Корзинки многочисленные, на коротких ножках, мелкие. Цветки многочисленные, с белыми венчиками. Семянки мелкие, продолговато-овальные. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Навоийской, Самаркандской и Джизакской областях: Нуратау – Койташ, Мальгузарские горы (около Тамерлановых ворот), Актау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые, мелкоземистые склоны нижнего и среднего пояса гор.

Численность. Встречается спорадически, как единично и небольшими группами, так и довольно многочисленными популяциями (до нескольких сотен растений). Площадь локальных популяций составляет от 0,01 га до нескольких гектаров.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Хорошо поедается всеми видами домашнего скота, перевыпас препятствует семенному размножению.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского заповедника.

Источники. [18, 156–159, 289, 326].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species and genus of the Nuratau mountains. It is spread at the Nuratau, the Koitash, the Aktau, the Malguzar mountains (nearby the Tamerlan's Gate gorge), (Navoi, Samarkand, Jizzakh regions). Inhabits stony, fine earth slopes in the lower and middle belt of mountains. It occurs sporadically, by single specimens, small groups, sometimes, large populations (up to several hundred plants). Limiting factors: pasturing. Well eaten by livestock that prevents seed reproduction. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

264. АЛЛОЛЕПИС КАРРАК

Кузиния инакочешуйная / Cousinia allolepis Tscherneva et Vved.

Мақоми 2. Ҳисор тизмаси ғарбий қисмига хос жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 55 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кўп, чалкаш тукли, асоси қалин тукли, ўрта қисмидан шохланувчан. Шохчалари якка саватчали. Баргларининг устки томони безчали тукли, пастки томони кулранг қалин тукли. Ташқи ёпирма баргларининг банди новсимон кенгайган, ичкиларининг банди, наштарсимон, патсимон бўлинган, асосига қараб пардасимон қанотчалар ҳосил қилади. Поядаги барглари юқорига қараб кичрайиб боради, бандсиз. Саватчаси кенг цилиндрсимон, безчали ҳамда оддий туклар билан қопланган. Ўрама барглари 35 тага яқин. Тожи сариқ рангли. Уруғи узун тескари тухумсимон, майда тишли. Август ойида гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмида Қашқадарё ҳавзасида тарқалган (Оқсув, Ғилондарё ва Танхоздарё ҳавзаларининг юқори қисми).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқ маълумот йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Гиссара.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 55 см. Стебли (их несколько), паутинистые, у основания войлочные, от середины ветвистые. Веточки несут по 1 корзинке. Листья сверху железистоволосистые, снизу – серо-войлочные; наружные прикорневые – с влагалищно-расширенными черешками; внутренние прикорневые с черешками, к основанию плёнчато крылатыми, ланцетные, перисторассечённые; стеблевые кверху постепенно уменьшающиеся, сидячие. Корзинки широкоцилиндрические, опушенные железистыми и простыми волосками. Листочки обёртки в количестве 30–35. Венчики жёлтые. Семянки продолговато-обратнояйцевидные, мелкозубчатые. Цветёт в августе, плодоносит в сентябре.

Распространение. Кашкадарьинская область: западные отроги Гиссарского хребта, бассейн реки Кашкадарья, верховья Аксу, Гиландарьи и Танхаздарьи.

Места обитания. Каменистые склоны в верхнем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the western part of the Hissar range. It is spread at the western outskirts of the Hissar range, the Kashkadarya river basin, the upper reach of the Aksu, the Gilandarya and Tankhazdarya rivers (the Kashkadarya region). Inhabits stony slopes in the upper belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Hissar state nature reserve.

265. БЕЗЧАТУКЛИ КАРРАК

Кузиния железистая / Cousinia adenophora Juz.

Мақоми 2. Зарафшон тизмаси ғарбий қисмига мансуб жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, тарвақайлаган, туксиз, юқори қисми безчасимон тукли. Шохчалари якка каллакли. Тўпгуллари сийрак. Баргларининг устки томони безчасимон тукли, пастки томони кулранг, қалин тукли, патсимон қирқилган. Поядаги барглари бандсиз, юқорига қараб кичрайиб боради. Саватчалари чўзиқ тухумсимон, безчасимон тукларга эга. Ўрама баргчалари 30–40 та, яссироқ-чармсимон, безчасимон тукли. Гули сариқ рангли. Уруғи тескари тухумсимон, деярли уч қиррали, ингичка қанотчали, юқори қисми 2–3 тишли. Июль–август ойларида гуллаб, уруғи август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиий ҳолда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқ маълумот йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Очень редкий эндемик западной части Зеравшанского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 50 см. Стеблей несколько, голые, в верхней половинке железистоопушенные, оттопыренноветвистые, веточки одноголовчатые. Соцветие рыхлое. Листья сверху железисто-волосистые, снизу – серо-войлочные, перисторассечённые, стеблевые листья к вершине стебля постепенно уменьшающиеся, сидячие. Корзинки узкояйцевидные, железистые. Листочки обёртки в количестве 30–40, плосковатые, кожистые, железистоволосистые. Венчик желтый. Семянки обратнояйцевидные, почти трёхгранные, узкокрылатые, наверху 2–3-зубчатые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет.

Места обитания. Каменистые склоны в верхнем поясе гор.

Численность. В естественных условиях встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the western part of the Zeravshan range. It is spread at the Zeravshan range (Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits stony slopes in the upper belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

266. БУТКОВ КАРРАГИ

Кузиния Буткова / Cousinia butkovii Tscherneva et Vved.

Мақоми 1. Зарафшон тизмасига мансуб камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см га етадиган пояси йўл-йўл чизиқли (жўякли), қалин тукли, сербарг, асосидан шохланувчан, якка каллакли, икки йиллик ўт. Барглари яшил рангли, устки ва пастки томони чалкаш тукли, қирраси тикансимон тишли. Ёпирма ҳамда поянинг пастки қисмидаги барглари қисқа бандли, патсимон бўлинган. Поянинг ўрта қисмидаги барглари чўзиқ, четлари бўлакли, юқори қисмидагилари эса юмалоқ, пояни ярим қамраб туради, учи қаттиқ, тиканли. Саватчаси ясси-юмалоқ (диаметри 2,5–3,5 см), кўп гулли. Ўрама барглари кўп, дағал. Тожи пушти рангли. Уруғи чўзиқ тухумсимон. Май–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августларда етилади.

Тарқалиши. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари: Зарафшон тизмаси (Ургут шаҳри атрофлари, Самарқанд тоғлари, Оқсой қишлоғи атрофи) да тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва пастки қисмларидаги жарликлар, сурилмалар ҳамда шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ташқари кўп боқилиши ва хашак учун ўриб олиниши сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Аниқ маълумот йўқ. расбросанными

Муҳофаза чоралари. Китоб давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 1. Редкий вид Зеравшанского хребта.

Краткое описание. Двулетнее травянистое растение высотой до 40 см. Стебель полосатобороздчатый, войлочный, облиственный, от основания ветвистый, одноголовчатый. Листья светло-зелёные, сверху и снизу паутинистые, по краю – колючезубчатые; прикорневые и нижние – короткочерешковые, перисто-раздельные; средние стеблевые – продолговатые, лопастные; верхние – округлые, полустеблеобъемлющие, кончаются крепкой колючкой. Корзинки сплюснуто-шаровидные (2,5–3,5 см в диаметре), многоцветковые. Листочки обёртки многочисленные, грубые. Венчик розовый. Семянки продолговато-яйцевидные. Цветёт в мае–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Самаркандской и Кашкадарьинской областях: Зеравшанский хребет, окрестности города Ургут; Самаркандские горы, окраина кишлака Аксай. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Щебнистые склоны, осыпи и обрывы в нижнем и среднем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота, заготовки на сено.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Китабском заповеднике.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Ф.О. Хасанов

Rare species of the Zeravshan range. It is spread at the Zeravshan range, nearby Urgut; the Samarkand mountains, nearby the village Aksay (the Samarkand and Kashkadarya regions). Inhabits slopes, mounds and cliffs in the lower and middle belts of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing, hay-mowings. Measures of protection: protected in the Kitab state reserve.

267. ВВЕДЕНСКИЙ КАРРАГИ

Кузиния Введенского / Cousinia vvedenskyi Tscherneva

Мақоми 2. Ҳисор тизмаси жануби-ғарбий тармоқларининг эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20 см га етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизиқли (жўякли), чалкаш тукли, шохлари 1 ёки 2 та каллакли. Баргларининг пастки томони қалин оқиш тукли, устки томони сийрак чалкаш тукли, четлари тишсимон майда тиканли. Ёпирма барглари бандли, лирасимон. Поянинг пастки қисмидаги барглари ёпирма баргларга ўхшаш, бандсиз ёки қисқа бандли. Поянинг ўрта қисмидаги барглари ҳам бандсиз. Энг юқоридагилари эса қисқариб тиканга айланган. Саватчаси чўзиқ тухумсимон, юқори қисми сиқилган, сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари яшил, қиррали, ўткир учли, ўрта қисми қисилган. Тожи пушти рангли. Уруғи тескари тухумсимон, тўқ кулранг. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Помир-Олойда Чўлбайир, Бойсун тоғларида, Ҳисор тизмаси жанубий ёнбағридаги Сангардак сув ҳавзасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги йирик тошли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Фақат ўзига хос тупроқда ўсишга мослашганлиги унинг қисқаришига сабаб бўлган.

Маданийлаштирилиши. Аниқ маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ф.Ў. Ҳасанов

Статус 2. Эндемик юго-западных отрогов Гиссарского хребта.

Краткое описание. Двухлетнее травянистое растение высотой до 20 см. Стебель полосатоборозд-чатый, паутинистый, ветви одно- реже двуголовчатые. Листья снизу беловато-шерстистые, сверху умеренно-паутинистые, по краю – мелко-колючезубчатые; прикорневые листья черешковые, лировидные; нижние – стеблевые, подобны прикорневым, но сидячие или короткочерешковые; средние – стеблевые, сидячие; самые верхние иногда редуцированные до колючки. Корзинки продолговато-яйцевидные, наверху сжатые, умеренно-паутинистые. Листочки обёртки зелёные, килеватые, короткозаострённые, в средней части сжатые. Венчик розовый. Семянки обратнояйцевидные, тёмно-серые. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: Памиро-Алай: горы Чульбаир и Байсунтау, бассейн реки Сангардак на южном склоне Гиссарского хребта.

Места обитания. Каменистые и щебнистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к определенным местам обитания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Ф.О. Хасанов

Endemic species of the south-western branches of the Hissar range. It is spread at the Pamir-Alay; the Chulbair and Baysuntau mountains, the Sangardak river basin (Surkhandarya region). Inhabits stony and slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

268. ЁПИРМА КАРРАК

Кузиния широкооберточная / Cousinia platystegia Tscherneva

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубида ўсувчи жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, тик, чалкаш тукли, юқори қисмидан шохланувчи, қисқа шохларнинг учида саватчалари 2–3 тадан бўлиб, зич жойлаш-

ган. Ёпирма барглари кенг бандли, поядаги барглари бандсиз, чўзиқ ёки наштарсимон, четлари тишсимон тиканли, юқори томони ингичка чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Саватчалари цилиндрсимон. Гултожи сариқ, ўрама баргларидан қисқа. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқлари, Кўҳитангнинг жанубий тоғ этаклари, Шеробод водийсида тарқалган.

Ўсиш шароити. Паст тоғлардаги ола жинсларда ўсади.

Сони. 2013 йилда 120 туп ўсимлик қайд этилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Очень редкий эндемик южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 25 см. Стеблей несколько, прямостоячие, паутинистые, на верхушке слегка ветвистые, с укороченными ветвями, несущими на концах скученные по 2–3 корзинки. Прикорневые листья с расширенными черешками; стеблевые сидячие, продолговатые или ланцетные, по краю колючезубчатые, сверху тонкопаутинистые, снизу беловойлочные. Корзинки цилиндрические. Венчики жёлтые, не выдающиеся из листочков обертки. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: западные отроги Гиссарского хребта, южные предгорья Кугитанга, Шерабадская долина.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород в низкогорьях.

Численность. В 2013 г. было зарегистрировано около 120 растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площадей пестроцветов.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the western outskirts of the Hissar range, the southern foothills of the Kughitang range, the Sherabad valley (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks in low mountains. In 2013, about 120 plants were found. Limiting factors: decreasing of gypseous habitats. Measures of protection: not protected.

269. ЖИЗЗАХ КАРРАГИ

Кузиния джизакская / Cousinia dshisakensis Kult.

Мақоми 3. Шимоли-ғарбий Помир-Олойга хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–40 см га етадиган, ўқ илдизли, икки йиллик ўт. Пояси якка каллакли шохчалардан иборат. Ёпирма барглари лирасимон, кенг бандли. Поядаги барглари чўзиқ, четлари йирик тишсимон тиканли, учи ҳам йирик тиканли, устки томони чалкаш тукли, пастки томони қалин кулранг тукли. Саватчаси йирик, диаметри 2–2,5 см. Тожи ўрама баргчалардан бироз узун, пушти рангли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари: Нурота, Туркистон ва Молгузар тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва пастки қисмларида тошли ва шағалли ёнбағирларда ҳамда қояларда ўсади.

Сони. Тўплари кам тупли (1 га да 20 тупгача), олис-олис жойлашган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ташқари кўп боқилиши кўпайишига салбий таъсир қилмоқда. Камёблигининг табиий сабаблари ҳам бўлса керак.

Маданийлаштирилиши. ЎзР ФА Ботаника боғида 1962 йилдан бошлаб экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Айрим популяциялари Зомин миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [289, 321, 324, 325, 327].

Г.У Кодиров

Статус 3. Редкий эндемик Северо-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Стержнекорневой травянистый двухлетник высотой 20–40 см. Стебель с одноголовчатыми ветвями. Прикорневые листья лировидные, широко черешковые, стеблевые – продолговатые, по краю крупно-колючезубчатые, оканчиваются крупной колючкой, сверху паутинистые, снизу серо-войлочные. Корзинки крупные, 2–2,5 см в диаметре, венчики слегка выдающиеся из листочков обертки, розовые. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: хребты Нуратау, Туркестанский и Мальгузарский.

Места обитания. Щебнистые склоны и скальные выходы в нижнем и среднем поясах гор.

Численность. Популяции малочисленные, с единично разбросанными растениями (до 20 экземпляров на 1 га).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота. Вероятно, имеются и естественные причины снижения численности.

Культивирование. С 1962 г. успешно выращивается в Ботаническом саду АН РУз.

Меры охраны. Часть популяций находится на территории Зааминского национального парка.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.У Кодиров

Rare endemic species of the north-western Pamir-Alay. It is spread at the Nuratau, the Turkestan and Malguzar ranges (Jizzakh, Samarkand and Navoi regions). Inhabits slopes and rock outcrops in the lower and middle belts of mountains. Populations are not numerous with single sparse plants (up to 20 specimens per 1 hectar). Measures of protection: some populations protected in the Zaamin national park.

270. КИНДИКЧАЛИ КАРРАК
Кузиния пупочковая / Cousinia umbilicata Juz.

Мақоми 2. Қизилқумга мансуб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Поясининг бўйи 60 см гача етадиган, деярли асосидан шохланувчи, шохчалари якка бошчали, тўп гуллари ёйиқ, кўп йиллик ўт. Баргларининг устки томони яшил рангли, чалкаш тукли, йўғон томирли, пастки томони кулранг, қалин тукли. Ёпирма барглари чўзиқ наштарсимон, патсимон бўлинган, бандли, бандининг асоси бироз кенгайган, оқиш, қалин тукли. Поядаги барглари бандсиз, кенг наштарсимон, сийрак, тишсимон тиканли. Саватчаси кенг цилиндрсимон. Тожи сариқ. Уруғи деярли тўрт қиррали, кулранг. Июнь–август ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Бухоро, Навоий вилоятлари: Қизилқумдаги қолдиқ тепаликлар (Қўнғиртоғ, Етимтоғ ва Оқтоғлар)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тепаликлардаги тошли, тошли-шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу тур алоҳида тупроқ шароитига мослашганлиги учун камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. 1964 йили ЎзР ФА Қизилқум чўл станцияси тажриба майдонида экиб ўстирилган. Ўсиб чиққан ниҳоллар шу йилнинг ўзидаёқ қуриб қолган.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Многолетнее растение высотой до 60 см. Стебель почти от основания обильно ветвистый, веточки одноголовчатые, собраны в раскидистое соцветие. Листья сверху зелёные, паутинистые, с выступающими жилками, снизу – серовойлочные. Прикорневые листья черешковые, с бело-войлочными, у основания слегка расширенными черешками, продолговато-ланцетные, перистолопастные. Стеблевые листья сидячие, широколанцетные, расставленно-колючезубчатые. Корзинки широкоцилиндрические. Венчики желтые. Семянки почти четырехгранные, серые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Бухарской и Навоийской областях: Кызылкумы – останцевые возвышенности Кингиртау, Джетымтау и Актау.

Места обитания. Каменистые, каменисто-щебнистые склоны останцевых возвышенностей.

Численность. Встречается единичными растениями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. В 1964 г. был высеян в коллекционном питомнике Кызылкумской пустынной станции АН РУз. Всходы выпали в том же году.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [321, 324, 325, 327].

К.Ш. Тожибаев

Endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Kingirtau, the Dzhetymtau and Aktau (Bukhara and Navoi regions). Inhabits stony and gravelly slopes of remnant low mountains The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: not protected.

271. НОЗИКБОШ КАРРАК

Кузиния изящноголовая / Cousinia glaphyrocephala Juz. et Tscherneva

Мақоми 1. Ўзбекистоннинг жанубида кичик майдонларда ўсадиган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, қалин тукли, ўрта қисмидан шохланувчи, шохлари ингичка, қисқа, якка каллакли. Баргларининг устки томони чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Ёпирма барглари қисқа бандли, патсимон бўлинган. Поядаги барглари юқорига қараб кичиклашиб боради, бандсиз, наштарсимон, асоси 1–2 жуфт тишли. Саватчаси тухумсимон, чалкаш тукли. Ўрама барглари 40 та атрофида, киррали. Тожи ўрама баргчаларидан узун, пушти рангли. Уруғи тескари тухумсимон, силлиқ. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари (Сувсизтоғ, Навобулоқ)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Умумий сони ҳақида маълумотлар йўқ.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [310, 321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 1. Очень редкий эндемик южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 20 см. Стебли (их несколько) тонковойлочные, от середины ветвистые. Ветви тонкие, укороченные, одноголовчатые. Листья сверху паутинистые, снизу – бело-войлочные; прикорневые – короткочерешковые, перисторассеченные; стеблевые – постепенно уменьшающиеся кверху, сидячие, ланцетные, у основания с 1–2 парами зубцов. Корзинки яйцевидные, паутинистые. Листочки обёртки (около 40) килеватые. Венчики выдающиеся, розовые. Семянки обратнояйцевидные, гладкие. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: юго-западные отроги Гиссарского хребта – Сусызтау (Наво-Булак).

Места обитания. Каменистые горные склоны в среднем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [310, 321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the south-western outskirts of the Hissar range: the Susyztau (Navo-Bulak), (Surkhandarya region). Inhabits stony mountain slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

272. ОҚИШ КАРРАК
Кузиния белесоватая / Cousinia candicans Juz.

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубий қисмига хос жуда камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 70 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси ётиқ-чалкаш тукли, асосидан шохланувчи, якка каллакли. Барглари чармсимон, ҳар икки томони кулранг қалин тукли, учи қаттиқ тиканли. Ёпирма барглари қисқа бандли, чўзиқ, япроғининг четлари йирик тишли ёки бўлакли. Саватчаси тухумсимон, диаметри 2 см гача, чалкаш, қалин тукли. Ўрама баргчалари тарвақайлаган, қаттиқ, учи уч қиррали, тиканли. Тожи тўқ қизил рангли. Уруғлари доғли, деярли

уч қиррали. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Боботоғ тизмасида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги оҳактошларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Очень редкий вид южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 70 см. Стебель прижато-паутинистый, от основания ветвистый, одноголовчатый. Листья кожистые, с обеих сторон серовойлочные, оканчивающиеся крепкими колючками. Прикорневые – короткочерешковые, продолговатые, по краю – крупнозубчатые или лопастные. Корзинки яйцевидные, до 2 см в диаметре, густопаутинистые. Листочки обёртки оттопыренно-торчащие, крепкие, оканчиваются трехгранной колючкой. Венчики пурпурные. Семянки пятнистые, почти трёхгранные. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Известняки в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единично.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Babatag range (Surkhandarya region). Inhabits limestones in the middle mountainous zone. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

273. ПАТТАНГАЧАЛИ КАРРАК

Кузиния перисточешуйчатая / Cousinia pterolepida Kult.

Мақоми 3. Ғарбий Тянь-Шанга мансуб камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Илдизи ёғочланувчи, кўп бошчали, пояси кўп, бўйи 35–45 см га етадиган, чалкаш қалин тукли, якка каллакли кўп йиллик ўт. Барглари чармсимон, устки томони кулранг-яшил, чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Ёпирма барглари ва поянинг пастки қисмидаги баргларининг узунлиги 14–25 см, энг юқоридаги барглари тиканли бўлакларга ажралган. Саватчаси цилиндрсимон, туксиз. Ўрама баргчалари кўп. Тожи пушти рангли. Уруғи тескари

тухумсимон, туксиз, силлиқ. Август ойида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Угом тизмасидаги Қурушйўл довонида, Тепарсойда тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмида майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши сабабли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғида жойлашган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 3. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение. Корень деревянистый, многоглавный. Стебли (их несколько) высотой 35–45 см, паутинисто-войлочные, одноголовчатые. Листья кожистые, сверху серовато-зелёные, тонкопаутинистые, снизу бело-войлочные; прикорневые и нижние стеблевые листья длиной около 14–25 см и самые верхние почти колюче-лопастные. Корзинки цилиндрические, голые. Листочки обёртки многочисленные. Венчики розовые. Семянки обратнояйцевидные, голые, гладкие. Цветёт в августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Угамский хребет, перевал Курушюл, верховья Тепарсая. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Мелкоземистые склоны в субальпийском поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Места произрастания находятся на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Ugam range, the Kurushyul passage, the Teparsay (Tashkent region). Inhabits the northern slopes in the subalpine mountainous zone. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

274. СИЛЛИҚТУКЛИ КАРРАК
Кузиния гладкощетинковая / Cousinia glabriseta Kult.

Мақоми 3. Жануби-ғарбий Помир-Олойнинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см гача етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизиқли баргли, асосидан шохланувчи, шохлари якка каллакли. Барглари чармсимон, юқори қисми чалкаш тукли, пастки томони оқиш-қалин тукли, четлари йирик тишли. Поясининг ўрта ва юқори қисмидаги барглари бандсиз, юмалоқ, пояни ярим қамраб

туради. Саватчаси тухумсимон-юмалоқ, сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари нисбатан кам, тарвақайлаган, сийрак чалкаш тукли. Тожи пушти рангли, ўрама баргчалардан узунроқ. Уруғи тескари тухумсимон. Июнь ойида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмасида тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги шағалли ва майда жинс тупроқли ёнбағирларда учрайди.

Сони. Табиатда бу тур кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [321, 324, 325, 327]

Ғ.М. Шерматов

Статус 3. Редкий эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Двухлетнее травянистое растение высотой до 25 см. Стебель полосато-бороздчатый, облиственный, от основания ветвистый, ветви одноголовчатые. Листья кожистые, сверху тонкопаутинистые, снизу бело-войлочные, по краю крупнозубчатые; средние и верхние стеблевые – сидячие, округлые, полустеблеобъемлющие. Корзинки яйцевидно-шаровидные, слабопаутинистые. Листочки обёртки сравнительно немногочисленные, оттопыренно торчащие, слегка паутинистые. Венчик розовый, выдающийся. Семянки обратнояйцевидные. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Кугитанг. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые склоны верхнего пояса гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском заповеднике.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Rare endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Kughitang range (Surkhandarya region). Inhabits stony slopes in subalpine zone. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

275. СОХТАТУКЛИ КАРРАК

Кузиния ложношерстная / Cousinia pseudolanata Popov ex Tscherneva

Мақоми 1. Оқтоғ тизмасининг жуда камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси битта, тик ўсувчи, баргли, йўғон, қалин тукли. Ёпирма барглари патсимон бўлинган, бандсиз, остки томони туксиз, устки томони безчасимон тукли, ёки ҳар икки томони қалин тукли. Тўпгуллари ингичка бошоқсимон. Саватчаси қисқа бандли, йирик, тукли. Ўрама баргчалари кўп, силлиқ. Тожи сариқ. Уруғи тескари-тухумсимон, деярли уч қиррали. Июль ойида гуллаб, меваси июль–августларда етилади.

Тарқалиши. Навоий вилояти: Нурота тоғларида Оқтоғ (Лангар шаҳарчаси атрофи)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тош-шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка, баъзан кичик тўплар ҳосил қилиб учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [18, 289, 321, 324, 325, 327].

И.В. Белолипов

Статус 1. Очень редкий эндемик хребта Актау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 80 см. Стебли одиночные, прямостоячие, толстые, войлочно-опушенные, облиственные. Листья розеток перисторассечённые, сидячие, снизу-голые, сверху-железистые, или с обеих сторон густоопушенные. Соцветия узкоколосовидные. Корзинки на коротких цветоножках, крупные, опушенные. Листочки обертки многочисленные, гладкие. Венчики жёлтые. Семянки обратнояйцевидные, почти трёхгранные. Цветёт в июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Навоийская область: Нуратинские горы, хребет Актау, окрестности посёлка Лянгар.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единичными экземплярами, реже образует небольшие группы.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры не разработаны.

Источники. [18, 289, 321, 324, 325, 327]

И.В. Белолипов

Very rare endemic species of the Aktau range. It is spread at the Nuratau mountains, the Aktau range, nearby the Langar village (Navoi region). Inhabits stony slopes in the middle mountainous zone. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: not protected.

276. ТИК КАРРАК

Кузиния торчащая / Cousinia stricta Tscherneva

Мақоми 2. Ўзбекистон жанубига хос жуда камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 70 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари бандсиз безчали, юқори қисми сийрак шохли, шохчалари кўп саватчали. Тўпгули рўваксимон. Барглари чармсимон, ҳар икки томони яшил, устки томони бандсиз безчали, пастки томони жуда сийрак чалкаш тукли. Ёпирма барглари бандли, чўзиқ наштарсимон,

патсимон бўлакли. Поядаги барглари бандсиз, наштарсимон, патсимон бўлинган. Саватчаси чўзиқ цилиндрсимон. Тожи сариқ рангда. Уруғи очкулранг, қора доғли, уч қиррали, учи уч тишли. Июль–август ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Боботоғда тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги очилиб қолган ола жинсларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам учрайди, фақат бир жойда маълум.

Кўпайиши. Уруғидан кўпайса керак.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Тур маълум тупроқ шароитида ўсишга мослашганлиги оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Очень редкий вид южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 70 см. Стебель с сидячими желёзками, в верхней половинке рыхловетвистый; ветви несут многочисленные корзинки, собранные в метельчатое соцветие. Листья кожистые, с обеих сторон зелёные, сверху с сидячими железками, снизу очень незначительно-паутинистые; прикорневые листья черешковые, продолговато-ланцетные, перисторазделные; стеблевые сидячие, ланцетные, перисто-лопастные. Корзинки продолговато-цилиндрические. Венчики жёлтые. Семянки светло-серые с черными точечными пятнами, почти трёхгранные, наверху трёхзубчатые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород в среднем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко, отмечен в 1 пункте.

Размножение. Видимо, семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к специфическим местам обитания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не разработаны.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Babatag range (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks in the middle belt of mountains. Collected only once. Measures of protection: not protected.

277. УЗУНБАРГ КАРРАК

Кузиния длиннолистная / Cousinia dolichophylla Kult.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 90 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси ноаниқ йўл-йўл чизиқли, чалкаш тукли, юқори қисми эса момиқ тукли. Ёпирма барглари узун бандли, чўзиқ наштарсимон, кўпинча йирик, узунлиги 25–30 см, кенглиги 5–8 см, чармсимон, устки томони сийрак чалкаш тукли, яшил, пастки томони оқиш қалин тукли, патсимон бўлакли, четлари тикан тишли. Поянинг пастки қисмидаги барглари ёпирма баргларга ўхшаш, ўрта қисмидаги барглари бандсиз, энг юқоридаги барглари майда, маълум оралиқда жойлашган, бандсиз, четлари бўлинган, тиканли. Саватчалари кўп, кўп гулли, қисқа бандли. Тожи оч сарғиш, ўрама баргчаларидан узун. Уруғи тескари пирамидасимон, йирик, узунлиги 7 мм гача етади. Июль–август ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Қоржонтов, Угом ва Писком тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги майда жинс тупроқли, шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда, баъзан тўп бўлиб тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликларни пичанга ўриб олиш оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғида жойлашган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327]

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 90 см. Стебель неясно-полосато-бороздчатый, паутинистый, наверху почти войлочный. Прикорневые листья длинно-черешковые, продолговато-ланцетные, обычно крупные, длиной 25–30 см и шириной 5–8 см, кожистые, сверху очень незначительно-паутинистые, зелёные, снизу беловойлочные, перисторазделные, по краю колючезубчатые; нижние стеблевые подобны прикорневым; средние такие же, но сидячие; самые верхние расставленные, сидячие, колючелопастные, мелкие. Корзинки многочисленные и многоцветковые, на укороченных ножках. Венчики бледно-желтоватые, выдающиеся. Семянки обратнопирамидальные, крупные, длиной до 7 мм. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Каржантау, Угамский и Пскемский хребты.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается единично, реже образует небольшие группы.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сенокошение.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны. Места произрастания расположены на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [321, 324, 325, 327].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Karzhantau, the Ugam and Pskem ranges (Tashkent region). Inhabits fine earth and gravelly slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: pasturing. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.



278. ҲУРПАЙГАН КАРРАК

Кузиния вооруженнолистная / Cousinia hoplophylla Tscherneva

Мақоми 2. Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида тарқалган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кулранг қалин тукли, ўрта қисми қалин шохли, якка каллакли. Барглари чармсимон, ҳар икки томони кулранг-яшил, қалин тукли. Поядаги барглари юқорига қараб кичрайиб боради, пастки қисмидаги барглари бандсиз ёки қисқа бандли, тескари наштарсимон, патсимон қирқилган, четлари жингалаксимон. Саватчаси юмалоқ, диаметри 18–20 мм, чалкаш тукли. Ўрама баргчалари кўп, ҳурпайган, қиррали. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Чўлбайир тоғларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Редкий эндемик юго-западных отрогов Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 80 см. Стебель сероватовойлочный, в средней части обильно ветвистый, одноголовчатый. Листья кожистые, с обеих сторон серовато-зелёные, войлочные; стеблевые листья кверху постепенно уменьшаются; нижние – сидячие или коротко-черешковые, обратноланцетные, по краю курчавые, перисторазделные. Корзинки шаровидные, 18–20 мм в диаметре, паутинистые. Листочки обёртки многочисленные, оттопыренно вверх торчащие, по спинке килеватые. Цветёт в июне–июле, плодоносит в августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: горы Чульбаир.

Места обитания. Каменистые склоны у верхней границы среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры не разработаны.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Rare endemic species of south-western branches of the Hissar range. It is spread at the Chulbair mountains (Surkhandarya region). Inhabits stony slopes at the subalpine zone of mountains. The quantity is unkown. Measures of protection: not protected.

279. ШУБҲАЛИ КАРРАК

Кузиния сомнительная / Cousinia haesitabunda Juz.

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойда тарқалган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси унча чуқур бўлмаган чизиқли, чалкаш тукли, сийрак баргли. Ёпирма барглари кам, чўзиқ наштарсимон, пастки томони оқиш қалин тукли, патсимон қирқилган, четлари тикансимон тишли. Поядаги барглари майда, бандсиз, пояни ярим қамраб туради. Саватчаси тухумсимон, диаметри 10–12 мм, туксиз. Ўрама баргчалари кўп, қаттиқ чармсимон. Тожи сариқ. Уруғи тескари тухумсимон, деярли тўрт қиррали. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Жиззах вилояти: Молгузар, Нурота тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги шағалли, майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсиб турган ерларининг ўзлаштирилиши ва чорва молларининг кўплаб боқилиши унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Очень редкий эндемик западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 50 см. Стебель неглубокобороздчатый, тонкопаутинистый, очень рыхлооблиственный. Листья в прикорневой розетке, немногочисленные, продолговато-ланцетные, снизу бело-войлочные, перисто-рассечённые, по краю колючезубчатые; стеблевые мелкие, сидячие, полустеблеобъемлющие. Корзинки яйцевидные, 10–12 мм в диаметре, голые. Листочки обёртки многочисленные, твердокожистые. Венчик жёлтый. Семянки обратнояйцевидные, почти четырёхгранные. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Джизакской области: Мальгузарский и Нуратинский хребты.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Освоение территорий под сельхозугодья, чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Malguzar and Nuratau ranges (Jizzakh regions). Inhabits fine earth slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: not protected.

280. ЭГРИТИКАН КАРРАК

Кузиния согнутоколючковая / Cousinia campyloraphis Tscherneva

Мақоми 2. Ҳисор тизмасининг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–50 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, йўл-йўл чизиқли, қалин чалкаш тукли, ўрта қисмидан шохланувчи. Барглари чармсимон, ҳар икки томони қалин тукли. Ёпирма барглари бандли, чўзиқ эллипссимон, деярли бўлинган, тикан тишчали. Саватчаси кенг тухумсимон, диаметри 15–17 мм, тукли. Ўрама баргчалари кўп, қиррали, сиртидагилари пастга қараб эгилган. Тожи пушти. Уруғи кулранг. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Қашқадарё ҳавзасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор ва Китоб қўриқхоналарида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Редкий эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение. Стебли прямостоячие, полосато-бороздчатые, паутинистовойлочные, высотой 30–50 см, от середины ветвистые. Листья кожистые, с обеих сторон войлочные; прикорневые – черешковые, продолговато-эллиптические, почти лопастные, колючезубчатые. Корзинки широкояйцевидные, 15–17 мм в диаметре, опушенные. Листочки обёртки многочисленные, килеватые, наружные – отогнутые. Венчик розовый. Семянки серые. Цветёт в июне–июле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Кашкадарьинская область: бассейн реки Кашкадарья.

Места обитания. Мелкоземистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском и Китабском государственных заповедниках.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Rare endemic species of the Hissar range. It is spread at the Kashkadarya river basin (Kashkadarya region). Inhabits fine earth slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Hissar and Kitab state reserves.

281. ҚИЗИЛГУЛЛИ КАРРАК
Кузиния красноцветная / Cousinia rhodantha Kult.

Мақоми 1. Ўзбекистоннинг жанубидаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см га етадиган икки йиллик ўт. Пояси йўл-йўл чизиқли, қисман чалкаш тукли, ўрта қисмидан шохланувчи, баргли шохчалари якка каллакли. Барглари оч яшил, устки томони туксиз, пастки томони қалин тукли, четлари йирик

тикан тишли. Ёпирма барглари бандли, патсимон бўлинган. Поядаги барглари патсимон ўйилган, бандсиз. Саватчалари тухумсимон-юмалоқ, чалкаш тукли, диаметри 3 см. Ўрама баргчалари кўп, қиррали. Тожи пушти, ўрама баргчаларидан қисқа. Уруғи тескари тухумсимон, оч кулранг. Июнда гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида, Бойсун тоғларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидаги қумлоқ ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълум тупроқ шароитига мослашганлиги унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [310, 321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 1. Очень редкий эндемик южной части Узбекистана.

Краткое описание. Двухлетнее травянистое растение высотой до 25 см. Стебель полосатоборoздчатый, частично паутинистый, от середины ветвистый, ветви одноголовчатые, облиственные. Листья светло-зелёные, сверху голые, снизу войлочные, по краю крупноколючезубчатые; прикорневые листья черешковые, перисторазделные, стеблевые – перисторассечённые, сидячие. Корзинки яйцевидно-шаровидные, паутинистые, до 3 см в диаметре. Листочки обёртки многочисленные, килеватые. Венчики розовые, не выдающиеся. Семянки обратнояйцевидные, светло-серые. Цветёт в июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: юго-западные отроги Гиссарского хребта, Байсунские горы.

Места обитания. Суглинистые склоны в предгорьях.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к определенным местам обитания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Специальные меры охраны не разработаны.

Источники. [310, 321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the south-western outskirts of the Hissar range, the Baysun mountains (Surkhandarya region). Inhabits loamy slopes in foothills. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

282. СПРИГИН КАРРАГИ

Кузиния Спрыгина / Cousinia spryginii Kult.

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Икки йиллик ўсимлик. Пояси 20–40 см баландликда, тик, тўғри, қалин тукли, йўл-йўл, жўякли, шохлари баргли. Баргларининг устки томони ингичка, тўрсимон, пастки томони кулранг, қалин тукли, четлари тикансимон тишли, тескари тухумсимон. Саватчаси шарсимон диаметри 2,5–3,5 см (учи тўмтоқ) қалин тўрсимон тукли. Ўрама баргчалари ўткир, узун, учбурчаксимон, узунлиги 4 см, тиканли. Гул ўрнининг дағал туклари силлиқ. Гултожи оқиш-сариқ. Данакчаси тескари тухумсимон, қанотчаси қорамтир доғли. Май–июнда гуллаб, меваси августда етилади.

Тарқалиши. Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларида, Кўҳитанг тизмасида ва Келиф-Шеробод тепаликларида тарқалган (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари). Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Кулранг соз тупроқларда ўсади.

Сони. Оқтош қишлоғи атрофида 70 тупдан иборат 2 та популяцияси аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Табиий ерларнинг бузилиши ва моллларнинг кўплаб боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [310, 321, 324, 325, 327].

Н.Т. Очилова

Статус 1. Редкий узколокальный эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Двулетник. Стебель высотой 20–40 см, прямой, паутинистый, полосато-бороздчатый, ветви одноголовчатые, облиственные. Листья сверху тонко паутинистые, снизу серовойлочные, по краю колюче-зубчатые, обратнояйцевидные. Корзинки шаровидные, 2,5–3,5 см диаметре (без остроконечий), густо паутинистые. Листочки обертки заострены в длинные, трехгранные колючки длиной до 4 см. Щетинки цветоложа гладкие. Венчики бледно-желтые. Семянки обратно яйцевидные, крылатые с темными точками. Цветет в мае–июне, плодоносит в августе.

Распространение. В Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: юго-западные отроги Гиссарского хребта, Кугитанг, Келиф-Шерабадская гряда. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Серые глины.

Численность. 2 популяции в окрестностях кишлака Акташ (70 растений).

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Разрушение естественных местообитаний и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [310, 321, 324, 325, 327].

Н.Т. Очилова

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the south-western branches of the Hissar range, the Kughitang, the Kelif-Sherabad range (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits grey clays. 2 populations nearby the village Aktash (about 70 plants) were found. Measures of protection: not protected.



283. ҒУЖТУК КАРРАК

Кузиния превосходная / Cousinia praestans Tscherneva et Vved.

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойда тарқалган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1 м гача етадиган икки йиллик ўт. Пояси ғуж-ғуж тукли, йўл-йўл чизиқли, баргли, асосидан тарвақайлаб шохланган. Барглари нисбатан юмшоқ тиканли, устки томони чалкаш тукли, пастки томони кулранг қалин тукли. Поянинг пастки қисмидаги барглари бандсиз, пояни ярим қамраб туради, патсимон бўлакли, четлари нотекис тикансимон тишли; ўрта қисмидаги барглари бандсиз, бўлакли, четлари майда тикансимон тишли; юқоридагилари бандсиз, юмалоқроқ, четлари тикансимон тишли. Саватчалари юмалоқ, йирик, узунлиги 4 см, диаметри 3–3,5 см, қалин чалкаш тукли. Ўрама баргчалари қаттиқ. Тожи пушти рангли. Уруғи тескари тухумсимон, силлиқ, ялтироқ. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Қашқадарё сув ҳавзаси – Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмида, Зарафшон тизмасининг жанубий ёнбағридаги Оёқчи дарё водийсида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Бу турнинг маълум ўсиш шароитига мослашганлиги унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [321, 324, 325, 327].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Двухлетнее травянистое растение высотой до 1 м. Стебель клочковато-войлочный, полосато-бороздчатый, облиственный, от самого основания раскидисто-ветвистый. Листья сравнительно мягкие, умеренно колючие, сверху тонкопаутинистые, снизу серо-войлочные; нижние стеблевые – сидячие, полустеблеобъемлющие, перистолопастные, по краю неравномелкоколючезубчатые; средние – сидячие, лопастные, по краю мелкоколючезубчатые; верхние – сидячие, почти округлые, по краю колючезубчатые. Корзинки шаровидные, крупные, длиной около 4 см и 3–3,5 см в диаметре, густопаутинистые. Листочки обёртки жёсткие. Венчики розовые. Семянки обратнояйцевидные, гладкие, блестящие. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Кашкадарьинская область: бассейн реки Кашкадарьи – западные отроги Гиссарского хребта, долина реки Аякчи на южном склоне Зеравшанского хребта.

Места обитания. Каменистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлена.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [321, 324, 325, 327].

Г.М. Шерматов

Very rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Kashkadarya river basin: the western outskirts of the Hissar range, the Ayakchi river valley on the southern slopes of the Zeravshan range (Kashkadarya region). Inhabits stony slopes in the middle belt of mountains. The quantity unknown. Measures of protection: protected in the Hissar state reserve.

284. ҚОЯ КСИЛАНТЕМУМИ

Ксилантемум скальный / Xylanthemum rupestre (Popov ex Nevski) Tzvelev

Мақоми 1. Кўҳитанг тизмасининг камёб, стенобионт ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. 10–20 см баландликдаги яримбутача, шохлари қўнғир тусли туклар билан қопланган. Барглари кулранг-яшил, тукланган, 1–1,5 см узунликда, патсимон қирқилган. Саватчалари якка-якка, гуллари кам сонли, узунлиги 5–6 мм, эни 4–5 мм, цилиндр шаклида. Ўрама барглари тукланган, эллипс шаклида, учи тўмтоқ. Гуллари сариқ, без тукли. Уруғлари 2,5 мм узунликда. Попуклари 1,2 мм узунликда. Июлда гуллайди, августда мевалайди

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Кўҳитанг тизмаси.

Ўсиш жойи. 2 600–3 000 м баландликдаги қояларда ўсади.

Сони. 2001 йилда 50 тупи қайд этилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Реликт, петрофит эндемик.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза этилади.

Манбалар. [128, 310].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 1. Редкий стенобионтный эндемик Кугитанга.

Краткое описание. Полукустарничек высотой 10–20 см, с бурыми опушенными веточками. Листья серо-зеленые, опушенные, длиной 1–1,5 см, перисто-рассеченные. Корзинки одиночные, малоцветковые, длиной 5–6 мм, шириной 4–5 мм ширины. Листочки обертки опушенные, эллиптические, тупые. Цветы желтые, железистые. Семянки длиной 2,5 мм. Хохолок длиной 1,2 мм. Цветет в июле, плодоносит в августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: эндемик хребта Кугитанг.

Места обитания. Скалы (2 600–3 000 м).

Численность. Зарегистрировано 50 растений в 2001 году.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Реликтовый петрофильный эндемик.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [128, 310].

Ф.О. Хасанов

Very rare endemic species of the Kughitang range. It is spread at the Kughitang range (Surkhandarya region). Inhabits rocks (2 600–3 000 m.s.l.). 50 plants were found in 2001. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

285. БОБОТОҒ КЎКБОШИ

Мордовник бабатагский / Echinops babatagensis Tscherneva

Мақоми 3. Ўзбекистоннинг жанубидаги кичик майдонларда тарқалган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–30 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, жўякли, безчали ва момиқ тукли, шохланган, якка бошчали. Баргларининг устки томони безчали, пастки томони кулранг қалин тукли, йўғон томирли. Ёпирма барглари бандли, патсимон бўлинган, майда тишсимон тиканли. Поянинг пастки ва ўрта қисмидаги барглари ёпирма баргларига ўхшаш, аммо бандсиз. Саватчаларининг узунлиги 10–20 мм. Ўрама баргчалари 28–30 та, ҳаворанг. Уруғи чўзиқ, қалин сариқ тукли. Июль–август ойларида гуллаб, меваси август–сентябр да етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Боботоғ тизмасида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги оҳактошларда ва гипсларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўзига хос тупроқ шароитига мослашганлиги унинг камайишига сабаб бўлмокда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [332, 333].

И.И. Мальцев

Статус 3. Очень редкий эндемик южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 20–30 см. Стебли прямостоячие, бороздчатые, железистые, с войлочным опушением, ветвистые, одноголовчатые. Листья сверху густожелезистые, снизу с резко выдающейся средней жилкой, тонкосеровойлочные. Прикорневые черешковые, перистораздельные, мелкоколючезубчатые. Нижние и средние стеблевые подобны прикорневым, но сидячие. Корзинки длиной 10–20 мм. Обёртка состоит из 28–30 голубоватых листочков. Семянки густо-жёлтоволосистые, продолговатые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Известняки и гипсы среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не разработаны.

Источники. [332, 333].

И.И. Мальцев

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Babatag range (the Surkhandarya region). Inhabits lime stones and gypses in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

286. ҚИСҚАМЎЙ КЎКБОШ

Мордовник короткокисточковый / Echinops brevipenicillatus Tscherneva

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубий минтақасига хос жуда камёб тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–60 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, баргли, юқори қисми шохланган, юза жўякли, оқиш қалин тукли. Барглари чармсимон, устки томони яшил, сийрак безчали, чалкаш тукли, пастки томони оқиш қалин тукли. Ёпирма барглари йирик, четлари бутун,

узун бандли, чармсимон. Поядаги барглари юқорига қараб кичрайиб боради, бандсиз. Поянинг пастки қисмидаги барглари кичик ўсимтали, чўзиқ наштарсимон. Саватчаси юмалоқ, диаметри 5 см атрофида. Ўрама баргчалари 16–19 та, силлиқ. Тожи оқиш, чуқур кесилган, найчаси безчали. Уруғи қалин тукли. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Боботоғ тизмасида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмидаги ва тоғ этакларидаги очиқ ола жинсларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Очилиб қолган ола жинсларда ўсганлиги учун улар чекланган майдонлардагина сақланиб қолган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [332, 333].

И.И. Мальцев

Статус 2. Очень редкий вид южной части Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 30–60 см. Стебель прямостоячий, неглубокобороздчатый, беловойлочный, облиственный, в верхней части ветвистый. Листья кожистые, сверху зелёные, рассеянно железистые, тонкопаутинистые, снизу бело-войлочные; прикорневые крупные, цельнокрайные, длинночерешковые, кожистые; стеблевые постепенно кверху уменьшающиеся, сидячие. Нижние стеблевые листья с маленькими ушками, продолговато-ланцетные. Корзинки шаровидные, около 5 см в диаметре. Обертка состоит из 16–19 гладких листочков. Венчик беловатый, глубокорассечённый, с железистой трубкой. Семянки густоволосистые. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: хребет Бабатаг. За пределами Узбекистана: Таджикистан.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород в предгорьях и нижнем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к выходам пестроцветных пород.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [332, 333].

И.И. Мальцев

Very rare species of the southern Uzbekistan. It is spread at the Babatag range (Surkhandarya region). Inhabits outcrops of gypseous rocks in foothills and the lower belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: stenobiont species. Measures of protection: not protected.

287. НУРОТА ЛЕПИДОЛОФАСИ

Лепидолофа нуратинская / Lepidolopha nuratavica Krasch.

Мақоми 3. Ғарбий Помир-Олойга хос ареали бўлинган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80–100 см га етадиган асосидан шохланувчи ярим бута. Йиллик шохчалари тўғри, қалин тукли, пастки қисми баргли, якка саватчали. Барглари кўкимтир-яшил, қисқа ётиқ тукли, нуқтасимон безчали, поянинг пастки қисмидаги ҳамда мевасиз шохларидаги барглар қисқа бандли, уч бўлакли, поянинг юқори қисмидаги барглари эса бандсиз. Саватчалари майда. Ўрама баргчалари цилиндрсимон, қисқа, ётиқ тукли. Гуллари сариқ, безчали. Уруғи ҳам безчали. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси август–сентябрда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятлари: Нурота ва Кўҳитанг тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги тошли ва шағалли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Тўп-тўп бўлиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маҳаллий аҳоли томонидан ўтин сифатида кўп миқдорда кесиб олиниши ва чорва молларининг боқилиши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон ва Нурота қўриқхоналарида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [12, 117, 127].

Н.Ю. Бешко

Статус 3. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая с разорванным ареалом.

Краткое описание. Полукустарник, ветвящийся от основания, высотой 80–100 см. Годовалые побеги прямые, прижато-опушенные, в нижней части облиственные, с одиночными корзинками. Листья сизовато-зелёные, коротко-прижато-опушенные, точечно-железистые, нижние стеблевые и листья стерильных побегов коротко-черешковые, трёхрассечённые, выше по стеблю сидячие. Корзинки мелкие. Обертка цилиндрическая, коротко прижато опушенная. Цветки жёлтые, железистые. Семянки железистые. Цветёт в июне–июле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской, Навоийской и Сурхандарьинской областях: Кугитанг и Нуратинский хребет.

Места обитания. Каменистые и щебнистые склоны в нижнем и среднем поясе гор.

Численность. Встречается небольшими группами.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Усиленная заготовка на топливо, выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском и Сурханском заповедниках.

Источники. [12, 117, 127].

Н.Ю. Бешко

Rare endemic species of the western Pamir-Alay with reducing area. It is spread at the Kughitang and Nuratau ranges (Jizzakh, Samarkand, Navoi and Surkhandarja regions). Inhabits stony slopes in the lower and middle belt of mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: intensive feedstock as firing, pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau and Surkhan state reserves.

288. ФЕДЧЕНКО ЛЕПИДОЛОФАСИ

Лепидолофа Федченко / Lepidolopha fedtschenkoana Knorring

Мақоми 3. Ғарбий Ҳисор ва Кўҳитанг тизмаларида ўсувчи камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см гача етадиган кўп пояли ярим бута. Барглари қалами, бутун, тукли. Саватчалари узун бандли. Гуллари сариқ, безчали. Уруғи майда. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси, Сурхондарё ҳавзаси (Токчиён), Кўҳитанг тизмаси (Тангидевор қишлоғи атрофи, Тарамхо булоғи атрофи ва Боғлидара)да тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қоя ёриқларида, тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда якка ҳолда ва тўп-тўп бўлиб тарқалган, 100 м^2 майдонга 15–20 та ўсимлик тўғри келади. Умумий сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқ маълумотлар йўқ. Ўсимлик тарқалган жойларда кўплаб чорва моллари боқилади.

Маданийлаштирилиши. 1971 йилдан буён ЎзР ФА Ботаника боғида экиб ўстирилмоқда. Маданий шароитда у фақат 3–4 йил ўсади.

Муҳофаза чоралари. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [12, 117, 127].

И.В. Белолипов

Статус 3. Редкий эндемик Западного Гиссара и Кугитанга.

Краткое описание. Многостебельный полукустарник высотой до 50 см. Листья линейные, цельные, опушенные. Корзинки сидят на длинных цветоносах. Цветки жёлтые, железистые. Семянки мелкие. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейн реки Сурхандарья (Такчиян); хребет Кугитанг – окрестности кишлака Тангидувал, родника Тарамхо и Баглидара. За пределами Узбекистана: Туркменистан.

Места обитания. Расщелины скал, каменистые склоны в среднем поясе гор.

Численность. В природе встречается единичными экземплярами и популяциями, в которых на 100 м^2 насчитывается 15–20 растений. Общая численность не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены. Территория используется под интенсивный выпас скота.

Культивирование. С 1971 г. культивируется в Ботаническом саду АН РУз. Продолжительность жизни в культуре 3–4 года.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [12, 117, 127].

И.В. Белолипов

Rare endemic species of the western the Hissar and Kughitang ranges. It is spread at the Hissar range: the Surkhandarya river basin (Takchiyan); the Kughitang range: nearby the village Tangiduval and the Taramkho spring (Surkhandarya region). Inhabits clefts of rocks, stony slopes in the middle belt of mountains. In nature, met with single specimens and populations (15–20 plants per 100 m^2). Total number is unknown. Limiting factors: The territory is used for intensive pasturing. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

289. ВВЕДЕНСКИЙ ОЛИГОХЕТАСИ

Олигохета Введенского / Oligochaeta vvedenskyi (Popov) Tscherneva

Мақоми 3. Қизилқум ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақасига хос камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Поялари жуда қисқа, асосидан шохланган, бир ёки бир нечта саватчали, бир йиллик ўт. Шохлари 7–15 см узунликда, ер бағирлаб ўсади, ётиқ жингалак-чалкаш тукли. Барглари кулранг, яшил, устки қисми ётиқ жингалак тукли. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ тухумсимон, четлари ўйилган тишли, тиканли. Саватчаси битта ёки бир нечта, чўзиқ. Ўрама баргчалари наштарсимон, устки қисми жингалак тукли. Тожи оқиш. Уруғи 3 мм узунликда, ялтироқ. Апрель–май ойларида гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистонда учрайди. Помир-Олойда – Шеробод водийси (Учқизил тепалиги) ва Жанубий Қизилқумда тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғларда ва тоғ этакларида, очилиб қолган ола жинсларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ортиқ боқилиши, пичан сифатида ўрилиши ва махсус тупроқ шароитига мослашганлиги унинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [329].

М. Тўлаганова

Статус 3. Редкий эндемик юга Узбекистана и Кызылкума.

Краткое описание. Однолетнее травянистое растение. Стебель очень короткий, от основания ветвистый, с одной или несколькими корзинками. Ветви удлиненные, длиной 7–15 см, облиственные, стелющиеся, ребристые, прижато-курчаво-паутинистые. Листья серо-зелёные, сверху рассеянно-прижато-курчаво-волосистые. Прикорневые листья черешковые, продолговато-яйцевидные, по краю выемчато-зубчатые. Корзинки одиночные или несколько, продолговатые. Листочки обёртки ланцетные, по спинке курчаво-волосистые. Венчики беловатые. Семянки длиной 3 мм, блестящие. Цветёт в апреле–мае, плодоносит в мае.

Распространение. В Кашкадарьинской и Бухарской областях, Каракалпакстан: Памиро-Алай – Шерабадская долина, горки Учкызыл, Южные Кызылкумы.

Места обитания. Останцы и подгорные пустыни, выходы пестроцветных пород.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Усиленный выпас скота, заготовка кормов, приуроченность к определённым местам обитания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [329].

М. Туляганова

Rare endemic species of the southern Uzbekistan and Kyzylkum. It is spread at the Pamir-Alay: the Sherabad Valley, the Uchkyzyl hills, the southern Kyzylkum (Kashkadarya and Bukhara regions, Karakalpakstan). Inhabits low mountains and submountane deserts, outcrops of gypseous rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: the intensive pasturing, feedstock. Measures of protection: not protected.

290. ТАРОҚСИМОН ОЛЬГЕЯ
Ольгея гребенчатая / Olgaea pectinata Iljin

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 – 70 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари биттадан, йўғон. Барглари чармсимон, устки томони оч яшил, туксиз, пастки томони қалин тукли, узунчоқ ёки наштарсимон. Ёпирма ва поянинг пастки қисмидаги барглари аста-секин барг бандига айланади. Қолган барглари бандсиз. Саватчасининг узунлиги 6–7 см, эни 4–5 см. Ўрама барглари кўп. Тожи тўқ қизил, узунлиги 35–50 мм. Уруғлари узунчоқ, қалами. Август ойида гуллаб, меваси сентябрда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Ғарбий Тянь-Шаннинг Угом тизмасида тарқалган. Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги тошли-шағалли жойларда, бутазорларда ва даштларда ўсади.

Сони. Угом тизмасидан бир марта йиғилган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Асосан, чорва молларининг боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [328].

М. Тўлаганова

Статус 2. Редчайший эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Травянистый многолетник высотой 30–70 см. Стебли обычно одиночные толстые. Листья кожистые, сверху – светло-зеленые, голые, снизу – беловойлочные, продолговатые или ланцетные. Прикорневые и нижние стеблевые листья постепенно переходят в черешок. Остальные листья сидячие. Корзинки 6–7 см длиной, 4–5 см шириной. Листочки обертки многочисленные. Венчик 35–50 мм длиной, темно-красный. Семянки продолговато-линейные. Цветет в августе, плодоносит в сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Западный Тянь-Шань: Угамский хребет. За пределами Узбекистана: Казахстан и Кыргызстан.

Места обитания. По каменисто-щебнистым склонам гор в кустарниковом поясе и сухих степях.

Численность. Собран один раз на Угамском хребте.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [328]

М. Туляганова

Rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the western Tien-Shan: the Ugam range (Tashkent region). Inhabits stony slopes of mountains in in the belt of shrubs and dry steppes. Once it was collected in the Ugam range. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

291. НАШТАРСИМОН СЕРРАТУЛА

Серпуха ланцетолистная / Serratula lancifolia Zakirov

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–30 см га етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кўп, баргли, ингичка, туксиз, саватчасининг остигина бироз тукли, якка саватчали. Барги чармсимон, иккала томони ҳам яшил, туксиз, четлари бутун, ўйилган ёки тишли. Илдиз олди ва поядаги барглари бандли, наштарсимон, қолган барглари поя бўйлаб юқори кўтарилган сари кичиклаша боради, ингичка наштарсимон, бандсиз. Ўрама баргчалари кўп, чармсимон, учи юмалоқ. Тожи пушти. Етилмаган уруғлари туксиз. Июль–августда гуллаб, август ойида мева беради.

Тарқалиши. Самарқанд ва Жиззах вилоятлари: Молгузар ва Зарафшон тизмаларидаги тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги майда жинс тупроқларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [159, 221, 330].

М.Б. Тиркашева

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 20–30 см. Стебли многочисленные, тонкие, голые, слегка опушенные под корзинкой, облиственные, одноголовчатые. Листья тонкокожистые, с обеих сторон зелёные, голые, цельные или реже выемчатые, зубчатые. Прикорневые и нижние стеблевые листья черешковые, ланцетные; остальные – к вершине стебля постепенно уменьшающиеся, узколанцетные, сидячие. Корзинки длиной до 20 см, продолговатые. Листочки обертки многочисленные, кожистые, наверху округлые. Венчики розовые. Молодые семянки голые. Цветёт в июле–августе, плодоносит в августе.

Распространение. В Самаркандской и Джизакской областях: Мальгузарский и Зеравшанский хребты.

Места обитания. Каменистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [159, 221, 330].

М.Б. Тиркашева

Very rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the Malguzar and Zeravshan ranges (Samarkand and Jizzakh regions). Inhabits stony slopes in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: not protected.

292. БУНГЕ ТАКАСОҚОЛИ

Козелец Бунге / Scorzonera bungei Krasch. et Lipsch.

Мақоми 2. Қизилқумдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Илдизи тугунаксимон йўғонлашган кўп йиллик ўт. Илдиз бўғизи қалин, малла тукли. Пояси 2–3 та, баъзан битта, шохланган, шохчалари якка саватчали, тукли. Барглари юмшоқ, ҳар икки томони ётиқ тукли, четлари текис ёки эгри-бугри. Илдизолди барглари кенг наштарсимон, эни 1,5–2 см, бандли. Поядаги барглари қалами, наштарсимон, бандсиз, пояни ярим қамраб олган. Саватчаси дастлаб цилиндрсимон бўлади, кейинчалик эса тескари чўққисимон шаклга киради. Мева тукканда саватчаси пастга қараб эгилади. Ўрама баргчалари кумушранг туклар билан қопланган. Гуллари сарғиш. Уруғи 6–7 мм узунликда, оқ момиқ тукли. Апрелда гуллаб, уруғи май ойида етилади.

Тарқалиши. Қорақалпоғистон: Қизилқумда Султон Увайс тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғларнинг қояларида ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Муайян тупроқ шароитига мослашганлиги сабабли кам тарқалган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [164, 186, 189].

Г.А. Серекеева

Статус 2. Редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение. Корень клубневидно-утолщенный. Корневая шейка рыжевато-серо-шерстистая. Стебли в количестве 2–3, реже одиночные, ветвистые, ветви с одиночными корзинками, опушенные. Листья мягкие, с обеих сторон прижатоопушенные, по краю плоские и слегка волнистые. Прикорневые листья широколанцетные, шириной 1,5–2 см, с черешками; стеблевые линейно-ланцетные, сидячие, слегка стеблеобъемлющие. Корзинки в молодом состоянии цилиндрические, позже обратноконические, в период плодоношения – поникающие. Листочки обёртки серебристо-опушенные. Цветки лимонно-жёлтые. Семянки длиной 6–7 мм, бело-шерстистые. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Каракалпакстан: Кызылкумы: останцовые горы Султан-Увайсдаг.

Места обитания. Каменистые склоны и скалы останцовых гор.

Численность. В 2009 г. отмечено всего 2 растения.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к гипсам.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [164, 186, 189]

Г.А. Серекеева

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Sultan-Uveisdag remnant hills (Karakalpakstan). Inhabits stony slopes and rocks of remnant hills. In 2009, 2 plants were found. Limiting factors: growing on gypseous slopes. Measures of protection: not protected.

293. БОЧАНЦЕВ ТАНАЦЕТОПСИСИ

Танацетопсис Бочанцева / Tanacetopsis botschantzevii (Kovalevsk.) Kovalevsk.

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубида жуда кичик майдонларда сақланиб қолган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25–45 см орасидаги илдиз пояси йўғон, кўпбошчали кўп йиллик ўсимлик. Пояси кўп, пастки қисми сертук, камбарг. Илдизолди баргларининг узунлиги 10 см, эни 2 см, узун бандли, икки карра патсимон бўлинган. Поядаги барглари кичрайган ва камроқ бўлинган. Ҳар бир пояда 3–8 тагача саватча жойлашган. Саватчалар узун ва ингичка бандларда ўрнашиб, ёйиқ шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Ўрама баргчалари сарғиш яшил рангли, қалин ётиқ тукли. Гули сариқ, қалин тукли. Июль ойида гуллаб, мева беради.

Тарқалиши. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари (Бойсунтоғ, Яккабоғ дарёсининг юқори қисми)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмидаги ёнбағир ва сурилмаларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [125, 310].

Ғ.М. Шерматов

Статус 2. Очень редкий эндемик юга Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 25–45 см, с утолщённым многоглавым корневищем. Стебли многочисленные, у основания шерстистовойлочные, слабо облиственные. Прикорневые листья длиной до 10 см и шириной 2 см, на довольно длинных черешках, дважды перисторассеченные. Стеблевые листья уменьшающиеся и менее рассечённые. Корзинки в количестве 3–8 на одном стебле, собранные на очень длинных тонких ножках в рыхлое кистевидное соцветие. Листочки обёртки светло-жёлто-зеленоватые, густо-войлочно-опушенные. Цветки жёлтые, густоопушенные. Цветёт и плодоносит в июле.

Распространение. В Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: юго-западные отроги Гиссарского хребта, Байсунтау, верховья реки Яккабагдарья.

Места обитания. Склоны и осыпи в верхнем поясе гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сведений нет.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [125, 310].

Г.М. Шерматов

Very rare endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the south-western outskirts of the Hissar range, the Baysuntau, the Yakkabagdarya river basin (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits slopes and mounds in the upper belt of mountains. Population is very rare. Measures of protection: protected in Hissar state reserve.

294. БУТКОВ ТРИХАНТЕМИСИ

Трихантемис Буткова / Trichanthemis butkovii Kovalevsk.

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг жуда камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 40 см га етадиган, йўғон, кўп бошчали, ёғочланган каудексли кўп йиллик ўт. Пояси кўп, камбаргли. Барглари қаттиқ, туксиз ёки якка-якка тукли, асосидан икки ёки уч карра патсимон бўлинган, бандсиз. Саватчасидаги гуллари икки хил. Тилсимон уруғчи гуллари оқ, саватча ўртасидаги гуллари эса икки жинсли, сариқ. Ўрама баргчалари узун сийрак тукли. Уруғи узун оқ тукли. Июнда гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмаси (Оқбулоқ дарёсининг ҳавзаси)да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта ва пастки қисмларидаги қояларда ўсади.

Сони. Кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Пичан тайёрлашда бу турнинг қўшиб ўрилиши унинг қисқариб боришига сабаб бўлмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол давлат қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [123, 315].

К.Ш. Тожибаев.

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 40 см с толстым деревянистым многоглавым каудексом. Стебли довольно многочисленные, слабооблиственные. Листья жёсткие, голые или с единичными волосками, от самого основания дважды или почти трижды перисторассеченные, сидячие. Корзинки гетерогамные. Язычковые цветки женские, белые. Дисковые цветки обоеполые, жёлтые. Листочки обёртки с длинными редкими волосками. Семянки опушены длинными редкими волосками. Цветёт в июне, плодоносит в июле.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет, бассейн реки Акбулак.

Места обитания. Скалы в среднем и нижнем поясах гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сенокошение.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Чаткальском заповеднике и Угам-Чаткальском национальном парке.

Источники. [123, 315].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal range, the Akbulak river basin (Tashkent region). Inhabits rocks in the middle and lower belts of mountains. Population is very rare. Limiting factors: hay-mowing. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.

295. АНГРЕН УГАМИЯСИ

Угамия ангренская / Ugamia angrenica (Krasch.) Tzvelev

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 2–8 см га етадиган яримбутача. Кўп сонли поялари зич жойлашиб, гиламсимон чим ҳосил қилади. Барглари кўп, узунлиги 1,2 см, эни 0,6 мм гача бўлиб, зич жойлашган туклари кулранг-яшил тусга киради. Саватчалари якка-якка, жуда калта ва эгилган гулбандларда жойлашган. Гул баргчаларининг чети қўнғир, тўқ қўнғир ҳошияли. Най гулларининг тожбарги 4–5,5 мм узунликда. Уруғчалари 4–5,5 мм, кўндаланг жойлашган 10–15 та қовурғали бўлиб, улардан 5 таси сертук, алоҳида ажралиб туради. Июль–августда гуллаб, меваси август–сентябрда пишади.

Тарқалиши. Тошкент ва Наманган вилоятлари: Қурама (Арашан, Жардан довони), Чотқол (Чотқол биосфера қўриқхонаси), Писком (Оқсарсой) тизмаларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон (Талас Олатоғи, Угом–Бахмалкўл тизмалари) ва Қирғизистонда (Санталаш тизмаси) тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг юқори қисмидаги тошли, шағалли ёнбағирликларда, гранит бўлаклари орасида, тўкилмалар атрофида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера қўриқхонасида ва Угом-Чотқол миллий табиат боғида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [138].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкое эндемичное растение Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Полукустарничек высотой 2–8 см, с толстым корнем. Стебли многочисленные. Листья серовато-зеленые от довольно обильного опушения, многочисленные, длиной до 1,2 см и шириной 0,6 мм, на коротких черешках, продолговатые, перисто-рассеченные. Корзинки одиночные, расположенные на коротких, изогнутых ножках. Листочки их по краю с буроватой, перепончатой каймой. Венчик трубчатых цветков длиной 4–5,5 мм. Семянки длиной 4–5,5 мм, с 10–15 продольными ребрами, из которых 5 выдаются обычно сильнее других, обильно волосистые. Цветет в июне–июле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. В Ташкентской и Наманганской областях: Кураминский (Арашан, перевал Джардан), Чаткальский (Чаткальский биосферный заповедник), Пскемский хребты (Аксарсай). За пределами Узбекистана: Кыргызстан (Санталашский хребет), Казахстан (Таласский Алатау, Угамский хребет – Бахмаль-Куль).

Места обитания. На каменистых и щебнистых склонах, среди обломков гранитов, на осыпях сланцев в верхнем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Нет данных.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Чаткальского биосферного заповедника и Угам-Чаткальского национального парка.

Источники.[138].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Tashkent and Namangan regions: the Chatkal (Akbulak), the Kurama (Arashan), the Pskem (Aksarsay) ranges. Inhabits rocks and stony slopes in the upper belt of the mountains. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Chatkal biosphere reserve and the Ugam-Chatkal national park.



296. БЕЖИРИМ ЮРИНЕЯ
Наголоватка стройная / Jurinea gracilis Iljin

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг жанубига хос эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см атрофидаги кўп йиллик ўт. Поялари кўп, асоси оқиш, пахмоқ тукли, пастки қисми чалкаш ва сийрак безчали туклар билан қопланган, тик чизиқли (жўякли),

шохчалари якка каллакли. Барглари чўзиқроқдан наштарсимонгача, четлари текис ёки сийрак тишли, ўткир, туксиз, безчали, устки томони ғадир-будур. Ёпирма баргларининг япроқлари бандига қараб торайиб боради. Поядаги барглари бандсиз, поя бўйлаб пастга қараб ёпишган. Саватчаси косачасимон, туксиз ёки сийрак чалкаш тукли. Ўрама баргчалари 4–5 қаторли, яшил, ички томонидагилари қирмизи рангли. Тожи пушти рангли, саватчанинг четидаги гуллари пастга қараб осилган, қалин безчали. Уруғи силлиқ. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқларида, Бойсунтоғ ва Кўҳитангда тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмларида тошли ёнбағирларда ва очилиб қолган ола жинсларда ўсади.

Сони. Жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўзига хос тупроқ шароитида ўсишга мослашганлиги учун кичик майдонларда сақланиб қолган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Эндемик юга Узбекистана.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение. Стебли многочисленные, у основания шерстисто-бело-войлочные, в нижней половине паутинистые, рассеянножелезистые, продольно-бороздчатые, высотой до 50 см. Ветви одноголовчатые. Листья от продолговатых до ланцетных, цельнокрайные или с расставленными зубцами, заострённые, голые, железистые, сверху шероховатые; прикорневые – постепенно оттянутые в расширенный у основания черешок; стеблевые – сидячие, длинно и широко низбегающие. Корзинки чашевидные, голые или с отдельными паутинками. Листочки обёртки, 4–5-рядные, зелёные, внутренние – пурпурноокрашенные. Венчики розовые, краевые повислые, густожелезистые. Семянки гладкие. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле.

Распространение. В Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: Западные отроги Гиссарского хребта, Байсунские горы, Кугитанг.

Места обитания. Выходы пестроцветных пород, каменистые склоны в нижнем и среднем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Приуроченность к специфическим местам обитания.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Сурханском государственном заповеднике.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Endemic species of the southern Uzbekistan. It is spread at the western Hissar, Baysun mountains, the Kughitang (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits outcrops of gypseous rocks, stony slopes in the lower and middle belt of mountains. Population is very rare. Limiting factors: stenobiont species. Measures of protection: protected in the Surkhan state reserve.

297. ДАҒАЛБАРГ ЮРИНЕЯ

Наголоватка шероховатолистная / Jurinea asperifolia Iljin

Мақоми 2. Ғарбий Помир-Олойнинг камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт. Поялари кўп, тик, оддий, юпқа қиррали, безчасимон тукли. Барглари яшил, устки томони бироз буришган ғадир-будур, пастки томони ингичка чалкаш тукли. Илдизолди ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, лирасимон. Поянинг ўрта қисмидаги барглар пастидаги баргларига ўхшаш, лекин бандсиз, поянинг юқорисидаги барглари майдароқ, деярли бутун, қалами. Саватчаси якка, кўп гулли. Сиртқи ва ўртадаги ўрама барглари наштарсимон, устки томонидагилари тўқ яшил. Тожи пушти-қирмизи, ташқи томони безчали. Уруғи тескари пирамидасимон, силлиқ. Июнь–июль ойларида гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор ва Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмида тарқалган (Қизилсув, Эгрисув, Тўпаланг сув ҳавзалари, Тахта-Қорача довони).

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги оҳактошли ва тошли сурилмаларда ўсади.

Сони. Кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Редкий эндемик Западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 80 см. Стебли (их несколько) прямостоячие, простые, тонкопродольноребристые, железистоволосистые. Листья зелёные, сверху морщинистые, шероховатые; снизу тонкопаутинистые; прикорневые и нижние стеблевые – черешковые, лировидные; средние стеблевые – подобны нижним, но сидячие; верхние – уменьшенные, почти цельные, линейные. Корзинки одиночные, многоцветковые. Листочки обёртки наружные и средние ланцетные, в верхней части темно-зелёные. Венчики розово-пурпурные, снаружи обычно с железками. Семянки обратнопирамидальные, гладкие. Цветёт в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: Гиссарский хребет, бассейны рек Кызылсу, Игрису, Тупаланг; Зеравшанский хребет (около перевала Тахта-Карача).

Места обитания. Известняки и каменистые осыпи в среднем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Rare endemic species of the western Pamir-Alay. It is spread at the western part of the Hissar and Zeravshan ranges: the Kyzylsu, the Igrisu, the Tupalang river basins, the Takhtakaracha pass (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits limestones and stony mounds in the middle belt of mountains. Population is very rare. Measures of protection: protected in the Hissar state reserve.

298. ЗОКИРОВ ЮРИНЕЯСИ

Наголоватка Закирова / Jurinea zakirovii Iljin

Мақоми 1. Нурота тоғларида тарқалган жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Илдизи ёғочланувчи, кўп бошчали, кўп йиллик ўт. Поялари кам, узунлиги 50 см, оддий, тик чизиқли (жўякли), безчали, ярмидан юқориси баргсиз. Баргларининг устки томони ғадир-будур, пастки томони қалин безчали, йўғон томирли. Ёпирма ва поянинг пастки қисмидаги барглари қисқа бандли, чўзиқ, патсимон бўлинган ёки патсимон тишли. Поянинг ўрта ва юқори қисмидаги барглари бандсиз, япроғининг пастки қисми поя бўйлаб (пастга қараб) ёпишган, четлари текис. Саватчаси кўп гулли. Ўрама баргчалари тўрт қиррали, сарғиш-яшил рангли. Тожи пушти рангли, ташқи томони безчали. Уруғи тескари пирамидасимон, туксиз, силлиқ. Май ойида гуллаб, меваси июлда етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Навоий вилоятлари: Нурота ва Оқтоғ тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги шағалли, майда жинс тупроқли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан ва бачкисидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ташқари кўп боқилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Нуратинских гор.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение. Корень деревянистый, многоглавый. Стебли малочисленные, высотой до 50 см, простые, продольнобороздчатые, железистые, в верхней части безлистные. Листья сверху – шершавые, снизу – с сильно выдающейся центральной жилкой, густожелезистые; прикорневые и нижние стеблевые – короткочерешковые, продолговатые, перистолопастные или перистозубчатые; средние и верхние стеблевые – сидячие, низбегающие, цельнокрайные. Корзинки много-

цветковые. Листочки обёртки четырёхгранные, желтовато-зелёные. Венчик розовый, снаружи железистый. Семянки обратнопирамидальные, голые, гладкие. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Джизакской и Навоийской областях: хребты Нуратау, Актау.

Места обитания. Мелкоземисто-щебнистые склоны среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное и вегетативное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the Nuratau mountains. It is spread at the Nuratau and Aktau ranges (Jizzakh and Navoi regions). Inhabits fine earth slopes in the middle belt of mountains. Population is very rare. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

299. МАРИЯ ЮРИНЕЯСИ

Наголоватка Марии / Jurinea mariae Pavlov

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг жуда камёб эндемик ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 45 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кам, тик қиррали, ғуж-ғуж чалкаш тукли. Барглари буришган, майда безчали, сийрак чалкаш тукли, пастки томони кулранг,

ингичка, чалкаш тукли ва безчали. Ёпирма барглари ва поянинг пастки қисмидаги барглари қисқа бандли, япроқлари ярмигача йирик тишли ёки бўлакли. Поянинг ўрта қисмидаги барглари ёпирма баргларга ўхшаш, бандсиз, юқоридагилари майдароқ. Ўрама баргчалари саватчага ёпишган, наштарсимон, қирмизи рангли. Тожи қирмизи-пушти рангли. Уруғи тескари пирамидасимон, силлиқ. Июль–август ойларида гуллаб, уруғ беради.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Писком тизмаси (Нанай қишлоғи атрофи)да тарқалган. Қозоғистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг юқори қисмидаги тошли сурилмаларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсиш жойи Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудига тўғри келади.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 2. Очень редкий эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 45 см. Стебли многочисленные, продольноребристые, клочковатопаутинистые, облиственные. Листья морщинистые, мелкожелезистые, рассеяннопаутинистые, снизу сероватые, тонкопаутинистые, железистые; прикорневые и нижние стеблевые короткочерешковые, в нижней половине крупнозубчатые или лопастные; средние стеблевые подобны прикорневым, но сидячие; верхние – уменьшенные. Листочки-обёртки прижатые, ланцетные, обычно все пурпурно окрашенные. Венчики пурпурно-розовые. Семянки обратнопирамидальные, гладкие. Цветёт и плодоносит в июле–августе.

Распространение. Ташкентская область: Пскемский хребет, посёлок Нанай. За пределами Узбекистана: Казахстан.

Места обитания. Каменистые осыпи в верхнем поясе гор.

Численность. Встречается редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Места произрастания находятся на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Pskem range, nearby Nanai (Tashkent region). Inhabits stony slopes in the subalpine zone. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

300. САНГАРДАК ЮРИНЕЯСИ

Наголоватка сангардакская / Jurinea sangardensis Iljin

Мақоми 1. Ҳисор тизмасидаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 80 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Поялари камроқ, тик, якка бошчали, тик чизиқли (жўякли), сийрак безчали. Барглари-нинг устки томони яшил, бироз ғадир-будур, пастки томони кулранг, чалкаш тукли. Ёпирма ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, қолганлари бандсиз, япроғининг пастки қисми пояга ёпишган, тоқ патсимон, энг юқоридаги барглари ипсимон. Саватчаси цилиндрсимон. Ўрама баргчалари саватчага ёпишган, йўғон томирли. Тожи қирмизи-пушти рангли. Уруғи тескари пирамидасимон, туксиз, силлиқ. Июнда гуллаб, меваси июль–августда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасидаги Қизилсув, Сангардак ва Тўпаланг дарёлари ҳавзаларида ҳамда Бойсун тоғларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги ёнбағирларда майда жинс тупроқларда, арчазорларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 1. Очень редкий эндемик Гиссарского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 80 см. Стебли немногочисленные, прямостоячие, одноголовчатые, продольно полосатобороздчатые, рассеянножелезистые. Листья сверху зелёные, слегка шероховатые, снизу – сероватые, тонкопаутинистые; прикорневые и нижние стеблевые – черешковые, остальные стеблевые – сидячие, низбегающие, непарно перисторассеченные, самые верхние – нитевидные. Корзинки цилиндрические. Листочки обертки прижатые, с выступающими жилками. Венчики пурпурно-розовые. Семянки обратнопирамидальные, голые, гладкие. Цветёт в июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях: Гиссарский хребет, бассейн рек Кызылсу, Сангардак и Тупаланг, Байсунские горы.

Места обитания. Мелкоземистые склоны среднего пояса гор, арчовники.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском заповеднике.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the Hissar range. It is spread at the Hissar range, the Kyzylsu, the Sangardak and Tupalang river basins, the Baysun mountains (Surkhandarya and Kashkadarya regions). Inhabits fine earth slopes in the middle belt of mountains, juniper stands. The quantity is unknown. Measures of protection: protected in the Hissar state nature reserve.

301. ҚУМЧИЛ ЮРИНЕЯ

Наголовatка песколюбивая / Jurinea psammophila Iljin

Мақоми 3. Қизилқумдаги жуда камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси тик, кўп, кулранг чалкаш тукли, йўл-йўл жўякли, новдалари якка бошчали. Баргларининг ҳар икки томони кулранг-яшил, тукли, пастки томони қалин чалкаш тукли. Ёпирма ва поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, патсимон бўлинган ёки патсимон ажралган. Поядаги бошқа барглари бандсиз, асоси пояга ёпишган, энг юқоридаги барглари қалами, бандсиз, четлари бутун, учи ўткир. Саватчаси қалин кулранг ётиқ тукли. Ўрама баргчалари саватчага ёпишган, наштарсимон четлари ғадир-будур. Тожи қирмизи пушти рангли, ташқи томони безчали. Уруғи тик жўякли. Май ойида гуллаб, меваси июнда етилади.

Тарқалиши. Навоий ва Бухоро вилоятлари: Қизилқумда Оқтоғ, Олтинтоғ, Қулжуқтоғ этакларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Қолдиқ тоғларнинг пастки қисмидаги тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши ва ўтларнинг ўриб олиниши оқибатида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Статус 3. Очень редкий эндемик Кызылкума.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 50 см. Стебли прямостоячие, многочисленные, серовато-паутинистые, полосато-бороздчатые, одноголовчатые. Листья серо-зелёные с обеих сторон (но снизу гуще), паутинисто опушенные; прикорневые и нижние стеблевые – черешковые, обычно перисторазделные или даже перисторассеченные; стеблевые – сидячие, низбегающие; самые верхние линейные, сидячие, цельные, заостренные. Корзинки прижато-серо-войлочные. Листочки обёртки плотно прижатые, ланцетные, по краю мелко-шероховатые. Венчики пурпурно-розовые, снаружи железистые. Семянки продольноборозчатые. Цветёт в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Навоийской и Бухарской областях: Кызылкумы – подножия гор Актау, Алтынтау, Кульджуктау.

Места обитания. Каменистые склоны подножия останцовых гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота и заготовка кормов.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [105, 159, 331].

К.Ш. Тожибаев

Very rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the Aktau, the Altyntau, the Kuljuktau mountains (Navoi and Bukhara regions). Inhabits stony slopes of foothills of remnant mountains. The quantity is unknown. Limiting factors: intensive overpasturing and feedstock. Measures of protection: not protected.



302. МАЙДАГУЛТОЖБАРГЛИ ЭРИГЕРАН

Мелколепестник триморфообразный / Erigeron trimorphopsis Botsch.

Мақоми 2. Чотқол тизмасидаги ғоят камёб ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15–35 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси кўп. Ёпирма баргларининг узунлиги 2,5–11,5 см, эни 6–9 мм, тескари наштарсимон. Ўрама баргчалари қалами, наштарсимон. Саватчасининг узунлиги 0,9–1,3 см. Гули пушти ёки бинафша рангли. Уруғи узунчоқ наштарсимон, дағал, тукли. Июль ойида гуллаб, меваси август–сентябрь ойларида етилади.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмасида – Кўксувда тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Қирғизистонда учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғ минтақасининг юқори қисмидаги ўтлоқларда ўсади.

Сони. Табиатда жуда кам тарқалган, фақат бир ҳудуддагина аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ортиқ боқилиши натижасида камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ўсиш жойлари Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида жойлашган.

Манбалар. [159, 295].

М. Тўлаганова

Статус 2. Редчайший эндемик Чаткальского хребта.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение 15–35 см высотой. Корневище короткое, разветвленное. Стебли (их несколько) прямые, облиственные. Прикорневые листья 2,5–11,5 см длиной, 6–9 мм шириной, обратноланцетные, на длинных черешках. Корзинка длиной 0,9–1,3 см, листочки-обертки линейно-ланцетные. Цветки лиловые или розовые. Семянки продолговато-ланцетные, опушены жестковатыми волосками. Цветет в июле, плодоносит в августе–сентябре.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет – Куксу. За пределами Узбекистана: Кыргызстан.

Места обитания. На субальпийских лугах в верхнем поясе гор.

Численность. Известен из одного пункта.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Места произрастания находятся на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [159, 295].

М. Туляганова

Rare species of the Chatkal range. It is spread at the Chatkal range: Kuksu (Tashkent region). Inhabits subalpine meadows in the upper belt of mountains. Collected in one location. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Ugam-Chatkal national park.

303. КРАШЕНИННИКОВ ВИКОАСИ

Викоа Крашенинникова / Vicoa krasheninnikovii Kamelin

Мақоми 3. Помир-Олой, Нурота тоғлари, Оқтоғ тизмасининг камайиб бораётган эндемик ўсимлиги.

Кисқача тавсифи. Бўйи 5 – 8 см бўлган, поя-ларининг асоси сертук, бир бошчали, кўп йиллик сербарг ўсимлик. Барглари бандсиз, эллипссимон, узунлиги 9–11 мм. Саватчасининг узунлиги 8–10 мм, диаметри 8 мм гача. Ўрама барглари кўп қаторли, баргчалари ингичка, эллипс шаклида, ташқи баргларининг чети қалинроқ (терисимон), ичкиларининг чети эса қалин, пардасимон, попукли. Гуллари найсимон, очсариқ тусли, туксиз. Пистасининг узунлиги 2 мм, қалин ётиқ тукли. Июнь–август ойларида гуллаб, уруғ ҳосил қилади.

Тарқалиши. Навоий вилоятининг Оқтоғ тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Қояларнинг ораларида, ёриқларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқ маълумотлар йўқ.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар.[110, 159].

Н.Ф. Русанов

Статус 3. Узкий эндемик Нуратинских гор, хребет Актау.

Краткое описание. Многолетнее растение высотой 5–8 см, с одноголовчатыми стеблями. Листья эллиптические, длиной 9–11 мм. Корзинки длиной 8–10 мм, до 8 мм в диаметре. Обвертки многорядные, листочки околоцветника узкоэллиптические, бахромчатые. Все цветки трубчатые, светло-желтые, голые. Семянки длиной около 2 мм, густо-прижато-волосистые, хохолок длиной 6–7 мм. Щетинок 20–25. Цветёт и плодоносит в июне–августе.

Распространение. Навоийская область: горы Актау.

Места обитания. Трещины скал.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [110, 159].

Н.Ф. Русанов

Rare endemic species of the Aktau range. It is spread at the Aktau range (Navoi region). Inhabits rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: unknown. Measures of protection: not protected.

304. ТУКСИЗ ҚАРҒАТИРНОҚ

Коелпиния голоплодная / Koelpinia leiocarpa Popov

Мақоми 2. Ғарбий Ҳисордаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–25 см оралиғидаги бир йиллик ўт. Пояси пастки қисмидан шохланган, ғуборли ёки туксиз, баргли. Барглари ипсимон. Саватчалари узун, ингичка гулпояларда ўрнашган. Гуллари сариқ. Ташқи ўрама барглари қалами-бигизсимон. Уруғи сал эгилган, учига қараб торайиб боради, узунлиги 12–13 мм. Апрелда гуллаб, меваси май ойида етилади.

Тарқалиши. Қашқадарё вилояти: Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмидаги Яккабоғ дарёсининг юқори қисмида, Тошқўрғон қишлоғи тевараклари да ҳамда Ғузор тоғи этакларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидан то ўрта қисмигача бўлган гипсли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Жуда кам тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг ҳаддан ортиқ боқилиши натижасида камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ҳисор давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Манбалар. [126, 159].

Н.Ф. Русанов

Rare endemic species of the western Hissar range. It is spread at the western outskirts of the Hissar range: the Yakkabagdarya, nearby the villages Tashkurgan and Guzar (Kashkadarya region). Inhabits gypseous slopes from foothills to the middle belt of the mountains. Population is very rare. Limiting factors: overpasturing. Measures of protection: protected in the Hissar state reserve.



Статус 2. Редкий эндемик Западного Гиссара.

Краткое описание. Однолетник высотой 15–25 см. Стебель от самого основания разветвленный, с тонким налётом или голый, облиственный. Листья нитевидные. Корзинка на длинных тонких цветоносах. Цветки жёлтые. Наружные листочки обёртки линейно-шиловидные. Семянки слегка согнутые, к верхушке сужающиеся, длиной 12–13 мм. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Кашкадарьинская область: западные отроги Гиссарского хребта – верховья реки Яккабагдарья, окрестности кишлака Ташкурган, предгорья горы Гузар.

Места обитания. Гипсированные склоны от предгорий до среднего пояса гор.

Численность. Встречается очень редко.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Гиссарском государственном заповеднике.

Источники. [126, 159].

Н.Ф. Русанов

305. НУРОТА ЎЛМАСЎТИ

Бессмертник нуратавский / Helichrysum nuratavicum Krasch.

Мақоми 2. Нурота тоғларида ўсувчи камёб эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт ўсимлик, бўйи 10–20 см, наштарсимон тукли. Мевасиз поялари билан чим ҳосил қилади. Поялари кўп эмас, оддий, тик ёки ёнбошлаб ўсади. Барглари бандсиз, навбат билан ўрнашган, қалами, узунлиги 1,5–2,5 см, эни 1–2 мм. Саватчасимон ёки ингичка қўнғироқсимон, 2–6 тадан тиғиз бошчасимон қалқон тўпгулда ўрнашган. Ўрама барглари 5–8 қатор, кетма-кет ва тиғиз ўрнашган, ташқари қаватдагилари қалин тукли. Гуллари сариқ. Июнь–июлда гуллаб, меваси июль–август ойларида етилади.

Тарқалиши. Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятлари: Нурота ва Оқтоғ тизмаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. 1 200–2 000 м баландликда тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги тошли-чақиртошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Сийрак ҳолда учрайди. Якка-якка ҳолда ва кичик гуруҳлар ташкил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликнинг йиғиб олиниши ва чорва боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Популяцияларини назорат қилиш керак.

Манбалар. [18, 113, 203, 289].

Н.Ф. Русанов

Статус 2. Редкий эндемик Нуратау.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой 10–25 см, покрытое густым войлочным опушением. Листья сидячие, очередные, линейные, 1,5–2,5 см длиной и 1–2 мм шириной. Корзинки мелкие, 4–5 мм длиной и 3–4 мм шириной, обратноконические или узко-колокольчатые, в числе 2–6, собраны в плотный головчатый щиток. Листочки обертки 5–8-рядные, плотно черепитчато расположенные, наружные по спинке, густо-паутинисто-опушенные. Цветки желтые. Цветет в июне–июле, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Джизакской, Навоийской и Самаркандской областях: хребты Нуратау и Актау.

Места обитания. Произрастает на каменисто-щебнистых склонах нижнего и среднего пояса гор (1 200–2 000 м).

Численность. Встречается спорадически, небольшими популяциями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор растений и чрезмерный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется на территории Нуратинского государственного заповедника.

Источники. [18, 113, 203, 289].

Н.Ф. Русанов

Rare endemic species of the Nuratau mountains. It is spread at the Nuratau and Aktau ranges (Jizzakh, Navoi and Samarkand regions). Inhabits stony slopes (1 200–2 000 m.s.l.). The quantity is unknown. Limiting factors: collecting of plants and pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

ҚЎНҒИРОҚГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО КОЛОКОЛЬЧИКОВЫЕ – CAMPANULACEAE

306. УЛУҒВОР КЎЗАГУЛ

Островския величественная / Ostrowskia magnifica Regel

Мақоми 1. Марказий Осиёнинг камёб, реликт ўсимлиги.

Қисқача тавсифи. Бўйи 170 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Пояси ғовак, тик. Барглари ҳалқа ҳосил қилиб ўрнашган, тухумсимон, чўзиқроқ, йирик тишли, кўкимтир. Косачалари ингичка қалами-наштарсимон бўлакли, узунлиги 5 см гача. Тожи оч бинафша рангли, баъзан оқ, узунлиги 8–10 см, бўлаклари тухумсимон, найчасидан қисқа. Меваси кўсакчасимон. Уруғи чўзиқ тухумсимон. Май–июнь ойларида гуллаб, меваси июнь–июлда етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Тўпаланг ва Шарғун дарёларининг ҳавзалари)да тарқалган. Тожикистонда, Қозоғистонда ва Шимолий Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги йирик тошли сурилмаларда, қояларнинг сояларида ҳамда зарангзорларнинг чеккаларида ўсади.

Сони. Табиатда тўп-тўп (50 туп атрофида) бўлиб тарқалган. Умумий сони 30 000 тупдан ошмайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Гуллари ва илдизларининг йиғиб олиниши ҳамда уруғ маҳсулдорлигининг пастлиги натижасида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Марказий Осиё республикалари ва чет эл ботаника боғларида муваффақиятли ўстирилмоқда. Уруғидан экилганда, 4–5-йили гуллайди.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [156–159, 303].

У.Х. Қодиров

Статус 1. Редкий реликт Центральной Азии.

Краткое описание. Многолетнее травянистое растение высотой до 170 см. Стебель голый, прямой. Листья в мутовках, яйцевидные, продолговатые, крупно-зубчатые, сизоватые. Чашечка с узколинейно-ланцетными долями, длиной до 5 см. Венчик грязновато-сиреневый, реже – белый, длиной 8–10 см с яйцевидными лопастями, намного короче трубки венчика. Плод – коробочка. Семена яйцевидно-продолговатые. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июне–июле.

Распространение. Сурхандарьинская область: Гиссарский хребет – бассейн реки Тупаланг и Шаргунь. За пределами Узбекистана: Таджикистан, Казахстан, Северный Афганистан.

Места обитания. Крупнообломочные осыпи, в тени скал, опушки кленовых лесов в среднем поясе гор.

Численность. Встречается спорадически небольшими (не более 50 растений) группами. Общая численность не превышает 30 тысяч растений.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сбор цветов, выкапывание клубней и низкая семенная продуктивность.

Культивирование. Успешно культивируется в ботанических садах Центральной Азии и за рубежом. При выращивании из семян зацветает на 4–5 году жизни.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [156–159, 303].

У.Х. Кодиров

Rare relict species of Middle Asia. It is spread at the Hissar range: the Tupalang and Shargun rivers basins (Surkhandarya regions). Inhabits large-disintegrated rock mounds, in the shadow of trees, edges of maple forests in the middle of mountainous zone. Small groups can be found sporadically (up to 50 plants). Total number does not exceed 30 thousand specimens. Limiting factors: picking of flowers, digging up of bulbs and low seed productivity. Measures of protection: not protected.

ҚУМСЎТАДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО ЦИНОМОРИЕВЫЕ – CYNOMORIACEAE

307. ЖУНҒОР ҚУМСЎТАСИ, ЦИНОМОРИЙСИ

Циноморий джунгарский / Cynomorium songaricum Rupr.

Мақоми 2. Ўзбекистон учун камёб тур.

Қисқача тавсифи. Қизил-бинафша рангли текинхўр ўсимлик. Бўйи 7–20 см, йўғонлиги 1,5–3 см, учбурчак тангачалар билан қопланган, узунлиги 3–5 мм. Тўпгули жуда тиғиз, тўғнағичсимон, цилиндрсимон. Гуллари зич жойлашган. Гулқўрғон бўлакларининг узунлиги 2–4 мм. Чангчисининг чангдони билан узунлиги 2,5 мм, уруғчисиники 2–3 мм. Меваси шарсимон, эни 1,25–1,5 мм. Май–июнда гуллайди ва мева тугади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти, Қорақалпоғистон: Кўҳитангнинг тоғолди қисмлари ва Устюртда тарқалган. Ўзбекистондан ташқари, Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон ва Мўғулистонда ҳам ўсади.

Ўсиш шароити. Қумли ва ола жинсли тупроқларда ўсади.

Сони. 2009 йили Шўроб атрофида 10 туп, Келиф-Шеробод тепаликларида 12 туп борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [134, 159].

Ф.Ў Ҳасанов

Статус 2. Редкий для Узбекистана вид.

Краткое описание. Пурпурно-фиолетовое паразитическое растение (на корнях *Salsola dendroides*). Стебель высотой 7–20 см, толщиной 1,5–3 см, покрытый прижатыми треугольными чешуйками длиной 3–5 мм. Соцветие очень плотное, булавовидное, цилиндрическое. Цветы тесно расположенные, не выдающиеся. Листочки околоцветника длиной 2–4 мм. Тычинки с пыльниками длиной 2,5 мм. Пестик длиной 2–3 мм. Плод шаровидный 1,25–1,5 мм в диаметре. Цветет и плодоносит в мае–июне.

Распространение. Сурхандарьинская область: предгорья Кугитанга; Каракалпакстан: плато Устюрт. За пределами Узбекистана: Туркменистан, Кыргызстан, Таджикистан, Иран, Афганистан, Монголия.

Места обитания. Песчаные почвы и пестроцветы.

Численность. В 2009 году зарегистрировано 10 растений в окрестности кишлака Шуроб, 12 – на Келиф-Шерабадской гряде.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Не установлены.

Культивирование. Нет сведений.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [134, 159].

Ф.О. Хасанов

Rare species in Uzbekistan. It is spread at the Kughitang range, the Ustyurt Plateau (Surkhandarya region, Karakalpakstan). Inhabits sands and gypseous slopes. 10 plants were found in 2009, nearby the village Shurob, 12 – on the Kelif-Sherabad range. Measures of protection: not protected.

ҒОВЗАБОНДОШЛАР ОИЛАСИ – СЕМЕЙСТВО БУРАЧНИКОВЫЕ – BORAGINACEAE

308. МАЙДА МОВИЙГУЛ

Липучка мелкая / Lappula parvula Nabiev et Zakirov

Мақоми 2. Ўзбекистоннинг шимолида тарқалган, ареали қисқариб бораётган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10–15 см, пояси оддий ёки бироз шохланган бир йиллик ўт. Барглари учли наштарсимон ёки чўзиқроқ нишли, дағал туклар билан қопланган, асосан, поясининг пастки қисмида жойлашган. Тўпгули сийрак мевали, 2–3 см узунликда, мева банди узунроқ (пасткилари 1,5 см гача боради), асосан, пастга қайрилган. Косачаси 1–2 мм узунликда. Тожбарги кўк, 2–3 мм узунликда, эгилган қисми нозик қўнғироқсимон. Меваси пирамида шаклидаги 2,5–3 мм ли ёнғоқчалардан иборат. Ёнғоқчаларидан 1 мм кўтарилиб турувчи устунчалари бор. Апрелда гуллаб, май ойида мевалайди

Тарқалиши. Қорақалпоғистондаги Султон Увайс тоғида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларида, қумлоқ тупроқларда ўсади.

Сони. Жуда камёб, кичик-кичик тўплари ондасонда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг муттасил боқилиши ўсимлик кўпайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [24, 201. 209, 246].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 2. Эндемик Северного Узбекистана с сокращающимся ареалом.

Краткое описание. Однолетнее растение с простым или слабоветвистым стеблем, высотой до 10–15 см. Ланцетные или продолговато-ланцетные волосисто-щетинистые листья сосредоточены в основном в нижней части стебля. Плодущие завитки рыхлоплодные, длиной 2–3 см, плодоножки удлинённые (нижние достигают 1,5 см), отклонённые, часто дуговато вниз отогнутые. Чашечка длиной 1–2 мм. Венчик синий, длиной 2–3 мм, с узким колокольчатым отгибом. Плоды – орешки пирамидальные, длиной 2,5–3 мм, яйцевидно-продолговатые, с продолговатым диском. Столбик поднимается на 1 мм над верхушками орешков. Цветёт в апреле, плодоносит в мае.

Распространение. Каракалпакстан: горы Султан-Увайс.

Места обитания. Супесчаные почвы в предгорьях останцовых гор.

Численность. Очень редок, встречается спорадически небольшими популяциями.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [24, 201. 209, 246].

О.К. Хожиматов

Endemic species of the northern Uzbekistan with the reducing area. It is spread at the Sultan-Uizdag mountains (Karakalpakstan). Inhabits sandy loam in foothills of remnant mountains. Very rare, small populations can be found sporadically. Limiting factors: intensive pasturing. Measures of protection: not protected.

309. НУРОТА МОВИЙГУЛИ

Липучка нуратинская / Lappula nurativica Nabiev et Zakirov

Мақоми 2. Нурота тоғида учрайдиган камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30–40 см, бир йиллик ўт. Илдизолди барглари кўп ва қалин, кенг наштарсимон, узунлиги 3–6 см, эни 3–5 мм, чизиқли поясининг узунлиги 1,5 см, кулранг тукли. Мевалаётган гажак тўпгули 10–15 см узунликда, рўваксимон зич жойлашган. Мева банди тўғри ёки бироз орқага қайрилган, 2–3 мм узунликда. Мевалардаги тўмтоқ косача бўлаклари мева асосига ёпишган. Гултожи ҳаворанг. Ёнғоқчаси тез тўкилувчан, чўзиқроқ, гардишида майда тиканли бўртмачалари бор. Устунчаси пишиб етилган ёнғоқчалар орасида бутунлай кўринмайди. Июнь–июль ойларида гуллайди ва мевалайди.

Тарқалиши. Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари: Нурота тизмасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмида тошли-шағалли ёнбағирларда ва қояларда ўсади.

Сони. Жуда кам миқдордаги тўплари бир-биридан узоқ бўлган кичик майдонларни эгаллайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг муттасил боқилиши ўсимлик кўпайишига салбий таъсир кўрсатади.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Нурота давлат қўриқхонасида ўсади.

Манбалар. [24, 201. 209, 246].

Н.Ю. Бешко

Статус 2. Узкий эндемик хребта Нуратау.

Краткое описание. Однолетнее растение, высотой 30–40 см. Листья прикорневые в густой розетке, широколанцетные, длиной 3–6 см, шириной 3–5 мм, стеблевые линейные, длиной 1,5 см, сероволосистые. Плодущие завитки длиной 10–15 см, густые, метельчато расположенные. Плодоножка длиной 2–3 мм, прямая или слегка отогнутая. Доли чашечки на плодах прижаты к основанию плода, тупые, венчик голубой. Орешки быстро опадающие, продолговатые. Диск усеян мелкими шиповатыми бугорками. Столбик скрыт между свободными верхушками орешков. Цветёт и плодоносит в июне–июле.

Распространение. В Джизакской, Самаркандской и Навоийской областях: хребет Нуратау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны и скалы в нижнем и среднем поясе гор.

Численность. Встречается редко, спорадически, единичными экземплярами или небольшими группами по нескольку растений. Локальные популяции занимают очень малую площадь и удалены друг от друга.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Охраняется в Нуратинском государственном заповеднике.

Источники. [24, 201. 209, 246].

Н.Ю. Бешко

Endemic species of the Nuratau range. It is spread at the Nuratau range (Jizzakh, Samarkand and Navoi regions). Inhabits stony and gravelly slopes and rocks in the lower and middle belts of mountains. Single specimens or small populations occur sporadically. Limiting factors: intensive pasturing. Measures of protection: protected in the Nuratau state reserve.

310. ОҚТОҒ МОВИЙГУЛИ

Липучка актавская / Lappula aktaviensis Popov et Zakirov

Мақоми 1. Қизилқумдаги қолдиқ тоғларда ўсадиган эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 см, тик ўсувчи, поясининг юқори қисми рўваксимон шохланган икки йиллик ўт. Илдизолди барглари кенг кураксимон, уруғлаш вақтида қуриб қолади. Поядаги барглари кенг чизиқли, пояси каби кулранг дағал туклар билан қопланган. Мевалаётган гажак тўпгули зич рўваксимон, 3–5 см узунликда, мева банди ва косачаси кулранг. Гули ҳаворанг, қайрилма қисми ясси. Ёнғоқчаси чўзиқ, 2,5–3 мм узунликда, усти майда тиканли бўртмалар билан қопланган. Устунчаси деярли кўринмайди. Гинофори (уруғдони) очиқ ҳолда кўриниб туради. Апрель ва май ойларида гуллаб мева беради.

Тарқалиши. Навоий вилояти: Қизилқумдаги Оқтоғ ва Бўкантоғ қолдиқ тоғларида учрайди.

Ўсиш шароити. Тошли-шағалли ёнбағирлардаги қоятошлар орасида ва ола тусли асосий тупроқларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг муттасил боқилиши ўсимлик сонининг кўпайишига салбий таъсир кўрсатади.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [24, 201, 209, 246].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 1. Узколокальный эндемик останцовых гор Кызылкума.

Краткое описание. Двулетнее растение с прямостоячим, вверху метельчато-ветвистым стеблем, высотой до 30 см. Прикорневые листья широколопатчатые, к плодоношению засыхающие, стеблевые широколинейные, серые, как и стебель, от щетинистого опушения. Плодущие завитки метельчатые, густые, длиной 3–5 см, плодоножка и чашечка серо-пушистые. Венчик голубой с плоским отгибом. Орешки длиной 2,5–3 мм, продолговатые, усеяны мелкими шиповатыми бугорками. Столбик еле заметен, гинофор открытый. Цветёт и плодоносит в апреле–мае.

Распространение. Навоийская область: Кызылкум – останцовые горы Актау и Букантау.

Места обитания. Каменисто-щебнистые склоны, скалистые и пестроцветные выходы коренных пород.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Интенсивный выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [24, 201, 209, 246].

О.К. Хожиматов

Rare endemic species of the Kyzylkum. It is spread at the Kyzylkum: the low mountains Aktau and Bukantau (Navoi region). Inhabits stony slopes, gypseous outcrops of bed-rocks. The quantity is unknown. Limiting factors: intensive pasturing. Measures of protection: not protected.

311. ЙИРИК ҲАЛҚАГУЛЛИ ТАНГАБАРГ
Риндера крупносводиковая / Rindera fornicata Pazij

Мақоми 2. Ғарбий Тянь-Шаннинг ўта камёб эндемик тури.

Қисқача тавсифи. Бўйи 60 см, поясининг юқори қисми тарвақайлаб шохланган кўп йиллик ўт. Поядаги барглари бандсиз, 4–9 мм узунликда, четлари ва уч қисми сийрак киприксимон тукли. Тўпгули ғовак-рўваксимон, гулли шохчалари қисқа, юқори қисмидаги зич гажак гули сертук, гулбанди 5–7 мм узунликда. Косачаси чалкаш тукли, қиррали пирпираклари тожнайчасидан калта. Гули сарғиш-ҳаворанг, 13–16 мм узунликда, найчаси сарғиш 7–10 мм узунликда, тож бўлаклари тўғри, чўзиқ чизиқли. Устунчаси узун, сершох. Ёнғоқчаси тухумсимон, гардиши силлиқ, туксиз. Ён қирралари майда тишли, учида лангарсимон тиканчалари бор. Май–июнь ойларида гуллайди ва мевалайди.

Тарқалиши. Тошкент вилояти: Чотқол тизмасида Сўқоқ дарёси водийсида (Мисконсой); Қурама тизмасида Тўқмоқ довони, Абжаз сойининг юқори қисмида; Угом тизмасида, Майдонтол дарёси ҳавзасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмидаги қоятош ёриқларида ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг муттасил боқилиши ўсимликнинг кўпайишига салбий таъсир этган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсимлик ўсаётган жойлар Угом-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудида қўриқланади.

Манбалар. [175, 211].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 2. Узколокальный эндемик Западного Тянь-Шаня.

Краткое описание. Многолетнее, в верхней части растопыренно-ветвящееся растение, высотой 60 см. Стеблевые листья сидячие, длиной 4–9 мм, по краю и на вершине рыхлореснитчатые. Соцветие рыхлометельчатое. Цветущие ветви короткие, в верхней части с густыми завитками, паутинисто-опушенные. Цветоножка длиной 5–7 мм. Чашечка паутинисто-войлочная, с ланцетными лопастями, короче трубки венчика. Венчик желтовато-голубоватый, длиной 13–16 мм с желтоватой трубкой длиной 7–10 мм, лопасти венчика прямые, продолговато-линейные. Столбик длинноветвящийся. Орешки яйцевидные: диск голый, гладкий; крыло по краю мелкозубчатое с якорными шипиками на зубчиках. Цветёт и плодоносит в мае–июне.

Распространение. Ташкентская область: Чаткальский хребет – долина реки Сукок (Мискансай); Кураминский хребет – перевал Токмак, верховья реки Абжассай; Угамский хребет – выше устья реки Майдантал.

Места обитания. Расщелины скал в среднем поясе гор.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Часть популяций произрастает на территории Угам-Чаткальского национального парка.

Источники. [175, 211].

О.К. Хожиматов

Endemic species of the western Tien-Shan. It is spread at the Chatkal range: the Sukok river valley (Miskansay); the Kurama range: the Tokmak pass, Abdzhassay, the Ugam Range: Maidantal (Tashkent region). Inhabits clefts of rocks in the middle belt of mountains. The quantity is unknown. LImiting factors: pasturing. Measures of protection: some populations protected in the Ugam-Chatkal national park.



312. БУХОРО ҒИЧМОЛАСИ

Гелиотроп бухарский / Heliotropium bucharicum B. Fedtsch.

Мақоми 1. Жануби-ғарбий Помир-Олойга хос, сони қисқариб бораётган, эндемик тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 20–50 см, бир йиллик ўсимлик. Пояси тик, қалин оқ тукли. Барглари бандсиз ёки қисқа бандли, юмалоқ-тухумсимон, узунлиги ва эни 3–5 см атрофида, оқ момиқ тукли, асоси юмалоқ ёки юраксимон. Гажак тўпгули бир томонга қайрилган, гуллари жуфт ёки 3–4 тадан иборат, икки уяли, 2–6 см узунликда, мевалаганда яна ҳам узаяди, оқ қалин туклар билан қопланган. Гулкосачаси қалин тукли, узунлиги 3 мм атрофида, косача бўлаклари тўмтоқ. Гули сариқ. Устунчаси қисқа ва туксиз. Тумшуқчаси конус-бигизсимон, устунчадан 2–3 марта узун. Ёнғоқчаси силлиқ, туксиз, чўзиқ, 1–5 мм узунликда. Май–июнда гуллаб, июль–августда мевалайди.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Туб жинсли, ола тусли ҳамда гипсли тупроқларда ўсади.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Асосан туб жинсли ва ола тусли тупроқ қатламларидагина ўсиши бу ўсимлик турининг тарқалишини чеклайди.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза йўллари ишлаб чиқилмаган.

Манбалар. [265, 310].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 1. Сокращающийся эндемик Юго-западного Памиро-Алая.

Краткое описание. Однолетнее растение высотой 20–50 см. Стебель прямостоячий, густо-белошерстистый. Листья сидячие или короткочерешковые, округло-яйцевидные, длиной 3–5 см и почти такой же ширины, белошерстистые, при основании округлые или сердцевидные. Завитки односторонние, парные или по 3–4, густые, двугнёздые, длиной 2–6 см, при плодах удлиннёные, белошерстистые. Чашечка войлочная, длиной около 3 мм, с тупыми линейными долями. Венчик жёлтый. Столбик голый, короткий. Рыльце конически-шиловидное, в 2–3 раза длиннее столбика. Орешки гладкие, голые, продолговатые, длиной 1–5 мм. Цветёт в мае–июне, плодоносит в июле–августе.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: юго-западные отроги Гиссарского хребта.

Места обитания. Коренные породы, пестроцветы и гипсоносные почвы.

Численность. Не установлена.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Сокращение площади гипсоносных толщ и выпас скота.

Культивирование. Сведений нет.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [265, 310].

О.К. Хожиматов

Endemic species of the south-western Pamir-Alay. It is spread at the Hissar range (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits bed-rocks, gypseous and gypsum-bearing soils. The quantity is unknown. Limiting factors: degradation of gypseous slopes and overgrazing. Measures of protection: not protected.

313. ЙИРИК ИЛДИЗЛИ МЕҲРИГИЁҲ

Оносма крупнокорневая / Onosma macrorhiza Popov

Мақоми 1. Жанубий Помир-Олойдаги камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Илдизи кўп бошчали. Сершоя, баландлиги 30–50 см. Дағал туклари оқиш. Барглари қиррали, узунлиги 2–4 см, эни 5–10 мм, учи ўткирроқ, барқутсимон. Тўпгули чўзиқроқ гажакли. Косачаси оқиш дағал тукли, узунлиги 7–10 мм. Гултожи сариқ, узунлиги 10–12 мм, кейинроқ қизил, қора-кўкиш тусга киради. Ёнғоқчаси қорамтир-кулранг, товланувчи, тумшуқчали.

Тарқалиши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида: Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Қизғиш қумлоқларда, қумтошларда ўсади.

Сони. Шўроб қишлоғи атрофида 2 000 тупи борлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимлик ўсиб турган ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли камайиб кетган.

Мадани йлаштирилиши. Ўсимликни ўстириш бўйича олиб борилган ишлар натижасиз тугаган.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Манбалар. [265, 310].

О.Қ. Ҳожиматов

Статус 1. Редкий эндемик Южного Памиро-Алая.

Краткое описание. Корень многоглавый. Стебли многочисленные, высотой 30–50 см, беловатые от щетинистого опушения. Листья ланцетно-лопатчатые, длиной 2–4 см, шириной 5–10 мм, островатые, бархатистые. Соцветие – удлиняющийся завиток. Чашечка бело-щетинистая, длиной 7–10 мм. Венчик длиной 10–12 мм, желтый (позже краснеющий и черно-синеющий). Орешки длиной 3 мм, темно-серые, блестящие, с носиком. Цветет в мае, плодоносит в июне.

Распространение. В Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях: юго-западные отроги Гиссарского хребта.

Места обитания. Краснопесчанники.

Численность. 2 000 растений в окрестностях кишлака Шуроб.

Размножение. Семенное.

Причины изменения численности и ареала. Разрушение естественных местообитаний.

Культивирование. Многочисленные попытки культивирования не увенчались успехом.

Меры охраны. Не охраняется.

Источники. [265, 310].

О.К. Хожиматов

Rare endemic species of Uzbekistan. It is spread at the south-western Hissar range (Kashkadarya and Surkhandarya regions). Inhabits gypseous slopes. The quantity is unknown. Limiting factors: decreasing of natural habitats and overgrazing. Measures of protection: not protected.

314. БОШМОҚСИМОН НОНЕЯ

Нонея башмачковидная / Nonea calceolaris Nikif. & Pazij

Мақоми 0. Ўзбекистон учун камёб эндемик ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўтсимон ўсимлик, ҳурпайган қалин безчали ва узун, дағал, сийрак тукли, баландлиги 30 см. Поялари бир нечта, асосидан шохланган. Барглари бутун ёки билинар-билинмас тишчали, қиррали-нишли, кенг ва тор қиррали, учи ўткир, узунлиги 2,5–4,5 см, эни 5–10 мм. Мева тугувчи гажаги 10–14 см узунликда, зич жойлашган, ғовакроқ. Мевабанди 1–2 мм узунликда. Косачаси гуллаганда қўнғироқсимон шаклга киради, узунлиги 7–8 мм, гултожи найчасидан деярли 2 баробар узун ва қиррадор ўткир тишчалари бор. Гултожи сарғиш, узунлиги 7–8 мм, найчасининг узунлиги 4 мм. Мева-ёнғоқчаси 3–4 мм узунликда, текис жойлашган, тукли, ён томонлари тиришган. Март–апрель ойларида гуллаб, меваси апрель–май ойларида етилади.

Тарқалиши. Мирзачўл ва Ҳисор тизмаси (Жоилма)да тарқалган (Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари).

Ўсиш шароити. Соз тупроқли чўлларда ва адирларда ўсганлиги аниқланган.

